

**«ЭРГАШ ОТА» МУЪЖИЗАЛАРИ**

**Бердикул Эргашев:**

**ЭНГ ШИРИН ЛАЗЗАТ  
САЛОМАТЛИҚДИР**

**“ТА’ЛИМ-MEDIA” НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ – 2020**

УЎК 821.512.133(092)  
КБК 51.1 (5Ў)  
С22

Англиялик олимнинг яқинда эълон қилган янгилигини оддий ўзбек шифокори бундан 27 йил аввал кашф этгани ҳақида эшитганмисиз? Ўт қоғи, жигар, буйракдан операциясиз тош туширадиган, қон босимини меъёрга келтирадиган, ортиқча вазндан халос қиладиган, гижжалардан тозалайдиган, озғинларга эт берадиган, онкологик хасталикларнинг олдини оладиган, вужудингизни яшартирадиган муолажа усулини ўйлаб топган шифокор ҳақида эшитганмисиз? Ўзбекистонда яқин-атрофида дорихона(аптека)си йўқ шифохона ҳақидачи? Хориждан соғлигини ўйлайдиган минглаб меҳмонларни юртимизга жалб этиб, тиббиёт туризмини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган, ўз салоҳияти билан инвестиция олиб кираётган тадбиркор борлигини биласизми?

Ушбу рисолада мустақил Ўзбекистоннинг илк хусусий тиббий марказларидан бири ва унинг бетақдор шифокори мисолида юқоридаги саволларга жавоб топасиз.

Бердиқул Эргашев: Энг ширин лаззат саломатликдир. («Эргаш ота» мўъжизалари туркуми) / Ҳалим Сайид. — Т.: «ТА'LIM-MEDIA» нашриёти, 2020. — 320 бет.

УЎК 821.512.133(092)  
КБК 51.1 (5Ў)

ISBN \_\_\_\_-\_\_\_\_-\_\_\_\_-\_\_\_\_

© Ҳалим САЙИД  
© «ТА'LIM-MEDIA»  
нашриёти, 2020.

## **СЎЗБОШИ**

**Ёхуд британиялик олимларнинг яқинда эълон қилган янгилигини заҳматкаш ўзбек шифокори бундан 28 йил аввал кашф этгани хусусида муқаддима**

## «АПТЕКА»СИ ЙЎҚ, АММО... ДУНЁГА МАШЎУР ШИФОХОНА

Ўзбекистонда яқин-атрофида дорихонаси йўқ, «аптекачи» тадбиркорлар хушламайдиган шифохона ҳақида эшитганмисиз?

Келинг гапни саволнинг бир қисмига жавоб беришдан бошлаймиз. Одатда бирор жойда шифохона қурилса, айниқса, шу кунларда, тадбиркорлар унинг ҳудудида, албатта, камида битта дорихона қурадилар. Тошкент тиббиёт академияси клиникаси атрофида бири-бирига улаб қурилган юзлаб дорихоналарни айтмай қўя қолайлик...

Ҳайратлиси шундаки, Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги «Эргаш ота» хусусий тиббий марказида, ҳатто, унинг икки километр радиусдаги ҳудудида дорихона тополмайсиз!!! «Тузукроқ тадбиркори йўқ эканда», деган хаёлга борманг асло. Тадбиркорлар минглаб касаллар даволанадиган бу шифохона атрофида дўконлар, кафе-ресторанлар, меҳмонхонаю ҳаммомлар, газ ва бензин қуйиш шохобчалари қуриб олишган, унинг атрофида «Такси» хизматлари, ҳатто, саёҳат учун махсус автобусларни учратасиз. Шифохона атрофида «Эргаш ота» мижозларига турли хизмат кўрсатаман деган тадбиркорлар ўртасида рақобат можаролари ҳам бўлиб туради. Лекин... дорихона йўқ! Нега? Бу не синоат?

Келинг, бирдан касалликларни даволаш мавзусига ўтишдан аввал кенгроқ фикр юритамиз. Атоқли шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, Берунийнинг ақл

машъали Америка қитъаси ҳақида хабар берганида «ухлар эди Колумб ҳам ҳали». Ҳолбуки, беш юз йил ўтгач саёҳатчи Христофор Колумб ўз кemasида Ҳиндистон сари сузиб, фалакнинг гардишию шамолу тўфонлар шарофати билан Америка қирғоғига лангар ташлайди. Бу тасодиф унинг номи қитъа кашфиётчиси сифатида Европа тарихида қолади. Абу Райҳон Берунийнинг илмий тафаккури асосида айтилган фикри нега тан олинмади? Ғарб таомилга киритган қондага асосан бу саволга жавоб берганда Беруний бобомиз ўз кашфиёти учун «патент» олмаганди.

Шарқликмизда, камтармиз. Бу амалимиз ҳануз давом этмоқда. Китобимиз ана шундай замондош ватандошларимиздан бири «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази раҳбари, олий тоифали шифокор Бердиқул Эргашев яратган антиқа даволаш усули ҳақида. Уни изоҳлашдан аввал хорижлик мутахассислар фикрини келтирамиз. Эро юртдошларимиз хориж шифокорларига кўпроқ ишонадилар, катта пул сарфлаб чет давлатларда даволанишни афзал биладилар.


### **Америкалик Жоэл Робинсон нима дейди?**

Ўз кашфиётини бутун жаҳонга овоза қилаётган америкалик амалиётчи врач ва жарроҳ Жоэл Робинсон ҳақиқатдан ҳам касалликлар асосини топган шекилли, гувоҳларнинг фикрича, 50 ёшли докторнинг ташқи кўриниши 30 яшар йигитдек экан. АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари раҳбарияти қўл остидаги учувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш бўйича маслаҳат олиш учун Ж.Робинсонни Вашингтонга таклиф қилишади. Ўша суҳбатнинг ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилган вариантдан бир парча.

«Соғлиқни сақлаш миллий институтлари маълумотларига қараганда овқат ҳазмидаги муаммолар билан шифокорларга 50 миллион нафар бемор мурожаат қилади. Бевосита овқат ҳазмидаги касалликларни даволашга эса ҳар йили 87 миллиард АҚШ доллари миқдориди маблағ сарфланади.

Бундай катта пул сарфланадиган хасталикларнинг сабаби нимада? Анъанавий тиббиётда ҳам, ноанъанавий тиббиётда ҳам биз, асосан, ташқи аломатларга қараб даволаш муолажаларини белгилаймиз. Масалан, бошимиз оғриси врач ҳузурига борамиз. У бизга «Аспирин» таблеткасини ёзиб беради. Дорини қабул қилгач бош оғриғимиз тузалади. Шунда хулоса чиқарамиз: бош оғриғи сабаби аспириннинг етишмаслигидир. Аслида бундай бўлиши мумкин эмас. Ацетилсалицил кислотаси бош оғриққа сабаб бўла олмайди. Унда бош оғриғининг сабаби нимада? Биз сабабини эмас, оқибатларни даволашга ҳаракат қиламиз. Унинг сабабларини аниқламасдан даволар эканмиз организмимиз қувватсизланишда давом этаверади. Менинг фикримча, касалликларнинг асосий сабаби организмнинг токсинли моддалар билан ўзини-ўзи заҳарлашидир.

Мен анъанавий ва ноанъанавий тиббиёт бўйича таҳсил олганман, лекин уларнинг ҳеч бирида ичаклар аҳволининг соғлиққа таъсири ҳақида айтилмаган. Тадқиқотларимиз эса ичакларимиз аҳволи саломатлигимизга бевосита таъсир этишини исботлаб берди.




Овқат ҳазмидаги муаммолар билан шифокорларга 50 миллион нафар бемор мурожаат қилади.

**Соғлиқни сақлаш  
миллий институти  
маълумоти**

Овқат ҳазми жараёни оғизда бошланади. Таомни чайнаш вақтида сўлак ажралади ва унинг таркибидаги энзим овқат ҳазмини бошлайди. Таом ошқозонга тушгач ҳазм қилиш давом этади. У ердан эса ингичка ичакка ўтади, ҳазм жараёни ниҳоясига етиб, ингичка ичак толалари озиқ моддани сўради. Қолгани йўғон ичакка ўтиб, нажасга айланади. Агар истеъмол қилинган таом тоза-табиий бўлмаса ичакларимиздаги қилчалар(ворсинкалар)нинг уст қисми шлаклар билан қопланади ва бу ҳолат зарур озиқларнинг сингмаслигига олиб келади. Буни бартараф этиш учун ҳар қанча қиммат таблетка ютсангиз ҳам пулингизни ҳавога совурган бўласиз», дейди Ж.Робинсон.

Шундай бўлса-да, бугунги тиббиёт йилига 87 миллиард АҚШ доллари бекорга сарфламоқда. Доктор Жоэл Робинсон ўз фикрини Буюк Британия қиролиги тиббиёт жамиятининг «ифлосланган йўғон ичак 65 хил касалликнинг келиб чиқишига сабабчидир», деган маълумоти билан ҳам асослайди. У яна кўплаб далиллар келтириб, ичакларнинг ифлосланиши ва ич қотиш(қабзият) барча касалликлар асоси деган хулосага келади.

Ўша тасвирларни кўрган кишида навбатдаги ва энг асосий савол туғилади: қандай қилиб ичакни тозалаш мумкин? Жоэл Робинсон бунинг беш йўли борлиги, лекин уларнинг ҳеч бири заҳарларни чиқаришга




Ифлосланган йўғон ичак 65 фоиз касалликнинг келиб чиқишига сабабчидир.

*Буюк Британия  
қиролиги тиббиёт  
жамияти маълумоти*

мўлжалланмаганлигини таъкидлаб, қуйидагича жавоб беради.

«Биринчи йўл — ичаклар. Қорин шишиши, бунда ичак табиий ҳолатига нисбатан беш марта катталашади. Бу чиқитларнинг организмдан мунтазам чиқмаслигини кўрсатади. Оқибатда улар ичак деворларида ёпишган ҳолда бир неча кун, ҳатто ҳафталаб қолиб кетади. Яна бир жиҳат, оғзингиздан келаётган бадбўй ҳид ичакларингиз яхши ишламаслигидан далолат. Бу тўпланган заҳарларни организмгиз ўпка орқали чиқаришга ҳаркат қилаётганини билдиради.



Ичак — бу организмнинг сугориш системаси ҳисобланади. Агар унга нотўғри муносабатда бўлинса, у бутун организмга тарқаладиган заҳарлар ишлаб чиқарадиган булоққа айланади.


**Уильям Хантер,  
АҚШлик доктор**

Иккинчи йўл — жигар. Жигарнинг асосий вазифаси қонни тозалаш ҳисобланади. Ичакларингиз заҳарли чиқитлар билан тўлган бўлса, жигар зиммасига қўшимча вазифалар юкланади. Бунда сиз белгиларини сезасиз. Масалан, бош оғриғи жигар тозалаб юборётган қоннинг сифатсизлигидан мия функциясининг бузилишидир. Бунда қувватсизланиш, ҳатто, хотира сустайиши кузатилади, чунки қонингиздаги заҳарлар миқдорининг ошиб кетиши тасаввурингизни сустлаштиромоқда. Булардан ташқари, инсонда жинсий иштиёқ сустаяди. Жигарнинг тиқинлар сабаб тозалашга улгурмаётгани натижасида қонда холестерин миқдори ошади, бўғим касалликлари, вазн оғирлашуви вужудга кела-

ди. Такрор айтамыз, бу касалликларнинг барчаси ичакда сақланиб қолган чиқитлар пайдо қилган заҳарларнинг танага сўрилиши натижасида келиб чиқмоқда.

Учинчиси — буйрак. Ичакларнинг яхши ишламаслиги натижасида буйраклар ҳам қўшимча юклама олади. Бу ҳолат ҳам қон босимининг ошишидан бошлаб, сийдик йўли системасида пайдо бўладиган буйрак билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради.

Тўртинчиси — ўпка. Юқорида оғиздан келаётган бадбўй ҳиднинг ичаклар яхши ишламаслигидан далолат эканлиги, бу организмнинг йиғилган заҳарларни ўпка орқали чиқаришга ҳаракат қилаётганини билдириши ҳақида гапиргандик. Унга астма ва аллергия касалликларини ҳам қўшишимиз мумкинки, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, булар ҳам ичаклар деворига ёпишган чиқитлар заҳарларининг сўрилиши оқибатида вужудга келгандир.



Ўзимизни токсинли моддалар билан заҳарлашимиз жоҳиллигимиз белгисидир.

*Доктор Жозел Робинсон, АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

Бешинчиси — тери. Тери чиқитларни чиқариш учун энг катта майдонга эга бўлган органдир. Ичак тўлган, жигар улгура олмаган, буйрак ишламайди. Бундай пайтда тери ишга тушади. Бунда экзема, псориаз ва бошқа тери касалликлари кўринишида муаммолар пайдо бўлади. Бу ҳам овқат ҳазми билан боғлиқдир.

Биз теримизни тоза сақлаш учун тез-тез, ҳатто ҳар куни чўмиламыз, душ қабул қиламыз. Нега энди доимий тоза сақлаш учун ичимизни ҳам ювиб турмаймиз?»

Доктор Робинсоннинг фикр ва далилларида кўплаб хулосалар чиқариш мумкин. Лекин унда «ични ювиш» сирлари айтилмаган. Дард жонидан ўтган касал Робинсоннинг гапини эшитгач, уни излаб АҚШга ҳам боришга ҳаракат қилади.

Юқорида даволаниш учун чет элларга ошиқадиган кишиларимиз ҳақида айтдик. Қуйида ана шундай ватандошимиз фикрини ўқиб кўринг.

**«Нью-Йорк шаҳри врачлари қабулида бўлганман»**

Турсуной Ҳайдарова (Бухоро шаҳридан, 1959 йилда туғилган):

- Ўзим тиббиёт ходимиман. Гепатитнинг «Б» формаси билан касаланганман. Ўт қопим ишламасди. Қон босимим 200га чиқиб кетарди. Оёқларим доим оғрирди. Касалликларимни кўп жойда даволатганман. Россиянинг Екатеринбург шаҳрида ҳам даволандим, Туркияга бориб ҳаво алмаштириб келдим. Ҳатто, АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри касалхонасида ҳам бўлганман. У ерда ҳам текшириб, ташхис қўйишди-да, «бу касалликни даволаб бўлмайди, енгиллаштириш мумкин холос», дейишди. Доимий ичишим учун дорилар ёзиб беришди. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. Вужудим оғирлашиб, айрим жойларим қотиб ҳам қолди. Намоз ўқиганда чап томонимга салом беролмай қолдим, яъни бўйним чап томонга бурилмай қолди.

«Эргаш ота» марказида даволанишнинг иккинчи кунидан вужудимда содир бўлаётган катта ўзгаришларни сеза бошладим. Аввало, бўйним чап томонга ҳам беамал бурила бошлади. Шифохонага келган кунимдан менга буюришган «Эналазит(25)» таблеткасини ичмай қўйган бўлсам ҳам қон босимим 120/80 га тушди.

Т.Хайдарованинг сўзларини диққат билан ўқисангиз бурилмай қолган бўйиннинг бурилиши, таблеткаларсиз қон босими тушганлиги сабабини билишга ошиқасиз. Хўш, ўзбек шифокори бундай натижага қандай эришмоқда? Аввало унинг касалликлар пайдо бўлиши ва уларни даволаш бўйича фикрларига эътибор қаратамиз.

**Бердикул ЭРГАШЕВ:**

## **КАСАЛЛИКЛАР ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ ВА УЛАР ҚАНДАЙ ДАВОЛАНАДИ?**

Бу саволга жавобни, албатта, бош шифокор Бердикул Эргашев беради, сиздан илтимосимиз шуки, унинг сўзларини шошмасдан, қайта-қайта ўқиб, уқиб, мушоҳада қилиб, хулоса чиқарарсиз, деган умиддамиз:

- Мен сўзимни машҳур файласуф Жалолиддин Румийнинг қуйидаги фикри билан бошламоқчиман.

*«Беш нарсдан аввал беш нарсанинг қадрини бил: касал бўлмасдан аввал соғлиқ қадрини, қаримасдан аввал ёшлиқ қадрини, қарамликдан аввал озодлик қадрини, қашшоқликдан аввал бойлик қадрини, ўлимдан аввал тириклик қадрини».*

Минг афсуски, олтиндан қиммат бу сўзларга ҳалигача кўпчилигимиз амал қилмаймиз. Узимизга, соғлигимизга ўз вақтида эътибор бермаймиз, танамиз ишдан чиққанча елиб-югурамыз, шунинг учун ҳам касалланамиз, оғир кунларни бошимиздан ўтказамиз. Шундагина ҳар бир инсонга саломатликдан кўра муҳимроқ, соғлиқдан кўра кўпроқ эътибор берадиган нарсанинг ўзи йўқлиги ҳақида кечикиб бўлса-да, ўйлаб қоламиз. Шунинг учун кишилар хасталиқдан сақланиш, сало-

матликларини асраш ва мустаҳкамлаш учун куч-гайрат, маблағ ва вақтларини аямайдилар.

Бунда турли муолажа усуллари, спорт ва бадантарбия машқларидан ҳам, Оллоҳ яратиб қўйган турли шифобахш неъматларни истеъмол қилишдан ҳам, тез-тез шифокор ва табиблар қабулида бўлиб, улардан маслаҳат ва тавсия олиб туришдан ҳам эринишмайди. Булар бежизга эмас. Ҳаёт тотли. Соғ-саломат умргузаронлик қилиш унданда ширин. Бахтли-саодатли умр кечириш учун эса инсонга, аввало, соғлик керак. Энг ширин лаззат саломатликдир. Бунинг бирор жойингиз оғриб турганда, бирор касаллик мунтазам безовта қилиб турганда сизга ҳеч нарса татимаслиги ҳолатидан билсангиз бўлади.

Касалликларнинг келиб чиқиш сабаби кўп бўлса-да, асли фақат бир моҳиятга бориб тақалади. Оллоҳ-таоло бандаларини вақти-вақти билан, баъзиларини эса бир умрга турли хасталиклар, аъзоларни майиб-мажруҳлиги ёки етишмовчилиги билан имтиҳон қилиб туради. Айниқса, ўзи севган бандаларига дард ва хасталикни, оғриқ ва беморликни кўпроқ беради.



Даволанишнинг эса усуллари кўп. Биров нажотни замонавий тиббиётдан ахтарса, бошқаси халқ табобатига муурожаат қилади, яна бир киши иккисини ҳам топа олмай, кимларнингдир тажрибасига суяниб иш қўради. Буларнинг бири афзал, бошқаси яроқсиз, дея ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Танлаш ихтиёри доим беморнинг ўзидадир.

*Бердиқул Эргашев,  
фахрий профессор*

Одатда касаллик «эшик қоқиб» кириб келса, унинг шифосини излашга киришамиз, муолажа йўлларини ахтарамиз. Шифокорларга, халқ табобатига мурожаат қиламиз. Халқ орасида юрган тажрибаларни ҳам назардан қочирмаймиз. Касалимиз аниқ, нима шифо бўлиши маълум бўлгач уни даволашга киришамиз. Касалликни турли сабабларга боғлаш қанчалик жоҳиллик бўлса, дард келганда даволанмаслик ҳам шунчалик жаҳолатдир. Даволанишнинг эса усуллари кўп. Биров нажотни замонавий тиббиётдан ахтарса, бошқаси халқ табобатига мурожаат қилади, яна бир киши иккисини ҳам топа олмай, кимларнингдир тажрибасига суяниб иш кўради. Буларнинг бири афзал, бошқаси яроқсиз, дея ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Танлаш ихтиёри доим беморнинг ўзидадир.

Баъзиларга халқ табобати ҳақида сўз очсангиз, бурнини жийирадида, руҳиятимизга, табиатимиз ва иқлимимизга мос даволаш усулларини билиб-билмай инкор қилади. Лекин масалага чуқурроқ назар ташланса, улар ўйлаганидек, гап у ёки бу усулнинг афзаллиги ёки номақбуллигида эмас, балки даволаниш учун самаралироқ, арзонроқ ва безарарини танлашда эканлиги ойдинлашади.

Касаллик қандай пайдо бўлади?


Бу саволни эшитган ҳар бир киши унга жавоб топа олмай ўйланиб қолиши табиий. Энг аввало, бу саволга **ДАРДНИ БЕРУВЧИ ҲАМ, ОЛУВЧИ ҲАМ ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ**, деган ҳақиқий ва лўнда жавоб бериш тўғрироқ бўлади.

Дунёда ҳеч бир нарса сабабсиз эмаслигини ёдда тутиб, Яратувчининг ўзи касалликларга шифо излашга буюргани учун ҳар бир хасталикнинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш, дардларни даволаш зарур. Бунинг учун, энг аввало, касаллик сабаблари ҳақида ўйлаб кўрайлик.

Улуғ ҳаким ва олим, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино ёзишича, киши миждози тўрт хил: биринчиси — қуруқ иссиқ, иккинчиси — ҳўл иссиқ, учинчиси — қуруқ совуқ, тўртинчиси — ҳўл совуқ бўлади. Яна инсон вужудида тўрт хил суюқ модда бўлади: биринчиси — сафро, иккинчиси — савдо, учинчиси — балғам, тўртинчиси — қон. Бундан ташқари, танада қамалиб, тикилиб қолгач, зарар етказадиган нарсалар ўнтадир: кўпирган қон, қўзғалган маний (шаҳват уруғи), бавл (пешоб), катта ҳожат, қориндаги дам, қусқу, аксани ташқарига чиқармаслик, уйқу, очлик, ташналик эҳтиёжини қондирмаслик. Агар мана шу 10 нарсанинг би-

рортаси ушланиб, тутилиб қолса, албатта, бирор дард, касалликни келтириб чиқаради.

Инсон танаси шунақа мукаммал яратилганки, ички аъзоларимиз фаолиятини қузатган киши ҳайратдан ёқа ушламасдан



Энг ширин лаззат салатликдир. Буни бирор жойингиз оғриб турганда, бирор касаллик мунтазам безовта қилиб турганда сизга ҳеч нарса татимаслиги ҳолатидан билсангиз бўлади.

*Бердикул Эргашев,  
фахрий профессор*

иложи йўқ. Инсоннинг еган таоми оғиз бўшлиғи ва томоқ орқали ўтиб, тўғри ошқозонга тушади. Ошқозон ва 12 бармоқли ичак таомни эзиб, унга зарур моддалардан қўшиб ҳазмга тайёрлайди, кейин таомнинг тилпини ичакка ўтказиб беради. Ичак ҳам ўзига зарур моддалардан олади ва қолган чиқитини ташқарига чиқариб юборади.

Ошқозон ва 12 бармоқли ичакда қолган соф қувватли сув меъда билан жигар орасидаги «масориқа» деб аталувчи меъда томирлари орқали жигарга қуйилади ва қонга айланади. Қайнаганда устига чиққан кўпиги бу «сафро», ён-атрофга чиққан қасмоқлари «балғам», остига тушган қуйқумлари «савдо», ана шу аралашманинг мусаффо, тоза қисми «қон»га айланади.

«Қон» инсоннинг умри давомида жигардан юракка, ундан ўпкага ўтиб, ўпкага кирган тоза ҳаводан тўйиниб, тозаланади ва яна юрак томирлари орқали бутун баданга бир меъёрда тарқаб, ҳамма аъзоларнинг ҳужайраларини озиқлантириб, жонлантириб туради.

«Сафро» жигарга осилган махсус ўт халтачасида, «савдо» қора талоқда бўлади, «балғам»нинг жойи ўпкада, «қон»нинг ўрни танадаги барча қон томирларидадир. Агар бирор тук тагига, бирор ҳужайрага қон етмай қолса, унга зарар етади ва ҳалок бўлади. Мана шу тўрт суюқ модда ўзига белгиланган жойда турса тана ҳамиша соғлом бўлади. Агар уларнинг меъёри бузилиб, ортиб, ё камайиб кетса, иллат — касаллик пайдо бўлади.

Демак ҳар бир касаллик — дарднинг боши емак-ичмакликнинг тартибсизлигидан бўлади. Шунини

яхши билиб олиш керакки, овқатланиш тартибига риоя қилган киши умр бўйи касалликка чалинмаслиги мумкин.

Сафро — қуруқ иссиқ, савдо — қуруқ совуқ бўлади. Қон - ҳўл иссиқ, балғам ҳўл совуқ бўлади. Ҳар бир касаллик кўпроқ шу моддаларнинг инсон баданида кўпайиб ёки озайиб кетишидан пайдо бўлади. Агар шифокор бемор мижозини аниқламасдан, ундаги ҳар бир модданинг озайгани ёки кўпайгани билан қизиқмасдан уни даволамоқчи бўлса қутилган натижага эриша олмайди. Шунинг учун одам ўз танасини доимо бўшатиб-тозалаб туришга алоҳида эътибор бериши керак. Абу Али ибн Синонинг айтишича, инсон тўрт хилга асосан тўртта тозаланишдан ўтади, яъни одам ўзига терни, сийдикни, нажасни ва манийни(шаҳват уруғи) мунтазам чиқариб, бўшалиб турса, Яратганнинг амри билан доимо соғ юриши мумкин.

Кишининг мижозини аниқлаш бўйича ҳозик табиблар ўз фикрларини ёзиб қолдирганлар.

Кўриниб турибдики, киши дардига даво излашдан олдин, мижозини аниқлаб олиш, танасидаги оғриқлар нимадан дарак бераётганлигига қараши беморни мукамал даволашга имконият яратади.

Агар юқорида айтилган тўрт модда: сафро, савдо, балғам ва қоннинг бири бошқасидан кўпайиб кетганлиги сабабли пайдо бўлган бўлса, ундан қутулишнинг бирдан-бир йўли ортиқча моддани танадан турли воситалар ёрдамида ҳайдаб чиқаришдир. Бунинг учун қайси модданинг кўпайиб

кетганига қараб ва бемор миждзини эътиборга олиб, ҳуқна(клизма) қилинади ёки сурги гиёҳлари берилади ёки қустирилади ёки қон олдирилади.

Узоқ йиллик кузатиш ва таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, инсоннинг хасталикка чалинишига асосан беш омил сабаб бўлади: бу тана аъзоларининг шамоллаши, овқатланиш, уйқу меъёрининг бузилиши, камҳаракатлилик, соғлиқ заволи бўлган ароқ ичиш, тамаки чекиш каби зарарли иллатлар ҳамда асаб тизимининг бузилишидир.

Яна бошқа омилларни ҳам келтириш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларида, шунингдек академиклар Юрий Лисицин ва Владимир Коморов тадқиқотларида инсон соғлиги қуйидаги омилларга: 55 фоизи кишининг турмуш тарзига, 18 фоизи ирсиятга, 17 фоизи атроф-муҳитга ва 10 фоизи соғлиқни сақлаш ишларининг ташкил этилишига боғлиқ экан.

Дунёда ҳамма нарсанинг сабаби бўлганидек, Оллоҳ таоло, касалликлар давосига турли неъматларини ёки муолажа усуллари сабаб қилиб қўйган.

Танамиз шундай мураккаб ва ҳайратланарлики, қайси аъзо камқувват бўлса, ўша аъзо миядан келган назлани қабул қилаверади. Миядан оқиб келувчи назла меъда, томоқ, пешона, қовоқ, юз чуқурчалари, бурун, ўпка, ичак, ҳатто жигарга ҳам келиб қўйилиши мумкин. Агар ана шу суюқлик(назла) бурунга қўйилса тумов ҳосил бўлади. Агар у томоққа қўйилса бодомсимон безни шамоллатиб, йирингли шиш(ангина) чиқаради. Бор-

дию у ўпкага қуйилса ўпка, нафас йўллари шамоллашини пайдо қилади, ҳатто нафас қисишига олиб келиши мумкин. Назла меъдага келиб тушса ошқозон касаллигини келтириб чиқаради. Мабодо ошқозон кучли бўлса назлани ўзида қолдирмай бошқа аъзоларга ўтказиб юборади. Агар ичакка ўтказса ич сурилади, жигарга ўтказса уни касаллантиради. Агар назланинг пешонага келган сув қисми чиқиб кетиб, қуюғи жойида қолса, у кўз томонга оқиб ўтиб, кўз қорачиғини ўраб олиши, натижада бемор кўр бўлиб қолиши мумкин.

Йигирма саккиз йиллик тажрибамиз шуни кўрсатадики, мушакларнинг жисмоний ҳаракат вақтида ишлашини, инсон ҳаёти учун зарур бўлган юрак қон айланиши, нафас олиш, тер чиқариш тизимлари, танадаги биотоклар таъсирининг ҳамда одам танасининг кексайиш жараёнининг асосий сабаблари танада модда алмашуви натижасида ҳосил бўладиган чиқиндилар ҳужайра ва ҳужайра оралиқларида, қон томирларда, пешоб, ўт ва бошқа йўлларда йиғилиб боради. Бундай пайтда эса ўз танамизни тозалашга эътибор беришимиз, аввало, овқатланишни оқилона ташкил этишимиз, тўғри нафас олишни ўрганишимиз, вақти-вақти билан эса, юқорида таъкидланганидек, танани тозалаш муолажасини ўтказиб туришимиз керак.

Биз таъкидлаб ўтадиган муолажа парҳез (айримларимиз бунини очлик деб ҳам атаймиз), табиий гиёҳлар ёрдамида бутун танадаги касалликларнинг асл сабабларига таъсир қилувчи, одам танасини ташкил этган ҳар бир ҳужайра ва тўқи-

маларни касаллик сабабларидан тозаловчи ва алалоқибат, дарддан фориф қилувчи даволаш усулидир. Бу усул хасталикларни даволабгина қолмай, касалликларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этади, шу билан бирга, барвақт кексайишнинг олдини олади, дори-дармонларсиз, жароҳлик муолажаларисиз халқимизнинг асосий бойлиги бўлмиш соғлигини сақлашда катта фойда беради. Даволаниш даврида бемор ўзини вақтинча овқатдан тияди. Бемор овқат истеъмол қилмаса ҳам оч қолмайди. Чунки организм ички жамғармаси, бериладиган табиий гиёҳлар, шарбатлар ва албатта, биз яратган ноёб малҳам ҳисобига яшашга ўтади. Одамлардаги бундай туғма ирсий имкониёт барча тирик жониворларда ҳам мавжуд. Шунинг учун уч-тўрт кундан кейин муолажа жараё-



*Бош шифокор Бердикул Эргашев беморнинг қон томирини текшириш асосида ташхис қўймоқда.*


нида миждоз ҳеч қандай очлик сезмайди. Табиийки, даволаниш давомида одам ўзининг 20-25 фоиз вазнини ҳаётига зарарсиз равишда йўқотади, яъни бемор табиий гиёҳлар, олма шарбати ва ўзининг ички имкониятлари ҳисобига яшайди. Шу билан касаллик сабаблари ҳам таг томири билан йўқолиб, бемор вужуди покланади. Бунда инсон касаллик белгиларидан эмас, балки уни келтириб чиқарган асосий сабаблардан ҳам халос бўлади.

«Очлик» деган сўз етишмовчиликлар сабабли қадимдан одамлар онгида ёмон таассурот қолдиргани учун ҳам қулоққа хунук эшитилади. Даволаниш жараёнида йўқотилган инсон вазнининг асосий қисми эса танасида йиғилиб қолган ортиқча ёғ, ўлик ҳужайра, тузлар, модда алмашинувида ҳосил бўлган чиқиндилар, ифлос ҳаво, сув, истемол қилинган дори-дармон ва овқатлардан ҳосил бўлган заҳарли чўкмалардир.

Муолажа жараёнида беморнинг нотўғри овқатланиши ва кам ҳаракатлилик натижасида танасида пайдо бўлган касалликларни келтириб чиқарган сабаблар бартараф этилади. Ташқи экологик муҳитнинг ифлосланиши, кўплаб дори-дармонлар қабул қилиш сабабли танамизнинг ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланиши, одамларнинг зарарли одатлари, яъни спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, чекиши ва шуларга ўхшаш таъсирлар оқибатида танада тўпланиб қолган заҳарли моддалар муолажа пайтида ҳуқна(клизма) ёрдамида, танамизнинг чиқарув аъзолари орқали чиқариб ташланади. Тана кераксиз чиқиндилар-

дан халос бўлгач, тери яшаради, ранги тиниқлашади, хужайралар таркиби яхшиланади. Кўзлар ҳам равшанлашиб, қарашлар ифодалироқ бўлиб қолади. Одам яшариб кетади. Ташқи томондан кўриниб турган бу яшариш, ички аъзоларда ҳам (кўринмаса-да) юз беради, уни ўзингиз ҳам ҳис қиласиз. Буни кўп йиллик иш тажрибамизда минглаб беморларда кузатиб, ўзларининг иқрорларига гувоҳ бўлиб келмоқдамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, даволанишдан аввал бемор бу муолажа моҳиятини англаб етиши ва унга руҳан тайёр бўлиши даркор. Танамиздаги тўқималарнинг ҳаммаси хужайралардан ташкил топган. Ҳар бир тирик хужайра модда алмашинуви ҳисобига яшайди. Даволаниш давомида одам ўзини вақтинча овқатдан тияди, дедик юқорида. Бу даврда бемор танасида кечадиган барча ҳаётий жараёнлар энди уни ҳар бир хужайра, тўқима, аъзолардаги чўкиндилар, касал, ўлик хужайра ва ёғ жамғармалари ҳисобига давом этишини юқорида айтгандик. Бемор онгида шакланган бундай маълумотлар, яъни фикр, тушунчалар унинг касалликлардан халос бўлишига ишонч, сабр-тоқат, ирода-матонат, бардош ҳосил қилади.



Инсон йўлиққан энг катта фожиа - бу ҳиссий тушкунлик, ақлий тубанлик ва ташаббуснинг йўқлигидир. Буларнинг барчаси нотўғри овқатланишдан бошланади.

*Бердикул Эргашев,  
фахрий профессор*

Яна такрор таъкидлаймизки, шифокоримизнинг кўп йиллик тажрибасидан келиб чиққан юқоридаги ҳар бир сўз моҳиятини чуқур англашимиз, яқинларимизга тушунтиришимиз учун уларни қайта-қайта ўқишимиз, ўқишимиз онгимизни касалликдан фориф бўлишга ҳозирлайди. Бердиқул Эргашев жаҳон тан олган буюк ва донишманд табибимиз Абу Али ибн Синонинг, аввало, инсон жисмини эмас, унинг онгини даволаш керак, деган фикрини ҳар бир шифоталабга тушунтириб, кейин муолажага киришади.

Эътибор берган бўлсангиз, Б.Эргашев америкалик Ж.Робинсон сингари фақат ичакларни тозалаш билан эмас, балки бутун организмни тозалаш орқали барча касалликларни даволайди, олдини олади. Шу ўринда Россия Федерациясининг Томск шаҳридан келиб даволанган Сергей Казаковнинг нуқтаи назарига қулоқ тутайлик.

- Мен 1963 йилда туғилганман. «Эргаш ота» тиббий марказига 2013 йилнинг мартида келиб қолганман. Бунга сабаб, менга қўйилган ташхис: гиперхолестерин(15, меъёри эса 4,5). Бу касалликнинг келажаги ногиронлик ва блокатор дориларга бир умрга маҳкумлик эди. Қон таркиби жуда ёмон, бундай қонни тозалай олмайётган жигарнинг аҳволини эса сўраманг.

Тасодифлар занжири худди эртақлардагидек мени Ўзбекистонга, Бердиқул Жўрақуловичга учраштирди! Айни пайтда учинчи бора келишим. 21 кун даволашдан сўнг ҳар гал уйга қайтганимда қон бўйича мутахассис гематологга анализ топшириб, текширтираман — соғайиш томон, тозаллик томон ўсиш ҳайратланарли даражада!

«Тушундим — бажардим — натижага эришдим», деган формула бор. Шу боис мен ҳам ўзбек шифокорининг муолажа усулига ўз нуқтаи назаримни билдирсам. Даволаш жараёнида тозалаш, бошқа турдаги озиқланиш орқали асл сабабга таъсир ўтказилади. Бунда инсон:

- ўз ҳаёти ва босиб ўтган умр йўлини қайта кўриб чиқади;

- яшаш тарзидаги қолиплар, ёлғон ва турли руҳий тузилмалардан халос бўлади;

- ўзини ва дунёни янгидан англайди.

Айтишим мумкинки, Бердиқул Жўрақулович инсон онги, руҳиятини ўзгартирадиган, янгилайдиган ҳудуд яратганки, бу муҳаббат маконида кишилар қалби очила бошлайди, нурга тўлади. Ана шу нурланиш ёғдусини бу ерда даволанган германиялик Виктор Риттер жуда ёрқин тасвирлаган: «Тангри таоло шифокорнинг қалбини бир нур билан тўлдирганки, бу неъматни у биз билан баҳам кўради, ўзи яратган бир коса мўъжизали малҳами каби вужудимизни саломатлик билан тўлдиради ва даволайди».

Дарҳақиқат, шифокор Б.Эргашев, у даволаган минглаб одамлар, у яратган самарали система — Келажак тиббиёти, Ҳаёт ва Тириклик уйғунлиги учун инсониятга таклиф этган даволаш усули ҳақида қанча гапирсак шунча оз. Бир тиббиётки, у мустаҳкам томирлари билан ўтмиш(Абу Али ибн Сино)га бориб тақалади ва замонавий ахборот технологиялари воситасида дунёни илмий англаш билан ривожланади.

Соғлик, бу — инсоннинг Ҳаёт йўлидан нақадар тўғри бораётганлиги тўғрисида кўрсаткичир. Мен ана шу йўлда худо етказган Инсон ва Устозни учратганимдан бахтиёрман.


Дарҳақиқат, Б.Эргашевнинг даволаш усулини ўз тажрибаси ва дунёқарашига асосан шарҳлаган Сергей Казаков ҳайратини яширмаяпти. Негаки, у ўз юрти шифокорлари даволай олмаган касалликларидан Ўзбекистонда шифо топмоқда.

Юқорида фикрлари келтирилган беморларнинг барчаси йиллаб даволанган. Югур-югур, текшир-текширгача кетган асаб, оилавий беҳаловатликлар, дори-дармонга сарфлаган қанчадан-қанча маблағни айтмайсизми? Шифо топиш ўрнига аҳволи ёмонлашиб, ҳаётдан умиди сўниб бораверган. Буни улардан бири айтмоқчи, бошидан ўтказгангина англайди. «Эргаш ота»да ҳаётга, ишлаб чиқаришга қайтарилган бундай бахтиёр инсонларнинг сон-саноғи йўқдир.

### **Миядаги «оч қолиш» ваҳимаси ҳақида**

Бу масалани ҳар бир муолажа олоқчи бўлган мижоз қайта-қайта ўйлаб, фикрлаб, онгидаги тасаввурни ўзгартириши шарт. Негаки, мазкур шифохонани баъзи мижозлар «очлик билан даволаркан», дейишади. Баъзилар очлик деган сўзни эшитиб, ваҳима исканжасида касалликларининг даволаш фурсатини ўтказиб юборадилар.

Ҳатто, бу мавзу бир қизиқчи томонидан «очлик билан даволаниб бўларканми?», дея «ҳажв» ҳам қилинди. Масаланинг моҳиятига етмаган томошабин мириқиб кулгани ҳам бор гап. Лекин бошқа машҳур қизиқчининг жиғар жиррози хасталигига даво йўқ, дея ҳатто врач-



Сиз танангиз ёки ақлингиз ўзини ёмон сезганда ҳар қандай овқатдан тийилишингиз керак.

*Бердикул Эргашев,  
фахрий профессор*

ларга ҳам ишонмай бу фоний дунёни эрта тарк этгани ўйлаб топилган гап эмас.

Биринчидан, тиббий марказда ҳеч ким оч қолмайди. Аввало, шифокорнинг шахсан қўлидан олиб ичиладиган бир коса малҳам ўн коса қовурма шўрванинг ўрнини босади. Қолаверса, истаган пайтингизда уч литргача табиий олма шарбати истеъмол қилишингиз мумкин. Шарбат таркибида инсон организми учун энг керакли озуқалар мавжуд. Суткасида уч марта бериладиган фиточойлар эса бемалол сув ўрнини босади. Шу мавзудаги фикримизга оддий мисол.

Очилтош Тўхтаева (Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан, 1958 йилда туғилган) фикрларимизни тасдиқлаб шундай деди:

- Илгари овқатим бир соат кечикса, чидай олмасдим. 15 кунки бундай бетоқатлик, очлик, чарчоқ ҳисси йўқ. Нон емай, сув ичмай яшаётганимга ўзим ҳам ҳайронман.

Ўзим шифокор бўлганим боис бу масканга ишониб-ишонмай, иккиланиб кириб келдим кўзларимга ишонмай туриб қолдим. Бу ердаги гўзалликка маҳлиё бўлиб, одамлар оқими, уларнинг кўзларидаги қувончни кўриб таъсирландим. Уларнинг бу юришидан 10-15 кунлаб оч юрган одам деб ўйламайсиз. Айниқса, даволанувчиларнинг нафақат ўзбек, балки олмон, рус, қозоқ, туркман, инглиз тилларида гаплашаётганини кўриб ҳайратим минг чандон ошди. «Эргаш ота»га келишга хавотирланиб, таъбир жоиз бўлса, қўрқиб юрганимдан уялиблар кетдим.

2014 йилдан буён қон босимим тез қўтарилиб кетадиган, бутун танамда оғриқ пайдо бўлган эди. Буйракларимнинг ишлаш меъёри бузилганди. Сурунка-

ли пиелонефрит, сурункали гепатохолестит, юз уч шохли нервнинг шамоллаши касалликлари билан Қарши, Самарқанд, Тошкент шаҳарларидаги невропатологларнинг эшигида неча кунлаб сарсону саргардон бўлганман. Ҳамма жойда бир хил жавоб — «Юз нервнинг тикланиши жуда қийин, энди яхши бўлмайди, то умрингизнинг охиригача «противоэпилептический» дориларни қабул қилиб юрасиз». Тўғриси айтсам тузалишидан умидимни узгандим. Бу ердаги муҳит умид учқунларини қайта тиклади.

2017 йилнинг 15 январида келган бўлсам, 3-4 малҳамдан кейин организмдаги ўзгаришларни сеза бошладим. Келганимда танам оғир, қўл оёқларимни қийнаиб, оғриқ билан букардим. Ана шу оғирлик енгиллашди. Краватдан қийнаиб қўзғолган одам, енгилгина ҳаракат билан туриб кетадиган бўлдим.

Шуларни ҳикоя қилаётганимда бугун 12 та (15 кунда) малҳам ичган инсон сифатида айтишим мумкинки, юзимдаги учишлар ҳам камая бошлади.

### **Марказда қандай касалликлар даволанади?**

— Шифохонамизда ички касалликлар — оғиз бўшлиғидан тортиб тўғри ичаккача 7 метрдан 9, ҳатто 12 метргача бўлган аъзоларда учрайдиган хасталикларни, хусусан, жигар ва ўт касалликларидан: сурункали гепатит, сурункали холецистит, холангит, тошли холецистит, тошсиз холецистит, ўт қопи операция йўли билан олиб ташлангач келиб чиқадиган хасталик(яъни, «пост-холецистогектомический синдром»), ўт йўли торайиши, чандиқ қоплаши, ўт халтаси қийшайиши ва сурункали панкреатит; қандли диабет хасталиги(инсулин қабул қилмаган бўлса), ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак касалликларидан:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг яллиғланиши ва яра хасталиклари, катта ва кичик демпинг синдром, сурункали энтероколит, сурункали қабзият, сурункали ич кетиши; шунингдек, анемия, верльгофа касаллиги, сурункали простатит, гиришпрунга ва рейно хасталиклари; буйрак ва сийдик йўли касалликларидан: сурункали пиелонефрит, иккала буйрак туз, тош, қум хасталиги, буйрақлар кистаси, сийдик йўли ва қовуқларда тош, қум, туз тўда бўлиши; бўғин касалликларидан: ревматоид, полиартрит (гормонал дорилар қабул қилмаган бўлса), семизлик билан боғлиқ хасталикларнинг олдини олиш ва даволаш; ўсмаларни профилактик йўл билан олдини олиш ва даволаш; гинекологик хасталиклардан: сур эндометрит, аднексит, бачадондаги миомалар, тухумдонлар кистаси; тери касалликлари; бўйин, кўкрак, бел қисмлари остеохондрози, диск чурраси, гижжа хасталикларини даволаймиз, — дейди бош шифокор Бердиқул Эргашев.

### **Малҳамнинг сирини нимада?**

Бу савол кўпчиликни қизиқтириши табиий. Унга берилган жавобни эшитган кишининг қўнғлида, барибир, бу малҳамда яна қандайдир сир бордек туюлаверади. Негаки, малҳам истеъмол қилинганда, кишини ҳайратда қолдирадиган натижалар рўй бера бошлайди.

— Малҳам таркибида 32 та компонент мавжуд, — дейди Б.Эргашев. — Уларнинг барчаси таби-



ий гиёҳлар. Бу шифобахш гиёҳларнинг аксарияти ўлка-мизда ўсади. Бизда мавжуд бўлмаганларини хориждан оламиз. Бобомиз Эргаш отанинг ўғитлари, тажрибалари асосида у киши беморларни даволаганда ишлатган малҳам таркибини такомиллаштирдик: малҳамга янги компонентлар қўшилди. Энди унинг инсон ички аъзоларидаги губорларни, қурумларини тозалайдиган, ҳатто ўсма хасталикларини профилактик йўл билан олдини олиш, даволашда фойда берадиган хусусиятлари ортди. Малҳамнинг асосий хусусияти шундаки, у жигар, ўт қопи, буйрак, сийдик йўлларини барча заҳарли моддалардан тозалайди. Улар тозалангач, кўпгина касалликларни келтириб чиқарадиган ОМИЛЛАР бартараф этилади.

**Дарё бўйида жойлашган шифохона  
(унинг гўзаллигини тузалгачгина англайсиз)**

«Эргаш ота» хусусий тиббий маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томони-



дан тиббий фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензия асосида иш юритмоқда.

Ўз фаолиятининг илк йилларида тиббиёт марказида ҳали зарур шарт-шароитлар йўқ эди, офир хасталикка чалинган беморларга бор имкониятдан келиб чиқиб хизмат кўрсатиларди.

— *Ўша пайтлар, — дейди марказда даволанганлардан бири, — хожатхона кўчада, ётоқхона эса Каттақўрғон шаҳридаги эски клуб биносиди эди. Бугун Каттақўрғон туманининг Қозоқовул қишлоғида, дарёнинг бўйида жойлашган шифохонада барча қулайликлар мухайё этилганини кўриб, очиги, беҳад хурсанд бўлдим.*

Дарҳақиқат, арчазор билан ўралган марказ Самарқанд шаҳридан Каттақўрғон шаҳрига Пастдарғом тумани орқали борадиган йўл ёқасида, катта анҳор бўйида Каттақўрғон туманининг Қозоқовул масканида жойлашган.

Баъзи беморлар бу жойга илк қадам қўйганда атрофдаги бу гўзалликка эътибор бермайди, тўғрироғи ҳис қилмайди. Чунки унинг кўзига бу дунё тор кўришиб қолган, хаёли «касалимдан халос бўлармиканман» деган ўй билан банд бўлади.

Муолажанинг биринчи ҳафтасида унинг ҳид билиш хусусияти тикланади, дунёнинг муаттар бўйларини ҳис қила бошлайди. Арчалардан таралаётган антиқа хушбўйликларни нега келганимда ҳис қилмадим, дея ўйлайди. Бироқ у ҳид билиш қобилиятининг тиклангани шифо топа бошлаётганидан далолат эканлигини ҳа деганда ҳам тушунавермайди.

Бир ҳафталик муолажадан кейин, бош шифокорнинг дам олиш кунда бериладиган ярим коса парҳез таомни егач, бу овқатдан минг чандон антиқаларини истеъмол қилиб юрган инсон ҳам «воҳ» деб юборади: «Нақадар мазали, лаззатли таом!» Аслида у оддий мастава бўлади. Лекин бемор юқоридаги каби соғлиги, организмидаги таъм билиш хусусияти қайтадан тикланаётгани ҳақида кам ўйлайди.

Муолажаларнинг сўнгги кунларида у атрофга қараб, гўзал манзараларни кашф этади. Хушбўй арча дарахтлари орасидан ўтиб анҳор бўйига келади, сокин оқаётган сувга ошуфта бўлади, қир-адирларда кўринаётган дов-дарахтлар, иморатларга боқади. У кўзларига нур қайтаётганини билармикан?

Ва ниҳоят, ўзини енгил сезиб, соғайган ва ҳатто, яшарган ҳис этиб, қадрдонлари — оиласи, ака-ука, опасингил, жуфти ҳалоли, бола-чақаси қошига шошаётган, уйига етиб эса, улар даврасида шукроналик билан дастурхон атрофида ўтирган, яъни ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлаётган инсонни ҳеч қузатганмисиз? Каминан кўп қузатган!!! Бироқ уни сўз билан таърифлашга қаламим ожиз...

Аммо ҳаётнинг бу лаззатларини даволанишга **РУҲАН ТАЙЁР**, шунингдек, **САБР**ли, **БАРДОШ**ли, **МАТОНАТ**ли инсонларгина туя олади. Негаки, малҳам ичилгач у беморни безовта қилади (ахир, ички аъзолардаги заҳарли моддалар

\* \* \*

Сихат тиласанг кўп  
ема,  
Иззат тиласанг кўп  
дема.

***Алишер Навоий***

осонгина чиқиб кетмайди-да). Айниқса, бир жойи оғриси, унинг сабабини аниқлаб даволанишга эмас, «Димед-рол» ва шу каби вақтинча оғриқни қолдиришга мўлжалланган дориларга ружу қўйган инсонларга бу фикрларни алоҳида таъкидлашни истардик.

### **Даволаниш муддати**

Юқорида касалликлар кетиши енгил кечмаслиги ҳақида гапирдик. Энди касалликлардан халос бўлиш муддати ҳам ҳар бир беморда ҳар хил кечади. Бу ҳақда бош врач Бердиқул Эргашев шундай дейди:

— Биринчи навбатда касалликнинг оғир-енгиллигига қараймиз. Касалликнинг ўткир шаклими ёки сурункали шаклими — шуларни инобатга олиб, беморнинг ёшینی назарда тутиб даволаш муддати ўзига хос тарзда белгиланади. Шунингдек, даволаниш муддати хасталикнинг турига ҳам боғлиқ. Масалан, ўттош касаллиги, буйрак-тош хасталиги, қум ёки туз хасталиги деймизми, бу уларнинг таркиби, миқдори, катта-кичиклигига ҳам боғлиқ. Даволаш муддати, асосан, 18-24 кунгача давом этади.

Тўғри, 27 йил давомида биз жуда оғир хасталикларни даволаганмиз. Ҳатто тўрт марта сариқ касал бўлиб, даволовчи врач: «Энди бўлмайди, тайёргарликларингизни кўраверинглар», деган беморларни ҳам 80 кунлаб, ҳаттоки 120 талаб малҳам ҳисобига дарддан халос этганмиз.

Гломерулонефрит (сурункали буйрак етишмовчилиги, қон босимини ошиши ва шишли тури) — бу жуда оғир касаллик. Шундай касалларни ҳам 60-70 кунлаб даволаганмиз. Ҳатто Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидаги Д.Сафаров жамоа хўжалигидан Муроджон

деган 15 яшар бола лейкоз (оққон) хасталиги (верльгофа касаллиги ҳам дейилади) билан қарийб 80 кун ётди. Албатта, бу касалликнинг давоси йўқ дейилса-да, Оллоҳнинг каромати билан муъжиза рўй бериб, даволаганмиз. Орадан 25 йил ўтибдики, яратганнинг марҳамати билан у оила қуриб, тўрт нафар фарзандга оталик қилмоқда. Соғлигидан ҳеч қандай шикаюти йўқ. Ҳозирги кунда Миллий гвардияда фаолият юритмоқда.

Ёки 1,5 яшар Рустамжонни она сутидан ажралмаган ҳолда олиб келишди. 60 кун қошиқда малҳам бериб соғайтирдик. Йиллар ўтибдики, бу йигитча ақлий ва жисмоний жиҳатдан фақат яхши натижалар кўрсатётгани ҳақида хабарлар олиб турамиз. Айни пайтда у спорт соҳасининг каратэ йўналишида қора белбоғ соҳиби.

XX асрдаги беморлар билан XXI аср беморлари ўртасида фарқ бор. Авваллари жуда оғир хасталарни ҳам қабул қилар, дардига малҳам бўлардик. XXI асрда ахборот, илм-фан ривожланиши натижасида касалликнинг олдини олган афзал эканлигини халқимиз англай бошлади. Бизда даволанаётганлар малҳамларимиз, гиёҳларимизнинг сирли кучини ҳис этиб, касалликни оғирлаштирмасдан келиб, соғлигини мустаҳкамламоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда даволаниш муддати 15 кундан 24 кунгача давом этмоқда.

Дарҳақиқат, шифокорнинг айтганини бажариш беморга фақат фойда келтиради. Келинг шу ўринда бир сабаб билан айтилган муддатгача даволанмаган мижоз фикрига қулоқ тутайлик.

Мавлон Қаҳҳоров (Тошкент вилояти Бўка туманидан, 1953 йилда туғилган):

- Бу даргоҳга биринчи бора 2009 йили келганман. 10та малҳам ичгач отамнинг маросимини ўтказиш учун рухсат сўрадим. Шифокоримиз ижозат бермади. «Отамнинг маъракаси ахир», деб туриб олганимдан кейин рухсат берди.

Нега ижозат бермаганини кейинги йил келганимда англаб етдим. Ўшанда 24 кунлик муҳлат бериб, даволанишим кераклигини тайинлади. 17-малҳамдан кейин ҳаддан ташқари қувватсиз бўлиб қолдим. Шифокор йигитлар ёрдамида ошхонага бордим. Менга бир пиёла асал чой қилиб беришди. Шундан сўнг ҳожатга бордим. Не кўз билан кўрайки, ичимдан бир ҳовучдан кўпроқ турли нарсалар тушди.

Алқисса, секин-аста куч-қувват кирди танамга. Эртаси Бердиқулжонга кириб воқеаларни гапириб бердим. Шу боис ўтган гал жавоб бермаганини айтди. Бу гал бешинчи бор келишим. Ижозат берсагина кетаман, дея ўзимга сўз берганман. Сизга ҳам маслаҳатим шу: шифокор ижозат берсагина уйга қайтинг!

### **«Жоълда бор аламиним...»**

Шифокор иш тартиби эрталаб соат саккиздан бошланади. Ҳар куни ҳар бир даволанувчини шахсан ўзи кўради, ундаги ўзгаришларни кузатади. Энг асосийси, шифойи комил тилаб, беморнинг малҳам ичишини ўз назоратида сақлайди. Шу тахлит барча даволанувчилар билан ишини тугатгач, ўша куни қабулга ёзилганларнинг барчаси (баъзи кунлар 200 нафардан ошади) билан кўришиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатмагунча уйга кетмайди. Бу баъзи пайтлар тунги соат 23 гача давом этади. Энди тасаввур қилинг. Ҳафтанинг олти куни

шу зайлда ўтади. Бунақа юклама билан якшанба кун  
дам олиб, куч тўпланмаса қийналиши аниқ. Шундай  
экан, унинг алоҳида вақт ажратиб, илмий иш қилиши-  
га ёки патент олиш учун расмиятчиликларни бажари-  
ришга икониёти йўқ. Юқорида айтдикки, хорижий  
юртлардан келувчилар сони кўпаймоқда. Бу шифокор  
кашфиётининг четга чиқиб кетмаслигига ҳеч ким ка-  
фолат бера олмайди деганидир. Қолаверса, дунё тиб-  
биётида ташхис аппаратларининг такомиллашуви ўз-  
ўзидан Робинсон каби шифокорларни ўхшаш даво-  
лаш усулини ўйлаб топишига сабаб бўлмайдими?  
Масалан, тиббиёт ва физиология соҳасида 2016 йилги  
Нобель мукофоти япониялик олим, Токио технологик  
университетининг хужайра биологияси мутахассиси  
Ёсинори Осумига аутофагия механизларини кашф  
қилгани учун берилди. Аутофагия — хужайра дара-  
жасида табиий янгилиниш, яшариш жараёни бўлиб,  
бунда баъзи касалликлар пайдо бўлиши камаяди ва  
инсон умри узаяди. “Аутофагия” юнон тилидан олин-  
ган — “ауто” (“ўзим”) ва “фагин” (“емоқ”), “ўзни  
емоқ” маъносини беради.

Б.Эргашевнинг 28 йил аввал кашф этган янгили-  
гининг ўзику бу! Нафақат Осуми каби механизмни  
кашф этди, балки амалиётда даволаш учун малҳам  
яратди ва миллион нафарга яқин беморларнинг сало-  
матлигини тиклади. Шу боис унинг кашфиёти ва бе-  
такрор даволаш усулини ўз юртимизда қайд этиб қўйи-  
шимиз керак. Акс ҳолда авлодлар Абдулла Орипов  
сингари Колумбда, бизнинг мисолимизда эса Ёсино-  
ри ёки Жоэлда «бор алашим маним», дея нола чекиш-  
лари муқаррар.

## Яна «аптека» хусусида

«Аптека» мавзусини бир мисол билан яқунламоқчимиз. Германиялик мижоз Виктор Беккернинг сийдик халчасида муаммо бўлганлиги боис буйраклари ишламай қолади. Барча мутахассислар 2 ой кўпи билан 1 йилда унга аутогемадиалез қўйилади деган хулосани беришади. Буйрагига операция йўли билан катетер ўрнатиб, ҳар икки кунда бир марта функция қилиб, қонини тозалаб туришади. Ярим йил катетерда юради. Унда 3 та катетер бор эди - иккитаси буйрак ва биттаси сийдик қолиди. Кейинчалик, мабодо буйраклар ишламай қолса, навбатнинг келишига қараб соғлом буйракларни кўчириб ўтказишни мўлжаллашади. Шундай кунларнинг бирида танишлари Ўзбекистонда шундай шифо маскани борлигини айтиб, бориб даволаниб кўришга даъват қилишади. Хуллас, Ўзбекистонга саёҳатга борамиз, дея врачлардан жавоб олишади. Хавфли жойи шунда эдики, катетерсиз унинг ҳарорати ошиб, қалтироқ тутиб қоларди. Катетернинг шланги қайрилиб қолса ҳам шу ҳол юз берарди. Қисқаси, Виктор «Эргаш ота»да даволаниши натижасида авҳоли яхшиланиб, табиий пешоб чиқариш жараёни тикланди ва албатта, катетердан воз кечади. Беккер олмонилик докторлар тавсиясига кўра ўзи билан олиб келган бизнинг пулда анчагина миллионлик бир жомадон дорини шифохона ахлатхонасига ташлаб кетаётганини мулоқотимиз давомида айтиб қолди.

## Ибн Сино издоши

Нафақат юртимизда, балки бутун дунёга номи донғи кетган «Эргаш ота» хусусий тиббиёт маркази бош шифокори, фахрий профессор Бердиқул Эргашев Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Уйғони қиш-

лоғида 1967 йил 18 январда оддий меҳнаткаш оила-  
сида тўққизинчи фарзанд бўлиб дунёга келган.

Б.Эргашев 1974 йили илк бора мактаб остонасига  
қадам қўйиб, 1984 йилда таълим муассасасини олтин  
медалъ ва намунали хулқ билан якунлаган. Шифокор  
бўлиб инсонлар дардига малҳам бўлиш унинг болалик-  
даги орзуси эди. Икки йил тиббиёт институтига ки-  
риш учун тайёргарлик кўради. 1986 йилда эса орзуси  
— Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кириб  
тахсил ола бошлайди. Тиришқоқ талаба институт про-  
фессор-ўқитувчиларидан энг керакли билимларни олишга,  
уларнинг маслаҳатлари билан кўпгина қўшимча адаби-  
ётларни ҳам ўқиб-ўрганишга ҳаракат қилди. 1991 йили  
институтни муваффақиятли тугатди.

Шундан сўнг Каттақўрғон шаҳри клиникасида икки  
йил интернатурани ўташ жараёнида жарроҳликка ихти-  
сослаша бошлади. Устозлар ёнида туриб, турли жарроҳ-  
лик жараёнини кузатди, ўрганди, ўзи ҳам амалиёт ўтади.  
Жарроҳлик амалиёти ўтказилган аксарият беморларда  
яна бошқа хасталикларни кузатган ёш шифокор улар-  
нинг давосини шарқ табобати илмидан қидириб, Ибн  
Сино ва бошқа алломалар ишларига мурожаат қилди.  
Илмини ошириш учун, ҳатто, Чин мамлакатига бориб,  
шарқ табобати бўйича малакасини оширди. Машаққат-  
дан қўрқмади, айниқса, замонавий тиббиёт «касаллик кеч  
аниқланди», «энди иложи йўқ» дея уйига қайтарилган  
оғир касалларнинг ўзи ва яқинларининг розилиги билан  
уларни даволашга тутинди. Кечаю кундуз улар ёнида  
бўлиб, сўзлари, ўз қўли билан тайёрлаган гиёҳлари, яратган  
малҳамидан бериб, ижобий натижаларни қўлга киритди.

Мустақилликнинг илк йилларида тиббий маскан-  
лар ташкил этишга ижозат берилгач, у 1993 йилдан

«Эргаш ота» хусусий тиббиёт марказини ташкил қилди. Дастлаб ижарага олинган эски ноқулай бинода иш бошлаган марказ раҳбарнинг тадбиркорлиги сабаб бугунга келиб замонавий типда қурилган, барча қулайликларга эга муҳташам шифохонага эга бўлди.

Ўтган йигирма етти йилдан буён бу масканда минг-минглаб беморлар ўз дардига даво топди. Шифо топган ёши улуғлар фарзанду набираларини дуо қилиш учун оилаларига, ишлаш лаёқатини йўқотганлар билангида куч тўлаб касбу корига, ўқишдан қизиқиши сўнган болалар заковати тиниқлашиб мактабларига чиқдилар. Нафақат юртимиз, балки Осиё, Европа давлатлари, айниқса, тиббиёти тараққий топган Олмония, Австрия фуқаролари унинг қўлида даволаниб шифо топиб юртларига қайтмоқдалар.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлашни истардик. Тошкентнинг хусусий тиббий марказларида маслаҳат қабул («консультация»)ларининг ўзига бемор 40 мингдан 140 минг сўмгача пул тўлайди. Б.Эргашев қабулига ҳафта кунига қараб 70дан 200 нафаргача мижоз ёзилади. Энди бу миқдорларни кўпайтириб кўринг, қанча бўлади? Шифокор Б.Эргашев қабули ва маслаҳати шунча йилдан буён БЕПУЛ!

Қолаверса, даволанишлари учун ҳам доим оддий халқ имкониятларини ҳисобга олади. Фикримиз исботи сифатида Абдурахмон Норбобоев (Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидан. 1951 йилда туғилган) сўзларига эътибор қаратамиз:

«1990 йил февраль ойида Тошкентдаги Биринчи Республика клиникасида мазкур шифохона профессори томонидан тегишли ташхис аппаратларида ва бошқа қон таҳлилларидан сурункали гепатит, сурунка-

ли халецистит, сурункали панкреатит, 3-даражали қон босими ташхиси билан 22 кун даволандим. Бироз енгил тортгандек бўлдим. Бироқ уйга қайтгач тез кунда аҳволим яна оғирлаша бошлади. 1991 йили Россиянинг Железноводск шаҳридаги Элбрус санаторийсида бир ой даволандим. Барибир таъсири бўлмади. Ноилож 1993 йилнинг оғир дамларида Москвадаги 1-Тиббиёт марказига даволанишга боришга мажбур бўлдим, у ерда бироз енгил тортдим. Ўзбекистонга келгач эса яна ўша эски ҳолга қайтдим. Шундан кейин тақдирга тан бериб, бир ётиб, гоҳ туриб, инқилаб-синқилаб кунларимни ўтказишда давом этдим.

2010 йилгача Тошкентнинг турли сихатгоҳларида беш марта даволандим. Бу орада менга ногиронлик гуруҳи ҳам беришди. Дори-дармон, жой, профессорлар консультацияси 2007 йил нархи билан жами 800000 сўм атрофида харажат бўлди.

«Эргаш ота»да даволаниб кетган танишимдан эшитиб, 2010 йил 6 июнда бу ерга келдим. Докторнинг тавсияси билан 19та малҳам ичдим. Бошланиши жуда қийин кечди. Жигардаги бутун губорлар, пардалар, қотиб қолган қонталаш нарсалар, ўтдаги тошлар қислаб туша бошлади. Ҳар куни шифокор назоратида ичимдан тушган нарсаларни текшириб бордим. Уч кундан тўққизинчи кунигача жойимдан тура олмадим. Учинчи куни юра бошладим. Аста-секин ўн метрдан бошлаб 500 метгача юра бошладим.

Олти ойдан кейин келишимни тайинлаб жавоб беришди. Уйга борганимда ҳам анча пайт ланж юрдим. Парҳез жараёнида тикланиб, кучга тўла бошладим. Шу даражада ўзимни яхши ҳис қилдимки, иш билан бўлиб доктор айтган олти ойни ҳам унутиб қўйибман. Бир

йил деганда яна келдим. Бу гал 18та малҳамни эркин қабул қилдим. Шу даволанишдан сўнг касалимни унутгандай бўлдим. Шундан кейин профилактика учун ҳар йили бир марта 16 малҳамдан ичиб кетяпман.

Дарвоқе юқорида бошқа клиникада сарфлаган 800000 сўм маблағ ҳақида гапиргандим. Бу ерда ҳозирги (2010 йил) қийматга (110000+19000+16000) жами 145000 сўм сарфлайсиз. Бўпти, сиз айтганча бўла қолсин — гап пулда эмас, энг асосийси НАТИЖАда.

Менинг тузалганимни кўргандан кейин қишлоқнинг шифога муҳтож аҳолиси шу ерга келиб даво топаяпти».

Ёки Навоий вилояти, Навбахор туманида туғилган Қурбон Жўраевнинг икки йил аввал билдирган фикрига эътибор беринг: «Врачма-врач, дўхтирма-дўхтир юришдан чарчадим. Бир кунлик ётиб-туриш 70000 сўм. Укол-дори ўзингиздан. Шунинг учун яна «Эргаш ота»га ана шу касалликларни даволашга келдим».

Дарҳақиқат, бу изҳорларга изоҳнинг ҳожати бўлма-са-да, мазкур даргоҳга оддий халқ кўп келишини таъкидлашни истардик. Сабабини А.Норбобоев аниқ-тиниқ тушунтириб берди. Шу билан бирга шароити офир беморларга имтиёзли нархлар белгиланишини назарда тутсак айни муддао бўлади. Шу жиҳатдан шифокорни элпарвар инсон дейиш ўринли бўлади.

Б.Эргашевнинг ана шундай савобли ишларида турмуш ўртоғи Наргиза Файзанова унга ҳамроҳ, ҳамфикр. Олти нафар фарзандлари бор. Катта ўғли Шохжаҳон Жўрақулов Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти талабаси, Жаҳонгир ота касбини танлаб, Иштихон тиббиёт коллежида ўқиди, айни пайтда эса Самарқанд давлат тиббиёт институтида таҳсил

олмоқда. Қизлари Шаҳноза ва Меҳринисо, ўғли Муҳаммадали Каттақўрғондаги 11-ихтисослашган умумтаълим мактаби ўқувчилари. Кенжаси Маҳмуджон эса боғча ва она бағрида яйраб ўсмоқда.

Бердиқул Эргашевнинг асосий шиори: «Элга хизмат — олий ҳиммат!»

Ҳазрат Навоийнинг

«Одамий эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами»,

мисраси айнан шифокоримиз каби жонкуяр ва баррикенг инсонларга аталганига шубҳа йўқ.

Олмониялик Элия Ханштейннинг «Бердиқулни авайланглар, агар асролмасангиз юртимизга олиб кетамиз», деган ярим ҳазил, ярим чин гапи бизни ўйга толдирди. Суриштирдик. Аниқлашимизча, илк йилларда унга айрим расмий идораларнинг баъзи раҳбарлари томонидан турли-туман қаршиликлар ҳам бўлган экан. Лекин юртимизда хусусий тиббий масканларни ривожлантириш бўйича берилган имкониётлар айни муддао бўлибдики, буни Б.Эргашев ҳар икки гапида шукроналик билан таъкидлайди.

Оддий бир ўзбек оиласида фарзанди ўз салоҳияти билан, қолаверса, бобоси Эргаш отанинг халқона табобатини ўз илми билан бойитиб, шундай натижаларга эришадиган экан, унга фақат кўмак бериш лозим, деб ўйлаيمиз. Донишмандларнинг: «Агар ёрдам беролмасанг, халақит ҳам берма», деган ўгити бу ўринда ҳақиқатдир. Энг катта ёрдам шифокорнинг айтганларини бажаришдир.

Бердиқул Эргашев сизнинг соғлигингиз учун умрини бағишляпти!

Ўз ҳаётини одамлар оғирини енгил қилиш учун сарфлаш эса яхшиликнинг асlidir. Яхшилик эса инсон ҳаётининг моҳиятидир.

**Биринчи бўлим**

**ЖИГАР  
ХАСТАЛИКЛАРИ**

## «ЛАБОРАТОРИЯ»НГИЗ ЯХШИ ИШЛАЙДИМИ?

— Инсоннинг жигари — лаборатория, — дейди бош шифокор. — Жигар киши истеъмол қиладиган озиқ-овқатлар таркибидаги заҳарли моддаларни ўзида сақлаб, тозалаб (филтрлаб), фойдали моддаларни озуқа сифатида қон томирларига узатади. Шунингдек, ўт суоқлигини ишлаб чиқиб, тана ҳароратини 36,7 даражада сақлайди ва жами 18 хил вазифани бажаради.

Жигар сақлаб қоладиган заҳарли моддани тиббиёт тилида холестерин, дейишади. Бу модда, асосан, меъридан ортиқ ёғли, хамирли овқатлар таркибида истеъмол қилинади. Табiiйки, уларни жигар ўзида сақлаб қола-



Бошимиз оғриси докторга мурожаат қиламиз. У бизга аспирин таблеткаси ичишимизни тайинлайди. Дорини ич-гач бош оғриғимиз тузалади. Шундан хулоса қиламиз: бош оғриғи сабаби аспириннинг этишмаслигидир. Лекин бундай бўлиши мумкин эмас. Ацетилсалицил кислотаси бош оғриқ сабаби бўла олмайди. Унда бош оғриғининг сабаби нимада? Биз сабабини эмас, оқибатларни даволашга ҳаракат қиламиз. Унинг сабабларини аниқламасдан даволар эканмиз организмимиз қувватсизланишда давом этаверади. Менинг фикримча, касалликларнинг асосий сабаби организмнинг токсинли моддалар билан ўзини-ўзи заҳарлашидир.

*Доктор Жозел Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

ди. Лекин овқатланиш меъёри бузилганда, яъни жигар кўп миқдордаги холестерин моддасини кўтаролмай қолгач, захар қонга ўтади. Қон, ўз навбатида, томирлар бўйлаб ҳаракатланаркан, холестерин моддаси томирларнинг деворларига ўтириб қолади ва оқибатда томирлар то-райиб, қоннинг бир меъёрда ҳаракатланишига путур етади, яъни қон барча аъзоларга бир зайлда етиб бормаёди. Бу ҳодисанинг асосий аъзо — юракка қанчалик салбий таъсир кўрсатишини энди тасаввур қилаверинг. Қонни аъзоларга етказиб бериш юрак — «мотор»га оғирлик қилади, юрак зўриқиб ишлай бошлайди. Натижада қон босими кўтарилади, гипертония, юрак билан боғлиқ бошқа (ишемик) касалликлар пайдо бўлади.

Холестерин моддасининг «кирдикорлари»га ўхшаш оқибатларни киши организмида ҳар хил сабаблар билан тўпланиб қоладиган турли хил тузлар, тошлар келтириб чиқарадиган бошқа касалликлар (ўт қопидаги тошлар, бўйракдаги, қовуқдаги тошлар ва тузлар, жигардаги тошлар ва ҳоказо) мисолида ҳам кўриш мумкин. Булар ҳам охир-оқибат юракка юк бўлиб тушади («почечное давление» ва ҳоказо хасталиклар ҳақида эшитгансиз).

Дарвоқе, бу каби тиббиётга доир зарур маълумотлардан Б.Эргашев томонидан мунтазам уюштириб туриладиган беморлар иштирокидаги конференцияларда баҳраманд бўлиш мумкин.

### **«ҚОРИНДА ШИШ ПАЙДО БЎЛГАНДИ»**

**Моҳидилхон Маматқулова (Андижон шаҳридан, 1975 йилда туғилган):**

- Мен 2002 йилда гепатитнинг «Б» шакли билан оғриб қолдим. Албатта, шифохоналарда мунтазам да-

воландим. Лекин 2,5 йилдан кейин қорним шиша бошлади. Яна кўп даво чораларини бажардим, наф бермади. Ким нима маслаҳат берса ҳаммасини синаб кўрдим. Туянинг сутини ичгани қирларга чиқдим. Юртимизнинг жануби — Сурхондарёнинг «Омонхона»сига ҳам бориб даволаниб келдим. Бироз тузалгандек бўлдим, лекин қорним яна қайта шиша бошлади. Докторларга учрадим, текшириб кўриб шиш сабабини аниқлай олишмади...

Кейин онамнинг шогирдларидан Самарқанднинг «Эргаш ота»сини эшитиб қолдим. Онам билан бирга келдим. 14 кун малҳам ичгач соғая бошлаганимни ҳис қилдим.

Уйга қайтганимда ҳамма ҳайратда қолди. Қоним камайиб кетганди. УЗИга тушганимда жигарим яхши чиқди, қоним кўпайиб қолди. Дўхтирлар нима қилдингиз, дея сўрашди ҳайратда. «Эргаш ота» тиббий маркази, унинг шифокори, даволаш услуби ҳақида гапириб бердим. «Тузалиб қолибсиз», дейишди текширганлар.

Шундан буён ҳар йил келиб малҳам ичиб кетаман. Айтмоқчи, даволаш жараёнида ўт қопимда пайдо бўлган тошлар, мени қийнаган қуртлар ҳам тушганини ўз кўзим билан кўрдим. Аввалгидан яхшиман Худога шукр!

Фурсатдан фойдаланиб Бердиқул Эргашева миннатдорлик билдираман!

## **«ОППОҚ ТОМИРГА ЎХШАГАН НАРСАЛАР ТУШДИ»**

**Одил Ражабов (Қашқадарё вилояти, Чироқчи туманидан, 1977 йилда туғилган):**

- Мен бошқаларга ўхшаб кўп келганим йўқ бу даргоҳга. Биринчи келишим. Аммо тассуротларим бир олам.

Бошидан бошлайдиган бўлсам, 1987 йили вирусли гепатитнинг «А» шакли, 1993 йили «Б» шакли билан касалланганман. Анчагина даволандим. Лекин ўнг қовурғам остидаги оғриқ кетмасди.

Шунда «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолдим. 2019 йилнинг 16 декабрь куни жойлашган бўлсам, 20 декабрда ичим қаттиқ оғриб, безовта бўлдим ва шу куни билирубин тошлари тушди. 25 декабрда эса яна шу тошдан ва тўрт бўлак дарахтнинг оппоқ томирларига ўхшайдиган нарсалар тушди. Бердиқул акага кўрсатганимда, бу рак тўқималари эканлигини айтди. 28 декабрда аввалги икки марта тушган тошларга ўхшаган шода тушди. Ўшандан кейин ўзимни қушдек енгил сездим. Оғриқлар йўқолди.

Кўпчилик шифокоримизни замонамиз Ибн Синоси дейди. Мен уларнинг бу гапларига қўшиламан.

### **«САБР ҚИЛСАНГ, ТОҒЛАР ЭГАР БОШИНИ!...»**

**Наргиза УЗОҚОВА (Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан):**

— Учинчи фарзандимни дунёга келтирганимдан кейин тиш шифокорига ишим тушди ва шу ердан гепатит «Б» касаллигини юқтириб олдим. Шаҳар касалхонасида ётиб даволандим, бироз енгиллашгандек бўлдим, аммо вақт ўтиши билан касаллик яна хуруж қила бошлади. Илгари чарчоқ билмай қиладиган ишларимни энди машаққат билан бажарадиган аҳволга тушдим. Кундан кунга ҳаётдан совиб, умидим сўниб борар эди.

Шундай кунларнинг бирида танишларим «Эргаш ота» мўъжизаси» номли китобни тухфа қилишди.

Китобни ўқиб чиқиб, мен кабилар даволанганини билиб, 2005 йилнинг ноябрь ойида «Эргаш ота» сихатгоҳига келдим. Доктор кўргач, менга сурункали гепатит, холецистит, сурункали энтероколит ташхисларини қўйди ва бу ерда 24 кун даволанишни тавсия қилди.

Учинчи малҳам ичганимдан бошлаб яшил рангли катта-кичик ҳажмдаги 33 дона тош тушди. Булар ўт қопидан тушадиган билирубин тошлари экан.

Еттинчи малҳамдан сўнг майда-майда тўқ малла тусли сон-саноқсиз тошчалар тушди. Булар холестерин тошлари экан. Ўтган 24 кун давомида ички аъзоларимдан тушаётган заҳарли моддалар, тошларни кўриб ҳайратга тушдим. Йиллар давомида йиғилиб борган заҳарли йиғиндилардан халос бўлиш осон бўлмади, албатта. Ҳар гал қийналаётганим ҳақида докторга арз қилганимда, доктор сабр қилишим лозимлигини қайта-қайта айтар эди. У кишининг чиройли бир ҳикмати бор экан: «Сабр қилсанг тоғлар эгар бошини, сабр-сизлар дардга эгар бошини». Шундай қилиб, 24 кун ҳам ортда қолди. Кетар чоғим доктор: «Қизим, ичакларингиз мисдек тоза, жигарингиз янги туғилган боланикидек бўлди. Гапимни исботини кўрмоқчи бўлсангиз, хоҳлаган шифохонага бориб, УТТ текширувидан ўтиб кўринг, улар сизнинг сурункали гепатитни бошдан ўтказганингизни аниқлай олишмайди. Олти ой, бир йилда бўлса ҳам яна келиб даволансангиз фойдадан холи бўлмайди», деди.

Дарҳақиқат, аппаратлар ҳам жигаримда эхографик ўзгариш йўқ деб чиқарар, ваҳоланки, бу ерга келишимдан олдин УТТ текширувида ҳар сафар гепатит ташхиси қўйилар эди.

Уйга қайтгач парҳезларга тўлиқ риоя қилдим. Сўнг уй ишларига шўнғиб кетдим. Ишлаб чарчамас эдим.

2016 йили яна 20 кун келиб даволандим, орадан етти ой ўтказиб, яна келдим. Бу ер мени оҳанрабодек тортади, чунки ҳар келганимда яна енгиллашиб, яна ҳам соғломлашиб, теримнинг ранги ҳам тиниқлашиб бормоқда. Ўзимда ҳар гал муъжизавий ўзгаришлар ҳис этаман.

Бердиқул Жўрақуловичга миннатдорчилигимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Илоҳим умрлари узоқ, тани-жонлари соғ бўлсин!

### «ТАШХИС – ЖИГАР ЦИРРОЗИ ЭДИ»

**Шоҳиста Юсупова (Фарғона вилояти Олтиариқ туманидан):**

- Бошимдан ўтган воқеаларни ёзсам дўконларда сотиладиган китоблардан катта китоб бўлади. 1994 йилнинг май ойидан оёққўл бўғинларим оғрий бошлади. Август ойигача ўтиб кетар деб эътиборсиз юрдим. Охири касалхонага боришга мажбур бўлдим. Врачлар ревматизм дея ташхис қўйишди. Укол-дорилар бошланди.



Айниқса реопирин уқолини қилганда кўнглим айниб, беҳаловат бўлдим. Кечқурун уйга кетиб қолдим. Эртаси куни жонлантириш (реонимация) бўлимига олиб кетишди. Сариқ, яъни гепатит хасталигига учраган эканман. Шу-шу 2010 йилгача қаерларга бориб даволанмадим дейсиз. Вилоят, туман шифохоналарида, Тошкентдаги «Андромед» хусусий тиббий марказларда анализлар топширдим. Ташхис — жигар циррози эди. Қорним шиша бошлаган эди.

Хулоса шуки, мадорим қуриб, ётган жойимдан туролмай қолдим. Докторлар уйга жавоб бериб юборишди. Умр йўлдошимга: «Уйланинг, сизга қийин бўляпти», деб сиртдан кулиб, аммо қалбан йиғлаб айтдим. Уйлаб кўрсам, шунча йил сабр билан менга қараб машина минмаган, рангпар аёлини докторма-доктор етаклаган инсонга миннатдорлик билдириб, Оллоҳга шукур қилишим керак экан.

Уша куни турмуш ўртоғим малака оширишда Шириной исми психолог ўқитувчи билан суҳбатлашади. Менинг ҳозирги ҳолатимни, яшашдан умидимни узганимни, ўлим учун нима керак бўлса ҳаммасини тайёрлаб қўйганимни айтади. Психолог ҳам ўз тавсиясини берган экан. Уйга келганида одатдагидек беҳол ётган эдим. Эшикни тарақлатиб очиб: «Сен ё ўлмадинг бошқага уйлансам, яхши бўлмадингки, болаларга, рўзғорга қарасанг!» деди. Шу кунгача бирор марта ёмон гапирмаган меҳрибон инсонимдан бу гапларни эшитиш жуда оғир бўлди. Тонггача йиғлаб чиқдим...

Эртаси куни мени кўргани тоғам келди. Қўшнилари Самарқандга бориб даволаниб қайтганини айтиб, «Эргаш ота» муъжизаси» китобини бериб кетди. Китобни шу куниек охиригача ўқиб чиқдим. Юрагимга чўғ тушди. Турмуш ўртоғимга айтдим, қўлига пул тушиши билан олиб боришга ваъда берди.

Эрта туриб болаларни ўқишга, хўжайинимни ишга кўзатдим-да, туман марказига йўл олдим. Ёнимда фақат паспорти бор. Қулоғимдаги сирғани тиллафурушлар 500 мингта баҳолашди. Уни сотиб, пулни салафанга ўраб, «Қаердасан, Самарқанд», дея йўлга тушдим. Аҳволимни кўрган ҳайдовчи: «Йўлда қийналасиз», деди. Олдинги ўриндиқда ётиб кетишимни айтиб, бир амаллаб уни кўндирдим. Қўлимда сумка ҳам, ҳатто рўмолимни ҳам олмаган эдим. Шу куни тушдан сўнг шифокор Б.Эргашев қабулига кирдим. Доктор мени текшириб кўриб қабул қила олмаслигини айтди.

Қабулхона столининг нариги томонига ўтиб ўтириб олдим. Мени ҳеч ким кутмаётганини, тузалмасдан уйга борсам, эримга ўз дугоналаримдан бирига уйланишини айтганимни сўзлаб бердим. Ҳарчанд ҳайдаса-да, шу хонани полини ювиб юравераман, деб туриб олдим. Қатъиятимни кўрибми ёки бошқа важданми, даволанишга руҳсат берди.

Малҳам ичишни бошладим. Ўзимдан тушаётган нарсаларни кўриб, қийналиб тириклигимга ишоналмас эдим. Турмуш ўртоғимга қўнғироқ қилиб: «Мен тирикманми?» деганимда, «Тириксанки, гаплашиб турибсан», деди кулиб.

...Орадан 20 кун ўтгач, уйдан қўнғироқ бўлди. Қайноғам экан. «Шоҳиста, энди нима қилайлик, келин олишга ҳаракатни бошлайверайликми», деди. «Мен энди ўрнимни ҳеч кимга бўшатиб бермайман», дедим ишонч билан. Ҳаммалари кулиб юборишди.

Бир куни кечаси кучли оғриққа чидай олмай ташқари-га чиқдим. Шарбат тарқатадиган дўкон олдига етганимда аҳволим ёмонлашиб, кимгадир турганиб (кейин билсам ишини тугатиб, уйга қайтаётган шифокор экан), скамейкага суяниб қолганимни эслайман. Ҳушдан кетибман шекилли, биринчи ёрдамдан кейин жигаримни қоплаган шилиқ пардалар тушган эди. Ичимдан тушган тошлар, қурумлар, тузларни ўз кўзим билан кўриб, тирик қолганимга ишонмас эдим. Уйга бориб 24 кун парҳез сақладим. Секин-аста кучга кира бошладим, ўзгаришлар сезилиб борди. Рўзгор ишларини ўзим бажарадиган бўлдим. Умр йўлдошим, отаонам, оила аъзоларимнинг қувончи чексиз эди. Ишга ҳам боролмай қолгандим. Беш ой деганда мактабга, болажонларим ҳузурига қайтдим. Яна оиласи, ёри, фарзандлари ва халқи учун ўзини фидо қила оладиган Шоҳистага айландим.

Биринчи ва иккинчи йили икки мартадан «Эргаш ота»-да 15 кундан даволандим. 2012 йилдан буён эса профилактика учун ҳар йили бир марта келиб 10та малҳам ичиб,

даволаниб кетадиган бўлдим. Оллоҳдан астойдил сўра-сангиз шифо беришига ишондим.

Шу боис, аввало, Оллоҳга шукрона! Нажоткорим Бердикул Эргашевга, унинг жамоасига чексиз миннатдорлик билдираман! Мени қўлаб-қувватлаган турмуш ўртоғим, яқинларим, фарзандларимга ҳам раҳмат!

## **“ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК ДАҲШАТЛИ БОШ ОҒРИҒИ ВА МУЪЖИЗА!”**

**Ева БАРТЛЕН (Германиянинг Нюрнберг шаҳ-ридан, 1948 йилда туғилган):**

- Баварияда жойлашган гўзал Нюрнберг шаҳрида 26 йилдан буён яшайман. Кимёвий ашёлар билан боғлиқ за-водда ишлайман. 2000 йилдан бошлаб мигрень касаллиги билан оғридим, мунтазам бош оғриғи безовта қила бошла-ди. Айниқса ҳаво булутли ёки ёмғирли бўлса оғриқлар қаттиқ “приступ” лар билан давом этарди. Оғриқ кучайгани-дан ҳар ойда икки марта “Тез ёрдам” ни чақиришга мажбур бўлардим. Уколлар қилишар, оғриқлар маълум вақтгача па-саяр ва яна аввалги ҳолатга қайтарди. Ҳар куни оғриқларга қарши 5 хил таблетка қабул қилардим.

Кейин умуртқамда оғриқлар пайдо бўлди — врачлар умуртқа чуррасини аниқлашди, буйин, кўкрак ва бел қисми-даги умуртқаларининг қийшайиш, силжишлар бор экан.

Яна ошқозон яраси, сурункали панкреатит, қон камайиши, сурункали холецистит ва дуоденит, ичакларда - лямблиоз, дисбактериоз аниқланди, лактозани, фруктозани қайта иш-лайдиган бактериялар йўқолиб. Нюрнбергдаги энг машҳур гастрологлардан бири махсус қимматбаҳо аппаратида тек-шириш — ошқозон ва ичакда ректомоноскопия ўтказди. Менга бу муолажани ҳар йили такрорлаб туришим керакли-гини, доим врачлар назоратида бўлишимни тавсия этишди ва қаттиқ парҳез қилишим шартлигини таъкидлашди.

Бу умрбод ҳаётга хавф солувчи тавсиялар эди. Менинг ҳаётим ихтисослашган мутахассислар ҳузурига қатнашдан иборат бўлиб қолганди. Компьютер томографияси, УЗИ, юрак кардиограммаларини саноқсиз марта қилдирганман. Буларнинг ҳаммаси азоблар ичра саргардонликнинг бошланиши эди. Бу азоблар саргардонлиги аниқ манзиллар — дорихоналар, врачлар ва соғломлаштириш муассасалари доирасида бўлиб қолганди. Бу мен учун даҳшатли кунлар эди.

Яхши эслайман, 2009 йилнинг марти эди. Танишим Элияга қўнғироқ қилдим. У овозимдан оғир аҳволдалигимни ҳис қилди ва нима бўлди деб сўради. Мен қисқача тушунтириб бердим. У Ўзбекистонга Бердиқул деган шифокор ҳузурига бориб, очлик билан даволанишим кераклигини айтди. Врачларим тавсиясига кўра шу пайтгача олган муолажаларим озгина бўлса-да, енгиллик бермаганди, азобланишда давом этаётгандим. Шу боис худди чўкаётган одам хасга ҳам ёпишгани каби Элиянинг бу ғоясига маҳкам ёпишиб олдим.

Ўша йили визамни расмийлаштириб, апрель ойида Ўзбекистонга келдим ва “Эргаш ота” клиникасида даволанишни бошладим. Жудаям самимий меҳр билан кутиб олишганини яхши эслайман. Уйимдагидек ҳис қилдим ўзимни. Шифохонадаги фаолиятининг ташкил этилиши мени ҳайратта солди. Врач мўъжизали малҳами, шифобахш гиёҳлари ва шарбатли терапияси билан даволайди. Овқат емасангиз ҳам оч қолмайсиз. Даволанишимнинг бешинчи кунида менга узоқ йиллардан бери азоб бериб келаётган бош оғриғи бирдан тўхтади. Тўққиз йиллик даҳшатли бош оғриғидан кейин бу мен учун МУЪЖИЗА эди! Организмимдан турли шлаклар — катта миқдорда билирубин тошлари, холестерин чиқа бошлади. Айтиш жоизки, уларнинг танани тарк этиши азобли оғриқлар билан кечди. Жигаримда тош қарбери бордек таассурот қолдирди менда.

Олтинчи малҳамдан кейин ростдан ҳам муъжиза юз берди — шифокор меннинг иккинчи бора туфилишимга сабабчи бўлди. Жигаримдан рак палёнкалари уч босқичда тушди.

Натижада қон босимим меъёрга тушди, оёғимдаги ка-рахтлик, жимирашлар, тортишишлар йўқолди. Вужудимда қувват пайдо бўлди, яшашга иштиёқ пайдо бўлди. Шифокор уч марта даволанишим кераклиги айтди. Орадан беш ой ўтиб яна Ўзбекистонга келдим ва даволанишда давом этиб, жигаримни холестерин ва шлаклардан тозалашда давом этдим.

Юраги, руҳияти ва билими билан даволайдиган бундай шифокор дунёда бошқа йўқ деб биламан. У нафақат малҳами, ҳатто, сўзи ва қўли билан ҳам даволайди. Буни таърифла-шим қийин. Ҳар бир беморни ҳар куни ўзи кўриб, худодан ҳар бир беморга шифо сўраб, ўз қўли билан малҳам тайёрлаб беради.

Яқинда жигарим безовта қилди. Қўнғироқ қилдим. “Ян-варда келинг, даволаймиз”, деди. 2020 йил 26 январда са-молётда Самарқандга келиб даволанишни бошладим. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Таърифлашга сўз ожиз. Мен шифокоримга мингдан минг раҳмат айтаман. Сами-мий тилагим — эй, раҳмдил Оллоҳ унга ва барчага мадад бер!

### **«СОҒАЯЁТГАНИМНИ ҲИС ҚИЛЯПМАН!»**

**Меҳри ХОЛМАНОВА (Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидан):**

— Мен 2011–2012-йиллари ўзимни ёмон ҳис қила бошладим, ҳолсизлик қийнай бошлади. Самарқанд ви-лояти юқумли касалликлар шифохонасига олиб бориш-ди. У ерда УЗИ қилишди, анализлар топширдим. Натижа шуки, докторлар ўғлимга: «Онангиз жигар

циррози бўлган», дебдилар. Ўғлим бу касалликни тушунмади ва доктор ёзиб берган 23 хил дорини олиб келиб берди. Лекин мен бу касал нималигини билардим. Самарқандда жигарни даволайдиган Ольга Юнусовна деган доктор бор, дейишди. Турмуш ўртоғим, ўғлим маслаҳатлашиб, мени у ерга олиб боришди. У: «Ўн минг доллар бўлса, мен олти ойда соғайтирман», деди. Биз олти ой қатнадик. Укол қилинадиган дорининг донаси 350 доллар экан. Олти ойдан кейин Тошкентга Вирусологияга бориб анализ топширдим. Улар: «Қонда вирус йўқ», дейишди. Мен ўзимни бироз яхши ҳис қилдим.

Лекин уч ойдан кейин аҳволим янада ёмонлашди. 2012 йили яна юқумли касалликлар шифохонасига келдим. У ерга икки йил қатнаб, яна катта сарф-харажат қилдик. 2014 йили эса бутунлай ётиб қолдим. Турмуш ўртоғим вилоят касалхонасига жойлаштирди. У ерда 11 кун ётдим, аҳволим яхшиланмади. Шавкат исмли шифокор туя сутини ичишимни маслаҳат берди. Қашқадарёга бориб 33 киши туяси бор одамнинг уйида ётиб, 11 кун бир пиёладан сийдик, бир косадан сутидан ичдик. Шароит офир. Озроқ ўзимга келгандек бўлиб, уйга қайтдим. Турмуш ўртоғим Қашқадарёга бориб, тунги соат 2 да туяни соғдириб сутини олиб келардилар... 45 кун шу зайлда туя сутини ичдим. Турмуш ўртоғимнинг олдида қарздорман ва миннатдорман.

Бир куни бир аёл келди. Мен сизга бошқа давосини айтаман, деди. Унинг даъвати билан 2012 йили «Эргаш ота» сиҳатгоҳига келдим. Лекин Бердиқул Жўрақулович мени қабул қилмади. Китобларидан битта олиб, йиғлаб уйга кетдим. Уйга бориб, китобни ёдлаб

олдим. Китобни бир хаста аёл танишимга ўқишга бердим. У «Эргаш ота»га келиб, «Мени шу китобнинг эгаси юборди, у кишини қабул қилмаган экансиз», дебди. У аёл боргандан кейин «Сизни доктор чақиряпти», деди. Мен 2015 йили яна «Эргаш ота»га келдим. Бу гал доктор менга гиёҳ бериб, 2 ойга сув ўрнида уни қайнатиб, ичиб юришимни, кейин келишимни тайинлади. Докторнинг айтганларини қилиб, 10 сентябрда яна келдим. 18 та малҳам ичдим. Иккинчи малҳамдан кейин ичимдан тош ва бошқа нарсалар туша бошлади. Доктор 6 ойдан кейин яна келишимни тайинлади. Мана ҳар йили келиб даволаниб кетяпман. Енгиллашдим, соғаяётганимни ҳис қиляпман.

Мен шифокор Бердиқул Жўрақуловичга ҳамда у кишининг қўл остидаги ҳамшираю хизматчиларга ўзим ва оилам номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

### **«ЖИГАРИМ ҚУРИБ ЦИРРОЗГА АЙЛАНГАНДИ»**

**Зебинисо МУҲАММАДИЕВА (Қашқадарё  
вилояти, Ғузор туманидан):**

— Мен 2007 йили қонда сурункали гепатит, ўт қопи касаллиги билан Ғузор туманидаги касалхонада даволана бошладим. Кўп даволандим, охири жигарим қуриб циррозга айланди. Шифокорлар уйга жавоб бериб юборишди.

Бир куни Оллоҳнинг каромати билан қайнотам «Эргаш ота» клиникаси ҳақида эшитиб, мени шу ерга олиб келди. Бердиқул Жўрақулович мени кўриб, соғайиб кетишимга умид берди. Малҳам ича бошладим. 17-малҳамдан кейин аҳволим оғирлашиб, иситмам чиқа бошлади. Шу куни жигаримдан рак пардалари туш-

ди. Малҳамни тўхтатмай ичавердим. Ўтимдан тошлар, қотган қон қурумлари тушди. 27та малҳам ичганимдан кейин аҳволим яхшилана бошлади. Мен шу йиллар ичида 15-20 та малҳам ичиб келяпман. Доридармон ичмай қўйдим, грипп билан ҳам оғримай қўйдим.

Мен бу ерни мўъжизавий маскан деб биланман. Сабр билан даволанган инсон, албатта, шифо топади.

## **«ЖИГАРДАГИ ПАРДА – ҲОЛСИЗЛИГИМ САБАБИ ЭКАН»**

**Улуғой ХОЛМАТОВА (Қашқадарё вилояти  
Қарши туманидан, 1967 йилда туғилган):**

- Мазам бўлмай Қарши шаҳар шифохонасига борганимда, текшириб «жигарда ёғ бор», дейишди. Мадорим йўқ эди, бошим оғрирди, даволандим, албатта. Маълум муддат яхши юриб, яна ҳолсизлик бошланди.

Онам Гулчехра Ҳамроева даъвати сабаб 2011 йил «Эргаш ота»га келдим. Шифокор қабулига кирдим, менга жигар гепатози, ўтда холестерин тошлари, остеохондроз, умуртқа чурраси хасталиги, деб ташхис қўйди. 20 та малҳам ичишни тафсия қилди, айтганларига амал қилдим. Саккизинчи малҳамдан кейин жигаримдан тош тушди, 10 та малҳамдан сўнг эса жигаримдан пардалар тушди. Шундагина аҳволим яхшилана бошлади. Ўзимни тетик ҳис қила бошладим. Жудаям хурсанд бўлиб, бу ҳолатимни докторга айтган эдим мени табриклади ва ўзи ҳам қувонди.

Шу-шу ҳар йили келадиган бўлдим. Бошқа муолажалари ҳам ёқди. Энди ўзим билан бирга ўғил-қизларимни ҳам олиб келдим. Бу ернинг об-ҳавоси ҳам менга

жуда маъқул бўлди. Тоза, покиза, баҳаво жойлар. Ҳамширалари ҳам хушмуомала, самимий, ширинсўз. Олти марта келган бўлсам бирор марта ёмон гап эшитмадим, миннатдорман улардан.

Албатта, Бердиқул Ҳўрақуловичга чексиз миннатдорлигимни билдираман, дуодаман. У киши соғ бўлса бизлар ҳам соғлом юрамиз!

### «ОҚ ПАРДАЧАГА ЎХШАШ НАРСА ТУШДИ»

**Моҳигул Ахмедова (Самарқанд вилояти Ҳума шаҳридан):**

- Мен «Эргаш ота» сиҳаттоҳига биринчи бор 2017 йил январь ойида келганман. Ўзимдаги ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолганман. Бош оғриғи, қўлларимда қариллик доғи, доимий кўнгил айниши, ошқозон оғриғи, уйқусизлик, ҳолсизликдан кўп азият чекардим. Докторжоним менга 18 кун ётиб малҳам ичишимни тавсия қилди. Олтинчи малҳамдан сўнг кечаси жуда ёмон оғриқлар, безовталиқ бўлди. Еттинчи малҳамдан сўнг эса жигаримдан аллақандай оқ пардачага ўхшаш нарсаси тушди. Кейин ҳамшира бош шифокорга кўрсатишимни айтди. Доктор кўриб «худони суйган бандаларидан бири экансизку, жигарингиздан рақ тўқимаси тушди», деб айтди. Нима қилишни билмай туриб қолибман бир муддат. Воқеани англаб етганимда кўзимдан ёш қуйилиб кетди. Шундан буён бу инсонга ҳурматим ва ихлосим жуда баланд.

2018 йил 2 январда прафилактика учун яна келдим. Аҳволим жуда ҳам яхши, енгилман. Олтинчи малҳамдан кейин мендан яна бир нарсалар тушди.

Докторжонга яна бир бор ташаккур айтиб қоламан.

## **«ЖИГАР ЦИРРОЗИ ДЕБ ҚАЙТАРИШДИ»**

**Офтоб Баҳромова (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан, 1954 йилда туғилган):**

Мен 2006 йили Самарқанд вилоятидаги шифохонага даволанишга бордим. Улар текшириб, жигар циррози деб қайтаришди. Турли чораларини кўрсам-да, аҳволим ёмонлашиб бораверди.

2010 йилда «Эргаш ота»ни эшитиб келганимда аҳволим жуда оғир эди. Маҳалладошларим даволаниб аҳволи жудаям яхшиланганини ўз кўзим билан кўриб менда ҳам умид уйғонди. Бердиқулжон мени текшириб сурурункали гепатит, сурурункали холецистит, сурурункали пиелонефрит, остеохондроз диагнозларини қўйиб, менга 24 кун малҳам ичишни буюрди.

Саккизинчи малҳамдан кейин жигаримдан пардалари туша бошлади. 12 тадан кейин ўтимдан тош тушди. Аҳволим яхшиланди.

Шундан буён саккиз йил ўтди. Саккиз йилдан бери даволанаман, худога шукрим, оилам, болаларим, набираларим бахтига соғ-саломат юрибман.

Шифокор Бердиқул укамга мингдан минг раҳмат! Менга ўхшаган беморларнинг бахтига соғ-саломат бўлиб юрсин!

## **«МОҒОРЛАГАН ЧАРВИГА ЎХШАГАН НАРСА ТУШДИ»**

**Ойдин Хўжаева (Хоразм вилояти Янгиариқ туманидан):**

- Мени жигар касаллиги 1991 йилдан буён қийнаб келарди. Ҳар йили бир маротаба сариқ касаллиги қайталанарди. Овқат есам кўнглим беҳузур бўлиб, ҳар хил бадбўй ҳид димоғимга ўрнашарди. Касалхонада ётиб даволансам-да, бу дард мени тарк этмасди.

2007 йили бир онахон менга «Эргаш ота» боришимни маслаҳат бердилар. Шу йилнинг декабрь ойида доктор кўригига келдим. Шифокор мени яхши кутиб олди ва бу дардни даволаш учун мустаҳкам иродали, сабр-тоқатли бўлишим кераклигини тайинлади.

Малҳам ичишни бошладим. Аста-секин кунлар ўтиши билан ўзгаришлар сезила бошлади. Лекин 19-малҳамни ичган куним ўзимни жуда ёмон ҳис қила бошладим. Доктор қабулига кирганимда безовталикларимни айтган эдим, «Хурсанд бўлинг, сиз танангиздаги дарддан тез орада халос бўласиз», деди. Орадан 2 соат ўтар-ўтмас ичимда кучли оғриқ пайдо бўлиб, кўнглим айнади, ҳожатхонага бордим, шунда ичимдан қандайдир иссиқ бир нарса тушгандай бўлди. «Вой-дод, мендан қандайдир бир нарса тушди», дедим. Аёллар келиб мени ўраб олишди, «Олинг, докторга кўрсатинг», деди ҳамшира қиз. Уни банкага солиб докторга олиб бордим. Тушган нарса худди моғорлаган чарвига ўхшарди. Доктор кўриб қўлини менга узатиб «Синглим бу ажойиб кунни умр дафтарингизга битиб қўйинг, сиз пайдо бўлаётган жигар ракидан фориф бўлдингиз», деб мени табриклаб қўйди. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Негаки, бунақа дардим борлигини билмас эдим. Яна даволанишни давом этирдим 33 кун ётиб 27та малҳам ичдим, кейин ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Доктордан уйга рухсат сўрадим. Уйга борганимдан кейин парҳезни бузмаслигимни, яна 3 ой ёки 6 ойдан кейин қайта келишимни тайинлади.

Худди доктор айтган вақтда яна келиб даволанишни давом эттирдим. Шу тариқа ҳар йили 2-3 марта келиб даволаниб кетадиган бўлдим. Худога шукр, мана 11 йил бўлдики бирор мартаба жигарим безовта қилмади.

Мени ҳаётга қайтарган шифокорим Бердиқул Жўрақуловичга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилайман!

Иккинчи бўлим

ЎТ ҚОПИДАГИ ЧЎКМАС «ТОШ»

*Ёхуд унга боғлиқ бошқа хасталиклар ҳақида*

## «11 САНТИМЕТРЛИК ТОШ ТУШДИ»

«Тош» деганда ҳамма табиий, қаттиқ тошни тушунади. «Эргаш ота» масканида даволанган кишига бош врач инсон аъзоларида бу тошларнинг, тузларнинг турларини эринмай, бирма-бир кўрсатиб, тушунтиради:

— Тош деганда, одатда, дайровотнинг тоши, сой тоши, мрамар каби тошлар тушунилади. Инсон аъзолари ва уларнинг йўлларида билирубин, холестерин ва кальций каби тошлар бўлади. Бундай тошларнинг 96 фоизи билирубин ва холестерин тошларидир. Ўт қопада билирубин тошлари гуруч донаси ҳажмидан товуқ тухуми ҳажмигача бўлишини кўрдик. Бу тошлар сувдан енгил, қуёш нурида эрийди, қаттиқ боссангиз эзилади, лекин ўз жойида турган пайтда болға билан урсангиз ҳам тушмайди. Холестерин тоши ҳам худди шундай шакл ва хусусиятга эга. Бу тошлар бошқа хасталикларни ҳам келтириб чиқаради. Кальций тошлари эса, болға билан урсангиз ҳам синмаслиги мумкин. Содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, сув қайнаганда чойгумнинг тагига чўкиб қотиб қоладиган қуйқа тош кальцийдир.

Дарҳақиқат, Бердиқул Эргашев ўз малҳами эвазига бундай тошларнинг кўпини туширган. Лекин «ўт қопининг нина тешигидек жойидан катта тош ўтмайди», деб ўйлайдиган баъзи тепса-тебранмас ишонмаслар учун 11 сантиметрлик тушган тошни кўрган ва китобни ёзган муаллиф сифатида унинг айтган иқрономасини ҳавола этаман. У оз эмас, кўп эмас Каспий денгизи бўйидаги бир жойдан келган:

— Мен, Рустам Гумаров — Қозоғистон Республикасининг Манғишлоқ вилоятданман. «Тош ба- лоси» хуружининг азобини бошидан ўтказган одам- гина билади. Бу касалликдан икки йил жабр чекдим. Тош тез-тез «хуруж» қилиб турарди. Қозоғистондаги йирик тиббиёт марказларига, ҳатто Москвадаги мута- хассисларга ҳам мурожаат қилдим. «Ўт қопини тошга қўшиб жарроҳлик йўли билан олиб ташлаймиз», дей- ишди. Малахов тиббий маркази борлигини эшитиб, интернет орқали сўров юбордим. Операция қилдириш- дан бошқа чора йўқми, деган саволимга қисқа, умумий жавоб беришди: «Тош жуда катта — 11 сантиметр. Бошқа чора йўқ. Ўт қопи ҳам, ундаги тош ҳам сизни- ки. Ўзингиз ҳал қилинг». Қисқаси операция қилишдан бошқа чора йўқ, дейишди.

Ана шундай азобда юрган пайтимда дўстларим Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятида ўт қопидаги тошни жарроҳлик амалиётисиз тушира- диган шифокор бор, дейишди. Бу ерга кел- ганимдаёқ врачдан аниқ жавоб олдим: бир эмас, бир неча тош бор экан ўт қопимда. Биттаси ҳақиқатан ҳам жуда катта экан. Малҳамнинг мўъжи- засини қарангки, тош- лар операциясиз туш- ди.



*Рустам Гумаровнинг ўт қопидан тушган тошлар*

## «ТУШГАН ТОШЛАРНИ ЖАРРОҲЛАРГА КЎРСАТМОҚЧИМАН»

**Азиза Шодиева (Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидан, 1973 йилда туғилган):**

- Мен 2016 йилнинг 4 ноябрида ўт пуфагимдаги тош «приступы» сабабли «Эргаш ота»га келганман. Тошкент шаҳрида биз учраган докторларнинг барчаси ўт қопидаги тошни операциясиз олиб бўлмаслигини бири неча маротаба такрорлашди. Ноилож рози бўлдим. 17-шаҳар касалхонасида бир ҳафта операцияга тайёрлашди. Шу кунларда турмуш ўртоғим «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолибдилар. Олиб кетаман деганларида врачлар «операциясиз тош тушмайди», дея эрим билан роса тортишишди. «Пешонадан кўрамиз», дея худога таваккал қилиб, нажот истаб шу ерга келганмиз.

Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, 11 малҳамдан кейин тошлар тушди. Ўзимни анча енгил сездим. Дардларим чекинди. Тошларни эсдалик ва исбот учун суратга ҳам туширдим. Боргунимча эзилиб кетмаса, уларни Тошкентдаги «операциясиз тушмайди», деган жарроҳларга олиб бориб кўрсатмоқчиман. Лол қолишсин, қолаверса тошларнинг операциясиз ҳам тушиши мумкинлигини билиб олишсин.

Фурсатдан фойдаланиб шифокоримиз Бердиқул акага миннатдорчилигимни билдираман. У кишининг бу савобли ишларига қуч-қувват ва сиҳат-саломатлик тилайман. Ҳамшира қизларимиз ҳам соғ бўлишсин.

## «ЎТ ҚОПИ ФОЙДАГА ҚОЛДИ»

**Хурлиқо Алланазарова (1960 йили Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида туғилган):**

— Мен 2010—2014 йиллари саломатлигим ёмонлашиб, ўтимда тошлар, буйрагимда туз йиғилган, қон босимим тез-тез кўтарилиб турар эди. Турмуш ўртоғимнинг ҳам буйраги яхши ишламас, қанча сув ичса ҳам сийдик чиқиши қийин бўларди. Қўшнимиз «Эргаш ота» сиҳатгоҳига боришимизни тавсия қилди. Бу ерга келиб иккинчи малҳамни ичганимдан кейин майда-кичик тошлар тушди. Олтинчи малҳамдан кейин оппоқ ёғга ўхшаган нарса ҳам тушди. Ўзимни шунақа енгил, чаққон сезиб хурсанд бўлдимки, таърифга сўз тополмайман.

Турмуш ўртоғим ҳам учинчи малҳамдан кейин сийдиги равонлашиб, қон босими тушди. Ўн тўрт кун даволаниб кетдик. 2016 йили яна келдик. Чунки ўтимда битта катта тош тушмасдан қолган эди. Бу сафар 23 кун даволандим. Тош тушмади. Докторга айтсам, сабр қилинг, албатта, тушади, дедилар. 2017 йили март ойида яна келдим. Учинчи малҳамдан кейин ҳалиги тирноқдан каттароқ тош тушди. Докторлар тошни ўт қопи билан бирга операция қилиб олиб ташлашларини билардим. Ахир ўт қопим фойдага қолдику. Роса хурсанд бўлдим. Турмуш ўртоғимнинг ҳам саломатлиги яхшиланди. 2017 йили тозаланиш учун яна келдик. Операциясиз мен ва турмуш ўртоғим барча тошлардан халос бўлдик. Биз Бердиқул акадан, бу ерни бизга тавсия қилган Бозорбой тоғадан миннатдормиз.

## «ЎТ ХАЛТАСИ ҚИЙШАЙГАН, ДЕЙИШДИ»

**Дилфуза Мунирова (Қашқадарё вилояти Косон туманидан):**

- Онам Шоҳиста Мунирова билан бирга 8 сентябрь куни «Эргаш ота» марказига келдик. Юзидан нур ёғилиб турган доктор бизни хушмуомалалик билан кутиб олди. Ҳамма касалликларимизни бир-бир айтиб берди.

Онам кўп касалликларга чалиндилар, даволанмаган касалхоналари, бормаган сиҳаттоҳлари қолмади. Ҳар куни дори ичардилар. Аммо шифони шу марказда топдилар.

Менинг ҳам доим ўт қопим безовта қиларди. Врачлар УЗИ аппаратида текширгач, «ўт халта қийшайган» деган ташхис қўйдилар. Кечалари оғриқдан ухлай олмасдим, қорним дамларди, жуда қийналардим. Қон босимим тез-тез кўтарилиб турарди. Ўт халтани операция йўли билан олдирмоқчи ҳам бўлдим. Оллоҳга шукур, шу марказда учинчи малҳамдан сўнг ўт халтамдан тошлар тушди. Онам ҳатто ўт халтасидан тош тушганидан ҳайратландилар. Негаки, онам бунга ишонмай келгандилар. Кейинги малҳамлар натижасида жигардан холестерин тошлари, буйракдан қум-тузлар ҳам тушди. Тошлардан қутулган сари ўзимизда ўзгаришлар сеза бошладик. Ёлғон бўлмасин, тошлар чиқиш жараёнида жуда кучли оғриқлар сабабли кечалари билан ухламай, қалтираб чиққан вақтларимиз ҳам бўлди. 16 кун даволанган бўлсак бирор марта қон босимим кўтарилмади.

Онам «бу докторга ҳар қанча таъриф оз, тасанно, офарин десам ҳам оз. Бердиқул Жўрақулович замонамизнинг Ибн Синоси», дейдилар.

Оиламиз номидан шифокоримизга миннатдорчилик билдирамиз.

## «САБР-ЧИДАМ БИЛАН ДАВОЛАНИШ КЕРАК ЭКАН»

**Сапарниёз ЧЎЛЛИЕВ (Бухоро вилояти Олот туманидан):**

— Менинг ўтимда 2015 йили иккита тош пайдо бўлиб, қаттиқ безовта қилди. Овқат егандан кейин қорним дам бўлар, эрталаб уйғонганда оғзим аччиқ заҳардай, қовурғам ости ва орқа томонимда оғриқ бор эди. Кундузи ишлар билан чалғирдим, лекин кечаси бошим ёстиққа тегиши билан оғриқ бошланарди. Бухоро вилояти марказий касалхонасида 27 кун даволаниб чиқдим. У ерда буйрак, ошқозон яллиғланиши, талоқ катталашгани, жигарда холестерин борлигини айтишди. Бир йил мобайнида жуда қийналдим. Ичмаган дори-дармоним қолмади. Бир дардга бошқа дард қўшилаверди.

2016 йили «Эргаш ота» тиббий марказига нажот излаб келдим. Бердиқул Жўрақулович илиқ кутиб олди. Сабр-чидам билан даволансам соғайиб кетишимни тайинлади. 21 кун 16 та малҳам ичиб, уйга кетиб қолдим.

Кейинчалик оғриқлар аста-секин кучайиб бораверди. Шу йили декабрда яна келдим. Еттита малҳам ичиб, бошқа ичолмасдан уйга кетиб қолдим. Бирда яхши, бирда ёмон аҳволда юрдим.

Учинчи марта қатъий аҳд қилиб 2017 йили «Эргаш ота»га келдим. Бешта малҳамдан кейин ичимдан холестерин, заҳарли тузлар туша бошлади. 11 та малҳамдан кейин кечқурун ўнг қовурғам остида қаттиқ оғриқ пайдо бўлиб, кечаси ичимдан тошлар туша бошлади. Булар билурибин тошлари экан. Мен тош балосидан қутилдим... кўзимдан ёш чиқиб кетди.

Ушбу кечинмаларимни ҳам йиғлаб ёзмоқдаман. Даволанмоқчи бўлсангиз сабр билан шифокор айтган муд-

датгача даволанинг. Бердикул укамдан ўла-ўлгунимча миннатдорман. Бу кишининг халқимизга, менга ўхшаган дардмандларга қилаётган хизмати, фидойилиги, жонкуярлиги катта таҳсинларга лойиқ.

### **«ХАЁТИНГ ХАВФ ОСТИДА, ДЕЙИШДИ»**

**Муҳаббат Алиева (Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан, 1991 йилда туғилган):**

- Мен 2013 йилда ўт қопимда тош борлигини билганман. Шифокорга борганимизда дорилар буюрди, оғриқ ҳам тарқаб кетди. Иккинчи марта оғриқ хуруж қилганда ҳам шифокорга учрашдик. УЗИга буюрди. Текшириб «Сенда 20та тош бор, тезлик билан операция қилмаса бўлмайди, ҳаётинг хавф остида», деди. Уйдагилар, қайнона-қайнотам ва ўзим ҳам рози бўлдим. Операцияга бир кун тайёрлашди. Иккинчи куни, яъни операциядан олдин ота-онам кўргани келишди. Нега операцияга рози бўлдинг, дея мени койишди. «Сен ҳали ёшсан, 6 ойлик боланг бўлса, ярим жон бўлиб унга қандай қарайсан», дейишди. Хуллас «операцияга рози эмасмиз», деб туриб олишди.

Уйга қайтиш учун шифохонадан чиқаётганимизда доктор келиб ота-онамга насиҳат қилди: «Қизингизда битта эмас, 20та тош бор, операция қилмаса бўлмайди». Уйга олиб кетишди. Орадан бир йил ўтди. Охирги икки ойда беш марта «приступ» берди. УЗИга тушганимда тошлар 20тадан ошиб кетган, дейишди. «Операция қилмаса бўлмас экан», дея яна йўлга тушдик. Таксида бир йўловчи йигит Самарқандда врач бўлиб ишлашини айтиб қолди. Каттақўрғонга боришни маслаҳат берди. Биз йўлни ўша томонга бурдик. «Эргаш ота» клиникасида бош шифо-

кори Бердикул акага учраганимизда, у киши «Сизда нафақат тош, балки гижжа ҳам бор», дедилар. 15-20 кун ётиб, даволанишни маслаҳат бердилар. Сабр-тоқат билан даволанишни бошладим. Олтинчи малҳамдан кейин тошлар туша бошлади. Саккизинчи малҳамдан кейин эса бир ҳовуч билирубин тошлари тушди. Кўриб ҳайратда қолдим, қувонганимдан йиғлаб ҳам олдим. Шифокорга олиб бориб кўрсатдим. Ичимдаги тошларни операциясиз тушириб бергани учун дуо қилдим.

### **«ХАЛҚИМИЗ БАХТИГА СОҒ БЎЛСИН!»**

**Навбахор Қосимова (Бухоро вилояти, Гиждувон туманидан, 1978 йилда туғилган):**

- Мен ўт қопимдаги тош, буйракда туз, қум, қоринда шиш, ошқозон оғриғи ва яна аёлларга хос бўлган хасталиклар билан оғриб, кўп йиллардан буён турли касалхоналарда даволанганман. Кўплаб шифокорларга мурожаат қилганман...

Қариндошу кўни-кўшнилardan эшитиб, мен ҳам «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига келдим. Менга шифокор Бердикул аканинг дардимга давони худодан сўрашлари жуда таъсир қилди. Негадир Жалолиддин Румийнинг «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» деган сатри миямга ўрнашиб олди. Демокчи-манки, бу даргоҳда аввало чин эътиқод билан шифокор кўрсатмасини бажариш керак экан. Яратган эгам илтижо қилган бандасининг қўлини қуруқ қайтармас экан. Уч кун малҳам ичиб анча тетиклашдим. Очлик ҳисси йўқолди...

Бешинчи кун и ўт қопимдан салкам бир ҳовуч ҳар хил шаклдаги тошлар тушди. Тана шунча нарсани кўтариб юришига ҳайрон қолдим. Бу тошлар жарроҳ-

ларнинг хулоса ва ҳукми билан ўт халта билан қўшиб олиб ташланарди. Бердиқул аканинг меҳнати, Яратганнинг шарофати билан ундай бўлмади. Ҳамма дарддан фориф бўлгандек руҳим тетиклашди.

Ҳинд халқида «Ҳаммага нафи тегадиган, ҳамма учун керакли одам — энг бахтли инсон» деган нақл бор. Ёки бир мутафаккир бобомиз «Шам каби бўл, ўзингдан шуъла таратиб, ўзгалар ҳаёт йўлини ёритгин», деган экан. Мен шифокоримиз Бердиқул акада ана шу фидойиликни, меҳнатсеварликни, заҳматни, камтаринликни кўрдим. Ўз навбатида мен ҳам Худодан бу инсоннинг халқимиз бахтига соғ бўлишини сўрадим.

### «ТҮРТ БОРИШДА 322 ДОНА ТОШ ТУШДИ»

**Солий Ҳайдаров (Қорақалпоғистон Республикаси, Амударё тумани Манғит шаҳридан, 1951 йилда туғилган):**

- Мен 63 ёшгача шифохона нима эканлигини билмаганман. Юрагимда бироз ўзгариш сезиб, шаҳар шифохонасининг Кордиология бўлимида ётдим. Тез юрсам нафасим қисиб, юрак уриши тезлашиб кетарди. ЭКГда юракда ўзгариш борлиги маълум бўлди. Аритмия, тахикардия дея ташхис қўйишди.

У ерда врачлар ҳар томонлама кўриқдан ўтишни буюришди. Ана шу текширувда УЗИ мутахассиси бўйи 87 мм, айланаси 42 мм бўлган ўт қопим тошга лиқ тўла (тошларнинг катталиги 3 мм дан 17 мм гача) эканлигини айтиб, жарроҳга йўланма берди. Учрашдим. Бунча тош билан ўтингизнинг ишлаб турганига ҳайронман, агар бир сабаб билан «приступ» бериб қолса аҳволингиз ёмон бўлади. Шу боис ўт қопини тошлари билан олиб

ташлаш керак, бошқа йўли йўқ, деди қатъий. Бир умр уколдан қўрқиб юрган каминанинг жарроҳлик столига ётиш ваҳимасини тасаввур қилиб кўринг. Қайфиятим тушиб кетди, юрак оғриғиям бир ёнда қолди. Хаёлда бир нарса - «операция». Кордиология бўлимида ётиб, ҳамхоналар билан дардлашиб юрган кунларнинг бирида Нажмиддин деган ўртоғим билан учрашиб қолдим. У ҳам бир неча йил шу касалга йўлиқиб, касалхонада ётиб, уч кун операцияга тайёрланиб ётганда, «Эргаш ота»да жарроҳликсиз ўт қопидан тош тушишини эшитиб, уйга ҳам бормаи тўғри шу масканга келибди. Уч марта кетма-кет даволаниб ўт қопидаги тошлардан халос бўлганлигини ишонарли қилиб айтиб берди.

Туман шифохонасидан чиқиб, Самарқандга — «Эргаш ота»га йўл олдим. 2014 йилнинг 14 мартида келиб, 18 кун даволандим. Тош тушмаса-да, енгиллашиб, ёш йигитнинг кучи билан сентябрь ойида яна шу ерга қайтишни режалаштириб уйга кетдим. Бажаролмай қолган хўжалик ишларини яна бемалол бажарадиган бўлдим. Беш сўтих деҳқончилик ерим, 40-50 товуқ, иккита соғин сигирга бемалол қарайдиган бўлдим.

Айтилган вақтда яна келиб, тош тушганча ётаман деб мақсад қилдим. 34 кун ётиб 28 мартаба малҳам ичдим. Ўттизинчи кунларига, яъни 25-малҳамдан кейин тош туша бошлади. Бир тушганда кичиги мошдек, йириги ловиядек 48 дона тош тушди. Уларни суратга олиб қўйдим. Яна уч-тўрт кун профиклактика қилгач, уйга рухсат сўрадим.

2015 йил 16 апрел куни яна келиб, 30 кун деганда, 26 малҳамдан кейин тош туша бошлади. Бу гал энг майдаси тариқдек, каттаси 17 мм гача бўлган 75 дона тош тушди. 38 кун ётдим.

Уйга бориб яна ўша УЗИчига учрашдим ва текшир-тирдим. «10-15та кичик тошчалар бор, бу сизнинг ёшин-гизда кўпчиликда бўлади, хавфли эмас, ўт қопингиз яхши ишлаб турибди», деди. Кейин саккиз ой аввалги ташхис қоғозларини узатдим. Қоғоздаги ёзувларни ўқий бош-лади. Бу имзолар сизники, УЗИ аппаратингиз бузуқми ҳар хил кўрсатиб турибди, 15-17 ммлик тошлар қаерга кетди дедим. Саволимга жавоб беролмади. Кейин ўзимни эслатиб, «Эргаш ота» тиббиёт марказида даволанган-имни айтиб бердим. Охирида савол бердим: ўт қописа тоши бор касалларни жарроҳга юбориб, ўт қопини ол-дириб, нечаси ногирон бўлганлигини санаб кўрганмисиз, дедим. Саволим яна жавобсиз қолди.

Мана ҳозир 2016 йилнинг 18 апрелида тўртинчи бора келдим. Бу гал тўртинчи малҳамдан кейин 5-9 мм атрофида ўн иккита, 9-малҳамдан кейин эса тариқдек 18 та кичкина тошчалар тушди. Энди ўзимни аввалги-дан ҳам енгил ҳис қиляпман.

Хулоса қилиб айтганда, яна ўша УЗИга тушдим, лекин ўт қопим тоза чиқди. Тошлардан холос бўлиб-ман. Жами турли ҳажмдаги 322 дона тушган тошлар-ни санадим. Энг асосийси ўт қопа фойдага қолди...

Юқорида фақат тошлар ҳақида гапирдим. Билмаган яна анча касалликлардан ҳам фориф бўлганлигимни ҳис қиламан. Масалан, авваллари тунда камида икки маро-таба пешобга чиқардим. Бу қариликка хос касаллик дейишарди. Ҳозир эса бу безовталиқдан ҳам қутулдим.

Бу орада ўзимнинг қизларим, куёвларим, ошна-оғай-нилар, кўни-кўшни, маҳалладошлардан 50 нафарга яқини шу ерда шифо топиб кетишди. Даволаган шифокори-миз Бердиқулжон, раҳмат эшитган биз бўлиб юрибмиз.

Шунча жарроҳлик азобларидан, югур-югурларидан қутқариб, яқинларимни дардларидан халос этган шифо-

кор укамизга, унинг жамоасига чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Бизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлишсин. Савобли ишларига Оллоҳ мададкор бўлсин!

### **«ЯШАРИБ КЕТДИМ!»**

**Жания Кусаинова (Қозоғистон Республикаси Нурсултон шаҳридан):**

«Эргаш ота» тиббий маркази ва унинг шифокори Бердиқул оғани Қозоғистонда кўпчилик яхши билади ва ҳурмат қилади. Келиб-кетганлардан фақат яхши фикрларни эшитиб, опаларимизнинг даъвати билан биз ҳам синглим билан бирга келдик.

Шахсан ўзимда «сурункали гепатохолецистит», гастрит, эндокрин касалликлари ва аёлларга хос хасталиклар бўлиб, уларни даволаш борасида анча ҳаракатлар қилганман.

Бу ерда 13та малҳам ичгач, УЗИ, МРТ ва бошқа аппаратларда текширтдим. Натижалардан жуда хурсандман. «Эргаш ота»га келгунимча қўлланилган организмни тозалаш, даволаш бўйича усулларнинг ҳеч бири бундай самара берган эмас! Ҳатто, менда шунча тош йиғилганини тасаввуримга ҳам сиғдира олмасдим.

Энг асосийси, ақл бовар қилмас даражада енгил тортдим, яшариб кетдим!

Докторнинг сеҳри ичимлиги учун ташаккур!

### **ТОШКЕНТЛИК ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ ҲАЙРАТЛАРИ**

**Озода Убайдуллаева (Тошкент шаҳри Чилонзор туманидан):**

— Мен бир неча йил мазам бўлмай, ҳолсизланиб юрардим. Бир дугонам «Эргаш ота» шифохонасига келиб шифо топиб кетганини эшитдим. Мен ҳам 2015

йили бу ерга келдим. Шифохона ходимлари ширин сўзлар билан кутиб олишди. Бердиқул ака мени кўриб, жигар гепатози, холестерин юқорилиги, ўт қопида ўзгариш борлиги, ичак фаолияти яхши эмаслигини айтди.

Малҳамни уч кун ичганимдан сўнг ўт қопимдан майда тошчалар туша бошлади. Ортиқча вазндан ҳам аста-секин қутила бошладим. Мана ҳозир илгариги касалликлардан бирортаси безовта қилмайди.

Мен ўзим медицина ходими бўлганим учун бу ердаги озодаликка эътибор қаратдим, шароитидан қониқдим. Спорт заллари, физиотерапия хоналари эса мени лол қолдирди.

Оллоҳнинг назари тушган шифокор Бердиқул Жўрақулович фақат ўзбекистонликларнинг эмас, балки чет элдан қанчадан қанча шифо излаб келувчиларнинг ҳам ҳурмат-эҳтиромига сазовор эканлигини кўрдим. Биз бу инсоннинг қадрига, албатта, етишимиз керак. «Эргаш ота»нинг барча меҳнатсевар ходимларига ҳам чуқур миннатдорлик билдираман.

### **«ҲАММА ТОМОНИ ИГНАСИМОН ЎРТАСИ ТЕШИК ТОШ ТУШДИ»**

**Нилуфар Эшонқулова (Андижон вилояти, Бўз туманидан):**

— Мен 2016 йили ошқозоним оғриб Шаҳрихон тумани касалхонасида даволаниб чиқдим. Кўп ўтмай буйрагим ҳам приступ бериб қолди. 2017 йили январь ойида оёғимнинг тизза кўзидаги пай йиртилиб, яна касалхонада даволандим. Лекин натижа яхши бўлмади.

Опамнинг маслаҳати билан «Эргаш ота» шифохонасига келдим. Чунки опам шу ерда даволаниб, соғайиб кетган эди. Бешта малҳам ичганимдан кейин

ичимдан майда тошлар туша бошлади. Бу ердаги тренажёр залига кириб, велосипед минай десам оёғим қаттиқ оғриди. Массаж ола бошладим. 7-малҳамни ичганимдан кейин ичимда қаттиқ оғриқ бошланди. Оғриқнинг қай даражадалиги ўзим ва Яратганга аён. Дорининг кучи билан 4 соат ухладим. Ярим тунда яна қаттиқ оғриқдан уйғониб кетдим. Тонгда мўъжиза рўй берди. Ҳамма томони игнасимон ўртаси тешик тош тушди. Оғриқлардан халос бўлиб, кўзим ярқ этиб очилди.

Ҳозирда велосипедни бемалол ҳайдай оламан. Оёғимдаги оғриқлар ҳам йўқ ҳисобида. Мен шифокор Бердикул Жўрақулович ва у кишининг жамоасига соғлиқ, куч-райрат, узоқ умр тилаб қоламан.

### **«ШИФОКОРНИНГ АЙТГАНИНИ БАЖАРИНГ, КАМ БЎЛМАЙСИЗ!»**

**Дилбар Атажанова (Хоразм вилояти Урганч туманидан, 1964 йилда туғилган):**

- «Эргаш ота» клиникасига биринчи марта 2007 йилда келиб, зўрға 9та малҳам ичиб кетиб қолганман. Йиллар ўтиши билан хасталикларим кўпая бошлади. Ўт қопининг қийшайиши, ошқозон ости беши шамоллаши, панкреатит, умуртқа поғонасида 2та диск чурраси. Ўзимизнинг касалхоналарда анча даволандим. Самараси вақтинчалик эди. Шунинг учун «Эргаш ота»га 2016 йил 8 декабрда дугонам билан қайта келиб, сабр билан 19та малҳам ичдик. Овқат ҳазм қилишим яхшиланди, оғзимда аччиқ таъм пайдо бўлиши йўқолди. Бел ва думгаза чурраси туфайли чап оёғим тиззадан пасти жонсиз билан бўлиб қоларди. Ҳозир ундай ҳолатлар йўқ.

Шунинг учун 2018 йил январь ойида яна даволашни келдим. Шу ўринда шуни таъкидламоқчиманки,

бу ерда даволанаётганларнинг нафақат танаси, балки руҳияти, сабр-бардоши ҳам синовдан ўтади. Мен бу ерга биринчи марта келганимда иродасизлик қилиб эрта кетиб қолдим. Шу ишимдан жудаям пушаймонман. Ўшанда сабр билан даволанганимда бу касалликлар бўлмасди. Шунинг учун даволанувчиларга маслаҳатим — шифокор нечта буюрса сабр билан шунча малҳам ичинг!

### **«ЯҚИНЛАРИМ БИЛАН БИРГА ТОШУ ЎСИМТАЛАРДАН ХАЛОС БЎЛДИК!»**

**Фуломжон Абдусаломов (Сирдарё вилояти Сардоба туманидан):**

- “Эргаш ота” шифохонасига оиламиз билан 2006 йилдан бери келамиз. Дастлаб отамиз Абдурахмон Абдусаломов хасталиklarини даволаш учун келганмиз. Ўшанда отамизнинг ўт қопида 3,4 см. катталиқда тош пайдо бўлиб, қаттиқ оғриқ берар эди. Докторлар “операция қиламиз” дейишди.

Операцияга норози бўлиб, “Эргаш ота” тиббиёт маркази бош шифокори, фахрий профессор Бердиқул Жўрақуловичга учрадик. Отамни кўргач олиб қолиб, даволашни бошлади. 17-малҳам ичганида оғриқ кучайиб, кечаси соат 3:00да ўт қопидаги катта тош тушганини гапириб берганди.

Ўшанда 9 кун ётиб, 26 кунда уйга қайтди. Ижозат олиш пайтида Бердиқул акага “Менинг турмуш ўртоғим 3 марта сариқ бўлган олиб келсам бўладими”, деган экан, “Олиб келинг”, дебди Бердиқул ака.

Онам Бибихон Абсаломовани ҳам шу тахлит олиб келганмиз. Доктор Бердиқул ака кўриб “Жигар ўта

оғир аҳволда эканлигини, жуда узоқ даволаниши зарурлигини айтди. 16-малҳамдан кейин жигаридан рак пардаси тушди ва яна 10 кун малҳам ичиб уйга кетишга рухсат бўлди. Олти ойда ота-оанм яна келиб 14 малҳам ичиб соғлом уйга қайтишди.

Соғликнинг қадрига уни бир марта йўқотган одам этади. Шу боис ҳар йили бир маротаба 14-16 кун даволаниб, тозаланиб кетадиган бўлишди. Бу тиббий марказга касал бўлмай келиб даволаниб кетиш керак экан, деган хулоса билан биз — 4 нафар қиз, 2 ўғилни ҳам мажбурлаб олиб келди. Муолажанинг фойдасини кўриб опа-укалар ҳар йили бир маротаба келиб даволанадиган бўлдик.

2014 йилги бир воқеани эслагим келди. “Эргаш ота” шифохонасида отам даволанаётган пайтида Мирзааҳмад деган таниши қўнғироқ қилиб, “Ака, менинг турмуш ўртоғим Тошкентда онкалогия касалхонасида ошқозон ости безида рак ўсимтаси борлигини аниқлашди. Операция қилиш керак экан, 7,5 миллион маблағ керак экан”, деб маслаҳат солади. Бердиқул акадан сўраганида “Олиб келсин, Оллоҳ йўлини очса, тузалиб кетади”, дебди. Келиб даволашнинг 19-малҳамидан кейин ошқозон ости безидан ўсган рак лахта-лахта қон шаклида 3 кун мобайнида тушибди. Ҳозир соғлиги жудаям яхши.

Сирдарё вилоятида жуда ҳам кўп оғайнилар ва дўстларимиз келиб даволаниб ҳаммаси миннатдор бўлиб кетишган. Бердиқул Жўраевич 100дан ошганда ҳам ҳалқимизнинг ардоғида бўлишини Оллоҳдан сўраб қоламан!

## «УМР ДАФТАРИМГА ЁЗИБ ҚЎЙДИМ»

Норсулов Ҳамидова (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан, 1971 йилда туғилган):

- Мен Қарши шаҳридаги 6-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлайман. 2015 йили шаҳримиз докторлари ўт халтамини операция қилиш керак, деган хулоса беришди. Ўт халтадан ташқари жигаримда холецистит, остеохондроз каби касалликлар ҳам борлигини аппаратларда аниқладилар.

Шунда бир танишим «Эргаш ота» тиббий марказини тавсия қилди. Ўша йили келиб 18 кун малҳам ичдим. Тўртинчи малҳамдан бироз безовта бўлдим — қорним оғриди, жигардан холестерин тошлар, яна қора қурумга ўхшаган нарсалар тушди. Олтинчи малҳамдан кейин ҳам бу ҳол такрорланди. Ўнинчи малҳамдан кейин ўтимдан тошчалар тушди. Мен хурсанд бўлиб докторга кўрсатганимда у киши «Ўтингиздаги тошлар тушди», бунини умр дафтарчангизга ёзиб қўйинг», деди.

Келган куним вазним 110 кг эди, уйга 100 кг бўлиб кетдим.

2016 йилда 17 кун, 2017 йилда 20 кун давомида малҳам ичдим. Ўтимдаги тошлардан батамом қутилдим. Ҳар келганимда ўзимда янада енгиллик сезиб кетаман. 2018 йил келишимда икки синглим ва ҳамкасбимнинг ўғлини ҳам олиб келдим. Улар ҳам шифо топишаётганлигидан жуда хурсанд.

Мен Бердиқул Эргашевга ўзим ва яқинларим номидан миннатдорлик билдираман, оила азъолари ва биз каби шифоталаблар бахтига доимо соғ-омон бўлсин!

**Учинчи бўлим**

**ОШҚОЗОН ВА  
ИЧАКЛАРДАГИ  
ХАСТАЛИКЛАР**

## «НЕГА ИЧАКЛАРНИ ЧЎМИЛТИРМАЙМИЗ?»


### Ёхуд метаболизм ҳақида эшитганмисиз?

Бу савол китобимиз муқаддимасида келтирилган америкалик олим Жоэл Робинсонга тегишли. «Калласи ишлайдими бу америкаликнинг, ичакни ҳам чўмилтириб бўлар эканми?» деган саволни қўяди соддадил инсон. Унга биз бошқа бир АҚШлик олим Уилям Хантернинг фикрини келтирамиз:

«Ичак — бу организмнинг суғориш системаси ҳисобланади. Агар унга нотўғри муносабатда бўлинса, у бутун организмга тарқаладиган захарлар ишлаб чиқарадиган булоққа айланади».

Бу фикрни энди сал кенгроқ таҳлил қилишга тўғри келади. Масалан, Нью-Йорк шаҳрида 25 йил фаолият олиб борган доктор Энтони Баджер катта тадқиқот ўтказиб, унга ишонч ҳосил қилиб, натижаларини қўплаб саҳифаларда узундан-узоқ оддий одам тушунмайдиган гап билан эмас, беш сўз билан қатъий хулосалаб берди: «муаммоли ичаклар қўплаб касалликлар сабабидир».

Ичакларни қандай чўмилтиришни хорижлик олимлар айтишмайди. Бироқ ўзбек шифокори Бердиқул Эргашев Шарқ табobati, жумладан, Ибн Сино муолажалари фалсафасини чақиб, инсон ичакларини ювиб,



Тоза ва тўғри ишлайдиган ичак соғлом метаболизм гаровидир.

**Линдсей Дункан,  
АҚШлик диетолог.**



Ичак ўзининг меъёрадаги ҳажмидан беш баробар ҳажмда каттариши мумкин. У чиқитлардан ўз вақтида халос бўлмаслиги оқибатида вужудга келган заҳарли моддалар ҳисобига шишади. Инсон организмида 2 килодан 30 килогача ана шундай чиқитлар тўпланиб қолиши мумкин.

***Кэрол Портер, АҚШлик мутахассис***

тозалаш тажрибасини йўлга қўйди ва Энтони Баджер айтган кўплаб касалликларнинг асл сабабларини йўқотишга эришди.

«Ичак ўзининг меъёрадаги ҳажмидан беш баробар ҳажмда каттариши мумкин. У чиқитларидан ўз вақтида халос бўлмаслиги оқибатида вужудга келган заҳарли моддалар ҳисобига шишади. Инсон организмида 2 килодан 30 килогача ана шундай чиқитлар тўпланиб қолиши мумкин...

Ичакларда йиғилиб қолган чиқитлар оғирлик сабаб ичакларни қориннинг паст қисмига босади. Натижада у ерда жойлашган сийдик қопи, аёлларда бачадон, эркакларда простата бези қисилади ва бу ҳолат мазкур органларда турли касалликларни келтириб чиқаради. Масалан, аёллар бачадонининг сиқилиши оқибатида инфекциялар тушиши, кисталар пайдо бўлиши, бепуштлиқ келиб чиқиши мумкин. Эркакларда эса простатит, бепуштлиқ касаллигини келтириб чиқаради, жинсий фаолиятни сустлаштиради», дейди калифорниялик доктор Кэрол Портер.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, касалликларнинг асоси ичакларнинг ифлосланиши ва ич қотиши (қабзият) сабабидандир. Савол туғилади: қандай қилиб ичакни тозалаш мумкин?


Бунинг учун «Эргаш ота» шифохонасида ички органларини, жумладан, ичакларни «чўмилтирган» кишилар фикрларига эътибор қаратмиз.

## **«КИМКИ БИР КЎНГЛИ БУЗУҚНИНГ ХОТИРИН ШОД АЙЛАГАЙ, ОНЧА БОРКИМ, КАЪБА ВАЙРОН БЎЛСА ОБОД АЙЛАГАЙ»**

**Ҳаким Кенжаев (Қашқадарё вилояти Касби туманидан, 1956 йилда туғилган):**

2010 йилда ичимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди. Тузалиб кетар деб икки йил юрдим. Аҳволим кескинлашгач вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларига мурожаат қилдим. Текшириб кўришди, лекин улардан қониқарли жавоб ололмадим.


1997 йили синглим Меҳригул Кенжаева “Эргаш ота” тиббий марказига келиб даволанганида ошқозонидан рақ пардалари тушганини, аҳволи яхшиланганини хурсанд бўлиб айтиб берганди. Ундан ташқари кўплаб қишлоқдошларим ҳам бу ерда даволаниб соғайиб кетишганини эшитганман. Қасалим жиддийлаша бошлагани учун 2013 йил мен ҳам бу ерга келиб даволана бошладим.



518 нафар миқознинг парижонхотирлик, хотиранинг сусайиши, жижзакилик, сабабсиз қўрқувлар, оғир руҳий танглик (депрессия), ўз жонига қасд қилиш синдроми каби касалликлардан арз қилишларининг барчаси ичак фаолияти бузилиши натижаси ҳолатлари билан боғлиқлигини кўрсатди.

**Саттерли Элдриж,  
АҚШлик доктор.**

Учинчи малҳамдан кейин ичимдан аллақандай нарсалар тушди. Бутун аъзойи баданимда энгиллик сеза бошладим. Жигаримданми, ошқозонимданми юрагимга кетадиган бир томир кечасию кундузи шунақа зарб билан оғриқ берарди.



25 йиллик тадқиқотларим натижаларига кўра ҳар бир шифокор билиши керакки, муаммоли ичаклар кўлаб касалликлар сабабидир.

**Энтони Баджер,  
Нью-Йорклик доктор**

Бешинчи бора келганимда мана шу оғриқ ҳам йўқолди. Ошқозонимдаги дардлар бартараф бўлди деб ўйлайман.

64 ёшдаман, соғлигим яхшилигидан ҳар куни 3 км яёв юраман.

Айни пайтда қолган-қутган қасалларим ҳам тузалсин, дея олтинчи бора келишим. Бу орада ўғлим ва қизим ҳам даволаниб кетишди. Чин юракдан хизмат қилаётган ходимларга ва албатта, бош шифокор Бердиқулжон укамиздан беҳад хурсанд эканлигимни айтмоқчиман. Шоирлар султони Мир Алишер Навоий ҳазрат айтганларидек,

*Кимки бир кўнгли бузукнинг хотирин шод  
айлағай,*

*Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай.*

Минглаб, миллионлаб хасталар дардига малҳам бўлаётган бу инсонга чексиз тасаннолар бўлсин! Беш вақт намозимизда Яратган эгамдан Ибн Сино издоши бўлган севимли табибимизга куч-қувват, сабр-матонат, соғлик-саломатлик, узоқ умр тилаб келмоқдаман! Оллоҳ паноҳида асрасин!

## «ЭРГАШЕВНИНГ ДАВОЛАШ УСУЛИ ДУНЁДА ТЕНГСИЗ»

**Владимир Гринберг (Қозоғистон Республикаси Ақтўба шаҳридаги «ЮЖПРОМСНАБ» жамияти муассиси, 65 ёшда):**



- Асли геологман. Касб тақозоси билан, яъни нотўғри оврақатланиш сабаб ўн икки бармоқли ичакда яра орттириб олганман. Ўн йиллаб бу касалдан азоб чекиб келганман. Кейинроқ жигарим касалланди. Бу нисбатан ёшлиқдаги даврим эди. Ҳозир мен ишбилармонман. Бизнесим ҳам яхши. Фарзандларни уйли-жойли қилгач, хотиним билан ўз соғлигимизга

қарай бошладик. Биз тиббиёти ривожланган Германия, Корея, Исроил, Швецария каби жуда кўп давлатларда бўлиб, уларнинг тиббий хизматидан фойдаланганмиз. Энг замонавий аппаратлар воситасида ҳар томонлама яхшилаб текширишади. Лекин «Сизнинг ёшингизда бу табиий ҳол», дея даволаш бўйича ҳеч нарса таклиф қилишмайди.

Ўзбекистоннинг Самарқандида, яна Каттақўрғон туманидаги қишлоқлардан бирида ташкил этилган «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида эшитиб, турмуш ўртоғим Анна Фёдоровна билан бирга биринчи бора келганимизда эл қатори навбатга туриб, қабулга кирдик. Ўшанда 18та малҳамни қийналиб бўлса-да ичганмиз. Ичимиздан тушган хилтлару тошларни кўриб

ҳайратга тушганмиз. Уйга бориб, парҳездан чиққандан кейин ўзимизда енгиллик сездик.

Биз Жанубий Кореяга мунтазам бориб турамиз. Учинчи даволанишдан кейин у ерга бориб, машҳур «Хундай» компаниясининг «Асами медикал центр» деб номланган жуда катта клиникасида ўзимизни обдон текширтдик. Тажрибали врачлар қонимиздаги холестерин йўқолганлигини (тўрт йил аввал 30 фоизга ошган эди), томирларимиз тозаланганини, турмуш ўртоғимнинг қанд миқдори меъёрга тушганини ҳайрат билан таъкидлашди ва бизни мақташди. Уч йилдан буён организмда холестерин тўпланиши тўхтаганини ана шу клиникаларда топширилган таҳлиллар натижалари кўрсатмоқда.

Бунгача эса ҳар тун уйқу олдидан статинлар қабул қилишни «бир умрлик» дея тайинлашганди. Энди эса дори эмас, фақат парҳез тайинлаш билан кифояланишмоқда.

Расмий тиббиёт бунга ишонмайди. Ўз синглимни олайлик. У дипломли врач. Исроилда ишлайди. Унга айтсам «Бўлмаган гап», дейди. Майли дейман, лекин энг яхши исбот бу ўзинг ҳис қилган саломатликдир.

Ўзимизни ёшлиқдагидек енгил, қувватга тўла ҳис этмоқдамиз. Ҳар куни ўн километрдан кўп яёв юришимга қарамасдан чарчоқ нималигини билмайман. Мен ривожланган тиббиётдан бохабар инсон сифатида Бердиқул Эргашевнинг даволаш усулини дунёда тенги йўқ деб ҳисоблайман. Шу боис мен шифокоримизга ишонаман. У катта ҳарфлар билан ёзиладиган ҳақиқий **ДОКТОР!**

Беодоблик бўлса-да, бир тилагимни ўзига айтдим, яна такрорлайман: биз каби минглаб шифоталаблар учун шифокор ўзини ҳам асраши керак!

## «УКАЖОН, МЕНИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИШМОҚЧИ...»

**Ойшаҳар ЭЛБЕКОВА (Самарқанд вилояти  
Иштихон туманидан, 1959 йилда туғилган):**

— Мен етти нафар фарзанднинг онасиман. 1995 йили ошқозон, ўн икки бармоқли ичагимда яра пайдо бўлди. Докторлар операция қилиш кераклигини айтишди. Лекин операциядан қўрқиб, нима қилишни билмай юрганимда бирга ишлайдиган бир дугонам «Эргаш ота» деган шифохона очилганини, у ерга бориб дардига шифо тоганини айтиб қолди. Қишлоғимиздан олти киши бирга Каттақўрғонга келдик. У вақтлари доктор кичик бир жойда даволар эди. Шундай бўлса-да, эллик нафар бемор бор экан. Олти киши кичик бир хонада ётганмиз.

Бердикулжоннинг олдига кириб: «Укажон, мени операция қилишмоқчи», дедим. У киши кулди-да: «Бу ерда тифсиз яхши бўлиб кетасиз, фақат сабр-матонат, ирода керак. Айтганларимни қилиб, парҳезни бузмасангиз, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетасиз», деди. Бир ой ётишим кераклигини айтди. Икки кунда бир марта малҳам берарди. Ўзи ва биргина ҳамшираси бор эди. Ҳар бир касалга меҳр билан малҳам ичкизиб, ўнг томонимизга грелка қўйиб, яхши дам олинг, деб чиқиб кетарди. Эркак беморларни ўзи клизма қилар, ҳатто тувагигача ўзи тозалаган пайтларини кўрганман. Беморлардан тушган тошларни ўзи ювиб кўрсатарди. У пайтлар жуда қийинчилик билан олма шарбатларини ўзимиз тайёр-

лардик. Мана, ҳозир ҳамма шароитлар бор. Опшоқ чойшаблар тайёр, шарбатлар тайёр. Ўшанда бир ой ётдим. Мендан рақ пардалари тушди. Буни кўриб, Бердиқулжоннинг «Опажон, буни умр дафтарингизга ёзиб қўйинг», деган сўзлари ҳеч эсимдан чиқмайди.

Орадан ўн йил ўтиб, 2005 йилда яна келдим. Аввалги касалларимдан асар ҳам қолмади. Белимда грижа бўлиб, қон босимим тез-тез ошадиган бўлиб қолганди. Оллоҳнинг инояти, Бердиқулжоннинг малҳамию ширин сўзи, касалхонадаги турли умуртқа чуррасини даволайдиган аппаратлар ёрдамида офриқларим камайиб қайта туғилгандек бўлиб қолдим. Шундан бери ҳар йили мунтазам келаман.

Турмуш ўртоғим ҳам уч марта ётиб кетди. У кишининг қон босими ошиб кетарди, ҳозир жойига тушди. Бир неварам ичида қурти бўлиб, олиб бормаган жойим қолмади. Дудуқланиб, яхши гапиролмай қолганди. У ҳам шу маскандан шифо топиб, яхши бўлиб кетди.

Бугун одамлар дунёнинг узоқ бурчидан «Эргаш ота» деб излаб келишяпти, дардига дармон топиб кетишяпти. Ўзбекнинг иккинчи Ибн Синоси — Бердиқулжонни дуо қилиб кетишяпти. Бундан фахрлансак арзийди.

## **«ТУШГАН ТОШЛАРНИ ЖАРРОҲЛАРГА КЎРСАТМОҚЧИМАН»**

**Азизбек Мирзахметов (Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Ғазалкент шаҳридан, 1992 йилда туғилган):**

- 2016 йилнинг март ойида бошимда кучли офриқ пайдо бўлиб, ҳолсизланиб қолдим. Устига-устак ошқазоним ҳам овқатни яхши ҳазм қилолмайдиган бўлиб қолди. Кейин туманимиздаги касалхона мутахассисларига учрашдим. У ерда ҳар хил аппаратлар билан

текширишди — УЗИ, турли хил анализлар, ҳатто эндоскопия юттириб кўришди. Хулоса сифатида гастрит ташхисини қўйиб, 10 кунлик даволаш амалиётини белгилашди. Курсни тугатиб, ўзимни анча енгил ҳис қилдим. Тузалдим деган хулосага ҳам келиб, хурсанд бўлиб юрдим. Аммо бу қувонч узоққа бормади. Бир ойдан кейин касалим яна қўзғади.

Кейин Тошкентдаги номдор клиникаларга бордим. Улар аввалига эски ташхисларимга қараб, арзларимни эшитиб 14 кун даволансам тузалишимни айтиб, бир варақ дори-уколларни ёзиб беришди. Даволанишни бошладим. Тўрт-беш кундан кейин яна енгиллашгандек сездим ўзимни. Ростдан ҳам 14 кун уколдори олсам тузалиб кетишимга ишонч уйғонганини яширмайман. Даволанишнинг ўнинчи кунда яна ҳолсизланиб, яна аввалгидай ошқозоним ишламай қолди. Шундай бўлса-да, умид билан даволаниш курсини охирига етказишни мақсад қилдим. Лекин аҳволим кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Дориларни тугатиб, эртасигаёқ яна ўша врачга учраб, оғриқ қолмаганини, овқат ҳазм қилолмаётганимни айтдим. Энди у янада кучли антибиотиклар ёзиб берди. Антибиотиклар қабул қила бошлаганимнинг учинчи кундан ўзимни енгил ҳис қила бошладим. Бу енгиллик бир ҳафтага етди холос. Эндиги оғриқ аввалгидан ҳам кучли бўлди, аввалгидан ҳам оғирроқ аҳволга тушдим. Ошқозоним кечаси билан оғриб чиқадиган бўлди. Кундан кунга ҳолсизланиб борардим. Яна врачнинг олдига бордим. Энди у компьютер томографияси (МРТ) га юборди. МРТ хулосасини унга кўрсатганимда, ичимда оғир турдаги ўсимта борлигини айтди. Бу гапдан дунё қўзимга қоронғу бўлиб кетди. Тошкент-

даги докторлардан умидимни узиб, нажот истаб Россия давлати пойтахти Москвага йўл олдим. Ўзга юртдаги сарсонгарчилигу сарф-харажатларни, энг асосийси, фойдаси бўлмаганлиги ҳақида кўп гапирмай, таксига ўтириб Ўзбекистонга қайтиш учун аэропортга томон йўл олаётган вақтга тўхталмоқчиман. Хайдовчининг ён ўриндиғига ўтириб, қўл телефоним орқали уйдагиларга касалим нима эканлиги, натижа йўқлиги ҳақида гапириб бердим. Шофёр ҳам табиийки, бу гапларни эшитди. Гўшакни қўйишим билан ўзининг самарқандлик эканлигини, Каттақўрғонда «Эргаш ота» хусусий клиникаси борлигини, у жойда жуда оғир бедаво касалларни ҳам даволашаётганини айтиб берди. Қанча умидларим пучга чиқиб, ишонмай қолгандим (ахир Москванинг мана-ман деган олимлари имкон топа олмади). Лекин озгина бўлса-да, умид учқуни ёнди. Шоша-пиша чипта олиб, Ўзбекистонимга, Самарқандга, унинг Каттақўрғонига учдим.

Илк бор Бердиқул аканинг қабулига кирганимда, у киши ҳолимни кўриб, агар сабр қилсам, тузалиб кетишимни, умидимни сўндирмаслигимни айтиб кўнглимни кўтарди. Малҳам ичишни бошладим. Кўп дорилар — антибиотиклар қабул қилганим сабабли малҳам кеч таъсир қилди. 25-малҳамдан кейин ичимдан майда сариқ ўсимталар туша бошлади. Жами 40 та малҳам ичиб, ўзимни анча енгил ҳис қилиб, уйга кетдим. Оғриқлар йўқолиб, ошқозоним ҳам яхши ишлай бошлади. Орадан бир ой ўтгач касалимнинг қолганини ҳам даволаш учун иккинчи маротаба келдим. Энди жисмим шлаклардан халос бўлгани учун биринчи малҳамдан бошлабоқ ўша сариқ ўсимталар туша бошлади. 30-малҳамдан кейин эса ичимдан ҳар бири 15 см.ли трубадай кўринишдаги иккита сариқ ўсимта тушди. Яшир-

майман шундан кейингина ҳаётга умидим уйғонди. Айни шуларни ёзаётган пайтимда ҳам майда ўсимталар тушишда давом этмоқда. Лекин кундан кунга ўзимни яхши ҳис қилаяпман. Аввалгидек соғлом ҳаётга қайтиш ишончи билан яшамоқдаман.

Шифокоримиз Бердикул Жўрақуловичга самимий миннатдорлигимни билдираман, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайман.

### **«ОШИҚЧА ВАЗНДАН, ҚОН БОСИМИ ХАСТАЛИГИДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Рустам Ҳожираҳматов (Фарғона вилояти,  
Марғилон шаҳридан, 1967 йилда туғилган):**

- Қирқ олти ёшимдан қон босими хасталигидан қийнала бошладим. Қон босимим 230/160 гача юқориларди. Бу касалликка чалинганлар ҳаловатидан ажралишини жуда яхши биладилар. Уйқумни уйқу деб бўлмасди, муттасил бошим оғирди. Йигирма метр-гача юрардим холос, нафасим қисилиб, оёқларимда оғриқ кучайиб, ўтириб қолардим. Марғилон касалхоналарида ётиб даволанардим натижаси кўнгилдагидек бўлмасди. Врачлар «касаллинг семизликдан» дейишарди. Ҳақиқатдан ҳам вазним 209 кило эди. Маслаҳатларига кўра 1,5 йил уй шароитида парҳез қилиб, 6 килога оздим холос. Тўрт йилни шундай ўтказдим.

Фарғона тез тиббий ёрдамида ишлайдиган бир врач «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида айтиб қолди. Икки нафар яқинларим суяшиб олиб келишди. Ишониб-ишонмай келдим. 2017 йилнинг сентябридан бошлаб, 76 кун даволандим. Бу фурсатда 62 та малҳам ичдим. 31 кило ошиқча вазнимдан қутулдим, яъни 172

кило қолдим. Қон босимим 160/110 га тушди. Дам олмасдан 3 километр юрадиган бўлдим.

Бердиқул ака орадан 4 ой ўтиб, яна келасиз, деганди, 2018 йилнинг март ойида мана яна келдим. Бутун 21 кун, 17-чи малҳамни ичдим. 11 килога оздим. Айни вақтда 163 киломан. Қон босимим 150/100 га тушди. Уйқум яхшиланди. Оёғим оғриғи чекинди. Бошим оғрирди, йўқолди. Кўзим тинарди, бу хасталик ҳам буткул йўқолиб кетди. Иккинчи қаватга чиқа олмасдим. Ҳозир ҳансирамай 4-қаватга бемалол чиқа оламан. Шу ерда бутунлай шифо топишимга ишондим.

Мен каби хасталарни ҳам даволагани учун раҳмат айтаман. Умрлари узоқ, мартабалари улуғ бўлсин, дунёнинг қанча яхшиликлари бўлса Оллоҳ таоло инъом этсин!

## **«ҚАБЗИЯТ ВА БАВОСИЛ ХАСТАЛИГИГА УЧАГАНДИМ»**

**Баҳор Нарметова (Қозоғистон Республикаси  
Кентов шаҳридан):**

- 40 йилдан буён қабзият(атонический запор), бавосил(геморрой) хасталиги билан ҳар хил касалхона ва санаторийларда даволанганман. Кейинчалик бу дардимга «сурункали гепатохолецистит», ўт қопининг қийшайиши, иккитомонлама пиелонефрит хасталиклари қўшилди.

Биринчи келишим, лекин 15 кунда 17та малҳам ичдим. Касалликларим безовта қилмай қўйди. Тузалишимга ишончим ортди.

Доктор Бердиқул Эргашев яратган даволаш усули мени ҳайратда қолдирди. Унинг меҳнаткашлиги, иродаси, хаста дилларга кўрсатган ғамхўрлигига миллион-миллион тасанно!

## «ОШҚОЗОНИМ ОҒРИРДИ»

**Турсингул Абдуатова (Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманидан):**

- Мен жуда қаттиқ касал бўлдим. Нукус шаҳри, Хўжайли туман касалхоналарига бориб даволандим. Ошқозоним оғрир, укол-дорилар олардим. Қанча даволанмайин фойдаси бўлмади. Кунларнинг бирида менга нотаниш киши билан ўзаро суҳбатда дардимни эшитиб «Эргаш ота» клиникасини тавсия этди.

Турмуш ўртоғим билан бирга оғир аҳволда келдик. Бердиқулжон қабул қилиб, ўтимда тош борлигини айтди. Мен ошқозоним оғришини айтиб, унинг гапларига ишонмадим. Негаки, шаҳар, туман врачлари қўйган ташхислар нотўғрими, деган савол кечганди миямда.

Малҳам ича бошладим. Тошлар туша бошлагандан кейингина менда ишонч пайдо бўла бошлади.

2008 йилда биринчи келганимда 24 кун даволаниб, оғриқлардан халос бўлдим. 2010 йилдан бошлаб эса ҳар йили бир марта келиб малҳам ичиб, дардларимни қувиб уйга қайтадиган бўлдим.

Мени ҳаётга қайтарган шифокорга раҳматлар айтаман!

## «ОНАМ КЎЗ ЎНГИМДА ҲАЁТНИ СЕВАДИГАН ҚУВНОҚ ОДАМГА АЙЛАНДИ»

**Маржон Назарбаева (Қозоғистон Республикасининг Ақтўбе шаҳридан):**

- Онам Гулсиной Сарсенова (76 ёшда) билан бирга даволанишга келдик. Клиника ҳақида бу ерга келиб даволаниб кетган икки тадбиркор амакивачча-

ларимдан эшитиб, билдим. Кейин интернет орқали «Эргаш ота»нинг сайтини топиб, даволаш тартиби, мижозлар фикрларини ўқидим.

Аввало онам борайлик деди. У узоқ йиллардан буён гастрит, энтероколит, СРК (ичаклар қичишиши синдроми), цистит, панкреатит каби сурункали касалликларини даволаш билан машғул. Ҳар ой даволанишига қарамасдан унинг диареяси (ич кетиши) тўхтамасди.

Ўзим олий тоифали шифокорман, тиббиёт университетида 30 йиллик стажим борлиги учун келгунимча ишончсизлик ҳукмрон эди менда. Шундай бўлса-да, «нега си-наб кўрмас эканман», деган қизиқиш билан келишга қарор қилдим. Биз онам билан 11та малҳам ичдик.

Малҳам қандай таъсир қилганини кунма-кун назорат қилиб бордим.

Биринчи кун, ҳаммининг қон босими 200/120га чиқиб кетди. Қўрққанимиздан таблеткага ёпишдик. Олтинчи кунгача 160/90 да турди. Кейин 120/80 га тушди. Онамининг қон босими уйда 170/140 гача «сакраб» туради. 10 кун ичида 150/90 га тушди. Ич кетиши тўхтади. 3 килога озиб, ҳаракатлари енгиллашди. Умуртқа чўзиш муолажасидан кейин оёқ оғриғи, қулоғидаги шовқинлар йўқолди, кўз ўнгимда ҳаётни севадиган қувноқ одамга айланди. Муолажаларга менсиз ўзи қатнайдиган бўлди.

Ҳаёт тотли. Соғ-саломат умргузаронлик қилиш унданда ширин. Бахтли-саодатли умр кечириш учун эса инсонга, аввало, соғлиқ керак. Энг ширин лаззат саломатликдир.

**Бердикул Эргашев,**  
**фахрий профессор**

Ўзим ҳам уч килога оздим. Бу ерга келишимиздан уч ҳафта аввал миям чайқалиб, лат еганди. Бошим айланадиган бўлиб қолганди. Бевозталиқдан қутулдим. Кўриш қобилиятим яхшиланди.

Бу ерда турли касаллик билан Россия, Қозоғистон, Қирғизистоннинг турли жойларидан келган кўплаб одамлар билан суҳбатлашиб, малҳамнинг муъжизали дори эканлигини англаб етдим.

Фурсатдан фойдаланиб ҳамкасбим Бердиқул Жўрақуловичга одамларнинг соғломлашиши йўлида қилаётган машаққатли ва катта меҳнати учун миннатдорлик билдираман. Бу ишда унга Оллоҳ мададкор бўлсин. Ҳар куни қабулда кўплаб хасталарга, ярим тунгача бўлса-да қолиб, ҳар бирига сабр-тоқат билан майин овозда тушунтираётганини кўраман. Айнан ана шу жиҳатлар врач — ҳақиқий шифокорнинг энг қимматли ФАЗИЛАТИдир!

### «НАТИЖА — АЪЛО!»

**Темирбек Оразбаев (Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳридан):**



- Сурункали холецистит, панкреатит, сурункали простатит, полиартрит сингари бир-бири билан боғлиқ касалликлар билан келдим.

Ҳами 14та малҳам ичдим. Гапни қисқа қиламан.

Натижа — аъло!

Иммунитет — ошди!

Ҳаётга бўлган қизиқиш — кучайди!

Ҳаракатда — енгиллик!

Ўзимни аъло даражада ҳис қилаяпман!

## «ДАРДЛАРДАН УЗОҚЛАШТИРАДИГАН МАСКАН »

**Ботир Атаниязов (Қорақалпоғистон Республи-  
каси Тўрткўл шаҳридан, 1973  
йилда туғилган):**

- Мен биринчи марта 2015 йилда «Эргаш ота» клиникасига келганман.

Унгача ошқозонда гастрит, ичакларда колит, ўт пуфагим, жигаримда оғриқ бор эди. Нафасим қисар, ишлагани қўймасди. Ҳар хил шифокору касалхоналарда даволандим. Ҳар гал биров энгилик пайдо бўлардию узоққа бормасди. Инвалид бўлиб қолишимга сал қолди.



Биринчи келишимда 14 кун даволаниб ўзимни яхши ҳис қилдим. Уйга борганимда ҳамма ҳайратда қолди. «Бу қанақа шифохона эканки, қисқа фурсатда шунча касалликни даволабди», дейишди. Икки-уч ой парҳез сақладим ва бу касалликлар қайталанмади. Соғлиқни бир марта йўқотиб, қийналиб, унинг такрорланишини истамас экансиз. Шу боис 2017 йил профилактика учун яна келдим. Қолаверса, тиббий марказнинг шароитлари яхши, энг асосийси, шифокор ҳар куни ўзингизни кўриб, ҳол сўраб, малҳамини ичиради. Яна бир жиҳати — кутилган натижани оласиз. Мен бу шифохонадан нажот топдим. Шу боис 2018 йилда ҳам келдим. Хулосам шуки, ҳар йили бир марта келиб турсам барча дардлардан узоқроқ юрарканман.

Шифокоримизга Оллоҳнинг ўзи мадад берсин!

## «ОШҚОЗОН ОҒРИШИ ТЎХТАДИ»

**Ойша Самариддинова (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан):**

- Иккинчи бора келишим. «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига ошқозон оғриғи, буйракда қум, туз хасталиклари ҳамда оёқ оғриғи азобидан нолиб келганман.

Учинчи малҳамдан кейин оёқ оғриши тўхтади. Буйракдаги туз ва қумлардан халос бўлдим. Ошқозон оғриғи ҳам йўқолиб, ўзимни енгил ҳис қила бошладим.

Худойимдан шу шифокоримизга соғлиқ-саломатлик, куч-қувват тилайман!

## ОПА-СИНГИЛЛАР ТАШАККУРИ

**Зулхумор ҚУРБОНОВА (Бухоро вилояти Шофиркон туманидан, 1962 йили туғилган):**

— Бу шифохонага 1995 йили опамнинг қизи Истатжон Камоловани ошқозон яраси, қаттиқ шамоллаш, сурункали йўтал билан оғир аҳволда олиб келишди. Ўттизта малҳамни ичгандан кейин соппа-соғ қилиб олиб бордилар. Шу қизалоқ ҳозирги кунда турмушга чиққан, учта фарзандли жувон. Истатжон бизнинг мана шу шифохонага ихлос билан келишимизга сабаб бўлган.

Мен оила аъзоларим билан тиббий марказга доимий келиб даволаниб кетаман. Мен ўзим ҳам ошқозон ости беши шамоллаши (сурункали панкреатит), сурункали пиелонефрит, холецистит касаллигидан даволандим.

Опам Матлаб Ҳожиева ошқозон яраси, бачадон оғзи яраси, буйрак тошларидан даволаниб кетган. Ундан рақ пардалари тушган.

Опам Офтоб Рашидова жигар тўқималари гепатози, сурункали пиелонефрит, қум-туз-ёғ касалликларидан даволанди.

Катта қизим Шаҳнозани кучли оғриқ билан олиб

келдим. Етгита малҳам ичгандан кейин хаёлимизга келмаган муъжиза рўй берди. Қизимнинг ўт халтасидан ёнғоқ катталигида 3та, яна бир ҳовуч майда тошлар тушди. Оғриқлари йўқолди.

Мен оилам, сулоламиз номидан Бердиқул Жўрақуловичга миннатдорлик билдираман!

### **«КЎЗ ОЛДИМ ҚОРОНФИЛАШИБ КЕТАРДИ»**

**Гўзал АРЗИМАТОВА (Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманидан):**

— Бир неча йилдан бери ошқозоним, белим оғриб, ҳолсизланиб қолар, кўз олдим қоронфилашиб кетар эди. Қайнонам икки марта «Эргаш ота»да даволангани учун бу ерга келишимга сабабчи бўлди. Ўзим уйламаган ҳолда рак касалидан халос бўлдим. 8-малҳамни ичганимдан кейин роса мазам қочиб, тонг саҳаргача ичим оғриб чиқди. Эрталаб нимадир тушди. Ҳамширалар докторга кўрсатишганида онкологик касалликдан қутулганимни айтишди. Бу ерга келиб, даволанганимдан жуда хурсандман.

### **«ОШҚОЗОНИМДАН ИККИТА ЗУЛУҚДЕК НАРСА ТУШДИ»**

**Турсуноӣ ПАРДАЕВА (Навоий вилояти Ну-рота туманидан, 1957 йилда туғилган):**

— Мен «Эргаш ота» тиббиёт марказига биринчи марта 2015 йил июнь ойида жуда оғир ҳолатда келганман. Доктор мени «оҳ, онажоним-а, бу юрак билан сизни даволаб бўлармикан», дея иккиланди. «Ноумид шайтон, ҳаракат қиламиз», деди ва менга зайтун ёғи ҳамда гиёҳлар буюриб, 40 кундан кейин келишимни тайинлаб, уйимга қайтариб юборди. Гиёҳу ёғни айтганидай ичдим, лекин 40 кундан кейин яна мазам қочди.

Мен эса бу табиий ҳол эканлигини билмасдан Тошкентнинг докторларига мурожаат қилибман. У ерда миллион-миллион сўм сарфлаб, даволандим, лекин ҳар доимгидек фойдаси бўлмади.

Яна Бердиқулжоннинг қабулига кирдим. «Нега айтган вақтимга келмадингиз», деб хафа бўлди. «Биринчи келганимда карахт эдим, энди мени даволайсиз», деб туриб олдим. 2015 йилнинг 3-ноябридан муолажани бошладим, доктор юракнинг бардошини синаш учун 10 кун ёзган экан. Ўзимни яхши сеза бошлагандим, «бўлди, духтуржон, сизга минг раҳмат, энди уйимга кетаман», деб ижозат сўрадим. Бердиқулжон эса, «Рухсат йўқ, асосий касалликларингизни энди даволаймиз», деди. Яна 14 кун ётдим. Ўзимни анча тетик сезиб уйга кетдим, олти ойдан сўнг яна келишимни тайинлади. Шундан сўнг, етти ой ўтиб, 2016 йил келдим 20 кун ётиб, янаям соғайдим. Профилактика учун 2017 йил 1 декабрда яна келдим. 8-малҳамни ичганимдан кейин ошқозонимда қаттиқ оғриқ бўлди, икки дона катта-катта зулукдек нарсалар тушди. Шундан сўнг жоним ором сезди.

Ўурматли Бердиқулжонни Оллоҳ ҳамиша қўлласин, тилакларимнинг чеки йўқ!

**«ҚАБЗИЯТ ДАРДИДАН ОЗОД БЎЛДИМ!»**

**Мухтасархон Мамадалиева (Фарғона вилояти Қува туманидан, 1980 йилда туғилган):**

- Мен «Эргаш ота» масканига 2010 йилнинг февраль ойида биринчи марта келганман. Тўхтовсиз бош оғриғи, ўтимда тош, жигар ва юракни ёғ қоплаган, тинимсиз безовталиқ қийнар эди. Мени бу ерга ўз дадамданда зиёда қайнотам олиб келган. У инсон қон

босими, простата касаллигидан шу ерда шифо топган эдилар.

Бердикул Жўраевични биринчи марта кўрганимда у кишини меҳнаткашликларини ўз ишларини шунчалик самимий, чин юракдан, эринмасдан ҳар бир беморни ўз кўзлари, қўллари билан ҳар куни кўриб, текшириб, малҳамларни бериб, кун давомида тик оёқда тинимсиз ишлашларидан ҳайратланганман.

Ихлос билан даволаниб, бугунги кунда саломатлигим тикланди. Ҳозирда мени на бош оғриғи, на бошқа касаллик безовта қилади. Енгил қушдай бўлиб юрибман. Сир-синоатга бой малҳамни ҳар сафар келганимда биттасини қолдирмай ичаман, чунки бу малҳамда гап кўйдир.

Аммо мен касалликларимдан онсонликча фориг бўлмадим. Биринчи келган давримда 8-малҳамдан сўнг оғриқлар, безовталиклар билан тош тушди. Ичим қотар, қабзият касали қийнар эди. Ҳозирда бу касалимдан ҳам озод бўлдим, Оллоҳга шукур!

Қайнонам ҳам ухломас, асаблари чарчаган эди. Шу ерда даволангач қайнотам каби бахтимизга соғ-саломат бўлиб юрибдилар. Бир йилда бир марта февраль ойида келиб 10-15 кун профилактика учун даволаниб кетамиз. Оиламиз номидан Бердикул Жўрақуловичга каттакон ташаккур айтаман!

## **«КЎП ЖОЙЛАРДА ДАВОЛАНГАНДИМ, АММО...»**

**Омонбой Бекжонов (Хоразм вилояти Хива туманидан):**

- Мен олдин ошқозон ичак ва ўт йўллари касаллиги бўйича Тошкентда собиқ ТошМИ 1, ТошМИ 2 касалхоналарида уч марта даволандим. Шунингдек Семаш-

ко, Батаника каби санаторийларда ётиб даволанганман, аммо дардларимга даво тополмадим.

Кейин бир танишимдан эшитиб 2003 йилни 5 февралда «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига ёзилдим. Қабул вақти Бердиқул Жўраевич кўриб, ошқозон-ичак ва ўт йўллари хасталиги ташхисини қўйиб, 24 кун даволаниш кераклигини айтди.

Учинчи малҳамдан яхши томонга ўзгариш сезила бошлади. Еттинчи малҳамда ўт қопимдан майда қум ва тошлар туша бошлади. Ўн иккинчи малҳамдан кейин ҳамма оғриқлар қолиб ўзимни янги туғилгандек ҳис қилдим. Афсуски баъзи сабаблар билан 12 та малҳам ичиб уйга кетадиган бўлдим. Шунда Бердиқул Жўрақулович келаси йил келишимни тайинлади.

Уйда парҳезни бузмадим. 2004 йилни 2 мартда яна шу масканга келдим. Шунда шифокоримиз ижобий тамонга ўзгариш борлигини айтди. Бу гал 18 кун даволанишимни тайинлади. Шу йили мен билан келган шерикларим, ўт қопидан тошлар тушди — уларни қувончини тасвирлашга сўз ожиз.

Кетишдан олдин Бердиқул Жўрақулович энди ҳар йили профилактика учун ўн, ўн иккита малҳам ичишиб кетишимни тавсия қилди. Шундан буён ҳар йили февраль-март ойларида 12 та малҳам ичиб соғлигимни мустаҳкамлаб кетаман.

Яхшиларнинг доим яхши сўзи бор.

Дўстларни кўрарга меҳрли кўзи бор.

Инсонларнинг қалби ширин сўзга зор,

Яхшилар йўлидан юринг яхшилар.

Яхшилар ўхшайди нур сочар ойга,

Ёмонлик зулматдир, солади соя.

Эзгулик азалдан зўр зинапоя,  
Асл зиналардан юринг яхшилар.

Яхшилик, эзгулик зинапояси чуққисига чиққан ши-  
фокор Бердикул Жўрақуловичга Оллоҳдан соғлиқ-  
саломатлик тилайман!

### **«ЎФИЛ-ҚИЗ ВА НАБИРАЛАРИМГА ШАРТ ҚЎЙДИМ»**

**Саодат Широнова (Самарқанд вилояти  
Самарқанд шаҳридан, 1967 йилда туғилган):**

«Эргаш ота»га 2014 йили ошқозон ости беши, ўт  
қопи хасталиги ва ундан ташқари буйрак, сийдик йўлла-  
ри, гинекологик касалликлари билан келган эдим. Ав-  
вал қуритилган гуруч, қотирилган нон, фақат суюқ ов-  
қатлар истеъмол қила олардим холос. Бормаган ка-  
салхона, санаториялар қолмади.

Бердикул Эргашев қабул қилиб, «18 та малҳам ичиб  
шифо топасиз, худо хоҳласа», деди. 14та малҳам ичганимда  
ўзимни жуда яхши ҳис қила бошладим. Яна келишни  
айтиб уйга рухсат сўрадим. Бор-йўғи 14та малҳамдан 100  
фоиз фойда топдим, дейишга асосим бор. Негаки, Тош-  
кентга қайтганимда лабораторияга бориб анализ топшириб  
кўрдим. Ошқозон ости беши, ўт халтаси, буйрак, сийдик  
йўллари, гинекологик касалликлардан фориғ бўлдим.

Қариндошларим, қўшниларим, фарзандларим мени  
кўриб ҳаммалари келишди. Бир йил ичида ўғлим Азиз-  
жон, келиним Обида, набирам Илёсбек биргалашиб  
келдик. Ўғил-қизларим, набираларимга «Эргаш ота»-  
га бир йилда бир марта бориб келасизлар, деб шарт  
қўйдим. Чунки ёшларнинг соғ-саломат вояга етиши-  
шида «Эргаш ота» хусусий тиббий марказининг ўрни

беқиёс. Менинг тенгдошим юртимизда шунча катта ишлар қилганини кўриб ҳайратландим.

«Эргаш ота» руҳан ва жисмонан покланиш даргоҳидир. Инсонларга сабр қилишни, соғлигининг қадрига етишни, қандай овқатланиш кераклигини, қандай яшаш зарурлигини ўргатади.

## **АҚТЎБЕДА БОРМАГАН КЛИНИКАМ ҚОЛМАГАНДИ»**

**Наталья Терентьева (Қозоғистон Республикаси Ақтўбе шаҳридан):**

- Ақтўбеда бормаган клиникам, қидириб бормаган яхши врачлар қолмагани. Муолажалардан сўнг ҳар гал оғриқлар вақтинча тўхтар, бироз вақт ўтиб яна ҳаммаси бошидан бошланар эди. Шунинг учун бу клиника менинг сўнги умидим эди!

«Эргаш ота»га биринчи келишим. Ўн учта малҳам ичдим. Ичакларимдан шлаклар, ўт қопимдан қум ва билирубин тошлари тушди. Бу ерда кўрган эътиборим, шифокоримиз Б.Эргашевнинг диққати, ҳар бир ишга синчиковлик билан ёндашиши менда чексиз миннатдорлик уйғотди.



Ичакда ҳазм жараёнининг бузилишига сабаб дивертикулёз касаллиги бўлиб, бунда ичакларда ўсимта пайдо бўлади. Ўсимта эса ўз вақтида нажасдан халос бўлмаслик, халқ тилида айтганда мунтазам ич қотишдан вужудга келади. Ана шу ўсимталар ичида турли инфекциялар ўчоғи пайдо бўлиши мумкин. Бундай касалликнинг олдини олиш эса ичакларни вақти-вақти билан бўлса-да, мунтазам бўшатиб туришга боғлиқдир.

***Доктор Жоэл Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ***

*Тўртинчи бўлим*

# **БУЙРАКДАГИ ТОШ**

*ва бошқа буйрак хасталикларини*

*операциясиз даволаш ҳақида*

## БУЙРАКЛАР НЕГА КАСАЛЛАНАДИ?

Буйракнинг асосий вазифаси сув ва сув эритувчи нарсаларни организмдан чиқаришдир. Қолаверса, буйрак орқали суткасига 1500 литр ҳажмида қон ўтади. Ундан 180 литр бирламчи сийдик филтрланади. Кейин бу бирламчи сийдик миқдори сувнинг реабсорбциялашгани ҳисобига камаяди ва натижада суткасига 0,5-2,0 литр миқдори чиқарилади.


Аввалги боблардан маълум бўлдики, масалан, ўт қопи жарроҳлик йўли билан олиб ташланганда ҳам организм яшашда давом этади. Лекин буйракларнинг ишламай қолиши инсон ҳаётига зомин бўлиши, шубҳасиз.

AdMe.ru ижтимоий тармоғи хасталикларига учраган инсонлар тажрибасига таяниб, буйрак меъёрида ишламаслигининг 10 хил белгисини тузиб чиқибди.

**«1. Сийдик рангининг ўзгариши.** Буйрагингиз сийдик ишлаб чиқариш ва улар воситасида зарарли нарсаларни ҳайдаб чиқаришга масъулдир. Сийдик чиқариш тезлиги, ҳиди, ранги ва унинг ташқи кўринишини эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

### **2. Юқори қон босими.**

Қон айланиш системаси ва буйраклар ўзаро боғлиқдир. Буйракда қон таркибидан зарарли нарсаларни филтрлаб, чиқариб ташлайдиган нефронлар мавжуд. Агар қон томирлари лат еган бўлса,



«Биз учтамыз — сен, мен ва хасталик. Кимни танласанг, ўша голиб бўлади».

Абу Али ибн Сино

нефронлар етарли кислород ва тўйимли озукаларни ололмайди. Шу боис буйрак етишмовчилигининг иккинчи асосий оқибати қон босимининг баландлигидир.

**3. Шишган кўзлар.** Буйрак филтрлари бузилишининг илк белгиси сийдикда оқсилларнинг пайдо бўлишидир. Бу кўз атрофининг шишишига олиб келади. Буйраклар катта миқдордаги оқсилларни сийдикка ўтказиб юборади(аслида уни тутиб қолиб, тана бўйлаб тақсимлашлари керак). Шу боис кўзлар шишади.

**4. Белдаги оғриқ.** Буйракдаги муаммолар белда, аниқроғи кўкрак қафаси пастида оғриқ пайдо қилиши мумкин. Оғриқни қориннинг қуйи қисми — човда, тосда ҳис ҳам қилиш мумкин.

**5. Тўпиқлар ва қўллардаги шиш.** Тўғри ишламайдиган буйраклар организмдан кераксиз суюқликни чиқариб юборолмайди. Бу натрий сустигини пайдо қилади, ўз-ўзидан тўпиқлар, оёқ ва қўлларда шиш келтириб чиқаради.

**6. Нотекис нафас олиши.** Буйрак хасталиги ва нотекис нафас олишда икки омил ўзаро боғлиқ бўлади. Биринчидан, буйрак яхши ишламаганда организмдаги ортиқча суюқлик ўпкага тушади. Иккинчидан, камқонлик танани кислороддан маҳрум этади ва нотекис нафас олишга олиб келади.

**7. Оғиздан келадиган бадбўй ҳид ва метал мазаси.** Қонда зарарли моддаларнинг тўпланишидан таъм билиш хусусияти ўзгаради ва оғизда метал мазаси пайдо бўлади. Оғиздан бадбўй ҳид — қондаги юқори заҳарлар белгисидир. Бундан ташқари, озишга олиб келадиган иштаҳа бўғилиши эҳтимоли мавжуд.

**8. Қуруқлик ва тери қичиши.** Тўғри ишлайдиган буйрақлар қондан зарарли ва кераксиз суюқликни чиқариб юбориб, эритроцитлар ишлаб чиқаришга кўмаклашади ва организм учун зарур бўлган миқдордаги минералларни тутиб туради. Қуруқлик ва тери қичиши буйрақларнинг минераллар ва озуқа моддалар меъерини ушлаб туролмаганлигини кўрсатади. Бу ҳол суяқлар ва буйрак хасталиқларига олиб боради.

**9. Бош оғриқлари, толиқиш ва бемадорлик.** Соғлом ва тўғри ишлаётган буйрақлар суяқлар мустаҳкамлиги ва эритропоэтин гармонини ишлаб чиқиш учун организмиздаги D витаминини синтезлайди. У эритроцит шаклланиши учун муҳим роль ўйнайди. Буйрақлар ёмон ишлаганда улар кам эритропоэтин ишлаб чиқаради. Қонга эритроцитларни олиб ўтишнинг талаб даражасидан пастлиги мушак ва мия чарчоғини келтириб чиқаради.

**10. Уйқусизлик муаммолари.** Тўғри ишламайдиган буйрақлар сийдик орқали захарли моддаларни организмдан чиқариб ташламайди ва улар қон таркибида қолади. Заҳарларнинг кўплиги уйқусизликни келтириб чиқаради. Ёмон уйқу — буйрақлардаги муаммолар ҳисобига бўлиши эҳтимоли бор».

Буйрақларнинг хасталаниши бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Биз уларга батафсил тўхталмасдан, аввал таъкидлаганимиз Робинсоннинг фикрини эсга оламиз.

«Ичакларнинг яхши ишламаслиги натижасида буйрақлар ҳам қўшимча юклама олади. Бу ҳолат ҳам қон босимининг ошишидан бошлаб, сийдик йўли системасида пайдо бўладиган буйрак билан боғлиқ касалликларни келтириб чиқаради», деганди у. Демак буйрак

хасталиклари бошқа аъзолардаги камчиликлардан келиб чиқмоқда. Белгиларга эътибор берсангиз, ичаклардаги муаммолар ҳам ўхшаш касалликларни келтириб чиқаришига амин бўласиз.

Бу хасталиклар ҳам олий тоифали врач, фахрий профессор Бердиқул Эргашев раҳбарлигидаги «Эргаш ота» шифохонасида даволанади. Қуйида келтирилатган касаллик тарихлари фикримизга асос бўла олади.

### **«БУЙРАГИНГИЗ ҚУРИБ ҚОЛГАН ДЕЙИШГАНДИ»**

**Юсупжон Джураев (Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туманидан, 1952 йилда туғилган):**

- Мен «Эргаш ота» тиббий марказига 2002 йилдан буён келаман. Биринчи марта ўша йилнинг 10 октярида келганим кечагидек ёдимда. Негаки, жарроҳлар «бир буйрагингиз қуриб қолган, олиб ташламасак иккинчиси ҳам икки ой ичида қуриб қолади», дейишганди. Операцияга рози бўлиб, ҳамма дори-дармонларни тайёрлаб, энди ётаман деб турганимда бир танишим Каттақўрғонда «Эргаш ота» тиббий маркази борлигини, у ерда ўзимизнинг Ўзбекистон Металлургия заводининг катта муҳандиси қизи билан бирга даволаниб келганини айтиб қолди. Шундан сўнг келиб 24 та малҳам ичиб, даволаниб кетдим.

Янаги йил қизимни ҳам бирга олиб келдим. У ҳам касалликлардан жуда қийналиб юрганди. Олиб бормаган жойимиз, кўрсатмаган профессорлар қолмаганди. Тошкентдаги диагностика марказларида УЗИ, МРТ, ренгенларда бир неча бор текширтдик, қўпдан қўп анализлар топширди. Шунча текшир-текширдан

кейин ҳам аниқ ташхис қўя олишмади. Қизим кундан кунга озиб тўзиб борарди. Бора-бора овқат ҳам емай қўйди. Бердиқулжон қизимни кўриб, «жигарида қурти, ўтида тоши бор», деди. Учинчи малҳамдан кейин қизим олдимга келиб, «дада, тошлар тушяпти, қуртлар тушяпти», деди. Ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Шу инсонга рўпара қилганига Яратганга мингдан минг шукр қилдим.

Яна бир келганимда Германиядан келган инсонлар билан учрашиб, гаплашиб қолдим. Улар тўртинчи бора келганликларини айтишди. «Бизда тиббиёт қанчалик ривожланган бўлса-да, бундай комплекс даволаш йўқ. Битта малҳам билан ҳам ўт қопини, ҳам жигарни, ҳам буйракни, ҳам ошқозонни, ҳам юракни даволаяпти», дейишди. Хуллас, 15 йил давомида Германия, Греция, Италия, Америка, Австрия, Россиядан келган кўплаб чет элик даволанувчиларнинг тан бериб кетганларини кўрдим.

Шу йиллар давомида оилам билан бирорта «таблетка», бирорта укол олганимиз йўқ. Мана шундай буюк шифокорнинг қўлида даволанаётганимиздан фахрланишимиз керак.

Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

### **«БУЙРАҚДАН ТОШ КЎЧГАНДА...»**

**Мухаммаджон Раджабов (Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидан, 1946 йилда туғилган):**

- Озиқ-овқат ва енгил саноат вазирлигида турли лавозимларда узоқ йиллар ишлаб, нафақага чиққанман. Америка, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Бразилия, Россия, Украина, Белоруссия, Молдавия ва бошқа давлатларда бўлганман.

Лавозимда бўлганим учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига қаршли клиника ва стационарларда даволанганман «Қибрай» санаториясида ҳам дам олганман. Республикадаги таниқли врачлар даволашган. Докторлардан жуда кўп танишларим бор.

Аммо 2012 йилнинг 11 февраль кечаси соат тўртларда буйрак оғриғидан тинчим бузилди. Тез ёрдам чакирдик, биринчи ёрдам олдим. Лекин оғриққа чидаб бўлмас эди. Чап буйрагим қаттиқ оғрир эди. Эртасига поликлиникага бориб УЗИ қилинганда чап буйракда 0.9x1.0 см катталиқда тош кўчиб, пешоб йўлида тўхтаб қолган экан. Бир ҳафта давомида қилинмаган укол, ичилмаган дори-дармон қолмади, лекин фойдаси бўлмади. Шунда Тошкент шаҳар 1-сонли касалхонанинг урология бўлимига бордим. УЗИ қилишди, рентген қилишди — буйракдан чиққан тош пешоб йўлига 9 см кириб тиқилиб қолган. У ерга ҳам бир ҳафта қатнадим, яна натижа бўлмади. Яна текширишди - чап буйрак иш фаолиятини тўхтатибди. Менинг ҳолатимни тушинган бўлсангиз керак. Бу касалхонадан Республика урология марказига жўнатишди. У ерда яна УЗИ, рентген қилишди. Икки марта операция бўлади дейишди. Биринчисида операция қилиб, шланг улаб баклашкага буйрак ишласа пешоб йиғилади дейишди. Иккинчиси буйрак ишлагандан кейин лазер билан тошни парчалаб пешоб йўлидан чиқарамиз, дейишди. Операцияларнинг ҳар бири ўша даврнинг пули билан икки миллион сўмдан. Ҳаммасига рози бўлганимдан кейин тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказишди. Натижада юракда бир оз камчилик бор деб шаҳардаги 15-шифохонага — Кордиология марказига юборишди. У ерда яна бир ҳафта даволашди. (Ҳамма даволаниш-

ларга жуда кўп маблағ кетган, лекин соғликни маблағ билан ўлчаб бўлмайди).

Даволанишлар тугагандан кейин Урология марказига бордим. «Эртага келиб ётасиз, операция кунини белгилаймиз», дейишди. 2012 йилнинг 13-мартида операцияга тайёр эдим. Эрталаб туриб операция қилдирмайман деб туриб олдим. Оилам «Эргаш ота» тиббий марказига борамиз, деган фикрни ўртага ташлади

Бердикул Жўрақулович билан телефонда гаплашиб, 15-март кунини тиббий марказга жойлашдик. Қабулга киришда биз жуда кўп олинган даволар қоғози, УЗИ натижаси, рентген расмларига умуман қарамасдан ташхис қўйиб, «16 кун ётасиз худо хоҳласа, шифо топасиз», деди.

Саккизта малҳам ичгандан кейин сабрим чидамай шу марказдаги УЗИ кўригидан ўтганимда иккала буйрагим ҳам ишлаётгани, жигардаги ёғ босган жойлар очилгани, ўт қоғи тозалангани аниқланди. Натижани эшитиб кўзимга ёш қуйилиб келди. Олоҳга шукр шифо топган эдим. Тошкентга борганда яна уч жойда — поликлиникада, 1-шаҳар шифохонасида ва ТошМИда кўриқдан ўтдим. Урология марказига бордим ва ўша ерда яна бир бор кўриқдан ўтиб мени операция қиламан, операциядан бошқа чора йўқ, деган тиббиёт фанлар номзоди олдига кирдим. Натижаларни кўриб ўрнидан сакраб туриб кетди. «Бўлиши мумкин эмас, тош қаерга кетди, буйрак қандай ишлаб кетди», деб қайта УЗИ қилдирди. Шундай ўлжа қўлдан кетди деб афсусланган бўлса керак...

Бердикул Жўрақуловичнинг тавфсиясига асосан мен 4-мартга келиб шифо олмоқдаман. Худога шукр

соғ-саломат юрибман. Мингдан минг ташаккур!!! Мен учун Бердикул Эргашев ҳозирги замон Ибн Синоси!

### **«84 ЁШДАМАН, 10ТА МАЛҲАМ ИЧДИМ»**

**Баткен Сейсенова (Қозоғистон Республикаси-нинг Ақтўбе шаҳридан):**

- Ёшим 84да. Икки қизим билан келдик. Бу ерга етиб келгунча ўзимни жуда ёмон ҳис қилардим. Буйрагимда сурункали оғриқ, пешоб йўлидаги муаммолар, белимдаги қаттиқ оғриқ қийнар эди.

10та малҳам ичгач, оғриқларим йўқолди. Вазним камайди, шишлар кетди.

Кичик қизимдан иккита гулоб рангдаги пленка тушди. Катта қизимни умр бўйи қийнаб келаётган бош оғриғи йўқолди.

Дуодаман, шифокор Бердикул Жўрақуловичга миннатдорлик билдираман!

### **«ЭРГАШ ОТА»ГА ОЛИБ БОР, ТУЗАЛМАСАМ ОПЕРАЦИЯГА РОЗИМАН»**

**Маҳбубахон Комилова (Андижон вилояти Андижон шаҳридан, 1951 йилда туғилган):**

- Мен 2010 йили ўтим димланиб, Андижондаги клиникалардан бирида текширтдим. Аппаратларга тушдим, анализлар топширдим. Буйрақларимда туз бор экан. Ўт қопим шамоллабди. Юракнинг икки клапани торайибди. Тўрт нафар профессор кўрди. Даволашим кераклигини айтиб, дори-уколлар ёзиб беришди врачлар. Узоқ вақт уларнинг айтганларини бажариб юрдим, фойдаси бўлмади.

Кейин яқинларим бошқа шифокорларга ҳам олиб

боришди. Уч йил шундай ўтди... Охири мени Жалакудуқдаги бир шифокорга олиб боришди. Тўрт ой бюрган гиёҳини ичиб яна бордим. УЗИга туширди. Энди жигарим шишибди. Жуда ҳам тушкунликка тушиб қолдим...

Тўрт йил аввал самарқандлик бир дугонам «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида айтиб, «Очлик билан даволар экан, келсанг олиб бораман», деганди. «Ҳа, шунча духтур укол-дори билан тузата олмаган касални очлик билан даволаб бўлар эканми», дея бормагандим.

Ўғлим «Она, ўтингизни олдириб, қутулинг шу дардан», деди. Операцияга қарши чиқдим. Дугонамнинг гапи ёдимга тушиб, «Самарқанднинг «Эргаш ота» шифохонасига олиб бор, агар тузалмасам операцияга розиман», дедим ўғлимга.

2014 йил 1 сентябрь куни Бердиқул Эргашевнинг қабулга кирдим. «Нима безовта қиляпти, онажон», деди. «Ўтим шамоллабди», дея қисқа жавоб бердим. Томиримни ушлаб, тилимга, кўзимга қараб аппаратлар нима деган бўлса ҳаммасини ва яна ўтимда тош борлигини айтди. Мен уч йил даволанганимни, лекин ўтимда тош борлигини ҳеч бир аппарат кўрсатмаганини айтдим. Бердиқулжон юзимга қараб «Сиздан тош чиқариб, дасрўмолчангизга боғлаб бераман», деди.

Хулоса 24 кун малҳам ичиб даволандим. Ҳар куни 15тадан турли ҳажмдаги тошлар тушади. Қўрққанимдан шифокорга айтаман. У хурсанд бўлади.

2015 йил яна келиб 19 кун даволаниб кетдим. Ордан уч ой ўтиб, бир куни кечаси тер босиб, оғриб қолдим. Шундай қаттиқ оғриқ бўлдики, ўлиб қоламан, деб ўйладим. Қаттиқ ўқчиган эдим, данакдан катта бир

қаттиқ нарса тушди ичимдан. Ўзим тушунмадим. Нима бу, резинкага ўшаб ирғиб юрган нарса, деб таажжубда қолдим. Ошқозоним 10 кун оғриди, лекин кейин яхши бўлди. 2016 йил яна келдим «Эргаш ота»га. У ҳақда айтишга қўрқдим. Шифокорга бу ҳақда 2018 йилда келганимда айтиб бердим. «Она, буни ҳаёт дафтарингизга ёзиб қўйинг, жуда хавфли касалдан халос бўлиб-сиз», деди.

Бу йил еттинчи бор келишим. Бу шифокордан жуда-жуда миннатдорман.

## «ИШОНМАСДИМ – ФАҚАТ КЎЗ ЁШИМ ОҚАРДИ»

**Мухтабар Муротова (Тошкент шаҳридан, 1955 йилда туғилган):**

- Мен Темирийўл болалар шифохонасида ҳамшира бўлиб ишлаб, 2012 йилда нафақага чиқдим. Биз ишлаган чоғимизда ҳар 6 ойда бир марта кўрикдан ўтардик. 2002 йилда менга иккиламчи буйрак бужмайиши



ташхисини қўйиб, Тошкент шаҳридаги Урология марказига «Арустамов» клиникасига текширишга юборишди. У ердаги замонавий аппаратларда текшириб, аввалги ташхисни тасдиқлашди. Тавсия — жарроҳлик муолажаси бўлди. Бироқ буйрагим безовта қилмас эди, шу боис турмуш ўртоғим операцияга розилик бермадилар. Ҳар йили тиббий марказ назоратида даволаниб юрдим, лекин ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. 2005 йилда даволанишим даврида менда гепатит ви-

русининг «С» шаклини аниқлашди. Қон таҳлилларида билирубин, ферментлар, холестерин ҳамда гепатит «С» вирусининг титри жуда юқори эди. Шундан кейин руҳий тушқунликка тушиб қолдим. Ана шу ҳолатлар сабабми, ишемик касалликлар ва қон босими касаллигини орттириб олдим. Ҳар йили врачлар назоратида даволаниб юрдим, бироқ даволанишнинг натижалари кўринмасди.

2008 йилда Гинекология бўлимида миома билан бирга «матка» ва тухумдонни бутунлай операция қилиб олиб ташлашди. Ўзим тиббиёт ходими бўлганлигим учун ҳаётнинг қизиғи қолмаган эди.

2015 йилнинг май ойида касалхонага тушиб қолдим. Парҳез қилиб, дори-дармонлар ичиб юрдим.

Шу йили август ойида «Эргаш ота» шифохонаси ҳақида эшитиб, турмуш ўртоғим билан келдим. Бош шифокор касалликларимни эшитиб, ўзи ҳам текшириб, кўнглимни кўтариб, тавсиялар бериб, даволашга киришди. УТТ ва МРТда текширувлар ўтказилди ва ташхислар тасдиқланди. Ҳар олти ойда келиб малҳам ичиб, қайтгач буюрилган гиёҳларни ичиб юрдим. Натижалари сезила бошлади. Ишемик касалликлар ва қон босими касаллиги камайди. Ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Менга имтиёз берилган бўлса-да, икки йил давомида Тошкент шаҳар темирйўл касалхонасига ётмадим. Хоҳишим фақат шу ерда даволаниш бўлиб қолди.

2017 йилда даволаб юрган шифокорлар қўярда қўймай темирйўл касалхонасига «даволанишингиз шарт», дея мажбурлаб ётқизишди. Даволаш жараёнида буйрагимни «радио изотоп ренография» усулида текши-

ришди. Чап буйрагим 40 фоиз ишлаётганлигини айтишди. Қон таҳлилини текширишганда билирубин, ферментлар, холестерин меъёردа эканлигини айтишди. Энг асосийси гепатит «С»нинг титри йўқлигини таъкидлашди. Ишонмасдим — фақат кўз ёшим оқарди... Ҳолатимни тушунтиришга сўз тополмайман. Бу кўзёшлар шукрона, қувонч ёшлари эди... Даволаб юрган шифохона бўлиб бошлиғи Марина Муратова ҳам ҳайратга тушди. Мендан «Эргаш оат»нинг манзилени олишди. Ҳозир улар ҳам келишяпти.

Турмуш ўртоғим ва беш фарзандимнинг хурсандлигини айтмайсизми! Опа-сингилларим, жиянларим ҳам марказга келиб даволаниб, жуда мамнун бўлиб кетишмоқда. Ўзим ҳам ҳаётимдан мамнунман, рози бўлиб яшаяпман!

Оллоҳ ўзи азиз қилсин Ибн Сино бобомизнинг давомчиси — шифокоримизни!

## **«БУЙРАКЛАРИМ ИШЛАБ КЕТДИ»**

**София Ғиёсова (Наманган вилояти Чуст туманидан):**

- Менинг тобим қочиб, касалхоналарда узоқ даволандим. Аппаратларга тушдим, анализлар топширдим. Сарсонгарчиликларни айтмай қўя қолайин. Қисқаси, буйрақларинг қуриб бораёпти, дейишди...

Олоҳнинг инояти билан «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига келиб, Бердиқул Эргашевга рўпара бўлдим. Оғир аҳволда келган илк йилим — 2018 йилда 42та малҳам ичдим. Кейинги йил 21та малҳам ичдим. Шукрки, буйрақларим ишлаб кетди.

Худойим, бахтимизга шу шифокоримизни паноҳингда асра!

## «БУЙРАГИМДА КИСТА БОР ЭДИ»

**Нухон Дутова (Самарқанд вилояти, Пастдаргом туманидан):**

- Мен 2017 йил ноябрь ойида қишлоғимиздан даволаниб кетганлардан эшитиб «Эргаш ота» шифохонасига келганман. Ташхисда буйрагимда киста аниқланди, туз ва қум ҳам борлиги маълум бўлди. Ҳолсизлик азоб берарди. Ошиқча вазндан қийналардим.

Иккинчи бора 2018 йилги даволанишимдан кейин буйрак кистасидан халос бўлдим. Ҳолсизликдан асар ҳам қолмади. Туз ва қумлар ҳам аппаратларда кўринмай қолди.

Минглаб мен каби беморларнинг дардига даво бўлаётган шифокоримизга раҳматлар айтаман.

## «БИР ЖОЙИМ ОҒРИСА-ОҒРИМАСА ҲАР ЙИЛИ КЕЛАМАН»

**Малика Султонова (Самарқанд вилояти Самарқанд туманидан):**



- Дастлаб белим, оёқларим оғриб туман касалхонасига бордим. УЗИга тушиб келишимни айтишди. Буйрагимда қум, туз борлигини, ўт халтам қийшайганлиги маълум бўлди. Шифокор шамоллаш ҳам борлигини айтиб, тегишли дорилар ёзиб берди. Уларнинг ҳаммасини олдим, лекин фойдаси бўлмади. Кейин шаҳар касалхонасига бордим. Текшириб кўришди, умуртқа поғонамда грижа бор экан. «Операция қилиш керак», дейишди. Юрагим увишди, ўпкам тўлиб гапиролмай қолдим. Уйда ётдим, қариндошларим «касал кўрди»га келиб-кета

бошлашди. «Энди ўламан, шекилли, ҳамма келиб-кетишти», деган ўй мени янада оғир аҳволга солиб қўйди.

Орадан 35-40 кунлар ўтганда бир киши холамга «Эргаш ота» тиббий маркази манзилени ташлаб кетибди. Эртаси куниеқ етиб бордим. Бу ерда очлик билан даволашгани учун, оч одамлар бир-бирини суяб юради, деб эшитган эдим. Йўқ, ҳеч ундай эмас экан. Ҳамма ўз оёғида юрибди. Доктор ҳузурига қабулга кирдим. Оппоқ кийинган Бердиқулжон қўллари кўксига «Келинг онажон», деди. УЗИ ва бошқа қоғозларимни кўрсатмасам ҳам ўзи дардларимни айтиб берди. «Мен тузаламанми?» деб сўрадим кўзим ёшланиб.

Айтилган вақтда келиб даволанишни бошладим. 3-4 малҳамдан кейин енгиллашдим, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Биринчи гал 30дан зиёд малҳам ичдим. Оғриқлар кетди. Менга укол-доридан кўра малҳам маъқул келди. Фойдаси катта. 2000 йиллар ҳар 3-4 йилда бир келган бўлсам, ҳозир ҳар йили бир келадиган бўлдим. Бир жойим оғриси-оғримаса келаман.



Касалалик «эшик қоқиб» кириб келса, унинг шифосини излашга тушамиз, муолажа йўллари ахтарамиз. Шифокорларга, халқ табобатига мурожаат қиламиз. Халқ орасида юрган тажрибаларни ҳам назардан қочирмаймиз. Касалимиз аниқ, нима шифо бўлиши маълум бўлгач уни даволашга киришамиз. Касалликни турли сабабларга боғлаш қанчалик жоҳиллик бўлса, дард келганда даволанмаслик ҳам шунчалик жаҳолатдир.

***Бердиқул Эргашев,  
фахрий профессор***

## «ОЛТИ КУН ДЕГАНДАН БУЙРАҚДАГИ ТОШЛАР ТУШДИ»

**Ўктамжон Эшонқулов (Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятидан, 1961 йилда туғилган):**

- “Эргаш ота”га илк бора 2013 йили турмуш ўртоғим Клара Эшонқулова билан бирга келганман. Ўшанда олти кун деганда буйрагимдаги тошларим тушди. Аёлим эса тўққиз кунда тошларидан қутулди. Шу кундан бошлаб оғриқлардан халос бўлдик. Ўзимизни қушдай сезиб, уйимизга қайтганимиз кечагидек ёдимда.

Бир йил ўтиб иккинчи марта яна келдик. Бу гал ўтимдаги тошнинг 3,5 сантиметрлиги тушди, лекин 2,4 сантиметрлик иккинчиси кейинги йилга қолди. Турмуш ўртоғимнинг ўтини “загиб” дейишганди. Ундан ҳам тош тушиб аҳволи яхшиланди.

Мана, 2017 йил жуфтим билан яна келиб малҳам ичяпмиз. Ўзимизни яхши ҳис қияпмиз. Худо хоҳласа, қолган тошларни ҳам тушириб, енгиллашиб, соғайиб кетамиз деган умиддамиз.

Шифокоримиз омон бўлсин, қўллари дард кўрмасин!

---

## УЛУҒЛАР ФИКРИ

Бизнинг озуқа моддаларимиз шифобахш бўлмоғи, шифобахш дори-дармонларимиз эса озуқа бўлмоғи керак.

*Гиппократ*

\* \* \* \* \*

Таомнинг энг яхши қайласи — нафсни тийиш.

*Сукрот*

*Бешинчи бўлим*

**ЖАРРОҲЛИК  
АМАЛИЁТИДАН КЕЙИН  
ҲАМ «ЭРГАШ ОТА»ДА  
ДАВОЛАНИШ МУМКИН**

## «ОПЕРАЦИЯДАН СЎНГ... НЕГА ТУЗАЛИБ КЕТМАДИМ?»

Шифокор Бердикул Эргашевнинг таржимаи ҳолига эътибор берилса, унинг Самарқанд давлат тиббиёт институтидан кейинги икки йиллик интернатураси Каттақўрғон шаҳри клиникасида ўтган. Ўшанда у жарроҳликка ихтисослаша бошлади. Устозлар ёнида туриб, турли жарроҳлик жараёнини кузатиб, ўрганиб, амалиёт ўташ даврида унга бир фикр ҳеч тинчлик бермади. Унинг илмий ёки тиббий атамаларини оддий сўзларга айлантириб айтадиган бўлсак, дейлик, ичакда яра мавжуд, унинг икки томонидан бир оз ичаклар билан қўшиб яра кесиб ташланди ва ичаклар яна уланди. Тана ярадан халос бўлди! Савол: ярани келтириб чиқарган сабаб(лар) бартараф этилдими? Йўқ! Негаки жарроҳлик амалиёти ўтказилган аксарият беморларда яна бошқа хасталикларни кузатган ёш жарроҳ уларнинг давосини шарқ табobati илмидан қидирди. Ибн Сино ва бошқа алломалар ишларига мурожаат қилди. Илмини ошириш учун, ҳатто, Чин мамлакатига бориб, шарқ табobati бўйича малакасини оширди. Машаққатдан қўрқмади, айниқса, замонавий тиббиёт «касаллик кеч аниқланди», «энди иложи йўқ» дея уйига қайтарилган оғир касалларнинг ўзи ва яқинларининг розилиги билан уларни даволашга тутинди.

Хулоса шуки, бир жойингиз жарроҳлик йўли билан тузатилган бўлса-да, уни келтириб чиқарган асоратлар сақланган бўлади. Уларни «Эргаш ота»да даволаш мумкин. Келинг бу ҳақда бошидан ўтганлар гапирсин.

2001 йилда Каттақўрғон туманида таваллуд топган Асадбек Азимов жуда эрта касалланганлиги сабабли унинг онаси Моҳия Очилова фарзандининг хасталик тарихини айтиб беради:

- Ўғлим олти ойлик бўлганида прививка олди. Шундан сўнг иссиғи кўтарилиб, тушмади, сарғая бошлади. Қишлоқ фельдшери «Бу сариқ касали, даволатинглар», деди. Туман юқумли касалликлар шифохонасига бордик... Улар Самарқанд шаҳрига жўнатишди. Кўп тармоқли шифохонада Асадбекни текширишди. «Ўт халтаси ишламаяпти», деди текширган врач. Болам бир ёшга тўлганда уни операция қилишди. «Ўт йўли қийшайиб қолибди, тўғирладик, энди ўт халтаси яхши ишлайди», деди врач. Уколдорилар, парҳез таомлар буюрди. Яхши бўлиб кетди.

Бироқ, уч ярим ёшида шамоллаб, яна сарғайди. Уни энди Тошкентга болалар шифохонасига олиб бордик. Текшириб, «бир ой даволанасизлар», дейишди мутахассислар. Бир ойдан кейин операция қилиб, ўт халтасини олиб ташлашди. Ўшанда ўғлимга жигар циррози ташхиси қўйишди. Шу кўйи икки йил муттасил уколдори олдик. Ўзгариш бўлмади.

2009 йили «Эргаш ота»га олиб келиб, врачга кўрсатдим. У текшириб, бошимиздан ўтказган воқеаларни эшитиб, «болага азоб берибсизлар», деди.

Даволанишни бошладик. Жуда қийналди болам. 3-кун ичидан мен билмаган алланарсалар тушди. Ўша йили 21 кун даволандик. Кейин уйга бориб, вақтида парҳез қилдик. Асадбек тузалиб кетди.

2017 йили эса ўғлимнинг яна тоби қочди. Бир марта яшил рангда қусгач, бадани яна сарғая бошлади. Самарқандга, операция қилган врачга олиб бордим.

Текширтириб «бу жигар циррози, жигар қуриб кетяпти», деди. Яна дори-дармон ёзиб, «ҳар ўн кунда олиб келиб турасиз, кузатамиз», деди. Ҳар гал олиб борганимда, «ўзгариш йўқ», дея яна дорилар буюрарди. Етти ой шундай ўтди.

Улар сарсонгарчиликларимизни кўриб, «энди бизлар ҳеч нарса қилолмаймиз, харажат ҳам қилиб ўтирманглар, цирроздан бундай болаларнинг ўндан бири тирик қолади», дейишди охири бизга раҳмлари келиб.

Аввалига кўнгандек бўлдим. Лекин она фарзандининг азоб чекишига чидай олмас экан. Нажот истаб яна «Эргаш ота»га, Бердиқул ака ҳузурига олиб келдим. УЗИ аппаратига туширди. Текширувчи ўт йўли умуман ёпилиб қолганини айтиб, расмини қўлимга тутқазди. Бердиқул ака уни кўриб, тезроқ ётиб малҳам ичса соғайиб кетишини айтди. Ўғлим билан бирга даволана бошладик. Тўртинчи малҳамдан сўнг ичидан тошлар туша бошлади. Саккизинчи малҳамдан сўнг энг заҳарли тошлар тушди. Сариқлик камая бошлади. Уйда парҳез қилгач сариқлик камайди. Уч ойдан сўнг яна келдик. Энди 10 кун даволанди.

Асадбек Азимов:

- Учинчи бора келишим. Ҳозирча учинчи малҳамни ичдим. Овқат ердим, лекин ҳазм бўлмай қорним шишиб кетарди, энди қорним шишмаяпти. Сийдик ранги қизариб кетарди, ҳозир ундай эмас. Кўзимнинг ичи қип-қизил эди, қизиллик йўқолди. Қошларим тўкилиб кетганди, мана қаранг, қайта ўса бошлади. Танамда ҳам тошма пайдо бўлиб қичитарди, қичишиш камайди. Фақат ётардим, уйдан ташқарига чиқмасдим, ҳеч нарса қилгим келмасди, ҳеч нарсага қизиқмасдим.

Ҳозир эса жўраларим билан гурунглашгим келади, ўқишга қизиқишим ошди.

**Шифокор Б.Эргашев изоҳи:**

- Асадбекка шифокорлар аутоиммун хасталиги ташхисини қўйишганди. Келганида унинг аҳволи жуда оғир эди. Таъкидлаш керакки, уч ярим ёшида ўт халтаси олиб ташланган. Йиллар давомида ўт халтанинг йўқлиги жигарда кучли димланиш пайдо қилган. Биз унга ўт йўлида тош бор деган ташхис билан даволашни бошладик. Яратганининг марҳамати билан бир тувак тош тушди. Гоҳида баъзи беморлар, ҳатто шифокорлар «ўт йўлида ҳам тош бўладими» дея савол беришади. Жавобимиз шуки, ўт қопи борлардан кўра, ўт қопини олдирганларда тош кўп бўлади. Беш жойда тош бўлади. Нафақат ўт қопида, балки ўт йўлларида, ошқозон ости беши протокларида, жигаримизда саккизта сегмент бор, уларда ҳам тош пайдо бўлиши мумкин. Шу боис беморимиз Асадбекнинг танаси сарғайиб кетганди. Келганида қора кўзойнак тақиб олганди, биз аввалига уни кўрлар жамиятидан деб ўйладик. Аслида эса кўзлар мармардай сарғайиб кетганлиги сабаб уялганидан қора кўзойнак тақиб олган экан. Билирубин қонда ҳаддан зиёд кўпайганлиги сабабли тананинг барча қисми қичишиб, таом еганда қорни шишиб, дамлаб, ҳазм бўлмай безовта ҳолда эди бемор. Ҳозирча учинчи бора даволанишга келди. Ўзгариш жуда катта. Терилар юмшаган, сарғайиш 70 фоизга камайган, кўзойнагини ташлабди. Энди мутахассисларнинг жигар циррози ташхисига келсак, агар биз амалга оширган муолажалар бўлмаганида


**жигар қуриб, улар айтган яқун бўларди. Шу боис вужуд, жумладан жигар тозалангач аянчли ҳодисанинг олдини олиш мумкин деб ҳисоблаймиз.**

Бу ҳали юз фоиз даволанмаган миждоқ, дейишингизга қарши сиҳаттоҳга келиб, шифо топган Иброҳим Эсиргапов (1954 йили туғилган) ҳикоясига қулоқ тутинг:

— Тўғриси, мен ҳам шифокорнинг гапларига ишонмагандим. 2005 йили Самарқанд вилояти марказий шифохонасида ўт халтам оғриб ётдим. У ерда УЗИ қилиб, жигарингиз 3,8 миллиметрга катталашибди, жигарингизда доғ, ўсимта бор, дея ташхис қўйдилар. 2006 йил 3 январь кунини шаҳар шифохонаси УЗИ апаратида яна текшириб, улар ҳам жигарингиз берч бўлиб қотиб қолган, жигар катталашган, ўсма бор, дея ташхис қўйдилар. 2006 йил 13 январда Самарқанддаги 1-Республика шифохонасида текширтирганимда Тошкентта «МДС-Сервис»нинг апаратида тушиб келиш учун йўланма беришди.

Алғов-далғовда ўн кун ўтди. Натижа - вирусли гепатитнинг «С» формаси экан. 2006 йил 23 январда танишларимнинг маслаҳати билан «Эргаш ота» тиббий марказига келиб, бош шифокор Бердиқул

Эргашевга учрашдим. У киши тирноғимни, тилимни кўриб, томиримни ушлаб, жигар хасталигини тасдиқлади. Ўт халтамда тош, буйрақларимда қум, қоним таркибида холестерин борлигини, ана шу холестерин жигарда доғ бўлиб кўринаётганини айтди. «Жигар



Бирор жойи оғриб турса, бирор касаллик безовта қилиб турган бўлса инсонга ҳеч нарса татимайди.

***Бердиқул Эргашев,  
фахрий профессор***

ўсимтасига эътибор берманг, тушириб юборамиз», деди. Бош шифокорнинг айнан шу сўзига ишонмай бир кундан кейин Тошкентга бордим.

2-ТошМИ 1-клиника гастроэнтерология бўлимига профессор Мамлакат Тўлабоевнага учрашдим. Опа ҳам УЗИ қилдиртирганда олдинги қўйилган ташхисларни тасдиқлади. У киши менга Тошкентдаги Республика Онкология илмий марказига учрашишимни маслаҳат берди. У ерда ҳам қайтадан текшириб, олдинги ташхисни тасдиқлашди. 2-чи маротаба УЗИ аппаратида текширганда жигардаги доғнинг холестерин эканини айтиб, компьютер томография қилишни маслаҳат беришди. Томография қоғозларини олиб, бўлим бошлиғига учрашганимда у киши Онкологияда назоратда туришимни, ҳар ойда бир маротаба врач кўригидан ўтишим кераклигини тайинлади...

Сарсонгарчилигу сарф-ҳаражатларни айтмайин, бузилган асабу ҳаловатсизлик кишини адои-тамом қиларкан. Шундан сўнг 2006 йил 5 апрелда даволаниш учун «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига келиб жойлашдим. Бу ерда 21 кунда 18та малҳам ичдим. 2006 йил 17 апрель куни эса УЗИ кўрсатган рақ тўқимаси тушди. Нега эртароқ келмадим, дея роса афсусландим. Чунки даволаниб чиққач, «Назарбек» сиҳатгоҳида УЗИ аппаратида тушганимда қўйилган ташхису УЗИда кўринган доғ ва ўсимтадан асар ҳам қолмаганлигини мутахассисларнинг ўзлари айтишди. Шундан сўнг 2006 йил ноябрь ойида, 2008 йил апрель-май ойларида яна «Эргаш ота»да даволандим. Ҳозир ўзимни жуда яхши ҳис қилиб, соғу саломат ишимни давом эттириб келяпман.

## «БИТТА БУЙРАГИМНИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИБ ОЛИБ ТАШЛАШГАН ЭДИ»

**Хусниддин Низомиддинов (Сурхондарё вилояти Сарийосиё туманидан, 1964 йилда туғилган):**



- Ўзим ўқитувчиман. Уйда боғбонлик ҳам қиламан. Бир кун гира-шира кеч соат саккизлар чамаси боғни сугориб юрганимда отим нимадандир хуркиб, тўқишди. Йиқилаётиб, елкаси билан буйрагим томонни босиб қолди. Бир-икки кун оғриб юрдию ўтиб кетар, дея эътибор бермадим.

Орадан икки ой ўтар ўтмас, яъни 2002 йил август ойида танамда кучли ҳарорат (41) кўтарилди. Қишлоқ врачлик пунктида 6 кун даволандим. Кейин туман касалхонасига бордим. Безгак ва бошқа хасталикларга гумон қилиб юқумли касалликлар бўлимига ётқизишди. У ерда жами 69 кун ҳам текшириб, ҳам даволаган бўлишди, лекин иситмам пасаймади. 76 кило эдим 54 килога тушиб қолдим. Бу ҳолимни яқинларим кўрмасин, деб олдимга ҳеч кимни киритмасдим. Аҳволим оғирлашганди.

Туманда чораси топилмагач, 6 ноябрь куни Тошкентга олиб боришди. Кеч бўлса-да, профессорлар маслаҳат қилиб, буйракнинг йиринглаганидан ҳарорат тушмаётганини айтишди. Буйракнинг атрофи йиринглаган ва улاردан бирини қисиб, ишлатмай қўйган экан.

Операцияга розилик сўрашди. Икки соатлик жарроҳлик амалиётдан кейин маълум бўлдики, 800 грамм йиринг олишибди. Уларнинг айтишича, иккинчиси сақлаб қолиш учун йиринглаган буйракни олиб ташлашибди. Касалхонада шифокорлар назоратида бир ой ётиб даволандим. Кетар олди шифокорлар ҳозир иккинчи буйракда 3,4 мм.ли тош, майда қумлар борлигини, буйрак 70 фоиз ишлаётганини, уни эҳтиёт қилишим шартлигини айтиб, огоҳлантиришди. Келиб, текширтириб, даволаниб туринг, тошни каттартирмаслик керак, дейишди. Уйга бориб уч ой дам олдим.

Энди бирдан бир умидим ёлғиз буйрақдан. Уни аввало тузатиб, кейин соғлом сақлашим керак эди. Сўраб-суриштирдик. Келиб шифокор билан маслаҳатлашдик. «Эргаш ота»ни афзал топиб, 2003 йилнинг 31 августида даволанишни бошладим. Бир ой давомида, яъни 31 майгача 35та малҳам ичиб, ягона буйрак нафақат тош ва қумлардан тозаланди, балки бутунлай тuzалганини аппаратлар кўрсатиб берди. Ўт қопимда ҳам тошлар бор экан, улардан ҳам халос бўлдим. Милким қонарди, тузалиб кетди. Ҳар томонлама соғайганимни умумий аҳволимнинг яхшиланганидан ҳам сездим, албатта.

2004 йили 24 кун малҳам ичдим. Ўт қопимдан яна тош тушди, лекин буйрагим тоза чиқди. Кейинги сафар (2007) 18та малҳам ичдим. Шу тахлит 2011, 2016, 2019 йилларда ҳам профилактика учун келиб тозаланиб кетдим. Шунча йилдан буён бирор марта касалликка учраганим йўқ. Ишлайман, боғимга қарайман, ҳаммасига улгураман.

Бунда шифокоримиз Бердиқул ҳожи ака кашф этган шифобахш малҳамнинг ўрни бетақрор деб биламан. Оллоҳ рози ва мадақкор бўлсин!

## «13 МИНГ ЕВРОЛИК ЕВРОПА ДОРИЛАРИ НАФ БЕРМАДИ»

**Наби Мелиев (Жиззах вилояти Жиззах шаҳридан, 1977 йилда туғилган):**

- Мени 2006 йили Жиззах шаҳри шифохонаси мутахассислари текшириб, жигар циррози ташхисини қўйишди. Яқинларим суяб-суяб Тошкентга олиб боришди. Собиқ ТошМИда ҳам ташхис тасдиқланди. Докторлар маслаҳати билан жарроҳлик амалиётига рози бўлдик. Бироқ операциядан кейин ҳам аҳвол ўзгармади — чарчоқ, ҳолсизлик, еган овқатим ҳазм бўлмайди.

Табиий йўлини кўрайлик дея Сурхондарёнинг Омонхонасига ҳам олиб бордилар. Ўнганмадим. 2009 йилда яна Тошкентга бориб, Вирусология илмий тадқиқот институтида қон топширдим. Улар гепатит касаллигининг В ва Д формасини аниқлашди. Аҳволим ёмонлашиб борарди. Яқинларим яна елиб-югуриб, пул тўплаб Европадан 13 минг еврога қимматбаҳо дори олиб келишди. 3 ой ўша дориларни ичдим. Фойда бериш ўрнига, қорнимда сув тўплана бошлади.

Дунё кўзимга тор кўрина бошлаган кунларнинг бирида «Эргаш ота» сиҳатгоҳи ҳақида эшитиб қолдик. 2013 йилнинг сентябрь ойида Бердиқул акага учрашдик. «Дўстим, аҳволингиз жуда оғир, ҳозир олиб қололмайман», деди. «Охирги умидимиз сиздан, бирор кор-ҳол юз берса асло даъво қилмаймиз», дея хотиним билан бирга илтимос қилиб, туриб олдик. Шунда шифокор «уйга вазифа» сифатида 6 хил турдаги гиёҳли дамламаларни 3 ой мобайнида ичиб, муолажага тайёрланиб келишимни айтди. Мен шундай тушкун

холда эдимки, «хафа бўлмасин деб гиёҳларни берди, Европанинг қимматбаҳо дорилари тузата олмаган бу касалликни арзимаган пулга олинган шу гиёҳлар даволармиди? Олиб қолмадим, демак дардимга даво йўқ», деган тўхтама келганим ҳам рост.

Лекин умидли дунё дейдилар. Уйга қайтиб, дамлама-ларни ичишга киришдим. Ўн кун деганда ўзимда енгил-лик сеза бошладим, 3 ойда эса дардларим камайди. Ноябрь ойи охирида Бердиқул ака ҳузурига борганимда, текшириб кўриб, «мана бу бошқа гап, энди олиб қолсак бўлади», деди. Қувончим ичимга сиғмай кетди, етти йил-лик тушқунликдан кейин ҳаётга бўлган умидим уйғонди. Биринчи гал 21 кун гиёҳли малҳам ичдим. Шифокор ҳар куни анализларимни шахсан қузатиб борди. Жигарим ва бошқа ички аъзоларимдан тушган захарли нарса-ларни кўриб кўзларимга ишонмас эдим. Кун ўтган сайин қувватга кириб, ўзимни қушдек енгил ҳис қила бошладим. Бердиқул ака ҳар олти ойда бир марта келиб даво-ланишим кераклигини тайинлаб, жавоб берди.

Ҳар сафарги муолажалардан сўнг Тошкентдаги Вирусология институтига бориб, анализлар топшириб



Ҳар бир инсонга саломатликдан кўра муҳимроқ, соғлиқдан кўра кўпроқ эътибор берадиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун кишилар хасталиқдан сақланиш, саломатликларини асраш ва мустаҳкамлаш учун куч-ғайрат, маблағ ва вақтларини аямайдилар.

**Бердиқул Эргашев,  
фахрий профессор**

турдим. Аввалига қондаги В вируси йўқолди, жигар тўқималари ҳам тиклана бошлади.

2016 йил май-июнь ойидаги ичган малҳамларим натижасини билай деб, қон топширганимда эса қондаги Д вируси ҳам йўқолгани маълум бўлди, докторлар ҳайрон. Қувончим ичимга сифмай, йиғлаб юбордим...

Европаликлар келиб Ватанимда даволанаётган экану мен етти йил давомида яқинларимни қийнаб Европадан еврога қимматбаҳо дори сотиб олган эканман. Югур-югур, текшир-текширга кетган асаб, оилавий беҳаловатликлар, дори-дармонга сарфлаган қанчадан-қанча маблағни айтмайсизми? Буни бошидан ўтказганларгина англайди холос.

Мустақил юртимда мен давримизнинг Ибн Синоси деб биладиган Бердиқул Эргашевдек шифокор борлигидан фахрландим. Унга ўзим ва оилам номидан миннатдорчилик билдираман.

## **«ОПЕРАЦИЯДАН КЕЙИН ҲАМ ОҒРИҚЛАРИМ КЕТМАДИ»**

**Вера Ткач (Украина давлати пойтахти Киев шаҳридан, 1952 йилда туғилган):**


- Мен ўтган асрнинг 90-йилларида қаттиқ касал бўлдим. Айниқса, жигарим ва ошқозон ости беши жуда азоб берарди. Қон босими муттасил юқори юрарди. Текширтирсам қонимда холестерин миқдори ошиб кетибди. Оёқларимда оғриқ бошланди, бўғимларимда шиш пайдо бўлди. Врачлар «деформацияланган артроз» ташхисини қўйишди. Роса даволандим. Дориларни қабул қилишни тўхтатишим билан оғриқлар яна авж оларди. 2003 йилда жарроҳларимиз ўт қопимни

Йиғилган ва безовта қилган тошлар сабаб олиб ташлашди. Бироқ операциядан кейин ҳам оғриқларим кетмади. Ҳар йили касалликлар «гулдастаси» кўпайиб борарди. 2013 йилда яна бир жарроҳлик операциясини бошимдан ўтказдим — венектомия. 2014 йилда эса гинекология соҳасида яна икки марта операция қилишди. Охирги икки йилда жигар, ошқозон ости бези, буйрақларим жуда қаттиқ оғриди... Ҳеч нарса ея олмай қолдим. Қовурғам ости оғрир, уйқусизликдан азият чекардим...

Шундай кунларнинг бирида болаларим Москвадаги дўстларидан «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолишади. Бу ерга келишдан аввал бу мўъжизавий даргоҳ ҳақида роса маълумот тўплادик. Украинадан Ўзбекистонга келишнинг ўзи бўлмайди ахир. Йиғилган ахборотлар натижасида кўнглимда ишонч пайдо бўлди. Бир ой муддатга даволаниш учун дугонам билан келдик. Ўзбек заминида бизни меҳмондўстларча кутиб олишди. Биринчи кунданоқ муолажани бошладик. Малҳамнинг мўъжизавий кучга эгалигини иккинчи куниёқ англаб етдим — битта катта ва қолганлари кичикроқ билирубин тошлари тушди. Саккизинчи малҳамдан кейин бир нечта холестерин тошлари тушди. Марказда комплекс даволаш усули қўлланиларкан. Қон босимимни ўлчамай қўйдим, чунки уни ҳис қилмаяпман, енгилман. Оёқларим букила бошлади, зинапоялардан бемалол тушиб-чиқяпман. Бошимдаги оғриқлар тўхтади. Айни пайтда 14 кун ўтди, саккиз кило ошиқча юқдан қутулдим. Яна 16 кунда бундан самарали шифо топишимга ишончим комил.

## ШИФО ИСТАБ «ҲИҶД СОРИ ЮЗЛАНДИМ...»

**Замира Хамракулова (Самарқанд шаҳридан,  
1964 йилда туғилган):**



- Мен 2008 йилнинг апрель ойида ўнг кўкрагимда кичкина без борлигини сезиб, Самарқанд шаҳар онкология касалхонасига мурожаат қилдим. У ерда мени М.Норкулова обдон текширувдан ўтказиб, «сиз рақ касалига чалингансиз, тезлик билан ўнг кўкрагингизни олиб ташлаш керак, акс ҳолда бутун организмгизга тарқалиб кетади», деди. Ҳар томонлама ўйлаб,

ноилож операцияга рози бўлдим. Майнинг иккинчи санасида операция қилишди. Операциядан кейин ҳар 21 кунда бир марта химиятерапия олдим. Олти курс олгач тўрт йил яхши юрдим. 2012 йил эса ўнг қўлим шиша бошлади. Мен яна ўша таниш врачга мурожаат қилдим. Мени кўриб, «ҳеч қиси йўқ, ўтиб кетади», дея тинчлантирди. Бироз вақтдан кейин оғриқ бошланди... Шунда Тошкентдаги Республика Онкология марказига мурожаат қилдим. У ерда роса текширувлардан ўтказиб, «сенинг суякларинг мўртлашяпти, шунинг учун қўлинг шишган», дея яна 6 курс химиятерапия олишни буюришди. Олишга олдим, лекин шиш ҳам, оғриқ ҳам

кетмади. Жуда узоқ даволандим, аммо фойдаси бўлмади. 2015 йили Ҳиндистон давлатига бориб, дунёга машҳур шифокорларига учрашдим. У ерда ҳам мени ҳар томонлама текшириб, «суякларинг яхши, ҳеч нарса бўлмаган уларга, касалинг бошқа, безлар пайдо бўлиб катта томирингни қисган, шунинг учун қўлингда қон яхши айланмаяпти, безларни операция қилиб олиб ташлаш керак», дея яна химиятерапия ёзишди (ташхис қоғозларнинг барчасини сақлаб қўйганман). Илож қанча, ҳамма дардларга чидаб, яна 6 курс химия олдим. 2016 йил май ойида Янги Деҳлидаги «Аполло» касалхонасида 6 соат давомида жарроҳлик амалиёти ўтказишди. Даволовчи врач Заиди Шуайб «яна тўрт курс химия олиб, 6 ойдан кейин яна текширувга келасан», дея жавоб берди. Катта умидлар билан уйга қайтдим. Бироқ на қўлимдаги шиш, на оғриқлар камайди. Кечга томон оғриқ бошланади, туни билан дард билан азобланиб чиқаман. Қисқаси дунё кўзимга қоронғу кўриниб, яшашдан умидим қолмади. Негаки, Ҳиндистонгача бориб дардимга даво топа олмадим-да. Қолаверса, химия олавериб чарчаб кетдим. Буни бошидан ўтказган инсонгина билади. Кундан-кунга сўниб бораётганимни жисман ҳис қилардим. Бўлди энди, ҳеч қайси врачга бормайман, яқинларимни ҳам қийнамайман, барибир ракка қарши даво йўқ экан, деган хулосага келдим.

Лекин... Оллоҳга шукрим, опам Мавлуда Ҳамраева ўртоқларидан «Эргаш ота» хусусий шифохонаси ҳақида эшитиб қоладилар. «Эргаш ота» муъжизаси» деган китоби ҳам бор экан. Китобни ўқиб, мағзини чақиб, кўнглимда яшашга умид уйғонди.

2017 йил 2 январда Бердиқул Жўрақуловичга учрашдик. «Касални анча ўтказибсиз, лекин даволашга

ҳаракат қиламиз», дея бизни қабул қилди. Шифокор қўлидан иккинчи малҳамни ичганимдан кейин қўлимдаги оғриқ батамом тўхтади. Шишлар ҳам секин-аста қайта бошлади. Еттинчи малҳамни ичганимдан сўнг жигаримни қоплаган рақ пардалари тушди. Ана шу кундан буён ўзимни яхши ҳис қилиб боряпман. Худо хоҳласа, тузалиб, аввалгидек соғлом ҳолда болаларим олдиға бораман. Негаки, бу даргоҳда йўлга қўйилган даволаш усули мўъжизавий натижалар бераётганини нафақат мен ўз танамда, балки хориждан оқиб келаётган, энг асосийси, соғайиб кетаётган инсонлар мисолида кўриб турибман!

Ўзимға эса савол бераман: самарқандлик бўла туриб, нега мен «ҳинд сори юзландим?...»

### **«ИККИНЧИ БУЙРАГИМНИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛДИРМАДИМ»**

**Нодира САФОЕВА (Самарқанд вилояти Самарқанд туманидан, 1972 йилда туғилган):**

— Болалигимдан буйрагим оғрир эди. 3-синфдалигимда кучли оғриқ туфайли онам касалхонаға ётқизгандилар. Уч ой ўтар-ўтмас яна қаттиқ оғриқ берди. Отам Самарқанд шаҳридаги «Хаваси» шифохонасига анализимни текширтирганда, шифокор буйрагимда тош борлигини айтди. Мени Республика шифохонасига жарроҳлик бўлимиға қабул қилишди. Отамнинг руҳсати билан операция қилишди. Бир йил ўтиб иккинчи буйрагим ҳам оғриб қолди. Яна ўша жарроҳлик бўлимиға ётқизишди. Шу бўлимдаги профессор студентларға дарс ўтаётганда мени нотўғри операция қилганини айтди. Қайтадан операция қилишди.

Олтинчи синфда ўқиб юрганимда қаттиқ оғриқ билан яна ўша жойға бордим. Яна операция дейишди.

Бу сафар рози бўлмай, уйга қайтиб кетдим. Ибн Синонинг китобларини варақлаб буйрак тошига қарши қирқбўғим, петрушка илдизи, турп уруғи, зира, макка попугини қайнатиб ича бошладим. Анча вақт ичиб, буйрагимдан тош тушганини ўзим кўрдим. Шу орада буйрак тошига дорилар чиқа бошлади, лекин уларни организмим қабул қилмади.

2006 йили аммамнинг қизи София опам мени «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига олиб келди. Бизларни очиқ чеҳра, яхши муомала билан қабул қилиб олишди. Бердиқул Жўрақулович рентген қоғозига қарамасдан ўзлари ташхис қўйдилар. Шифо топишим учун сабр-тоқат, матонат кераклигини айтдилар.

Иккинчи малҳамдан кейин кучли оғриқ бошланди. Тошлар туша бошлади. Мен наф кўрганам учун 2006 — 2017 йиллари узлуксиз келиб турдим. Буткул шифо топиб кетдим.

Оллоҳ барчанинг бахтига у кишини паноҳида асрасин!

## **«ҲОМИЛАМНИ ОЛДИРГАНИМДАН АФСУСДАМАН»**

### **Шоира Мухторова (Жиззах шаҳридан):**

— Мен «Эргаш ота» масканига 2007 йилдан бери келаман. Ўт халтам қийшайган, тухумдонларимда шамоллаш билан азият чекардим. Биринчи марта онам билан келдим. 10 кун малҳам ичдим. Ўзим кутмагандан ўтимдан тошлар тушди. Бонкага пешоб йиғдим. Қават-қават туз йиғилди. Гижжалар тушди. Хуллас, энгил бўлиб уйга кетдим. Уйга бориб бир ой исириқдан ванна қилдим. 2008 йили қизим билан ўғлимни олиб келдим. Ўғлимнинг юзида темиртки бўлиб, жуда

озгин эди. Бу ерда даволангандан кейин буйи ўсиб, юзи тозаланди. Шундан сўнг икки-уч йил келмадим. 2016 йили келиб қизим билан даволаниб кетдим. Уйга борганимда ўзим кутмагандим, ҳомиладор бўлдим. Жинсий касалликларим йўқолиб кетган экан. Бироқ докторлар туғманг, сизнинг ёшингизда бу қийин кечадди, дейишгандан кейин аборт қилдирдим. Бироқ жуда афсус қилдим. Абортдан кейин гормонал бузилиш бўлиб, жуда оғир аҳволда «Эргаш ота»га келдим. Одиномиоз пайдо бўлди, климакс бошланиб кетди. Бердиқул ака: «Сабр қилиб даволансангиз, шифо топасиз», деди. Мен бунга ишонаман. Чунки бу ерда даволанган қанча аёлларда миомалар, рак пардалари, қуртлар тушганини ўзим кўзим билан кўрдим. Мен бирор жойим оғирса, фақат шу ерга келаман. Бердиқул акага ўзим, оилам номидан катта раҳмат айтаман.

### **«БЕШ МАРТА ОПЕРАЦИЯ БЎЛГАНМАН»**

**Нодира Эшонқулова (Самарқанд шаҳридан,  
1969 йилда туғилган):**

— Беш марта операция бўлиб, наркозданми ёки бошқа нарсаданми жуда семириб кетдим. Оғир вазндан қийналаман, менда жуда кўп шишиш бор. 2003 йилда «кесерево» билан қизим дунёга келди. 2011 йилда ўт қопимни, 2015 йили миомамни олдирдим. Операция пайтида сийдик қопини кесиб юборишди. Олти ойдан кейин яна операция... Хуллас бу жарроҳлик амалиётлари мени ҳолдан тойдирди. Кўп юролмайдиган бўлиб қолдим. Қанча касалхоналарга бориб даволандим, сал энгилик бўлса ҳам вақтинча. Дори-уколлар бир жойингизга фойда берса, бошқа жойингизга зарар келтираркан.

Мен «Эргаш ота» масканига 2004 йилдан буён келаман. Бу ердаги муолажадан кейин анча вақт енгил юраман. Шу боис такрор-такрор келишдан тўхтамайман. Бу ерга келгандаги аҳволимни эслайман: бутун танам шишган, юзларимни доғлар босган, қорним катта... 13 та малҳамдан кейин шишлар кетди, юзимга ранг кирди, кўзларим очилди, бошим тиниқлашди, яшарганимни сездим.

Ўғлим Шоҳруҳжон 2017 йилда қошлари, сочлари, соқоллари танга-танга тўкилиб силлиқ бўлиб қолди. Жуда кўрқдик оқ доғга айланиб кетмасмикан деб. Иккита тери касалликлари шифокорига кўрсатиб, муолажа олдик. Қанча таблетка, укол ва суртма қўладик фойдаси бўлмади. Кейин «Эргаш ота» клиникасига олиб келдик. 18 та малҳам ичиб кетди. Икки ҳафтадан кейин соч, соқол, қошлари чиқа бошлади! Бу мўъжизанинг ўзи эди!

Шунча кечинмалардан сўнг мен ҳаммага шу ерга келиб даволанишни маслаҳат берадиган бўлдим. Лекин афсуски, улар бир касални тузатаман деб, бошқа зиёнларни гулдаста қилиб берадиган дори-уколни танлайдилар. «Олдингда оқар сувнинг қадри йўқ» дегани шу бўлса керак...

Бир тилагим, Яратган эгам ақл-идрок, куч-қувват, сабр-матонат билан сийлаб қўйган шифокоримиз нафақат ватандошларимиз, балки бутун инсоният бахтига соғ-саломат бўлсинлар!

Осмонга қарайман доим интизор,  
Агар тили бўлса юлдузлар айтсин.  
Сиздан яхшиликлар кўрганман кўп бор,  
Мендан қайтмагани Оллоҳдан қайтсин!

## «ОҒРИҚЛАРДАН КЎП АЗИЯТ ЧЕККАНДИМ»

**Муқаддам Алиева (Наманган вилояти Минг-булоқ туманидан, 1982 йилда туғилган):**

- Мен 2013 йилда Урология марказида ўнг буйрагимда тош борлигини аниқлаб, шифокорлар тавсияси билан аппаратлари ёрдамида парчалаб туширтдим. Ўша пайтдан бошлаб ҳар тўрт ойда жарроҳлик бўлимида мунтазам даволандим. 2014 йилда эса чап буйрагимда туз борлигини аниқлашди. Касалхонага оғир аҳволда «приступ» билан олиб келишди. Ўт қопимда ҳам тош бор экан, жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди. Ўшанда ўт қопимдан 41 дона тош чиққанди. Шундан сўнг қутулдим оғриқлардан деб ўйладим, лекин барибир танамдаги оғриқлардан бутунлай кетмади. 2016 йилда яна шифокорларга мурожаат қилсам, бу гал «белинга грижа бор», дейишди. Ошиқча вазн ва холестерин миқдорининг кўпайиб кетганлигини аниқлашди.

Шундай кунларнинг бирида «Эргаш ота» клиникаси ҳақида эшитиб қолдим. Каттақўрғонга келиб, бош шифокор Бердиқул акага учраганимда, у киши яхши қабул қилиб, «Сизда «жировой гепатоз», ўт йўли тош хасталиги, буйрак тош касаллиги ва семизлик касаллигининг оғир шакли, умуртқа поғонаси остеохондрози касалликлари бор», деди.

Даволанишни бошладим. Тўртинчи малҳамдан кейин безовта бўлиб, аҳволим оғирлашди. «Приступ» тутиб, ўт йўлимдан 6-7та тош тушди. Олтинчи малҳамдан

кейин буйрақларимдаги оғриқ кетди. Жами етти кило ошиқча вазнимдан қутулдим. Оғриқлардан жудаям узоқ муддат азият чекканман. Ҳозир оғриқлардан қутулиб, ўзимни қушдек енгил ҳис қиляпман. Оллоҳга минг бор шукрона айтиб, шифокоримизга мингдан минг раҳмат айтаман.

### «МУЪЖИЗАЛАР МАСКАНИ»

**Лобар БЕГДУЛЛАЕВА (Самарқанд вилояти Пойариқ туманидан):**

— Мен 2006 йили кетма-кет жарроҳлик столига ётишимга тўғри келди. Аввал ўнг томонимдаги тухумдонимни олиб ташлашди, яна уч ойдан кейин ичагим ўралиб яна операция қилишди. Операциядан кейин ёмон асоратлари қолди, бўғимларимда оғриқ пайдо бўлди, кўзларим ҳам хиралашди.

Бир дугонам «Эргаш ота» сиҳатгоҳи ҳақида айтиб қолди. 2011 йили иккиланиб-иккиланиб «Эргаш ота»га келдим. Доктор мени текшириб кўриб, «Сабр қилсангиз барча дардларингизга даво топасиз», деди. 13 кунда анча соғайиб, енгил бўлиб уйга кетдим. 2015 йили яна келдим. Ич қотиши, грижа, бўғимларимда оғриқ бор эди. Яна «Эргаш ота»да жонимга ором кирди. 2016 йил яна келдим. Бу сафар ўғлим ва қизимни ҳам олиб келдим.

Мен кўп докторларда даволандим, лекин шифони шу ерда топдим. Муъжизалар маскани дейман бу сиҳатгоҳни. Бу масканнинг тартиб-қоидалари, шароити менга ёқади. Аввало, докторга, барча ходимларга раҳмат айтаман.

## «ИЛГАРИРОҚ КЕЛМАГАНИМДАН ПУШАЙМОНМАН»

**Назира Пардаева (Қашқадарё вилояти Ғузор шаҳридан, 1960 йилда туғилган):**

— Мен 2017 йил февраль ойида «Эргаш ота» хусусий клиникасида даволангач, олдиндан шу ерга келмаганимга пушаймон бўлдим. Менинг ўт пуфагим, ошқозон ости беши, ичакларимда сурункали яллиғланиш бор эди. Озгина овқат есам ҳам ҳазм қилолмай қолдим — оғзимдан қайтиб келарди. Ҳазм қилсам ҳам ичимда шундай оғриқ бўларди, ўлиб қоламанми, дердим. Тошкентдаги санаторияларда жуда кўп даволанганман. Айниқса, ўт пуфагимни ҳар йили 2-3 мартаба даволатганман, озгина яхши бўлиб, яна оғриб қолардим. Ўт пуфагим яхши бўлмагандан ошқозон ости беши, ўн икки бармоқли ичак, кейин ичакларим шамоллади, буйрагимда яллиғланиш ва туз, жигар гепатози, юрак атрофини ёғ босиши, юқори қон босими каби диагносларни қўйишди.

Қабулга кирганимда Бердиқул Эргашев мени кўриб «ҳамма жойингизни туз босиб кетибди», деди. Белимда грижам бор, дедим, «уни ҳам мана шу малҳам яхши қилади», деди. 15 та малҳам ичиб, Нуга бест, Серагон, умуртқани чўзиш аппаратларида ҳам муолажа олиб уйга соғлом бўлиб қайтдим. Доктор «Она, 6 ойдан кейин келиб, кўриниб кетасиз», деди.

Ноябрь ойида яна келдим, докторга кўриндим, «Қандай яхши бўлдингизми», деб сўради. Мен «докторжон

анча яхшиман, яна даволансам, бутунлай соғайсам керак», дедим. Хурсанд бўлиб, «иншаоллоҳ, яхши бўласиз, ётиб даволанинг», деди. Мен яна 20 кунда 16та малҳам ичиб, уйга кетдим.

Мен олдин бачадондан миомаси билан оғриганман. Ўшанда неча марта гинекологияда даволанганман, умуман фойдаси бўлмади. 2010 йилда бачадонимни олиб ташлашганди. Мен шунинг учун бу ерга аввал келмаганимга пушаймонман. Негаки, миома билан оғриган беморларнинг даволаниб кетишганини ўз кўзим билан кўрдим.

Бошқа касалхоналарда 1 миллион сўмга 1 та касалингизни даволатасиз касалингиз тузалар, лекин ўша дори химикат жигар ва буйрагингизни зарарлайди. Бу ерда эса табиий гиёҳлар билан даволар экан.

Яна бир гап. Ҳамшираларнинг бир-биридан ширин сўзлигига қойил қолдим. Аҳроржон, Муроджон, Лайло ва бошқаларга раҳматлар айтаман.

Ҳурматли Бердиқулжон укамга қанчадан-қанча таҳсинлар айтсам кам. Мен унга узоқ умр, оилавий бахт тилайман, 100 ёшга кирганда ҳам касалларнинг олқишини олиб юрсин!

## «НЕГА УЧ МАРТА ОПЕРАЦИЯ БЎЛДИМ?»

**Ширин Каримова (Хоразм вилояти Урганч туманидан):**

— Мен 1996 йилда ўт пуфақда тош туфайли қаттиқ приступ билан Урганч шаҳар касалхонасида ётдим. Операция қилиб тошни ўт қопим билан бирга олиб ташлашди. Операциядан кейин қорнимда чурра пайдо бўлди, ҳар оғриганида азобидан ўлиб тирилардим.

Кейинроқ қорнимда иккинчи чурра ҳам пайдо бўлди. 2005 йил иккинчи марта жарроҳлик столига ётишга мажбур бўлдим. Энди бўйин қисмимда, елка орасида оғриқ пайдо бўлиб туманимиз касалхонасида қанча уколдори олдим, блокада ҳам қилишди, лекин фойдаси бўлмади. Тошкент шаҳридаги Семашко санаториясига борганимда ҳам жуда қаттиқ оғриқ бор эди. У ерда анча яхши бўлдим, лекин барибир оғриқлар мени тарк этмади.

Ишда ўтириб ёзув-чизув қилсам ярим соатга етмай бўйин қисмимда оғриқ турарди. Бўйнимни эгиб бир иш қилсам ҳам оғриқ пайдо бўларди. Шу билан чидаб юраверибман, 2008 йили яна қорин чурраси пайдо бўлиб, учинчи мартда операция бўлдим — сетка қўйишди. Бўйиндаги оғриқ эса кетмади, шу билан бирга 2015 йилдан аллергия касаллиги ҳам қўшилди.

Ўртоғим Дилдорадан «Эргаш ота» даволаш масканини эшитиб, 2016 йилни 8 декабрида бирга келдик. Бердиқул ака мени кўрибоқ «Она сизнинг ичингиз арматура бўлиб кетибдику, ўтингиз димланган, жигарингиз қотган, ёғ босган, сиз 28та малҳам ичасиз», деди. Малҳам ича бошладим. Иккинчи малҳамдан сўнг «ўзингизни МРТ қилдиринг умуртқангизда грижа бор», деди. Мен МРТга тушдим. 4-5, 5-6 дискларда ҳақиқатдан ҳам грижа бор экан. УЗИ қилдирганимда сизнинг ўтингизда тош бор деди. УЗИчига қараб «Менда ўт қопи йўқ бўлса, қанақа тош бўлсин» дедим. Мана опа кўринг тошлар ўт йўлини қоплаган деб айтди. Ҳақиқатдан ҳам олтинчи малҳамдан кейин ўт йўлимдан нўхотдай, мошдай, кичкина гуручдай бир ҳовуч тошлар тушди.

Доктор 28 та малҳам ичасиз деганди. Биз янги йилни оиламиз даврасида кутиб олайлик деб 19та малҳам ичиб уйга кетдик. Йўлда кетаётганда қорнимда шунақанги оғриқ пайдо бўлдики худди тўлроқ тутгандай. Ярим йўлга борганда «машинани орқага қайтар, ҳозир ўлиб қоламан, ортга қайтаман», деб машинадан тушиб 20 та қадам юрганимни биламан худда чақалоқ туғилгандай бир нарса лоп этиб тушгандай бўлди. Кўзларим чарақлаб очилиб кетди. Қарасам сап-сарик шилимшиқ суюқлик тушибди. Йўлга чиққанимга пушаймон бўлдим. «Докторни айтганини қилиб, 28та малҳам ичсам бўлмасмиди», деб ўзимни ўзим койидим. Шундай бўлса-да, шу йили онадан янги туғилгандай юрдим. Олти ойдан кейин келишни ният қилиб кетгандим. Лекин давлат ишида ишлаганим учун имконим бўлмади. 2017 йил 28 декабрида келиб ётиб, чала қолган малҳамни ичдик.

Буларни ёзишимдан мақсад битта операция устига яна икки маротаба операция бўлганим, жараёнда қанчалар қийналганимни айтишдир. Ўқингда, хулоса чиқаринг. Агар мен бу масканни олдинроқ билганимда шунчалик азобларни кўрмаган бўлар эдим.

Халоскорим Бердиқул Жўрақуловичга каттадан-катта раҳматлар айтаман.

### **«УЧ МАРТА НАРКОЗ ОЛДИМ»**

**Хуснигул Нурматова (Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан, 1989 йилда туғилган):**

- 2009 йилдан буён фарзандсизликдан азият чекардик. Қарши, Самарқанд, Тошкент шаҳридаги бормаган профессорларимиз, табибимиз қолмаган. Турмуш ўртоғим иккимиздан ҳам торч инфекцияси

аниқланди. Даволандик, 2010 йилда ўсмай қолди, ҳаммасини аборт қилдирганман, шулар орасида 3 марта наркоз олдим, дори-уколларни сон-санови йўқ, ичим аптека бўлиб кетди, сочларим тўкила бошлади. Ўша пайтларда ўнг томон қовурғам остида оғриқ турарди, ўтиб кетар деб эътибор бермадим. Бир куни кучли оғриқ бўлди. УЗИга тушдим, ўт қопимда яллиғланиш бор экан. Фарзанд кутиш ташвиши билан даволандим.

Худонинг марҳамати билан 2015 йил ҳомиладор бўлдим, болам туғилгунча 4 марта касалхонада даволаниб чиқдим. 2016 йил январь ойида ҳомилам 5 ойлик бўлганда докторлар Тошкентга жўнатишди. УЗИга туширишди, болани доплер қилишди. «Бола яхши, экан лекин жигарингиз қотган», дейишди. Докторлар ваҳима қилиб гепатит Б, С учун анализ топширтиришди. Хайрият, анализ жавоблари яхши чиқди. Жигарим қотишига дори-дармон ёзиб беришди. Неча йил кутганим — боламга ёмон таъсир қилмасин деб дориларни олмадим. Худога минг шукрлар бўлсин ўғлим туғилди.

2016 йил сентябрь ойида ўт қопим «приступ» бериб қолди. Уйга тез ёрдам чақирдик, ўшанда бир ўлимдан қолдим — кучли оғриқ бўлди. Ўт қопингда тош бор силжиган дейишди, укол, дори қилишди, тинчландим. Докторлар дори ёзиб беришди. Худодан тилаб олган боламга таъсир қилмасин деб дориларни олмадим, лекин парҳез қилдим, барибир оғир юрардим, кўп йиллар дори дармон олганимданми бошим кўп оғрийдиган бўлиб, сочларим тўкилиб кетди. Оёқларим, белим оғрийдиган, тезда шамоллайдиган бўлдим. Кўпроқ овқат еб

қўйсам ҳазм бўлмасди, эрталаблари оғзим аччиқ бўларди. Кўп тушқинликка тушардим, хотирам ҳам пасайиб кетди.

2017 йил октябрь ойида Самарқандда УЗИга тушдим, жигаримдаги қотиш ҳалиям ўша-ўша. Уйга келиб «Шунча қийналганим етмасиди, 7 йил деганда фарзандимни бағримга боссаму ҳидига тўёлмай ўлиб кетсам», деб роса йиғладим. Турмуш ўртоғим кўнглимни кўтарди. «Қанча синовларга бирга бардош бердик, бунисига ҳам сабримиз етади, ҳали ҳаммаси яхши бўлади», деб мени тинчлантирди.

Шундай кунларнинг бирида тоғамнинг қизи Нурия телефон қилиб, «Опа, Самарқандда «Эргаш ота», деган шифохона бор. 6 ой олдин ўзим 15 кун ётиб даволандим. Жуда яхши экан, сиз ҳам боринг ҳамма касалликларингиз бирдан кетади, тошлар ҳам тушади, деди. Уйдагилар билан маслаҳатлашиб бир ярим яшар ўғлимни аямга қолдириб 2018 йил 2 январда Нурия иккаламиз «Эргаш ота» масканига келдик. Докторнинг қабулига кирганимда томиримдан ушлаб ўт қоппимланган, жигарда қотиш, ёғлар билан тўлган, танада тош, қумлар борлиги, ичакларда яллиғланиш ташхисини қўйди. «Оллоҳ хоҳласа, тиф теккизмасдан тошларни туширамиз, фақат сабр қилинг», деди.

Учинчи малҳамдан кейин ҳолсизлана бошладим, тўртинчи малҳамга киришда мазам бўлмай ҳушимдан кетиб қолибман. Барака топишсин маскан ходимлари ёрдам кўрсатишди, аҳволим озроқ яхшиланиб малҳам ичдим. Бешинчи малҳамдан кейин ичимдан тошлар тушди. Катта-кичик бир дунё тошлар... жуда хурсанд бўлдим. Малҳам ичиш вақтида тошларни докторга кўрсатдим. Ўт қопимдан тушган билирубин тош эканлигини айтди. Анча енгил бўлдим. Энг аввало мени шу масканга олиб келгани учун Нурияга раҳмат

Ҳурматли Бердикул Жўрақуловичга эса чексиз миннатдорлик билдираман.

## «ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИШДИ, ЛЕКИН ЯНА БЕЗ ПАЙДО БЎЛДИ»

**Зумрат РАҲИМОВА (Сурхондарё вилояти  
Узун туманидан, 1984 йилда туғилган):**

- Мен 20 ёшимда турмушга чиқиб, фарзандли бўлдим. 2008 йили икки қўлтиғимда ортиқча сут беги пайдо бўлди. Ўзимизни врачларга кўрсатгандим онколог врачга йўлланма беришди. Термиздаги касалхонага бориб, уларнинг назоратидан ўтдим. Аввалига «ваҳимали эмас, туғсангиз кўрмагандай бўлиб кетасиз», деб менга бир қоғоз дори-уколлар ёзиб беришди-да, уч ойдан кейин қайтиб келишимни тайинлашди. Шу-шу мен ҳар уч ойда касалхонага бориб даволаниб келардим. Кунлар, йиллар ўтиб, 2010 йилда ҳомиладор бўлдим. Врачлар назоратида бўлиб, шу йилнинг декабрида ўғили бўлдим. Ўғлимни 2012 йилнинг сентябригача эмиздим, ўша пайтлар ҳам қўлтиғимдаги безлар безовта қиларди. Ўзимизни врачларга кўрсатсам яна ваҳима қилиб мени касалхонага юборишди. Онколог врачлар бу сафар операция қиламиз дейишди-да, ўғлингизни сутдан чиқариб икки ойдан сўнг келасиз, деб қайтариб юборишди.

Шу икки ой ичида мен «Эргаш ота» маркази ҳақида эшитиб, қўнғироқ қилдим. Врачимиз Бердикул Жўрақуловичнинг ўзлари билан гаплашиб ҳолатимни тунтирдим. У киши «Сизни кўрмай туриб ташхис қўя олмайман», деди. Оғриқнинг кучидан чидолмай

ноилож 2012 йилнинг 25 январида ортиқча безларимни жарроҳлик йўли билан олиб ташлатдим. Операциядан кейин ҳар олти ойда даволанардим. Вақт ўтиб энди иккала кўкрагим оғрийдиган бўлди. Яна касалхонага бориб анализ топширдим. 2016 йилнинг сентябридаги текширишда чап кўкрагимда иккита без аниқланди. Докторлар қайта анализлар олишди ва «операция қилиб олиб ташлаш керак», дейишди. Бир ҳафталик дори-уколларни ёзиб беришди. Хафа бўлиб уйга қайтдим, бир ҳафталик дори-уколлар заррача таъсир қилмади.

Шунда яна хаёлимга «Эргаш ота» маркази келди. Ахир 2006 йилдан буён даволаниб келаётган овсиним Зебинисо Неъматова берганди докторнинг телефон рақамини. Овсинимга учраб «Эргаш ота»га борсангиз мени ҳам ола кетинг, дея илтимос қилдим. Овсиним «5 ноябрь куни борамиз», деди. Ўша санада мени Термиздаги касалхонадаги докторлар операция қиламиз, деб ёзишган эди...

Ўша куни «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига келдим. Қабул муҳлати келгач Бердиқул Жўрақулович мени кўриб, қабул қилди. 15 кун давомида 13 та малҳам ичиб уйга қайтдим. Уйга қайтиш пайтимда Б.Эргашев «Уч ой ўтиб яна келасиз», деди.

2017 йил 2 февраль куни қайтиб келиб, 20 кун давомида 17 та малҳам ичиб уйга қайтдим. Олложга беҳисоб шукрки, икки маротаба келиб шу даргоҳдан даво топдим — безларим йўқолди, энг асосийси, яна қайтиб операция бўлмадим.

Мана, насиб қилган экан 2018 йил 29 январда яна келдим 20 та малҳам ичиб қайтаяпман. Ўзимни соғлом ҳис қиляпман.

Хурматли шифокоримизнинг меҳрли малҳамлари сабаб шифо топдим. Бир умр миннатдорман!

## **«УЧ МАРТА ОПЕРАЦИЯ БЎЛГАНМАН»**

**Нодира Асқарова (Наманган вилояти Наманган шаҳридан):**

- Тақдир тақазоси билан уч мартаба операция бўлганман. Биринчи марта 1994 йилда ўт қопимни олдирганман. Тўққиз йил яхши юрдим. 2005 йилда яна оғриқлар бошланди. Касалхонада ётдим, дард кетмади. Шунда докторлар «Тошкентга боринг, ўша ерда ўт йўлидаги тошни олади», дейишди. Ишонмадим, тузалсам шу ерда тузалар эдим, тузалмас касал бўлибман, деб ўйладим. Шу оғриқ билан 3 йил юрдим. Мен бу вақтга келиб роса озиб, ётиб қолган эдим. Қийналганимни кўриб турмуш ўртоғим «Тошкентга олиб бораман», деб туриб олди. Тошкентга бордик, у ерда ҳақиқатдан ҳам ўт йўлимдаги тошни жарроҳлик йўли билан олишди. Шунда анча яхши бўлиб, тўрт йил юрдим, лекин оғирроқ овқат есам яна ичим оғирди. Бунинг учун дорилар буюришди, ичиб юардим. Лекин барибир оғриқлар кучайиб борди. Яна касалхонага келиб текширтирдим. Докторлар «Ўт йўлингда яна тош пайдо бўлибди», дейишди. 2012 йилда ўт йўлимдаги тошни яна жарроҳлик йўли билан олишди. Энди ичакларим оғрийдиган бўлиб қолди, жуда кўп азоб чекар-

дим. Ҳар куни овқатдан олдин ҳам, кейин ҳам дори ичардим. Овқат есам кўнглим беҳузур бўларди. Касалхонага боргани юрагим безиллаб қолди. Ҳозир борсам яна ичагимни ковлаб жонимни оғритади, деб кўрқардим. Шу тарзда яна 4 йил ўтди.

Бир куни танишим «Самарқанда «Эргаш ота» тиббий маскани бор экан, малҳам билан даволаркан», деб қолди. Хурсанд бўлиб кетдим, чунки тифсиз, уколсиз, таблеткаларсиз даволашар экан. «Самарқандга бораман», дедим. Турмуш ўртоғим, онам, келиним (укамнинг аёли) бирга йўлга тушдик. Келинимнинг белида грижа, қон босими баланд юрарди. Онамнинг юраги безовта қилар эди.

Доктор ҳузурига кирдик онамни қабул қилдию, келинимизнинг қон босими жуда юқори бўлгани учунми доктор уни қабул қилишга иккиланди. «Биз кетмаймиз, сизга ихлос қилиб келганмиз», деб туриб олдик. Доктор сабр талаб қилиб қабул қилди.

Биз 10та малҳам ичиб кетдик. Мен саккиз ойгача умуман дори ичганим йўқ, онам ҳам касалхонада ётмади, келинимизнинг ҳам қон босими кўтарилмади. Ўтириб кирларни юволмас эди, энди бемалол ўтириб ишлайдиган бўлди.

2017 йил март ойида яна келишга қарор қилдик. Бу сафар биз 14та малҳам ичдик. Мен бутунлай соғайдим.

2018 йилда бошқа касал бўлмаслик учун яна келдим. Бу сафар 18 кун даволандим.

Мен тортган азобларимни ҳеч ким тортмасин, ким-ки шу гапларимни ўқиса, бу ерга келмасдан қолмасин, чунки бу жой — муъжизалар маскани.

Мен Бердиқул Жўрақуловичга, шу ерда хизмат қилаётган жамоага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилайман!

---

\* \* \* \* \*

Тананг иморати дош бера оладиган миқдорда таом тановул эт.

*Абдураҳон Жомий*

\* \* \* \* \*

Улуғ одамлар ҳамиша таомдан тийилганлар.

*Оноре Де Бальзак*

\* \* \* \* \*

Узоқ яшамоқчи бўлсанг, камроқ овқатлан.

*Бенжамин Франклин*

Олтинчи бўлим

# ТИРНОҚҚА ЗОРЛАР ҚУВОНЧИ

*ёхуд гинекологик касалликларнинг ҳам  
даволаниши хусусида*

## «НИЯТИМГА ЕТАМАН, ДЕГАН УМИДДАМАН»

Аввалги бўлимларда келтирилган мисоллар касалликдан фориф бўлиш фалсафаси инсоннинг барча ички аъзоларига ижобий таъсир қилиши мумкинлигини англатади. Бундай тақдирлар Бердиқул Эргашев тажрибасида талайгина.

Самарқанд вилояти Нарпай туманида 1950 йили туғилган Тожигул Жуманова 20 йил фарзанд кўрмаган. Кўп жойларда даволанганлигини, ҳатто, эскича амалларни ҳам қилиб кўрганини ва ҳеч қандай натижа бўлмаганини, лекин бу орада буйраги касал бўлиб қолганини таъкидлайди. «1996 йили бу ерни эшитиб келдим. Б.Эргашев қабулига ёзилдим. У киши жуда оддий, камтарин, ширин сўз инсон экан. Қўлларимга қараб сизда бир эмас, бир нечта касаллик бор, деди. Дардларимни аппаратда кўргандек бирма-бир айтиб берди. Мен ихлос билан 53 кун даволандим. Шу вақт мобайнида мендан тушган нарсаларнинг ҳисоби йўқ. Бир куни қорнимда оғриқ туриб, кўнглим айнади. Малҳамдан сўнг ажриқ томирига ўхшаган бўғин-бўғин нарса тушди. Врач бу ўсма эканлигини айтди. Ундан халос бўлганим хурсандчиликка айланди. Лекин бундан кам бўлмаган қувонч олдинда экан. Оллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсин, 1998 йили 49 ёшимда ҳомиладор бўлдим. Бундан бутун оила аъзоларимиз хурсанд бўлса-да, гинеколог врачлар 49 ёшда биринчи марта туғиш мумкин эмас, сенга фарзанд керакми ёки ўзингнинг ҳаётинг, дея қарши чиқишди. Лекин шундай бўлса-да, умидимни узмадим. Самар-

қанд шаҳридаги хусусий туғруқхонага мурожаат қилдим. Врач гинеколог Хуршида Насимова беминнат ёрдам берди. Худонинг инояти билан ўғил кўрдим. Муродимга етдим деб исмини Муроджон қўйдим».

Кўриниб турибдики, бошқа дард билан даволанишга келган беморнинг барча нуқсонлари барҳам топган. Буни табиий қабул қилиб, тузалиб қиз фарзанд кўрган ва орадан вақт ўтиб, худодан ўғил сўраб, даволанаётган Санобар Жумаева (Бухоро вилояти Вобкент туманидан, 1987 йилда туғилган) сўзларини ўқиб кўринг-а:

- Мени эрта турмушга беришганлиги учун уч йил фарзандсизлик азоби қийнади. Бормаган жойим, кўринмаган врачим қолмади.

Шундай кунларининг бирида «Эргаш ота» тиббий маскани ҳақида эшитиб, билиб, ихлос билан даволанишни бошладим. Бу 2004 йилнинг июль ойи эди. Ўнга малҳам ичиб кетдим. Ишонсангиз, кейинги ойдаёқ ҳомиладор бўлдим. 2005 йилда қизим туғилди.

Қишлоқ шароити бўлганлиги боис деҳқончилик ишларига, хусусан, ер чопиш, ўт ўриш билан шуғулланардим. Кунига 12 сотих майдондаги ўтларни ўрардим. Тўғриси, ўзимга қарамаганим учун соғлигим яна ёмонлашди. Кейин кетма-кет уч марта ҳомиладор бўлиб, уларни йўқотдим. 2012 йилга келиб яна қиз фарзанд кўрдим.

Яқинда, яъни 2017 йил январь ойида ҳомилам яна нобуд бўлди. Бунинг сабабини соғлигимга эътиборсизлигимдан деб биламан. Негаки, бу даврга келиб ўтим-



Сабр шифокорнинг бошланишидир.

*Абу Али ибн Сино*

да тош, киндик грижаси, цистит, қабзият, асаб касалликларини орттириб олгандим. Кечалари оғриқдан ухлай олмайдиган даражага тушдим. Мен қачонлардир дардимга даво топган бу масканни унутмаган эдим. Шароитим йўқлиги боис келолмагандим.

Шукрки, 2017 йилнинг 9 мартда имкон топдим. Яхши ниятлар билан худодан ўғил фарзанд сўраб, даво-ланишга келдим. Шифокоримизни айтганларини ба-жариб, парҳезни бузмасликка ҳаракат қилдим. Бешинчи малҳамдан кейин ўтимдаги тошлар туша бошлади. Уч кунда ичимдан шунча тошлар тушдики, ўзим ҳам ҳайрон қолдим. Оғриқлар ҳам аста-секинлик билан тўхтади. Кечалари яхши ухлайдиган бўлдим. Бу гал дардларимдан халос бўлиб, ниятимга етаман, деган умиддаман.

Бош шифокорнинг столида жажжи чақалоқ ва ҳатто ширин эгизакларнинг суратларини кўрдик. Суратнинг орқасида: «Бу фарзанд Сизнинг малҳамингиз туфайли дунёга келган. Минг раҳмат (Хулкар Норбоева, Қашқадарё вилояти)» деган ёзув бор.

Хулкарнинг онаси Ибодат аядан яна мактуб ва янги суратлар келибди:

«Ассалому алайкум, азиз укам Бердиқулжон!

Неварангиз Шодиёржон катта йигит бўлиб қолди. У ҳозир тўртинчи синфни тугатиб, бешинчига ўтди. Сиз бизнинг оиламизга бахт, чексиз хурсандчиликлар келтирдингиз. Врачларнинг «Қизингиз фарзанд кўрмайди», деган нохуш сўзлари ёлғонга айланди. Шодиёржондан кейин қизим яна эгизак фарзандлар - Ҳасан-Ҳусанлар кўрди. Ахир давоингиз, малҳамингиз туфайли қизим она бўлди.

*Оллоҳга шукрона айтаман бугун,*

*Бу оламда мудом борлигингиз чун!*

Невараларингизнинг суратларини юбораяпман. Сизга соғлик тилайман. Халқимизнинг бахтига бошингиз омон бўлсин!

Сизга ҳурмат ила Ибодат опангиз. Яккабоғ».

Б.Эргашев эса буни Оллоҳнинг инояти, дея қисқа изоҳлаб қўя қолди. Тирноққа зор бўлиб юрганлар ҳам бу масканда шифо топаётганларини уларнинг ўзларидан эшитдик. Улардан бири қашқадарёлик Шомурод Бердиев шундай дейди:

— 2002 йили касал бўлиб ётиб қолдим. Буйрагимни операция қилишмоқчи бўлишди. Исмат деган қишлоқдошим «Эргаш ота»да даволанган экан. Шу ерга бор, тузаласан, деди. Ишонмадим. У қатъий туриб: «Жўражон, йўл пулингням ўзим тўлайман, юр», деб бирга олиб келди. 23 кун ётдим. Буйрагимдан тошлар тушди, жигаримдан пардалар кўчди. Энг қизиғи, анча йилдан бери тирноққа зор эдик, бир йил ўтиб фарзандли бўлдим...

### **«ИККИ ЎГИЛ, БИР ҚИЗНИНГ ОТАСИМАН»**

**Исмат Яхшиев (Қашқадарё вилояти Қарши тумани Поштон қишлоғидан. 1980 йилда туғилган).**

- Ҳарбий хизматга текширувдан ўтишим жараёнида врачлар буйрагимда тош борлигини аниқлашди. Даволанишдан натижа бўлмагач, «операция қилмаса бўлмайди, тошни олиб ташлаш керак», дейишди. Операцияда тошни эмас, майда тошлари кўп экан, дея бира тўла чап буйрагимни ҳам олиб ташлашибди. Олти ой ўтар-ўтмас ўнг буйрагим ҳам безовта қила бошлади. Қаршидаги, Самарқанддаги барча шифохоналарда да-

воландим. Буйрагимни даволаб, тўғриси, ичим дорихона бўлиб кетди. Натижада ўт пуфагим, жигарим ҳам касалланди. Оғир аҳволда Тошкентга олиб боришди. Улар гастрит, сурункали холестицит, фаол гепатит, биргина ўнг буйракда гламуроннефрит хуружи... У ерда ҳам бир ой даволандим, фойда қилмади. Организмни вақтинча мажбурий ишлатиб турувчи гармон дори беришди. Қолгани худодан деб, уйда ётавердим.

Бир ишонганим Тошкент эди... деб юрганимда Каттақўрғон ҳақида эшитиб қолдик. Отам олиб бораман, деганда, «бўлди ота, бошқа харажат қилманг», деб рози бўлмадим. Отам барибир 1999 йил 20 июнь куни «Эргаш ота» шифохонасига олиб келди. Бердиқул ака оғирлигимга қарамай олиб қолди. Ёз чилласида инжиқликларимга қарамай 50 кун даволади.

Хуллас пешонамда яшаш бор экан, бахтимга Оллоҳ менга Бердиқул акани рўбарў қилди. Аввалига йилига икки марта даволандим, кейинчалик йилига бир марта, аста-секин икки йилда бир марта даволанадиган бўлдим. Соғайиб кетгач, ота-онам уйлантирмоқчи бўлишди. 2005 йилда тўй қилдик. Ҳозирда икки нафар ўғил, бир қизнинг отасиман. Бердиқул акадан оиламиз билан бир умр миннатдормиз. Бахтимизга ҳамиша омон бўлсин!

### «ЎФИЛЛИ БЎЛДИМ!!!»

**Севара Парпиева (Тошкент шаҳар Бектемир туманидан. 1984 йил туғилган):**

- Мен ва турмуш ўртоғим бепуштлик касаллигидан азият чекардик. Тўққиз йил давомида кўрсатмаган жойимиз қолмади. Врачлар иккимиздан ҳам бефарзандлик сабабларини асосли, аниқ кўрсатиб бера олишмади.

Онам ва опам «Эргаш ота» шифохонасида даволаниб туришарди. Онамнинг бу ерга ихлослари баландлиги сабабли мени ҳам мажбурлаб шу ерга жўнатдилар. 2010 йил 5 январдан 22 январгача даволаниб, кейин уйда мунтазам парҳез қилдим. Шукрки, 2010 йил март ойида ҳомиладор бўлдим ва 18 ноябрь куни соғлом ўғил фарзанд кўрдим. Мен врачимиз Бердиқул Эргашевга оилам номидан раҳмат айтаман.

### **«АВВАЛ ШОҲЖАҲОН, КЕЙИН АВРАНГЗЕБ ТУФИЛДИ»**

**Бозоргул АНДАҚУЛОВА (Жиззах вилояти  
Зарбдор туманидан):**

- Қизим Замира Шербекова (1988 йилда туғилган) турмушга чиққач, тўрт ой ўтиб тоби қочганда қайнонаси Гулистон шаҳрига олиб борганда шифокорлар «детская матка» ташхисини қўйишибди. Қизим бу нохуш хабардан ўқсиб йиғлади. Дарҳол Тошкентга жўнадик. Илмий текшириш институтидаги замонавий аппаратларга тушганимизда, бачадон ҳажми кичкина, лекин даволаймиз, яхши натижа беради, дейишди. 2008 йил 9-19 январь мобайнида даволанди. Бир ойдан кейин бориб яна 10 кун муолажа олди. Учинчи даволанишни уйга буюришди. Март ойида яна борди. Мартдан июнгача тўрт ойлик муолажани ҳам уйда оласизлар деб, яна пачка-пачка дори-дармонларни ёзиб беришди. Июнь ойида қизимнинг яна мазаси бўлмабди, қаттиқ оғриқ хуружи билан эри Гулистонга олиб борса, текшириб, тухумдонда киста бор, дейишибди.

Яна Тошкентга жўнадик. Ўзи даволаган врач аппаратга тушириб, тухумдондаги кистанинг ҳажми жуда катта, ёрилиб кетиши мумкин, зудлик билан операция

қилиш керак, деди. Кундуз соат 12 дан кечки 7 гача осма укол қилишди. Турмуш ўртоғим билан тифиз бир аҳволда қолдик, шунда синглим Гўзал ёдимга тушиб қолди...

Тилхат ёзиб, эрта тонгда Каттақўрғонга қараб йўлга чиқдик. Бердиқул ака таътилда экан. Бир ой ўтиб қабулга кирдик. Доктор даволайман, фақат камида бир ой ётади, деди. Навбатимиз етгач 30 август кундан даволана бошладик. 24-малҳамни ичган куни киста тушди. Яна тўртта малҳам қабул қилиб уйга қайтдик. Бир ой парҳез тутиб, кейин ўша аппаратга тушганда, ҳеч қанақа киста йўқ, дейишди мутахассислар. Хурсандчилигимизнинг чеки йўқ эди, азизлар! Уч ой ўтгач қизим ҳомиладор бўлди! 2009 йил 28 октябрь куни биринчи фарзанди Шохжаҳон, 2011 йил иккинчи фарзанди Аврангзеб туғилди.

Тилагимиз — докторимиз ҳам бола-чақасининг роҳатини кўрсин, мартабаси бундан баланд бўлсин!

### **«ҚИЗИМ ОПЕРАЦИЯДАН, ҚАРИНДОШИМ ФАРЗАНДСИЗЛИКДАН ХАЛОС БЎЛДИ»**

**Абдужаббор Раитов (Самарқанд вилояти Нарпай туманидан):**

- Мен сурункали холецистит, сурункали остеохондроз, гипертония хасталиги билан касалланганман. Ҳозир бешинчи марта даволанишим. Бердиқулжонни 16 йилдан бери биламан. Бошида, хабарим бор, Каттақўрғон шаҳридаги ташландиқ эски бир бинода, шароити йўқ жойда қийин ҳолда иш бошлаганди. Ҳаммасини ўзи қиларди — массажиниям, ҳуқнаниям. Ўша пайтда битта ҳамшира, битта санитарка бор эди, мана бугунги кунда

жамоаси жуда катта. Қанча қийинчиликлар бўлган. Тиббиёт соҳасининг собиқ совет тузумидан қолган мутасадди раҳбарлари қаттиқ қарши турган. Чунки бу ўша пайтда, эндигина мустақил бўлган пайтларимизда янгилик эди. У ўз вақтида жуда кўплаб оғир касалларни оёққа турғизиб ном чиқарган ажойиб шифокор. Ҳар йили оилам, фарзандларим билан навбатма-навбат келамиз. Мана, қизим 16 ёшда эди, буйрагида тош бор дейишди. Бердиқулни биламан, лекин тўғриси, катта тош бор дегандан кейин ишоналмасдан Тошкентга бордим. Тош катталиги 3 сантиметр эди. Операция қиламиз дейишди. Яна Бердиқулжонга мурожаат қилдим. Олиб келинг, деди. Ҳақиқатан икки тош бири ёнғоқдай, бири данақдай операциясиз тушди.

Хотинимнинг опаси севишиб турмуш қурган. 40 ёшгача фарзанд бўлмади. 40 ёшдан кейин ажрашиш аёл кишига таъсир қилди. Анчагина юриб хотини ўлган кишига турмушга чиқди. Шунинг сағирларига меҳр берсам, балки умидимга етарман, деб юрди. 48 ёшдаям фарзанд кўриш умиди сўнмади. Шу орада «Эргаш ота»да 53 кун узлуксиз даволанди. Шу ердан чиқиб, мўъжиза юз берди: Оллоҳ таоло Бердиқулжонни сабабчи қилиб унга фарзанд ато этди. Шу боис, бутун оилам номидан ташаккур айтаман.

### **«БЕФАРЗАНД ЭДИК, ҲОЗИР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ УЧ НАФАР!!!»**

**Шарофиддин Худойбердиев (Жиззах шаҳридаги Саройлик маҳалласидан):**

- Биринчи марта мен 2000 йили оғир аҳволда келиб, бу масканда эллик кун даволанганман. Расмий тиббиёт мутахассислари менга сурункали пилонефрит,

сурункали гломерулонефрит деган диагнозлар қўйишганди. Вақт ўтиб, ўнг буйрагим деярли ишдан чиқди. Тошкентда бир неча марта собиқ «Жуковский» касалхонасида 20 кунлаб даволанганман. Буйрак қон босимим доимий ошиб, унча-мунча укол-дори эвазига ҳам пастга тушмас эди. «Эргаш ота»даги элик кунлик муолажа ҳолатимни бутунлай яхшилади. Олти ойдан кейин келиб яна бир ой муолажа олдим. Бир йилдан сўнг яна 30 кун даволандим. Қон босим ошиши бутунлай йўқолди, буйрак ҳақида ўйламай қўйдим. Ҳаётда бахтни ҳис эта оладиган инсонлар қаторига қўшилдим.

2002 йилда уйландим. Лекин икки йил фарзанд кўрмадик. Вилоят шифохоналарида докторлар умидимизни пучга чиқариб, муолажалар бесамара эканлигини айтишди. Фарзандсизлик уқубатини бу муаммога йўлиққанлар, уларнинг яқинлари яхши билишади. Шу боис бошимдан ўтган ўю-хаёлларни айтмай қўяқолай. Бошимни яна «Эргаш ота» тиббий марказига уриб келдим. Бердиқул ака, биринчи кунданоқ «Дардини берган худо, давосини ҳам беради», деб ишонч ва ихлос уйғотдилар. 23 кун даволандим. Кўп ўтмай оиламизда байрам бўлиб кетди. Фарзандли бўлдик. Бугунги кунда учта фарзандим бор. Мен ўз миннатдорчилигимни қанча билдирсам ҳам, етарли бўлмайди деб ўйлайман. Бахтимизга бор бўлсинлар.

### **«ҲАЙЗ КЎРМАСДИМ»**

**Фотима Ҳалимова (Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидан, 1987 йилда туғилган):**

— Мен қаттиқ руҳий ҳолатга тушганим учун ҳайз кўрмасдим. «Эргаш ота» сиҳатгоҳига ана шу ва бача-

дон кистаси борлиги сабаб келганман. Бундан ташқари бош оғриғи, буйрагимда туз борлиги, қонимда холестерин миқдорининг кўплиги, тана вазним ошиши ҳам мени қийнади. Биринчи йили келганимда олтинчи малҳамни ичганимдан кейин тошлар туша бошлади. Кейинги сафар келганимда яна олтинчи малҳамдан кейин мазам қочди, кечаси билан музлаб чиқдим. Эртасига бачадондан киста тушди.

Энг масъулиятли, машаққатли ва покиза касб эгаси Бердикул акага ҳар қанча мақтовлар, олқишлар айтсам оз. У кишининг бир оғиз ширин сўзи, малҳами қанча одамларни ҳаётга қайтаради. Оллоҳ умрларини узун қилсин!

### **«МИОМА БАЛОСИДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Олима Идиева (Бухоро вилояти Бухоро туманидан, 1964 йилда туғилган):**

- Мен миома, ўт қопи, буйрақдаги тош хасталиклари, умуртқадаги муаммолардан, бош оғриғидан азият чекардим. Қанчадан-қанча касалхонаю врачларга мурожаат қилиб, даволандим. Натижаси бўлмади. Охири жарроҳ миомани операция қилиб олиб ташлаш кераклигини айтди. Кўнглим чуқиб, йиғлай-йиғлай уйга қайтиб келдим. Эримга бор гапни айтдим. У киши жарроҳлик амалиётига қўнмадилар, қанчалик тушунтирсам ҳам рози бўлмадилар. Эрим 2005 йилда «Эргаш ота» клиникасида даволанган эдилар. «Мен тузалиб кетдимку, сен ҳам яхши бўласан», дедилар. У кишининг ошқозонларида яра бор эди. 32та малҳам ичиб шифо топган эдилар. Докторлар аппаратда текшириб, «ява»ни топа олмадилар.

Шу боис мени билан бирга «Эргаш ота» клиника-сига келдилар. Бердиқул аканинг хузурига кирганим-да касалликларимни бирма-бир санаб бердилар. «Агар сабр-бардош билан 24 та малҳам ичсангиз, худо хоҳласа, тузалиб кетасиз», дедилар. Кўнглимда соғайиб кетишимга умид пайдо бўлди. Ўнинчи малҳамдан сўнг ўт қопимдан тошлар туша бошлади. 24 кун даволаниб уйга қайтдим. Бир йил ўтар-ўтмас 5 киши оилавий бўлиб яна келдик. Даволанишни бошлаганимга беш кун бўлганда бутун вужудим оғриб, безовта бўла бошладим. Олтинчи кунги мадҳамдан кейин мендан миома тушди. Хурсандлигимдан шифокорларга мурожаат қилдим. Бердиқул акага кўрсатинг, дейишди. Шифокоримиз эса «Сиздан миома тушибди, бу кунни умр дафтарингизга ёзиб қўйинг», дедилар. Тушунапсизми азизлар, миомалар операциясиз тушди! «Мен Сиздан бир умр миннатдорман. Дунё тургунча туринг», дея дуо қилдим.

Шундан буён ҳар йили келиб, профилактика учун даволаниб кетаман. Ҳеч бир касалликдан шикоятим йўқ!

### **«СИЙДИК ҚОПИДА ЎСИМТА БОР ЭДИ»**

**Низом Атамуродов (Сурхондарё вилояти Денов туманидан:**

— Мен 2010-йилдан бери урология бўйича, одинома ва простата беzi, сийдик қопида ўсимта билан оғриб юрардим. Даволаниш учун Денов туманидаги шифохоналарда ётдим. 2016 йили Тошкендаги шифохоналардан бирига бордим. У ерда «Сийдик қопида ўсимта бор, операция қилмаса бўлмайди», дейишди. Мен тақдиримда нима бўлса, шуни кўраман деб операцияга рози бўлмадим.

Шу куни қишлоғимиздан бир киши Самарқанддаги «Эргаш ота» хусусий клиникасига боришимни тавсия қилди. Биз Тошкентдан тўғри Каттақўрғонга келдик. Бизни илиқ кутиб олишди. Мени олий тоифали шифокор Бердикул Жўрақулович кўриб: «Отахон, йигирмата малҳам ичсангиз дардингизга даво топасиз», деди. Мен йигирмата малҳам ичиб, уйимга кетдим.

Докторнинг тавсияси билан икки ойдан кейин келиб яна ўн бешта малҳам ичдим. Ўзимни жуда яхши ҳис қилдим. Ҳар олти ойда келиб ўнта малҳам ичиб кетаман. Натижани сўрасиз — тифсиз барча дардларимга даво топдим!

Бердикул Жўрақуловичдан жуда миннатдорман. Мен бу ерда даво топганимдан кейин ҳамқишлоқларим ҳам келиб барча хасталикларидан халос бўлиб кетишмоқда.

## **ТУРКИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР: «МИОМАНИ БАЧАДОН БИЛАН БИРГА ОЛИБ ТАШЛАЙМИЗ»**

**Шарифа Астанова (Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидан, 1972 йилда туғилган):**

- Миома касали мени 2006 йилдан буён қийнади. Даволанардим, лекин бир йилга бормай яна қон кетиш бошланарди. Қаерларга бормадим, кимларга учрашмадим. Ичган дори-дармонларимни айтмайсизми? Охири Онкология марказига бордим. Кўриб, текшириб, «миомани бачадон билан бирга олиб ташлаш керак», дейишди. Рози бўлмай бачадонни олиб ташламайдиган даволаш йўлларини қидира бошладим. Қаерга бормай «бошқа йўли йўқ», дея такрор-такрор айтаверишди.

Ўзбекистондан ташқарида бордир, дея Туркия давлатига ҳам бордим. Улар айтган дориларни олиб даволана бошладим. У ерда мунтазам врачлар қўригидан ўтиб турдим. Дорилари иш бермагач, врач ва профессорлар ўзимизнинг врачларимиз хулосасини беришди: «миомани бачадон билан бирга олиб ташлаш керак, охириги чора шу». Яна юртимга қайтишга мажбур бўлдим.

«Эргаш ота» тиббий масканида миомалардан ҳам халос бўлиш мумкинлиги ҳақида эшитгандим. Опамдан, қўни-қўшнилардан даволаш тартибини билиб, куч ва иродам етармикан, дея қўрқардим. Оллоҳга таваккал қилиб, 2017 йил 13 мартдан даволанишни бошладим. Бердиқул аканинг қўлларидан малҳам ича бошладим. Енгиллаша бошладим. Лекин 6-малҳамдан кейин терга пишиб, ҳамма жойимга оғриқ кирди. Оғриқ бўлганда ҳам дард тутгандек даражада эди. Муъжизани қарангки, бу дард билан мени шунча йилдан буён қийнаб келаётган миома тушди. Кейин ўт қопимдан ҳам тошлар тушди. Шифокорга биринчи учраганимда ўт қопимда ҳам тош, жигаримда, буйрагимда ҳам касаллик борлигини айтган эди. Улардан ҳам бирваракайига халос бўлиш ниятидаман.

Бердиқул ака, юзингиздан нур аримасин. Соғ-саломат бўлинг бахтимизга!

### **«СУРУНКАЛИ ЦИСТИТ» ХАСТАЛИГИДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Хадича Санақулова (Самарқанд вилояти Пойа-риқ туманидан, 1975 йилда туғилган):**

— 1994 йили пешоб йўлларим касалланди. Самарқанд вилояти касалхонасининг урология бўлими врачлари «сурункали цистит» деб диагноз қўйишиб, даво-

лашни бошлашди. Иккита фарзандли бўлдим ҳамки, бу касалим ўтиб кетмади. 2003 йилгача шу хасталик билан курашдим. Уйқусизлик, оёқ-қўл оғриғи ҳам пайдо бўлди. Оёқларим, қорним шишиб кетди.

Бир танишим «Эргаш ота»га борсанг барча касалликларингдан холос бўласан, деб мени қизиқтириб қўйди. Бердиқул ака қабулига кирганимда «Соғайиб кетасиз», деб мени умидлантирди. Жой йўқлиги учун илтимослар билан 20 кундан кейин келиб даволаниш диган бўлдим. Лекин уйга бориб аҳволим оғирлашиб қолди. Оёқларим, қорним янада шиша бошлади. Бердиқул акага телефон қилдик. «Тез олиб келинг», дедилар. Даволанишни бошладим. Учинчи малҳамдан кейин пешобга чиқишим кўпайди. Олтита малҳамдан кейин ҳамма оғриқларим ўтди. Даволаниш жараёнида қийналсам ҳам чидадим. Уйга енгил бўлиб, соғайиб кетдим. Икки йилдан кейин яна қайтиб келдим. Даволанишнинг йигирманчи куни мендан рақ пардаси тушди, яхши ухлайдиган бўлдим. Шундан бери ҳар икки йилда келиб даволаниб кетаман.

### **«МИОМАН ҚУТУЛДИМ»**

#### **Мухлиса Усмонова (Андижон шаҳридан):**

- Бу «Эргаш ота» хусусий шифохонасига 4-маротаба келишим. Бу ерга ўт, ошқозон ости беши, жигарни ёғ қоплагани ва бачадон миомаси каби касалликлар гулдастаси билан келгандим. Аллоҳга шукр, ҳар даволаниш курсида дардларимни шу ерда бир-бир ташлаб кетдим, охириги учинчи бор келганимда эса 6-малҳамдан кейин ва ниҳоят миома деган балодан ҳам халос бўлдим. Шу дард билан оғриган бошқа опа-сингилларимга ҳам чин дилдан ихлос қилишларини, аввал Олоҳ,

кейин Бердикул аканинг шарофати билан касалликдан албатта фориғ бўлишларини айтган бўлардим!

### **«ИККИНЧИ БОР ОНАЛИК БАХТИГА МУЯССАР БЎЛДИМ»**

**Райҳон Умарова (Самарқанд вилояти Оқтош шаҳридан):**

— Мен 1997 йили қизим Рухшона туғилгандан кейин бошқа фарзанд кўрмай юрардим. 2012 йили панкреатит касаллиги билан оғриб Опам Мусаллам билан бирга «Эргаш ота» сихатгоҳига келиб даволандим. Хаяжонлиси, 43 ёшимда иккинчи фарзандим туғилди — 16 йилдан сўнг иккинчи бора оналик бахтига муяссар бўлдим.

Биз Россиянинг Самара шаҳрига кўчиб кетдик. Ҳар гал Ўзбекистонга келганимда соғлигимни тиклаш учун келиб, айнан шу ерда даволаниб кетаман. Мана, бу сафар 8та малҳам ичиб соғлигим анча тикланди. Юрак уришим яхшиланди, кўзим равшанлашди. Бел оғриғи, оёқ оғриғидан халос бўлдим. Дунёнинг турли мамлакатларидан шифо излаб келаётган беморларни кўриб, шундай инсонга юртдош бўлганимдан фахрланиб кетаман. Бердикул аканинг умри узун бўлсин!

### **«УЧ МАРТА УЧ ОЙЛИК ҲОМИЛАМ ТУШГАН»**

**Умида Насруллаева (Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидан):**

— Мен ўтим, буйрагим, ошқозоним безовта қилиб, маҳаллий врачлар тавсияси билан кўп дори ичардим. Бир муддат таъсир қилардию вақт ўтиши билан яна оғриқ бошланарди. Буйрагим хасталиги сабаб уч марта уч ойлик ҳомилам тушган. Буйрагим ачишиб оғрир,

эрталаб жойимдан туrolмасдим. Массаж қилишгандан кейин жойимдан турардим. Бормаган докторим қолмаган. Тошкент, Наманган санаторияларида даволанганман.

2011 йили август ойида «Эргаш ота»га келдим. Ўшанда операциясиз тошлар тушган. 2012 йили турмуш ўртоғим билан яна келиб, даволандим. Буйрагим бутунлай соғайиб кетди. Худога шукрлар бўлсин, кетма-кет фарзандли бўлдим. Хурсандлигимдан қизларимни олиб келиб, Бердиқул акага кўрсатиб кетдим.

Қизим сариқ касал бўлиб қолди. Инфекционист врачлар қарашди. Лекин кейинроқ уни ҳам даволанишга олиб келдим. Қизим Дилдоранинг ҳам кўриш қобилияти паст, иштаҳаси йўқ эди. Мана охирги марта келганимда иккала қизимни ҳам даволанишга олиб келдим. Худога шукр, барчамиз шифо топиб кетяпмиз.

## **«ҚОП-ҚОРА ПАРДАЛАР ВА ЛАХТА-ЛАХТА НАРСАЛАР ТУШДИ»**

**Мавлуда Юлдашова (Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидан):**

— Мен «Эргаш ота» шифо масканига илк бор 2009 йилда фарзандим Жавохиржон Сағдуллаевни олиб келганман, гижжаси бор эди. Доим «Қорним оғриятти», деб йиғларди. Кўп дори дармон қилганман, лекин даволата олмагандим. 3-кундан кейин ўғлимдан гижжалар тушди ва соғлиги тиклана бошлади Тушган қуртларни кўриб жудаям хурсанд бўлдим ва катта раҳматлар айтиб кетдим.


Орадан 2 йил ўтиб ўзимни соғлигим ёмонлашди. Ҳайз кўриш 15-20 кунга кўпайди ва сувдай кета бошлади. Докторларга бориб текширтирганимда «Бу мио-

ма операция қилиб, бачадонни олиб ташлаймиз», дейишиди. Турмуш ўртоғим кўп жойларга Тошкент, Навоий, Самарқанднинг энг зўр малакали шифокорларга олиб бориб текширттирди. Ҳаммасининг хулосаси бир хил — жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш.

Жудаям тушқинликка тушиб қолдим, чунки эндигина 32 ёшда эдим. Нима қилишимни билмасдан уйдаги китобларимни ўқишга тутинган пайтимда икки йил аввал ётиб келган «Эргаш ота» шифо масканидан берилган китобча қўлимга тушиб қолди. Ўқисам у ерда ўсимталардан халос бўлганлар фикрлари ҳам ёзилган экан. Қувониб кетдим ва турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашганимда у кишига ҳам маъқул бўлди.

«Эргаш ота»га келиб, Бердиқул ака ҳузурига кирдим. Аҳволимни кўрди. «Тузаламанми», деб сўраганимда у киши менга «Ҳаммаси Оллоҳдан, ихлосдан, ихлос қилиб ичсангиз, албатта, яхши натижа бўлади», деди. Малҳамни ихлос билан ича бошладим. Еттинчи

малҳам ичган куним ҳамма жойим оғриб, ланж бўла бошладим. Кечга бориб жудаям мазам қочди, ҳатто, ҳожатга боришгаям ҳолим йўқ эди. Тувакка ўтирдим, дард келгандай оғриқ бор, кўзларимнинг олди қорангилашиб кетди ва бирдан ичимдан қоп қора пардалар, лахта-лахта бир нарсалар тушди. Кўзим



Ҳаёт тотли. Соғ-саломат умргузаронлик қилиш ундан-да ширин. Бахтли-саодатли умр кечириш учун эса инсонга, аввало, соғлик керак. Энг ширин лаззат саломатликдир.

**Бердиқул Эргашев,**  
**фахрий профессор**

ярқ этиб очилиб кетди, енгил тортдим, жойимга чўзилиб ухлаб қолибман. Эрталаб турганимда худда туққан хотиндек ичларим бўшашиб, қанақадир ёқимли оғриқ бор эди.

Ўша куни малҳамга кирганимда Бердикул акага бўлган воқеаларни айтиб бердим. У киши менга УЗИ ва яна 2 та апаратга тушиб келишимни тайинлади. Каттақўрғонлик бўлганим учун аввал шаҳар касалхонасида ва бошқа бир хусусий марказга бориб УЗИ қилдирдим. Врачлар ички аъзоларим ҳолатини апаратда кўриб ҳайрон қолишди, чунки малҳам тасирида ичларим тозаланиб, соғлом бўлган экан. «32 ёшли аёлнинг ўт қопи худди 18 ёшли қизнинг ўт қопига ўхшайди», дейишди. Энг муҳими миома йўқ эди. Ўзимни кўярга жой тополмасдим, жудаям бахтли эдим. Ҳамма қоғозларни олиб Бердикул акага кўрсатишга шошилдим. У киши ҳам менинг қувончимга шерик бўлди.

«Эргаш ота» тиббиёт маскани бизга маъқул келди шу баҳонада иккинчи фарзандим Дурдона Сағдуллаевани ҳам ўзим билан олиб келдим. Қизимнинг ҳам гижжалари тушди.

## **«ҲАММА ТОШКЕНТГА КЕЛИБ ДАВОЛАНСА, НЕГА СЕН САМАРҚАНД ҚИШЛОҒИГА БОРИБ, ОЧ ҚОЛИБ ЮРИБСАН?!»**

**Роза Ҳасанова (Тошкент шаҳар Чилонзор туманидан):**

- 2010 йили Тошкент шаҳридаги «Чорсу» бозоридан тоза асал олмоқчи бўлиб боргандим ўша ерда савдо қилаётган аёл дардимни эшитиб, «Мен сизга бир даво масканини айтаман, борсангиз барча дардларин-

гизга албатта даво топасиз», деди. Сотувчи аёл шу масканда даво топган барча танишларини ва яна бир нечтаси ҳозир ҳам ўша ерда эканлигини айтди. Мен олаётган барча укол ва дорилардан воз кечиб «Эргаш ота» тиббий марказига боришга қарор қилдим.

Бердиқул Жўрақулович қабулига кирганимда, мени кўриб, аввал қўйилган ташхисларни, яъни миома, сурункали пиелонефрит, остеохондроз, ўт пуфаги қийшайиши (сгиб) каби касалликларни айтиб берди ва фақат сабр билан даволанишим кераклигини тайинлади.

Шу касалликларим 14 кунлик даволаниш давомида анча тузалди, аҳволим яхшиланди. Турмуш ўртоғим (Ақром Ҳасанов) «Ҳамма Тошкентга келиб даволаниб кетса, нега сен Самарқанд қишлоғига бориб, оч қолиб юрибсан», деб устимдан кулдилар. Лекин мендаги ўзгаришларни кўриб, турмуш ўртоғим ҳам ихлос қилиб, «Мени ҳам олиб бор», деб туриб олдилар. Уларни ҳам турли хасталиклар безовта қилар эди. Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Текстил» касалхонасида УЗИ кўригидан ўтган вақтларида сурункали гепатоз, гипертония, оденома, понкретит, буйракда қум, ўт халтасида эгилиш (сгиб) ва бошқа турли касалликлар аниқланган эди. Қоринлари чиқиб, 85 кг дан ортиқ бўлиб, ҳатто кастюмнинг тугмаси тақилмай қолган эди.

Бердиқул Жўрақулович кўрик вақтида барча УЗИ аппарати кўрсатган ташхисни айтиб, «Ҳаммаси яхши бўлиб кетади, фақат сабр билан даволаниш керак», деди.

Шифокор айтганидек даволаниб, уйда 20 кун парҳез сақлаб яна ўша «Текстил» касалхонасида УЗИ

қилган доктор кўригига бордик. Доктор бир ой аввалги анализ ва ҳозирги ўзгаришларни солиштириб ҳайратланиб қолди. Бундай катта ўзгаришлар жуда қисқа вақт ичида рўй берган эди.

Дарвоқе, 85 кг оғирлик 75 кг тушиб, қориндан асар ҳам қолмади. Мана шундан бери ҳар йили профилактика учун даволаниб кетамиз.

Докторнинг биз ҳар доим айтадиган бир илоҳий сўзлари бор, бу САБР.

Сабр нима?

Сабр азобга чидаш,

Сабр ишончни оқлаш,

Сабр яширин нола,

Сабр узилмас тола,

Сабр букилмас суянч,

Сабр йиқилмас таянч,

Сабр дилда хуш ният,

Сабр сокин кайфият,

Сабр дилларга малҳам,

Сабр дардларга даво,

Сабр кўнгилга наво,

Сабр чиройли одат,

Сабр тоат-ибодат.

Сабр иймонни нури,

Сабр инсон ғурури

Сабр ишқдаги вафо,

Сабр туйғу бебаҳо,

Сабр кечилган гуноҳ

Сабр ёмондан паноҳ.

Сабр ташвишда иймон,

Сабр айла эй инсон.

Хурматли Бердикул Жўрақуловичга ва у киши билан ёнма-ён фидокорона хизмат қилаётган жамоа аъзоларига соғлиқ-саломатлик, узоқ-умр тилайман, Оллоҳ қўлласин!



Таом устида таом тиқиштириш уч важҳдан зарар қилади: унинг дастлабкиси шуки, биринчи овқатдан бўшамасдан туриб, иккинчи овқат уни ишлашга мажбур қилади. Бу ҳол қувватнинг заифлашувига олиб келади.

Иккинчиси — ҳазм бўлган овқат ҳазм бўлмаган овқат билан аралашади ва у билан бирга томирларга ўтиб кетолмай тўхталиб қолади, натижада туриб қолишнинг табиий зарур вақтдан ортиқ бўлиши туфайли овқат сасийди.

Учинчисига келсак, ҳазм бўлган овқат ҳазм бўлмаган овқат билан аралашади ва шу ҳолда томирларга ўтади ва натижада тиқилмаларни вужудга келтиради.

*Абу Али ибн Сино*

**Еттинчи бўлим**

**ҚАНД КАСАЛИ  
(ДИАБЕТ)НИ ДАВОЛАШ  
МУМКИНМИ?**

## ҚАНД КАСАЛИНИНГ ИККИНЧИ ТИПИ ДАВО ТОПАДИ

Шифохонада ўтказиладиган конференцияларда бу ҳақда саволлар мунтазам берилади. Бердиқул Эргашев бу масалага ҳар бир беморнинг тушуниб ёндошиши зарурлигини таъкидлайди. Ибн Сино айтган беморнинг руҳияти (онги)ни ўзгартирмай туриб, жисмини даволаб бўлмаслигини ҳар доим тақрорлашдан чарчамайди. Инсулин ва ҳоказо дориларсиз яшашни, устига устак овқатсиз яшашни тасаввур қилолмайдиган (оч қолиш мумкин эмаслиги расмий тиббиёт қоидаси), сабр-бардошига ишонмайдиган беморларни қабул қилмайди, албатта.

**Б.Эргашевнинг фикрларига қулоқ тутамиз:**

- Бугунги кунда дунё бўйича муаммо бўлиб турган, касалликлар ичида учинчи ўринда турадиган бу диабет, яъни қанд хасталигидир. Бу касалликнинг асосий бошланиши ошқозон ости безида Лангерганс оролчаси бўлиб, унда инсулин гармони ишлаб чиқилади. Шу гармон ишлаб чиқилиши камайса қандли диабет касаллигига мойиллик пайдо бўлади. Агар кескин камайиб кетса хасталикка айланади. Қондаги қанд миқдори охириги маълумотларга кўра 4,4 дан 6,6 ёки 3,3дан 5,5 миллимонолитр ҳисобида бўлиши керак. 7 — 8 бўлдими, демак бу қандли диабетнинг биринчи даражаси. Шундай ҳоллар бўладики, бу миқдор 15 — 20 гача кўтарилиб кетиши мумкин, бунда қандли диабетнинг иккинчи ва учинчи даражалари келиб чиқади. Бунинг учун хасталикнинг енгил шаклида таблетка, оғир шаклида эса

инсулин моддаси тўрт мартагача қабул қилинади. Бунда бемор шу дориларга доимий муҳтожликда қолади.

Ошқозон ости беши танамизда кечадиган алма-шинув жараёнларида муҳим аҳамиятга эгаллиги боис илк қўлёмаларда «худонинг бармоғи», дея таъриф-ланган. Қадимда яшаган олимларнинг бу таърифи ошқозон ости безининг инсон ҳаётидаги аҳамияти-ни кўрсатиб беради. У қонга глюкагон гормони ва инсулинни ажратади ҳамда овқат ҳазм қилишда зарур бўлган панкреатит ширасини ишлаб чиқаради. Содда қилиб айтганда ошқозон ости беши қон-даги қанд моддаси миқдори ошиб кетмаслиги учун масъул бўлган гормон — инсулинни ишлаб чиқаради.

Нега шундай номланишига келсак, у ҳақиқатан ҳам ошқозон остида жойлашган. Катта ёшдаги ки-шиларда унинг узунлиги 14—22 см, эши 3—9 см (бош қисмида), қалинлиги 2—3 см, оғирлиги эса 70—80 грам атрофида. Ошқозон ости беши бош, тана ва дум қисмидан иборат.

Борди-ю, ошқозон ости беши яллиғланса, панк-реатит аталмиш касаллик келиб чиқади. Кечқурун-лари тўйиб овқатланиш, ёғли таомларни хуш кўриш, панкреатит касаллигини пайдо қилади. Ошқозон ости бешида киста бўлиши ва ҳатто онкологик хасталик-лар ҳам бўлиши мумкин. Ошқозон ости безисиз инсон яшаши даргумон. Бу аъзо трансплантацияси бўйича дунё олимлари иш олиб боришяптию, ле-кин ҳали мукамал даражада натижага эришилган-нича йўқ.

Бизнинг ютуғимиз шундаки, биз инсулин мод-даси ишлатмаймиз, таблеткаларга ҳам эҳтиёжимиз

йўқ. Бизнинг муолажамиз барча аъзолар қаторида ошқозон ости беши фаолиятини ҳам тиклайди ва Лангерганс оролчаси табиий инсулин ишлаб чиқара бошлайди. Организм меъёрида ишлаб бошлайди ва узоқ муддат бу хасталик безовта қилмаслиги мумкин.

Лекин нафс қурғур инсонни доим исканжада сақлайди. Халқ ҳам билиб айтган: «Менинг нафсим балодур, ҳар балога солодур». Овқатланиб ухлаш, овқат устига овқат ейиш, егандаям ўта ёғлиларини истеъмол қилиш натижасида касаллик қайталаниши ҳам мумкин.

Қанд касаллигининг икки хил типидир. Бизда унинг 2-типи бўйича оғриган, қанд миқдори 10 гача бўлган бемор 24 кунлик муолажаларимизни олса, хасталиқдан халос бўлиши мумкин. Сабр, бардош билан малҳам қабул қилган кўплаб инсонларнинг бу касалликдан даво топишларига сабабчи бўлганмиз.

Биз шу пайтгача «қанд касаллигини даволаймиз», дея бонг урмаганлигимизнинг асосий сабаби, 27 йил давомида амалга оширган ишларимиз ва эришган натижаларимиз «Касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул», деган хулосага олиб келди. Фаолиятимизнинг илк даврида беморни бугунгидек, 10 ёки 15 кун эмас, балки 30-60 ва ҳатто, 120 кунлаб даволаган пайтларимиз бўлган. Сўнги йилларда эса соғлиқни сақлаш борасида юртимизда олиб борилаётган тарғибот ишлари, жумладан хасталикларни эрта аниқлашга интилиш натижасида халқимизнинг тиббий маърифати ошмоқда. Натижада касалликларнинг профилактикаси учун келадиган миждозлар сони кескин кўпайди. Оқибатда оғир касалликларни даволашга имкониятимиз бироз чекланди.

Б.Эргашев фикрларидан маълум бўляптики, инсулинга «ўтириб» қолмаган «диабетик»лар даво топишлари мумкин. Сўзимиз исботи учун шифо топганларнинг баъзиларига мурожаат қилдик.

### **«ҚАНД КАСАЛИМ ЙЎҚОЛДИ»**

**Молдабек Сактаганов (Қозоғистон Республикасининг Жанаўзен шаҳридан):**

- Ёшим ббда бўлгани учун бирор жойим оғрмайди десам гуноҳ бўлар. Келишимдан аввал қанд касали, қон босимининг баландлиги мени азоб берарди.

Биринчи кундан малҳам ича бошлаганимдан самарасини сеза бошладим. Бошланишида кўнгил айниш, жигилдон қайнаши, бош айланиши каби нохуш кайфият ҳам бўлди, лекин вақт ўтиши билан гиёҳлар ва овқат емасликка кўникдим. Биринчи марта 2017 йилда келгандим. Бугунга келиб қон босимим ҳам тушди, энг асосийси қанд касалидан бутунлай фориф бўлдим. Шу боис саломатликни мана шундай сақлаб туриш учун мунтазам келиб туришга аҳд қилдим. Албатта, турмуш ўртоғимни ҳам олиб келаман энди. Бу даргоҳдан ҳамма хурсанд бўлиб қайтишини кўзларим билан кўрдим. Мен ҳам уларнинг бириман. Раҳмат!

### **«ЙИЛИДА ИККИ МАРОТАБА КЕЛАМАН»**

**Малоҳат Бекназарова (Самарқанд вилояти, Иштихон туманидан, 1970 йилда туғилган):**

- Ўзим тиббиёт ходимиман. Самарқанд тиббиёт институтини врачимиз Бердиқул Эргашевдан бир йил кейин тугатганман. Реаниматологман, жонлантириш бўлимида ишлайман.

«Эргаш ота»га илк маротаба буйрак тош касаллиги билан оғриб келганман. Унгача эса шифо излаб Россия давлати пойтахти Москва шаҳридаги машҳур касалхоналарнинг таниқли мутахассислари қўлида даволанганман. Ўша пайтлари тошни парчалаб тушириш тажрибаси бошланган эди. У ерда тошни майдалатиб, тушириб келган бўлсам-да, орадан 6 ой ўтгач буйрагимда яна тош пайдо бўлди. Демак организмда тош тўплашга мойиллик бор ёки Москвада тошнинг пайдо бўлиш сабабларини даволамасдан, фақат тошни майдалаб тушириш амалиётини бажаришган. Шундан сўнг «Эргаш ота»га кела бошлаганман. Буйракда ҳам тош тўпланмай қолди.

Орада уч йил чет элга контракт билан ўз соҳамда ишлаб келдим. Бу муддатда ҳаётимда стресс ҳолатлар бўлиб ўтди. Қанд касалини орттириб олдим. Қанд миқдори 16 га чиқиб кетди, инсулин қабул қила бошладим. Икки йил шундай кечди. Хоҳласам-хоҳламасам, олаётган кимёвий дорилар жигаримга салбий таъсир этарди. Расмий тиббиёт касалликларни бўлиб олиб, ҳар бири ўз йўналишини даволашга ҳаракат қилади. Лекин мантиқан ўйлаганда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ. Икки йил инсулин билан кун кўргач, муолажа фалсафасини тушунганим учун «Эргаш ота»га келишга қарор қилдим.

Иш жойимни айтдим, у истамасам ҳам асабимга ёмон таъсир қилади. Шу боис йилига камида бир, иложи бўлса икки марта келиб тураман. Бу ердаги даволаш усулининг бошқалардан афзаллигини мутахассис сифатида алоҳида таъкидламоқчиман.

## «ҚАНД КАСАЛИДАН ТУЗАЛДИМ, ДЕБ АЙТА ОЛАМАН»

**Қудратулло Нажимов (Каттақўрғон шаҳридан,  
1959 йилда туғилган):**

- 2016 йили орқа курагимнинг пастидан яра чиқди. Жарроҳлик йўли билан олиб ташлашди. Бироқ, яранинг битиши қийин кечди — сув чиқиши тўхтамади. Яна операция қилишди. Тузалмаганимдан кейин «Эндокринологияга бориб текширтиринг», дейишди мутахассислар.



Шунда қанд касалим борлигини аниқланди. Қондаги қанд миқдори 15,5 экан. У ерда бошқатдан операция қилишди. Шундан кейин яра тузалди. Лекин қанд касалига қарши мунтазам дорилар ичишимни тайинлаб, жавоб беришди. Икки маҳал 10 ед. Инсультант, уч маҳал Окрапет дорисидан 4 ед.дан, жами 34 ед. инсулин қабул қилардим. Тез-тез, кечаси камида икки маротаба пешобга борардим, оёқларим зирқирарди. Камқувват эдим, тезда толиқиб уйқум келаверарди.

«Эргаш ота» тиббий марказининг барча дардларга даво бўлишини жуда яхши билганим сабаб, 2017 йил март ойида оилам билан бирга келиб даволанишни бошладик. Инсулиндан бирдан воз кечманг, деди Бердиқул Эргашев ҳам. Ўзим худога таваккал қилиб, ҳеч кимга айтмасдан инсулинни шартта тўхтатиб, малҳам ича бошладим. Икки ҳафтада жами 14та малҳам ичдим. Жуда енгил тортиб, чаққон бўлиб уйга қайтдим. Оёқдаги оғриқлар йўқолди. Кечаси пешобга чопиш тўхтади. Тунда уйқум ҳам тинч. Мана бир йилдан ошдики, инсулинсиз яхши яшаяпман. Яширмайман, иштахам ёмон эмас. Кеча тўйда ош егандим. Эрталаб

туриб, қонимдаги қанд миқдорини ўлчадим — 5,9! Ош емаганимда 5,5 бўларди. Яна бир жиҳатни айтмасам бўлмас - қанд миқдорининг ошишига қарши табиий амалларни ҳам бажариб юрибман.

Мен ишонч билан Бердикул Эргашевнинг муолажаси туфайли қанд касалидан тузалдим, деб айта оламан. Бахтимизга соғ бўлсин! Бола-чақаларининг роҳатини кўрсин.

### **«ИНСУЛИН ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТДИ»**

**Гулнара Оразбекова (Қозоғистон Республикасининг Нурсултон шаҳридан):**

- Биз етти киши бўлиб Қозоғистондан соғлигимизни тиклаб олиш учун келдик. Мазкур клиника ҳақида акамиз Қазбек Атамбаевдан эшитдик, унинг тимсолида натижасини кўрдик. Биринчидан, у «диабетчик» бўлиб, қонида қанд миқдори жуда юқори юрар ва у инсулинга муҳтож бўлиб қолганди. Иккинчидан, жигари катталашган ва танасида тошмалар кўп эди. Илк маротаба даволаниб чиқиши билан инсулин қабул қилишни тўхтатди ва ҳозиргача шундай. Жигар меъёрига келиб, тошмалар йўқолди. Оёғидаги яра тез битмагани учун Б.Эргашев яна бир марта келишини айтибди. Мана иккинчи бора яна келди.

### **«ЭНГ АСОСИЙСИ, «САХАРИМ» МЕЪЁРГА ТУШДИ»**

**Роза Бекбаева (Хоразм вилояти, Урганч туманидан, 1951 йилда туғилган):**

- 42 йил вилоят касалхонасида ишлаганман. Қанд касалига йўлиққанман. Жигарим шишган, 40 фоизи

қотган дейишди мутахассислар. Ўтим шамоллаган. Иштаҳам йўқ. Оёқ-қўлларим қақшаб оғрийди. Ҳар бир касаллик бўйича даволанмаган жойим қолмади. Масалан, Тошкентдаги «Ботаника» ва «Бўстон» санаторийларида бўлдим. Ҳаракат қилайин десам ўнг қовурғам остида оғриқ кучаяди. Санатория врачлари жигар докторига кўришиб, жиддий даволанишни маслаҳат беришди.

Шундай кунларнинг бирида «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида эшитиб қолдим. Янгам Саражон билан 2007 йилнинг 1 мартида Бердиқулжоннинг ҳузурига келдик. Очiq чеҳра билан кутиб олиб, касалликларимизни санаб берди. Гиёҳлар бериб 22 май куни келишимизни тайинлади.

Айтилганларни бажариб, белгиланган куни даволанишга 6 киши бўлиб келдик. Биринчи малҳамдаёқ синглим Роя ҳушидан кетиб қолди. Ҳамширалар ҳозир нимадир тушади, дея ҳуқнахонага олиб кетдилар. Қўйнинг қумаловига ўхшаган бир килога яқин қопқора нарсалар тушди. Синглим уч ой гиёҳлар ичиб келганди-да, тез натижага эришди. Шундан кейин аҳволи яхшиланди.

Қариндошлардан тўрт киши 12та малҳам ичиб уйга кетишди. Укам Володя иккимиз қолдик. Менинг вазним 110, укамники 130 кило эди. 24 та малҳам ичдим. Ичимдан анча нарсалар тушди, жигарим яхшиланди. Оёқ-қўлларимдаги оғриқлар йўқолди. Ҳатто, умуртқамдаги кўкрак ва бел грижалари берадиган оғриқлар ҳам кетди. 15 кило вазнимни йўқотибман. Энг асосийси, «сахарим» ҳам меъёрга тушди. Кетишга жавоб сўрадим.

Укам мени автобусга чиқариб юбориб, даволанишга қайтди. У 40та малҳам ичиб, 20 кило ортиқча вазнидан, оғриқларидан халос бўлиб уй кириб борди. Уни кўриб ҳамма ҳайратда қолди.

Шундан буён ҳар йили бирга келиб даволаниб, соғлигимизни мустаҳкамлаб кетамиз.

## «ДИАБЕТ КАСАЛИГА ЙЎЛИҚҚАНДИМ»

**Икром БОЗОРБЕКОВ (Хоразм вилояти  
Урганч шаҳридан, 1959 йилда туғилган):**

— Мен соғлигим ёмонлашиб, диабет касалига йўлиқдим. Қонимда қанд миқдори 14-16дан тушмайди. Қон босимим 180/120. Бундан ташқари 50 ёшимда тишларимдан жудо бўлиб, протез тиш қўйдирдим. 2008 йили умуртқа поғонамда грижа, остеохондроз касалликлари пайдо бўлиб, икки тиззам зирқираб оғрийдиган бўлди. Вазним 162 кг бўлиб, оёғим оғриғидан машинани ҳам бошқаролмай қолдим. 50 метр масофага ҳам юролмасдим. Қайси касалхонага бормаё грижани операция қилиш керак дейишарди.

2008 йили биринчи марта «Эргаш ота» шифохонасига келдим. Бердиқул ака: «Сизни қабул қила олмайман, қон босимингиз юқори, бу ерга чидай олмайсиз», деди. Мен илтимос қилиб, ҳар қанча қийинчиликка чидай олишимни айтдим. Бердиқул ака: «Майли бир ҳафта синаб кўрамиз. Ҳуқнадан кейин тувакни менга олиб келиб кўрсатасиз», деди. Уч кундан кейин доктор: «Раҳмат тоға, даволанаверинг», деди. Мен бир ой, яъни 31 кун даволандим. Ҳар куни холестерин ёғлар, қора нарсалар тушарди. Бир литр банкага пе-

шобдан тушаётган тузни ҳам йиға бошладим. Бир ойда ярим бонка туз йиғилди. Вазним 162 кг.дан 137 кг.га тушди. Ўша пайтлар Бердиқул ака қанд касаллигини даволамасди. Мен докторга айтмасдан даволанавердим. 1 даражали қанд касаллигидан ҳам шифо топиб кетдим. Мен уйимга 18 яшар йигитдек тетик ва енгил қайтдим.

2009 йили яна келдим ва яна 31 кун ётиб даволандим. Даволаниш пайтида бу ерда конференция ўтказилди. Конференцияда мен Германия, Албания, Доғистон, Россия, Туркменистондан келган беморларни кўриб ҳайратга тушдим. Германиялик меҳмоннинг гаплари ҳали ҳам ёдимда: «Бизда Германияда медицина ривожланган, яхши дори-дармонлар кўп. Лекин Бердиқул докторнинг даволашига ўхшамайди. Ўзбекистон халқи шундай докторингиз борлигидан фахрланинглар. Мен бу ерга келиб даволаниб кетганимдан кейин ҳеч қандай касаллика чалинмай юраман. Унга ўз миннатдорчилигимни билдираман», дея Бердиқул акага таъзим қилди. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Конференцияда Хоразмнинг Урганч шаҳридан келган Асқарова деган аёл ҳам гапирди. У аёл 85 ёшда бўлиб, жуда тетик, анча ёш кўринарди. Унинг ёш ва тетик бўлиб юришига сабаб «Эргаш ота»га доимий равишда келиб туриши экан. Конференцияда Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов докторга ўз миннатдорлигини билдириб: «Мен бу ерга келиб даволаниб кетсам, ҳар сафар 18 ёшимни эслайман. Чунки бу ерга келиб ёшариб кетаман», деди.

Бу гаплардан хулоса ясаб, яна келиб, 31 кун ётдим. Бу сафар яна 25 кг оғирлигимни ташлаб кетдим. Мен 162 кг.дан 92 кг.га тушдим.

Ҳар келганимда катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Янги даволаш, физиотерапия, текшириш аппаратлари олиб келинади. Бу ерда беморлар телевизор орқали «Эргаш ота» касалхонасининг каналини томоша қиладилар. Доимий равишда конференциялардаги учрашувлар видео орқали намойиш қилиб борилади.

Мен бутун оила-аъзоларим номидан докторга раҳмат айтаман. Фарзандларининг роҳатини кўрсин!

### **«ЭНДИ ҚАНД КАСАЛЛИГИ ВА ҚОН БОСИМИГА ҚАРШИ ДАВОЛАНЯПМАН»**

**Сора НАЗАРОВА (Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидан):**

— Мен бир неча йил аввал буйрак касаллиги билан туман касалхонасида 18 кун даволандим. Дори реакция бериб, ҳамшираларнинг ёрдами билан зўрға тирик қолдим. Уйга келгач, яна буйрагим безовта қила бошлади. Қаттиқ оғриқ тутиб қоларди. Бу дардни душманимга ҳам раво кўрмайман. На ўтира оламан, на ёта оламан. Буни кўрган қўшним «Эргаш ота» даволаш маскани ҳақида гапириб қолди.

«Эргаш ота»га ҳам қаттиқ оғриқ билан келдим. Лекин биринчи малҳамдан енгиллик сеза бошладим. 3-4 малҳамдан кейин ичимдан қумлар, холестерин тошлари туша бошлади. 10 кун деганда соғайиб уйга қайтдим. Шундан сўнг мени қийнаётган буйрак касаллигидан қутилдим.

Орадан 3 йил ўтиб ўнг томонимда ўхтин-ўхтин оғриқ бўла бошлади. Мазам бўлмай, овқат ея олмай қолдим. Мени ўт қопим безовта қилаётган экан. Туман марказида касалхонада даволандим. Лекин кўп ўтмай яна безовта қила бошлади.

Яна Каттақўрғонга келиб, даволаниб кетдим. Шундан сўнг 10 йил бу ерга келмадим. Вақти-вақти билан кўнглим айниб, бошим айландиган бўлди. Текширтирсам, қон босимим кўтарилиб, сахарим 9,5 га чиқиб кетибди. Яна «Эргаш ота»га, Бердиқулжоннинг ҳузурига келдим. Не кўз билан кўрайки, бу ер жуда ўзгариб кетибди. Қўша-қўша бинолар қурилибди.

Даволанишда давом этаман. Бу ерда ҳамма касалликларга даво борлигини биламан. Шифокорим — халоскоримга минг бор ташаккур!

### «СЕҲРЛИ МАЛҲАМ — ОБИҲАЁТ»

**Майрам Юлдашева (Фарғона вилояти, Фарғона шаҳридан):**

— Мен узоқ йиллардан бери савдо билан шуғулланганим учун бирда совуқда, бирда иссиқда, бирда оч, бирда тўқ юриб панкреатит, ўт қоши касаллиги, жигар ёр босиши, қон босимининг ошиши каби касалликларни орттириб олдим. Пиёда юриш машаққат эди, зинадан кўтарила олмасдим, ҳолим қуриб чарчаб қолардим. Анализ топширганимда қонимда қанд миқдори 5.9 чиққани учун доктор агар 6.2 дан ошса, қандли диабетга йўлиқишимни ва бу касаллик давосиз эканини айтди. Тушқунликка тушиб қолдим. Даволандим, лекин анализларимда ўзгариш бўлмади.

Шу орада «Эргаш ота» ҳақида эшитиб қолдим. Бу ерга келганимда Бердиқул Жўрақулович кўриб, неча кунга келганимни сўради. Мен 10 кунга деб жавоб бердим. Лекин доктор «камида 15 кун ётинг», деди. 15 кун ётганимдан кейин яна 5 кун қолишим кераклигини айтди. 17 кун бўлганда ҳайит яқинлашгани учун кетиб қолдим.

Ҳайитни ўтказиб анализ топширдим. Не кўз билан кўрайки, қонимда қанд миқдори 4.3га тушгани, гемоглобин 104 га кўтарилгани маълум бўлди. Буни кўриб терапевт варч нима қилдингиз, деб ҳайрон бўлди. Рухиятим шундай кўтарилдики, яшашга иштиёқ ортди. Бу ерда ёш қизчадан тушган рак пардаларини, жигар циррозларининг тузала бошлаганини кўргандим. Шифокорнинг сеҳрли малҳами беморлар учун обиҳаёт экан!

Мен 17 кунда даволанишни охирига етказмай кетиб қолганим учун пушаймон бўлдим. Чунки буйракдан тузлар кўчиб бошлаган экан. Уч ой оғриқдан қийналдим. Иккинчи марта яна келиб 10 кун даволаниб кетдим. Ҳар баҳор ва куз ойларида ошқозон ости безим приступ бериб, укол дорилар олар эдим. Ҳозир бу касалликдан халос бўлганман. Ҳатто шамоллаш, грипп касали ҳам менга юқмайди. Бемалол фитнесга бориб, гимнастика билан шуғулланадиган бўлдим. Мен Бедиқул Жўрақуловичга ўз миннатдорлигимни билдираман. У кишининг қўлларига ўзини ишониб топширган бемор, албатта, шифо топиши аниқ. Шундай экан, иккиланмасдан бу ерга келиб даволаниш керак. Шароити ҳам яхши. Физиотерапия ускуналари кўп бўлиб, турли касалликларга даво топиш учун қўшимча ёрдам беради.

### **«ТАШХИС: ҚАНДЛИ ДИАБЕТ, ГЕПАТИТ В,С, ЎТ ИШЛАМАЙДИ»**

**Ойша Бекова (Сурхондарё вилояти Узун туманидан, 1966 йилда туғилган):**

— Мен илк маротаба «Эргаш ота» тиббиёт масканига 2013 йилда оғир аҳволда келганман. Унга қадар

Термиз, Тошкент, қўшни Тожикистон касалхоналарида даволандим. У ерларда мени қандли диабет, гепатит С, В, буйракда туз, ўт ишламайди дея ташхис қўйиб, даволашди. Ҳеч наф бўлмагандан сўнг, Узун туманида юқумли касалликлар шифохонасида 3 ой даволандим. Бироз тузалгандек бўлиб, уйга келгандан сўнг бир ҳафта яхши юраман ва яна мазам бўлмай ётиб қоламан. Ҳеч қандай наф бўлмагандан сўнг тушкун аҳволда қолдим. Уй ишларига умуман ярамайдиган даражага тушдим. Менга бирон кор-ҳол бўлса ёлғиз катта қилган тўрт нафар боламни ҳаёти нима бўларкин деб қаттиқ қайғурардим. Бу вақт давомида касаллик ортидан миллионлаб пулларни сарфладим, мен туфайли оила иқтисоди ҳам оғир аҳволда қолди.

Шундай кунларнинг бирида жияним «таксичи»лардан «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида эшитиб, мени олиб келди. Бердиқул Жўрақулович касаллик варақаларимни кўрмай туриб қўл томиримдан ушлаб, тилим ва кўзимга қараб, тўғри ташхис қўйди ва 20 кун даволанишни тавсия қилди.

Шароитим бўлмаганлиги учун 16 кун даволандим. Шундай бўлса-да, қайта туғилгандай бўлиб, ўз оёқларим билан юриб уйга кириб бордим. Ҳамма ҳайрон қолди, шундан сўнг умуман дори ичмадим. 2-март 2015 йили қайта кўрикка келдим, 22 та малҳам ичиб қушдай енгил бўлиб кетдим. Шундан буён бирорта даво муолажаларини олмадим. Соғлигим тўлиқ тикланганини кўрган ўғилларим «онажон, яна боринг» деб, 2017 йил 1 декабр кунини олиб келишди, 10 та малҳам ичдим.

Бу орада оилавий шароитим анча яхшиланди. Энди ҳар йили келиб туришга ҳаракат қиламан. Шифохона-

ларга сарфланган миллионлаб пулларимнинг юздан бир қисмини «Эргаш ота» тиббий масканига сарфлаганимда эди, соғлигим аллақачон тикланиб, оилам ҳам қийин аҳволда қолмасди.

Оллоҳим Бердиқулжонга икки дунё саодатини беришини тилайман.



Даволанишнинг усуллари кўп. Биров нажотни замонавий тиббиётдан ахтарса, бошқаси халқ табобатига мурожаат қилади, яна бир киши иккисини ҳам топа олмай, кимларнингдир тажрибасига суяниб иш кўради. Буларнинг бири афзал, бошқаси яроқсиз, дея ҳукм чиқаришдан йироқмиз. Танлаш ихтиёри доим беморнинг ўзидадир.

***Бердиқул Эргашев,  
фахрий профессор***

Саккизинчи бўлим

**САРАТОННИНГ  
ОЛДИНИ ОЛИШ, ҲАТТО  
ДАВОЛАШ МУМКИН**

## **«БЕМОРГА ИМКОН БЕРИШ КЕРАК»**

Халқ орасида давоси йўқ деб ҳисобланувчи ўсма, расмий тиб илмида «рак» деб номланган саратон хасталигини, одатда, «оти йўқ» деб аташади. Бу шифо маскани раҳбари «унинг олдини олиш мумкин, ҳатто бу хасталикни иккинчи, учинчи босқичида ҳам жарроҳлик амалиётисиз бартараф қилиш мумкин», деган фикрда. Унинг мулоҳазаларини эшитган мутахассислар тиббиётнинг жарроҳлик йўлини инкор қилган табиблар кўп, у ҳам шулардан бири-да, дейишлари мумкин. Б.Эргашевнинг ўзи, юқорида айтганимиздек, Самарқанд тиббиёт институтида жарроҳлик мутахассислиги бўйича таҳсил олган. Шу боис, жарроҳлик йўлини инкор этмайди, балки бу амалга охирги чора сифатида қарайди. Унгача беморларга имкон бериб, ҳаракат қилиб кўриш керак, деган фикрда у.

Келинг, энди «Эргаш ота» тиббий марказида даволанаётган беморларнинг гапларига қулоқ тутайлик.

## **«ЖИГАРИМДАН РАК ПАРДАЛАРИ ТУШДИ»**

**Латофат Муҳаммадиева (Жиззах вилояти, Дўстлик туманидан, 1974 йилда туғилган):**

- Мен 2009 йилда Жиззах вилоятидаги Сўғдиёна тиббий марказига ўнг буйрак хуружи билан бордим. Текшириб буйракда туз ва сурункали шамоллаш борлигини аниқлашди. Қанчалик укол-дорилар олсангиз ҳам тузларнинг тушиши қийин бўларкан. Бора-бора

Ўт қопим ҳам ишламай қолди. Кучли оғриқлардан сўнг Жиззах шаҳридаги диагностика марказларидан бирига бориб текширтдим. «Жигар катталашган, ўт қопи қийшайган, талоқ шишган»-лигини аниқлаб беришди. Қон босимим ҳар доим юқори эди. Панкреатит ҳам бўлдим. Қорнимда шиш бордай тўлиб юардим. Касалликларимга қарши аввал таблеткалар ичдим, таъсир



қилмай қўйгач, уколлар ола бошладим. Томиримга укол олганимда қон қотганиданми билмадим, дорилар кетмас эди. Бошим муттасил оғир, силлам қуриб дунё кўзимга қоронғу кўринарди. Хаёлимдан ўлим кетмай қолди.

Худога минг бора шукрки, «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб, бу томонга ошиқдим. Бердиқул Жўрақуловичнинг меҳрли сўзларини эшитиб, енгил қўлларидан малҳамни ичиб, учинчи куни дард билан, оғриқ билан буйракдаги тузларимдан халос бўлдим. Аста-секин қон босимим туша бошлади. Олтинчи куни эса қорним соҳасида оғриқ қўзиб, жонимни безовта қилиб бир шилимшиқ нарса тушди: жигаримдаги саратон пардалари экан. Шундан кейин қорнимдаги шиш ҳисси йўқолди.

Мен шифокоримиз Бердиқул Эргашевни халоскорим деб биламан. У киши учун Оллоҳдан мустаҳкам соғлиқ тилайман.

## «МЕНДА САРАТОН БОРЛИГИНИ БИЛМАГАН ЭДИМ»

**Дилфуза Бўронова (Самарқанд вилояти, Пахтачи туманидан, 1988 йилда туғилган):**

- Мен бу сўлим масканга 2007 йилда келиб, буйрак, ўт тошларидан халос бўлиб кетганман. Йиллар ўтиб, оила қурдим, фарзандли бўлдим. Болам бир ёшга тўлганда ётиб қолдим. Болани сутдан ажратишга мажбур бўлдим. Орадан бир ярим йил ўтганда буйрагимда, ўтимда, бошим ва кўкрагимда қаттиқ оғриқ пайдо бўлди.

«Эргаш ота» хусусий тиббий марказини яхши билганим учун тўғри шу ерга келдим. Бешинчи малҳамдан кейин ўтимдан билирубин, еттинчи малҳамдан кейин эса гижжалар, тўққизинчи малҳамда холестерин тошлари тушди. Ўнинчи малҳамдан кейин эса ўзим кутмаган энг оғир хасталик — жигар саратон пардалари туша бошлади. Менда бунақа хасталик борлигини умуман билмаган эдим. «Бу хасталиқдан халос бўлиш қанчалар оғир, сиз эрта қутулдингиз. 24 кун давомида муолажани давом эттирсангиз, бутунлай халос бўласиз бу дарддан», дея далда берди Бердиқул ака мени табрик-лаб. Ўн учинчи малҳамда яна ўша рақ пардалари тушишда давом этди. Ўн олтинчи малҳамда эса энди қолдиқлар тушди. Шукрки, «Эргаш ота» клиникасига келиб, бу дарднинг давосини вақтида қилибман. Кейинги келганимда, албатта, яна йиғирмата малҳам ичмоқчиман. Нега, дейсизми, фарзандим, ота-онам, жигарларим бахтига соғлигимни тўла тиклашим, организмимни янада яшартиришим керак, деган фикрдаман.

Қайтадан туғилишимга сабабчи бўлган шифокоримизга мингдан-миг раҳмат айтаман.

## «КИСТОЗНАЯ МАСТОПАТИЯ» ДАН ТУЗАЛДИМ

**Хуршида НАЖМИТДИНОВА (Тошкент шаҳридан):**

— Аввалом бор, мен шу масканда фахрий профессор Бердиқул аканинг малҳамидан шифо топишни насиб қилганидан Оллоҳга шукрлар қиламан.

Менга шифокорлар 2017 йили «кистозная мастопатия» ташхисини қўйишди ва жарроҳлик қўллашни маслаҳат беришди. Тушкунликка тушиб қолдим. Табипларга бордим, ҳеч наф қўрмадим.

Бир куни яқин танишим шу касаллик билан «Эргаш ота»да соғайиб кетганини айтиб қолди. Мен бу масканга 2017 йили август ойида келдим. Бердиқулжонни кўриб, негадир шу одамдан шифо топаман деган ишонч пайдо бўлди. Қўзимга ёш келиб, этларим жимирлаб кетди.

Бешинчи малҳамдан кейин эрталаб турсам, ҳаммаёқ қўзимга бошқача, ёришиб кетгандай бўлди. Атроф озода, арчалар ораста, гладиолуслар қийғос очилиб ётибди, хоналаримиз ҳам тоза, шаҳар касалхоналаридан фарқи йўқ шароитни кўриб, баҳри дилим очилди.


24 та малҳам ичиб уйга кетдим. Уйга бориб ҳам Бердиқулжон айтганиларига амал қилдим. Биринчи келишимда касаллик анча кичрайиб, оғриқлар кетганини сездим.

Иккинчи келишимда 20 кунлик муолажадан кейин текширтирганимда мўъжиза рўй берди — без бутунлай йўқолганди. Бу аввало, Оллоҳнинг мўъжизаси, кейин Бердиқулжоннинг мўъжизакор малҳами туфайли бўлди. Худога шукр, мен бу дарддан халос бўлдим!

Бу ердаги ҳамширалар ҳам эринмай ҳамма саволимизга жавоб беради. Буларни кўриб «Бердиқулжон буларни «тест» қилиб ишга олганми», дейман. Шифокоримиз болаларининг роҳатини кўрсин, биз каби беморлар бахтига соғ бўлсин!

## «ҲАЙРАТОМУЗ МЎЪЖИЗАЛАРНИ ЎЗ КЎЗИМ БИЛАН КЎРДИМ»

**Моҳигул Аҳмадова (Самарқанд вилояти  
Пастдарғом туманидан, 1979 йилда туғилган):**



- Менга камқонлик ташхисини қўйишганди. Бундан ташқари жигарим ҳам оз-оз безовта қилиб турарди. Укол-дори олсам қисқа фурсат таъсири бўлардию яна эски ҳолига қайтарди. Қон босимим мунтазам паст юрарди.

«Эргаш ота» тиббий марказида ҳамма касаллар даволанар экан, деб эшитиб қолдим. Худонинг хоҳиши билан 2017 йилнинг

2 январидан даволанишни бошладим. Малҳамни ўз вақтида қабул қилиб, гиёҳлардан тайёрланган чойларни ичиб, парҳезни бузмасдан сабр билан кунларни ўткази бошладим. Саккизинчи малҳамдан кейин кечга бориб негадир безовталигим жуда кучайди. Бутун вужудимга оғриқ кирди. Шу тунда жигаримдан рак пардалари тушди. Танамнинг безовталиги сабабини билдим шу куни. Кейинроқ бундан кам бўлмаган безовталик билан ўт хал-

тамдаги тошлардан ҳам халос бўлдим. Ўт халта ва жигаримдаги иллатлар камқонлигим сабаби бўлса не ажаб деб ўйладим.

Мен бу масканда ҳайратомуз мўъжизаларни ўз кўзим билан кўрдим. Шу боис мени бу номи совуқ касалликлардан қутқаргани учун шифокоримиз Бердиқул акага самимий миннатдорлик билдираман.

### **«ОЛМАДЕК БЕЗ ПАРЧАЛАНДИ»**

**Муқаддамой Нуралиева (Фарғона вилояти Уч-кўприк туманидан, 1957 йилда туғилган):**

- 1989 йилда чап тирсагимда без пайдо бўлди. Туман шифохонасига чиқдим. Жарроҳлар ёриб олишди — ёнғоқдек без чиқди. 15 кун «перевязка»га қатнадим. Ўрни битди, лекин 20 кун ўтгач қўлим оғрий бошлади. Яна икки кундан кейин қўлимдан йиринг оқиб, врачга бордим. Тозалаб, «Вишневский» маз қўйиб юришимни тайинлади. 10 кун қўйдим, тузалиб кетгандек бўлди. Лекин 15 кун ўтиб яна йиринг оқди. Шу аҳвол бир йил давом этди. 1990 йилнинг май ойида врачлар «очамиз», дейишиб операция қилишди. Шунда идишга яна иккита безни ташлаганини кўрдим. Улар ҳам аввалгидек ёнғоқдан каттароқ эди. Шу касаллик сабабми, билмадим, ҳар ҳолда қон босимим кўтариладиган, юрак дуккилайдиган бўлиб қолди.

Ойлар-йиллар ўтди. 1995 йил ёз ойида қаттиқ иситмаладим, касалхонага ётдим, дори-дармон, уколлар ҳеч наф бермади. Уколлардан кейин бир-икки кун иситма тушадию яна эски аҳволга тушиб олади.

Бора-бора ҳолдан тойдим. Менга нима бўлди экан-а, дея ҳайрон бўламан. Бир куни чап қўлтигимда кичкина олмадай без пайдо бўлганини сезиб қолдим. Қўрқиб

кетдим. Бора-бора олмадек бўлди. Яна врачга бордим. «Икки марта операция қилдик, энди биз буни қила олмаймиз», дейишди. Онкология марказига йўлланма ёзиб, қўлимга тутқазишди. Бундай без операциясидан кейин икки ҳамқишлоғим вафот этганди. Яна тушкунликка тушиб қолдим. Шундан кейин баданимнинг ҳар жойларида безчалар кўпая бошлади. Қўқондаги онкология марказига бориб, шифокорларга учрадим. Улар ҳам операция дейишди. Уйдагиларга маслаҳат солай, дея қочиб келдим. Яна мазам қочиб, тана ҳарорати 38-39га чиқди. Укол оламан, вақтинчалик тушади. Бир куни дугонам кўргани келиб Андижонга боришга маслаҳат берди. Бордик, лекин улар ҳам операция дейишди. Уйга қайтдим. Хуллас бормаган ерим қолмади. Сиқилганимданми ёки бошқа сабабданми белимда грижа пайдо бўлибди, оёқларим увиша бошлади. Даволайман деб баттар касал бўлиб, 2007 — 2009 йиллар роса қийналдим. Охири кўзимга дунё қоронғу кўриниб қолди.

Шундай қоронғу кунларнинг бирида ўғлимга «Онагни Самарқандга «Эргаш ота» клиникасига олиб бор», дея маслаҳат берибди бир таниши. Очлик билан даволашини эшитиб, ўғлимга «шунча врач даволай олмаган, у ерда даволанармидим. Сен мени ўлдириб, олиб келмоқчимисан», дея рад этдим. Лекин без катта олмадек бўлиб кетди, лекин одамзодга Оллоҳ умр берган бўлса ўлмас экан.

Шу орада амакимнинг қизи турмуш ўртоғи билан 10 кунга «Эргаш ота»да даволаниб қайтишди. Мени кўргани келиб, «яхши жой экан, албатта боргин», деб маслаҳат беришди. 2011 йил август ойида янгам билан бирга келдик. 3та малҳам ичдик. Йиғлайвериб кўзим-

нинг нури пасайиб кетган экан, чарақлаб очилиб кетди. 5та малҳамдан кейин оёғимни яхши босадиган бўлдим. 10 кун даволандик, анча енгил бўлиб қолдим.

2012 йил ноябрь ойида келиб, саккизинчи малҳамдан кейин шундай безовта бўлдимки, ичимдан ўриқдай катта, ловиядай кичик тошлар туша бошлади. Ҳамма ҳайрон бўлди.

2013 йилда келганимда шиллиқ пардалар тушди. Олти ойдан кейин 10 кун иситмаладим, қўлтиғимдаги олмадек без иккига бўлинди.

2014 йилда ҳалиги ярим олма яна бўлинди. Шу зайлда 2015дан 2019 йилгача ҳар йил келдим. Олма майдаланиб кетди. Грижам кичрайди. Қон босими меъ-ёрга тушди. Ўтим ҳам яхши ишлаяпти Худога шукр! Яна шукрки, умрим фойдага қолди... Бетакрор шифокор Бердикул Эргашевга бошим ерга теккунча таъзимданан. Бошқа беморларга тилагим ушбудир:

Дерлар одам боши қаттиқдир тошдан,

Ҳаётда нималар кечмайди бошдан.

Яшашга тобланинг темирдек ёшдан

Қайталанмас умр увол бўлмасин.

### «ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ: ОПЕРАЦИЯ!»

**Ҳанифа Қодирова (Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридан):**

- Мен 2008 йил июль ойида ўзимни ёмон сезиб, Каттақўрғон шаҳридаги гинеколог врачга мурожаат қилдим. У текширтириб, менда 7-8 ҳафталик миома борлигини, даволанмасам охири воё бўлишини тушунтирди. Даволангач яна текширтирдим. Яхши дейишди. 2012 йилгача ҳеч нарса безовта қилмади. Тўрт йил ўтгач белим ва қорнимда жуда нохуш оғриқлар

пайдо бўлди. Самарқанд шаҳридаги 1-туғруқхона гинекологи(Абдурахмонов)га мурожаат қилганимда миома 10-11 ҳафталик бўлганлигини, тезда операция қилиш кераклигини, бунинг учун онкология марказига бориб, анализ топширишимни тайинлади. Онкологлар ҳам операция лозимлигини таъкидлашди.

Шу кунлари «Эргаш ота» муъжизаси» китобини ўқиб чиқдим-да, «Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ», дея тўғри айтишганига иқрор бўлдим. Бу ерга келиб 15 кун даволандим. Енгил тортиб кетдим. Бир ўтгач яна келиб иккинчи маротаба даволанганимдан кейин УЗИга миомамни текширтдим. Миома кичрайиб кетганини айтишди.

2014 йилга келиб қон босимим оша бошлади, врачлар климакс даври бошланганини айтишди. Таблеткаларга ўрганиб қолдим. Оғриқлар кетмагач, яна текширтирсам, чап буйрагимда киста, ўтимда палип борлигини аниқлашди. Яна Самарқанд шаҳар реабилитация марказида икки марта 2014 йил июль, 2015 йил декабрь ойларида даволандим. 2016 йил февраль ойида қон босими юқорилиги сабаб Каттақўрғон шаҳар касалхонасининг асаб хасталиклари бўлимида муолажа олдим. Ноябрь ойида зулук қўйдирдим. Шундан кейин қон босими устига аллергия қўшилиб безовта қила бошлади. Ҳаддан зиёд укол-дорини кўп қабул қилганим сабабиданми, билмадим, уч ой аллергиядан азият чекдим.

2017 йил укол-дорилардан безиб, январь ойида яна «Эргаш ота»га келиб, Бердиқул Жўрақуловичга учраб, февралда даволанишга навбат олиб кетдим. Лекин 28 январь куни бутун танамга яна аллергия тошиб кетди. Олтинчи феврални кутишга мажол қолмади,

ҳолимни тушунтириб 1 февралдан келиб ётиб олдим. Шифокор сабр-тоқат қилиб даволанишимни тайинлади. Саккизинчи малҳамдан кейин ўзгаришлар сезила бошлади. Бутун дардларимдан фориф бўлдим. Худога шукурлар бўлсинким, қон босимим ҳам безовта қилмай қўйди. Энди ҳар хил укол-дори олавермай ҳар йили бир марта шу ерга келиб даволанадиган бўлдим.

Мен бу инсоннинг самимийлиги, камтарлигини, инсонларга меҳрибонлигини кўриб қойил қоламан. Тонгдан то кечга қадар ҳар бир шифоталабга ўз қўли билан малҳам ичиради. Худойимдан бу инсонга кучкуват, узоқ умр, тан сихатлик сўрайман.

### **«ҚИРҚ КУНГА БОРАМАНМИ, ЙУҚМИ, ДЕГАНДИМ»**

**Феруза Нурова (Тошкент вилояти Янгийўл туманидан):**

— Менинг 2013 йилдан бошлаб ошқозоним оғриб юрар эди. Икки йил давомида шифокорларга бориб даволандим, наф бўлмади. Кейин қайта анализ топширганимда ошқозон ва ошқозон ости безимда рак касаллиги борлигини аниқлашди. Шифокорлар мени Тошкентга Онкология марказига юборишди. У ерда жуда қаттиқ тушкунликка тушдим. Кейин нима бўлса, пешонамдан кўраман, деб уйга қайтиб келдим. Умрим қанча қолган экан, деб ҳар куни йиғлаб олар эдим.

Касаллигимдан хабар топган қўшним Самарқандда «Эргаш ота» хусусий даволаниш маркази борлигини, ихлос қилсам, ўша ердан шифо топишим мумкинлигини айтиб қолди. 2014 йили апрель ойининг бошларида «Эргаш ота»га келдим. Шифокор Бердиқул ака уй шароитида 40 кун гиёҳ билан даволанишим ке-

раклигини айтдилар. «Қирқ куннинг ичида борманми, йўқманми», дедим. «Ўз оёғингиз билан келиб кетасиз», деди шифокор. Уй шароитида малҳам ича бошладим. Ўзимдаги ўзгаришни сезиб, у кишига ихлосим ортиб борди. Соғайиб кетишимга умид пайдо бўлди. Ихлос билан уйда даволана бошладим.

Қирқ кундан кейин енгиллашиб, оғриқларим йўқолиб у кишининг олдиларига келдим. Даволанишни бошлаганимдан кейин оғриқларим кучайиб кетди. Шифокорга айтгандим, қўрқмаслигим кераклигини тайинлади.

Тўққизинчи куни ўт қопимдан холестерин тошлари туша бошлади. 13-малҳамдан кейин ошқозонимдаги рак пардаси тушди. Шунда ўзимни жуда ҳам енгил, қайта дунёга келгандек сездим. Икки кундан сўнг уч ойдан кейин қайтиб келишимни айтиб, жавоб беришди. Шу билан мен 2017 йилгача олдинига 3 ой, кейин 6 ойда келиб даволаниб келмоқдаман. Олоҳга шукр, шундан бери оғриқ безовта қилмайди.

Бердиқул акага нафақат юртимизда, балки бутун дунёга машҳур бўлишларини, беморларнинг дардиги малҳам бўлиб юришларини тилайман.

### **«БЕШ МАРТА ХИМИЯ ОЛГАНМАН»**

**Муфаззалхон Нўъмонжонова (Андижон шахридан):**

— Мен 2015 йили мастопатия хасталиги билан олдин Андижон шахрида 3 ой, кейин Тошкентда Онкология марказида 21 кун даволандим. Тошкентда нур билан операция қилишди. Лекин маълум муддатдан сўнг мастопатия яна ривожлана бошлади. Мени

Наманган шаҳридаги Онкология касалхонасига «химия» олиш учун жўнатишди. «Химия»дан кейин ўсимта ўсишдан тўхтади, лекин аҳволим яхшиланмади. Маълум муддатлар орасида 5 марта химия олдим. Сочларим тўкилиб кетди, жуда ҳолсизланиб қолдим. Аҳволим оғирлаша бошлади. 2017 йили «Эргаш ота» ҳақидаги китобни ўқиб қолдим. Умид уйғонди.

Келиб даволана бошладим. Аҳволим жуда оғирлигидан Бердиқул ака ётган жойимга келиб малҳам ичира бошлади. Бешта малҳамдан кейин ичимдан қуртлар тушди, 9 кундан кейин билирубин тошлари тушди. Овқат емасам ҳам қувватга кира бошладим. Сочларим қайтадан чиқа бошлади. 22-малҳамдан кейин кўкрагимдаги тугунлар кетаётганини ҳис қилдим.

Кўзларимга ёш келди. Фарзандларим учун яна ҳаётга қайта бошладим. Хулоса, бир ой даволаниб, уйга кетдим. Бир ойдан кейин яна қайтиб келдим. Ҳозир даволанишда давом этяпман. Аҳволим анча яхши. Худо хоҳласа, бутунлай соғайиб кетаман. Мен каби «ҳаётим тамом бўлди», деган касаллар ҳам соғайиб кетганига гувоҳ бўлдим. Жаннатмакон юртимизда шундай клиника борлигидан фахрланаман.

### **«ОҒЗИМДАН БИР ЛИТР ҚОН БИЛАН РАК ТЎҚИМАЛАРИ ТУШДИ»**

**Тўлқин Мирзаев (Фарғона вилоятидан):**

— Узоқ йиллар ошқозоним безовта қилиб, 12 бармоқли ичагимда яралар бор эди. Доим парҳез сақлаб, тез-тез туман касалхонасида даволанар эдим. Қўқон шаҳар диагностика марказида текширувдан ўтганимда врач Сардор Турдиев ошқозонни операция қилиш кераклигини тавсия қилди.

Йўлланма билан Республика онкология марказига келдим. Эндоскопия қилишди, зонт ютдим, ошқозондан лаборатория учун керакли намуналар олинди. Ошқозонимдан олинган анализ рак тўқималари экан. Яна қайта текшириб, ошқозонимнинг остки ва устки қисмини рак тўқималари қоплаб олганини айтишди. Ошқозонни бутунлай олиб ташлаш кераклигини айтишди. Ўзимдан ўтганини ўзим биламан. Ўғлим Ҳожиакбар билан аёлим Одинахон атрофимда парвона, лекин...

Оллоҳга шукрлар бўлсинки, аёлим Одинахон кимдандир «Эргаш ота» мўъжизаси» китобини олган экан. Шошилиб «Эргаш ота»га келдик. Оллоҳга таваккал қилиб, даволанишни бошладим. Малҳам билан олма шарбати ича бошладим. Олтинчи малҳамдан кейин оғзимдан бир литр қон билан рак тўқималари тоғорага тушди. Бердиқулжон сабаб Оллоҳ ўз мўъжизасини кўрсатиб, ҳаётимни иккинчи марта қайтариб берди. Ёзганларим — менинг ҳақиқатларим. «Эргаш ота» клиникаси раҳбари Бердиқулжонга ва барча ходимларга раҳмат.

### **«ЎЗИМ ТОШЛАРДАН, КЕЛИНЛАРИМ РАК БАЛОСИДАН ҚУТИЛДИ»**

**Аноргул Йўлдошева (Хоразм вилояти Янгиариқ туманидан):**

- Ёшлигимдан буйрагим оғрир эди, шу билан бирга 1977 йилда гепатитнинг Б шакли билан оғриганман. Буйракни даволаш учун Хива касалхонасининг урология бўлимида ётдим, фойдаси бўлмади.

1988 — 90 йилларда икки марта Трусковецкга бордим, сурункали цистит ҳам қўшилган эди ўша пайтда, бу касалим тузалди, аммо буйрагим тузалмади.

Янгиариқ касалхонасида, Урганчда даволандим, фойда топмадим. Жиззах, Андижон санаторияларида бўлдим.

Бир куни Ўзбекистон телеканалда Бердиқул Эргашевни кўрсатишди. Тиббий марказдаги даволаш усулларини айтиб берди. 32 та компонентдан малҳам тайёрлаймиз, деди. Ўшанда 2005 йил эди. Кўрсатувни кўргандан кейин бу ерга келишни орзу қилдим. Лекин уйнинг остонаси баланд 2008 йил 18 апрелда, яъни уч йил ўтибгина «Эргаш ота»га келишга муяссар бўлдим.

Доктор холецистит, пиелонефрит, остеохондроз, туз борлигини айтиб дамламалар учун гиёҳлар бериб, олти ойдан кейин келишимни айтди. 2008 йил октябрь ойида келдим. 21 малҳам ичдим. Оллоҳга минг қатла шукрки буйрагимдан 2та, ўт қопимдан 7та тош тушди.

2009 йилда турмуш ўртоғим билан келиб даволашниши давом эттирдим. 2011 йил 4 февралда турмуш ўртоғим 2 нафар келиним, синглим, синглимнинг қизи, жами 6 киши бўлиб келдик.

Катта келиним Ойбиби Абдуллаевадан 7та малҳам ичгандан кейин рак пардалари тушди. Доктор кўриб «Умр дафтарингизга ёзиб қўйинг», деди.

Кичик келиним Оқила Элижоновна тинмай кекирар эди. 16 кун ётиб кетмоқчи бўлди. «Мен энди жуда яхшиман, ичмайман», деб туриб олди. «Йўқ болам, ёш болаларни ташлаб уйдан-элдан кечиб келдингиз деб, мажбурлаб ичирдим. Ҳуқнага овсини билан бирга борар эди. «Онажон, Оқила йиқилиб қолди», деб ҳовлиқиб келди.

Барака топишсин ҳамширалар хонага киргазиб ёрдам беришди, нашатир спирт ҳидлатишди. «Қудамга, боламга нима деб жавоб бераман», деган уй билан қўрқиб кетдим. Худога шукрки, келиним ўзига келди, тоза

ҳавода — канал бўйига бориб қайт қилмоқчи эканлигини айтди. Канал бўйига бордик, қайд қилди, не кўз билан билан кўрайки оғзидан товуқ тухумидай гўшт тушди. Докторга кўрсата олмадик шу ерда юрган кучукча еб кетди.

Шундан кейин келинларим касал бўлмадилар. Неча йил бўлди ўзим ҳам касал бўлмайман. Яна клиникага дадаси билан неча марта келдик. 2017 йил декабрь ойида турмуш ўртоғим билан яна келдик. Бу ердаги тиббий хизматдан мамнунмиз.

Мана, тиббий марказга 7-мартга келган бўлсам-да, ҳар гал таниб бўлмас даражада ўзгаришларни кўраман. Марказ Трусковецк санаторийсиданда обод, кўркем. Арча, дарахтларни кўриб дилинг яйрайди, тўйиб-тўйиб нафас олгинг келади. Буларнинг замирида катта меҳнат ётади.

Шифокор Бердиқул оға Эргашевга куч-қувват, сиҳат-саломатлик тилайман, ўз номидан оила аъзоларим номидан миннатдорлик билдираман.

### **«САРАТОННИ ТУШИРИБ КЕТГАНМАН»**

**Камол Жуматов (Самарқанд вилояти Пахтачи туманидан, 1969 йилда туғилган):**

— Мен 1998 йили Каттақўрғон вокзали олдида 85 кун ётиб, Бердиқул аканинг малҳамини ичиб, айтганларини бажариб, парҳезни бузмай, ўлим билан олишиб саратонни тушириб кетганман.

Бердиқул акага келгунимча жуда оғир аҳволда эдим. Зўрға ярим коса овқат ер эдим, шу ҳам яхши ҳазм бўлмас, ичим қотарди, оёғим оғрирди. Пахтачи туман касалхонасида 4-5 марта даволандим, фойда бўлмади. Навоий вилоятининг Карманасида 10 кун, Самарқанд-

даги клиникада 39 кун, кейин 20 кун ётдим. Шифо излаб Наманган шаҳрига бориб, икки табибнинг гиёҳидан олиб ичдим, барибир фойдаси бўлмади. Тошкентда «Минвода» санаториясида 30 кун даволандим, бефойда. Шу тахлит 7 йил ўтди, ичмаган-емаган, бормаган жой қолмади, касаллик эса тобора кучайиб кетган экан. Расмий тиббиёт саратонни даволашга ожиз эканлигини тушунтиришди.

Ўша пайтда Бердиқул ака клубни ижарага олиб, 30 беморни даволар эди. Мен шу клубни ичида ётардим. Биринчи кун келганимда Бердиқул ака: «Бу касалликни даволаса бўлади, сариқдан асорат қолган, ўт йўллари битиб парда қоплаган, камида 20 кунларда натижа бериб қолади. Теварак атрофдаги одамларга ишонманг, эътибор қилманг уларнинг гапларига. Тепада Оллоҳ бор, мен бир сабабчиман, худо хоҳласа тузалиб кетасиз», дея қатъий тайинлади. Малҳам ичиш бошланди. Кундан-кун ўзимни енгил сезавердим, оғриқларга чидаб ётавердим. Малҳам ичиб 2 соат грелкада ётар эдик. Ҳуқна эрталаб 5-6 дан бошланар эди, аввал аёллар, кейин эркаклар, чунки ҳожатхона битта эди. Шароитлар яхши бўлмаса-да, ўша даврларда касаллар бир-бирига меҳр-шавқатли эди. Ҳаммаси бўлиб 5 киши ишларди.

Шу ерда яшовчи қўшнилари ва баъзи тиббиёт ходимлари табибнинг устидан ҳар хил гаплар тарқатишар, шикоятлар уюштиришар эди. Кўп қарама-қаршиликлар бўларди. Ҳатто, шаҳар ҳокимининг 24 соат ичида Каттақўрғон шаҳрини ташлаб чиқиб кетиши талаби қўйилганини ҳам эшитганман. Табибимиз ана шундай қийинчиликларни бошидан ўтказган. Ҳозирги кунимизга етганлар бор, етмаганлар бор.

Ҳозир мен мунтазам равишда «Эргаш ота»га келиб профилактика учун 15-20 кун дам олиб кетаман, малҳамни ҳеч қолдирмай ичаман.

Мен бошқа касалларга шуни маслаҳат бераманки, сабр қилиб даволанинг! Бу замонавий шифохонамизни кўз қорачиғидек асранг, келгуси авлодларимизга ҳам хизмат қилсин!

## **«БУНДАЙ КАСАЛИМ БОРЛИГИНИ ЎЙЛАМАГАН ЭДИМ»**

**Тарзия Қаландарова (Навоий вилояти Қизилтепа туманидан, 1955 йилда туғилган):**

— Соғлигим ёмонлашганда поликлиника врачларига муружаат этдим. Укол-дорилар буюришди, даволаниб юрдим. 2010 йил қизилтепалик Нуриддин Ҳабибов «Эргаш ота» санаториясига боринг деб маслаҳат берди.

Шифокор Бердиқул Эргашев қабулига кирдим. Жигар гепатози, ўтда холестерин тошлари бор, деб ташхис қўйди.

Саккизинчи малҳамдан кейин қаттиқ оғриқлар билан рақ пардаси тушди. Бундай касалим борлигини ҳеч қачон ўйламаган эдим. Ўшанда кўзим ярқ этиб очилиб кетгандек бўлди, ўзимни жуда енгил ҳис этдим. Табибни ҳузурига кириб парда тушгани айтдим. «Онахон мўъжиза рўй берибди», деди хурсанд бўлиб.

Уйга кетишимдан аввал Бердиқулжон менга бир йилда икки мартда келишни маслаҳат берди. Тавсияларига риоя қилиб ҳозир 9-мартга келишим. Ҳар гал очиқ чехра билан кутиб олади шифокоримиз. Ўғлимга ҳам тавсия қилдим, келиб даволаниб кетди. Ҳозир соғлиги яхши. Мен 2010 йилдан буён соғ-саломат, яшариб, фарзандлар ва набираларнинг ҳузурини кўриб юрибман.

Насиб этса яна 10 марта келиб даволаниб кетаман!

Мен Бердикул Жўрақуловичга ўз миннатдорлигимни билдираман, дард кўрмасин ҳеч қачон!

## «ҚАТТИҚ ТУШКУНЛИККА ТУШГАНДИМ»

**Феруза НУРОВА (Тошкент вилояти Янгийўл туманидан):**

— Менинг ошқозоним оғрирди. Анализ топширган-нимда ошқозон ва ошқозон ости безимда рак касаллиги борлигини аниқлашди. Шифокорлар Тошкентга Онкология марказига юборишди. У ерда жуда қаттиқ тушкунликка тушдим. Пешонамдан кўраман, деб уйга қайтиб келдим. Умрим қанча қолган экан, деб ҳар куни йиғлаб олардим. Касалимдан хабар топган қўшним «Эргаш ота» хусусий даволаниш маркази борлигини, ўша ердан шифо топишим мумкинлигини айтиб қолди. Шифокор Бердикул ака уй шароитида 40 кун давомида гиёҳлар билан даволанишим кераклигини айтди. «40 куннинг ичида борманми, йўқманми», дедим. «Ўз оёғингиз билан кетасиз», деди. Уйда ўзимдаги ўзгаришни сезиб, ихлосим ортди. Умид пайдо бўлди. Вақти келиб «Эргаш ота»да даволанишни давом эттирдим. Негадир оғриқларим кучайиб кетди. Шифокорга айтгандим, кўрқмаслигим кераклигини тайинлади. 9-куни ўт қопимдан холестерин тошлари туша бошлади. 13 кундан сўнг ошқозонимдаги рак пардаси тушди. Шунда ўзимни жуда ҳам енгил, қайта дунёга келгандек сездим.

## УЛУҒЛАР ФИКРИ



Бизнинг озуқа моддаларимиз шифобахш бўлмоғи, шифобахш дори-дармонларимиз эса озуқа бўлмоғи керак.

*Гиппократ*



Таомнинг энг яхши қайласи — нафсни тийиш.

*Сукрот*



Сиҳат тиласанг кўп ема,  
Иززат тиласанг кўп дема.

*Алишер Навоий*



Улуғ одамлар ҳамиша таомдан тийилганлар.

*Оноре Де Бальзак*



Тананг иморати дош бера оладиган миқдорда таом тановул эт.

*Абдураҳон Жомий*



Узоқ яшамоқчи бўлсанг, камроқ овқатлан.

*Бенжамин Франклин*

Тўққизинчи бўлим

**ОҚ ДОҒЛАР, СОЧ  
ТУКИЛИШНИ  
ДАВОЛАШ, ГИЖЖАДАН  
ХАЛОС БЎЛИШ  
МУМКИНМИ?**

## **«ВИТИЛИГО ТАРҚАЛИШИ ТЎХТАДИ»**

**Ботакоз Жорғатаева (Қозоғистон Республикаси, Алмата шаҳридан, 1992 йилда туғилган):**

— Етти ёшимдан бери Витилиго хасталиги билан оғрийман. Йигирма йилдан бери қилмаган муолажам қолмади. Натижа — жуда сезиларсиз.

Биринчи марта «Эргаш ота»га 2012 йилда келганман, ростини айтаман, 12та малҳамдан сўнг оқ доғлар янада сезиларли бўлиб қолди. Бир йил ўтиб, яъни 2013 йилда яна келиб 18та малҳам ичганимдан кейин доғлар аста-секинлик билан ёпилиб, анча билинмайдиган бўлиб қолди. Кейин турмушга чиқдим, фарзанд кўрдим, қайта муолажа олишга имконим бўлмади, келолмадим. Лекин бу йиллар давомида танамда Витилиго тарқалмади.

2019 йил мартада алақандай тушунарсиз аллергия сабаб тўғри шу ерга келавердим. 12та малҳам ичдим, Олоҳга шукр, натижа жуда яхши. Кейинроқ хизмат таътилим октябрь ойига тўғри келди, бу сафар турмуш ўртоғим ҳам ишониб, бажонидил рухсат берди. Бу 4-курс муолажам. Очиги бироз қийин бўлди, қусиш, ўтдан сафро ташлаш, билирубин тошларидан халос бўлдим. Ўзимдаги натижаларни кўриб, худо хоҳласа, «Эргаш ота» билан Витилигодан охиригача халос бўлишимга ишончим қатъийлашиб бормоқда.

## **«ҚИЗИМ СОҒ-САЛОМАТ, ИККИ ЎҒЛИНИ ТАРБИЯЛАЯПТИ»**

**Раббим Шопўлатов (Навойи вилояти Учқудуқ туманидан, 60 ёшда):**

— Мени илк бор «Эргаш ота» сихатгоҳига 2006 йили Тошкентда ўқийдиган талаба қизим олиб келган.

Ўшанда бугунгидек шарт-шароитлар йўқ эди. Бугун «Эргаш ота»да бор замонавий тиббий асбоб, текширув ускуналари бошқа жойда йўқ.

Қизимнинг қўлларида оқ доғлар пайдо бўлиб, уни ноқулай аҳволга солиб қўяр эди. Тошкентда бир неча бор шифокорларга учрашганда жигарингда қурт бор, операция қилиш керак дейишган. Қуртларни очлик йўли билан тушириш мумкинлигини эшитиб уни бу ерга олиб келдик. Қизим 15 кун малҳам ичган, 12-кун ичидан узун оқ қуртлар тушган, 14-кун ичганда ўғимчак уясига ўхшаш оқ парда тушган. Шунда шифокор беморларни йиғиб, «Мана бу қиз қайтадан туғилди, ундан рак пардаси тушди», деганди. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳозир қизим соғ-саломат, икки нафар ўғлини тарбия-ляпти.

Мен ўзим бу ерга оёғимда туз йиғилиб, юришга қийналиб келган эдим. Умуртқа поғонамда остеохондроз бор, эрталаб туриб юриб кетишга қийналар, кечаси билан оёқларим оғриб чиқар эди. 10та малҳам ичиб, бу ердаги бошқа муолажаларни олиб танамдаги тузлардан халос бўлдим. Чет эллардан келган беморларни кўриб, «Эргаш ота»нинг мавқеи нақадар юқори эканини англадим. Мен жонкуяр шифокорга оилам номидан миннатдорчилик билдириб, ушбу сатрларни у кишига бағишлайман.

Қўлларида танга даво сеҳри бор,  
Қўзларида дилга малҳам меҳри бор.  
Бердиқулжон сизга ҳамду тасанно  
Устозингиз бобонгиз Эргаш бобо.  
Дилда имон, тилида зикру Оллоҳ,  
Тилар бизга барча дардлардан паноҳ.  
Бердиқулжон, сизга ҳамду тасанно,

Пир устоздир сизга буюк Ибн Сино.  
Асл инсон чин мусулмон, Ҳожидур,  
Табобатдан топган илми тожидур.  
Савоблари бўлажак меърождур,  
Паноҳида асрасин, сизни Оллоҳ!

## «ОҚ ДОҒЛАР ДАСТИДАН ПАНОҲ ИСТАБ»

**Шахбоз Шойимов (Бухоро вилояти Ғиждувон туманидан, 1994 йилда туғилган):**

- Болалигимда кўп касал бўлардим, ҳаттоки оддий шамолласам уйда қилинадиган одатий парваришлар билан тузалмасдим. Ҳафталаб касалхонага ётиб, укол-дори олардим. 18 ёшимда танамда оқ доғлар пайдо бўлганини сезиб қолдим. Доғлар кичкина-кичкина эди. Уйимдагилар кимлар биландир маслаҳатлашиб бунини витамин етишмаслиги аломати дея овқатланишимга эътиборни кучайтиришди. Каллорияга, витаминга бой таомлар билан озиқланардим. Кейинчалик доғлар катталашганини сезганимдан кейин Бухоро шаҳар дерматология касалликлари марказига бориб, анализлар топширдим. Текширишди. Доктор «Қаттиқ қўрқин натижасида жигарингда оппоқ парда ҳосил бўлган. Шунинг ойнаси бўлиб терингда оқ доғлар кўриняпти», дея ташхис қўйди ва менга бир ойлик даволаниш курсини ёзиб берди. Дорилар жуда кучли таблеткалар, ўткир таъсир этувчи уколлар, тери учун четдан келтирилган махсус суртмалар эди. Шу заўлда тўрт йилга яқин вақт мобайнида касалимни тузатиш илинжида Бухоро, Навоий, Тошкент шаҳарлари касалхоналаридан шифо излаб юрдим. Фойдаси бўлмади.

Ана шундай кунларнинг бирида уч нафар ҳамқишлоғим «Эргаш ота» хусусий тиббий марказида худди

меникига ўхшаган касалдан даволанган одамларни ўз кўзлари билан кўришганини айтиб қолишди.

«Эргаш ота»га 2016 йилнинг 9-февраль куни келиб, докторнинг қабулига кирганимда «Келинг қани йигитча, танангизда гижжаларни боқиб юрибсизку, яна тузлар ҳам бор экан», деди. Нима дейишни ҳам билмай дарҳол тирсақларимдаги доғларимни кўрсатдим. Доғларимни кўриб, юзта малҳам ичишни тавсия қилди. Марказда даволанишни бошлаган кунимдан бир ҳафта ўтиб, ўт йўлимдан билирубин тошлари туша бошлади. Ҳаммаси бўлиб салкам юз дона ҳар хил ҳажмдаги тошлар тушди. Седананинг катталигида оппоқ ва қопқора жуда кўп гижжалар тушганини кўрдим. Биринчи гал 25та малҳам ичиб, яна тақрор келишимни айтиб Бердиқул акадан уйга рухсат сўрадим. Уйда бир ой парҳездан сўнг доғларимда ўзгариш сеза бошладим. Бундан жудаям хурсанд бўлиб, Яратган эгамга шукроналар айтиб, докторимизни дуолар қилдим.

Ҳозир 2017 йилнинг февралида учинчи маротаба келишим. Энди менинг бу даргоҳ ҳақида фикрларим фақат ижобий. Одам қандай касалга чалинганини ҳар доим ҳам билавермас экан. Гижжа-доғлар хасталиги билан келиб қанчадан-қанча дардларимдан халос бўла-япман.

Халоскор шифокоримизнинг эзгу ишлари бардавом бўлсин!


### «УМИДЛИ ДУНЁ»

**Дилбар Ниязметова (Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманидан, 1978 йилда туғилган):**

- Ўғлим Сухроб Мамбетсобиров 2004 йилда туғилган. Тошкентда яшаймиз. Болалигидан унинг соч-

лари тангача шаклида тўкилиб турарди. Соч тўкилиши организмда қуртлар кўплигидан, дейишди. Анализлар топшириб, докторларга кўрсатиб анчагина жойларда даволатганман. Ҳатто, тери касалликлари бўйича ҳам даволатдик, натижа бўлмади. Сочлари тўкилар ва яна янги сочлар ўсиб чиқарди. Докторлар уйда ичириб туришимни тайинлаб, дори-дармонлар ёзиб беришарди. Йиллар ўтди. Бора-бора болам дорини кўрса қалтирайдиган ҳолга тушиб қолди. Докторларга мурожаат қилдик. Улар дориларни вақтинчалик тўхтатинглар дейишди.

Кейинчалик витаминлар буюришди. Қўни-қўшнилари ҳам катта бўлса яхши бўлиб кетади, дейишарди. У гўшт емасди. Бир куни шашликни озгина еб кўриб, маъқул келди чоғи олиб бердик. Бундан ташқари котлетлар қилиб берардим. Лекин соч тўкилиб, ўрнига янгиси чиқиши давом этарди. Одамлар бу эскичадан дейишди. Уни ҳам қилиб кўрдик. Домла учта қўй сўйишни буюрди. Иккитасини ҳозир, учинчисини уйланганидан кейин, деди. Айтганини бажардик. Аммо 2017 йил баҳор фасли охирида соч тўкилиши кўпайиб кетдию янгисидан дарак бўлмади...



Яна докторма-доктор югуришни бошладик. Жигар, ўт пуфагини УЗИ қилдирдик, ахлатини таҳлил қилдирдик. Тоза, ҳеч нарса йўқ, дейишди. Уларга



Ҳозирги замон тамаддуни шароитида яшар эканмиз озиқ-овқатларни тозалаш ва пишириш улар таркибидаги ҳаётий муҳим унсурларни қисман ёки бутунлай барбод қилаётганини назарда тутмоқ лозим.

**Бердикул Эргашев,  
фахрий профессор**

ишонмасдан вилоят тери касалхонасига олиб бориб, ётқиздим. 10 кун даволаниб чиқди, 2 ойда яна олиб келасиз, дейишди. Айтилган пайти бориб, яна таҳлиллар топширдик. Бошқа касалхоналарга ҳам бориб, бу ерда йўқ текширишларни ўтказдик. Гижжа йўқ, дея 100 фоизли кафолат беришгач, тери касаллиги бўйича даволай бошлашди. Ўзимизда чиқадиган уколлар офритар экан, ҳар гал бошга укол солганда болам йиғлаб олар, менинг эса жоним ачишарди. Испанияда чиқадигани офритмас экан, унисини ҳам топиб келдик. Касалхонага боргунича соч, қош, киприклари бор эди — ҳаммаси тўкилиб кетди. Докторлар яна ўсиб чиқади, дея тинчлантиришди. Афсуслар бўлсинким уларнинг айтганича бўлмади. Умидларим пучга чиқдимикан, деб ўйладим, лекин докторлардан норози эмасман, қўлидан келгунча ҳаракат қилди.

Гижжа туширадиган жой деганда «Эргаш ота» шифохонаси айтиб қолишди. Бош шифокор кеч олиб келибсизлар, деди. Юрагим шув этиб кетди. «Ҳечдан кўра, кеч» деган гап бор дедим илтижо билан. «Аввало, Худо», дея даволашни бошлади. Мен ҳам ўғлим билан бирга малҳам ича бошладим. Учинчи малҳамдан кейин ўтимдан тошлар туша бошлади, лекин улар менинг кўзимга кўринмасди. Хаёлим ўғлимда эди,

болам учун келганман ахир. Еттинчи малҳамдан кейин ўғлимнинг мазаси қочди. Эрталабки гиёҳли ҳуқнага зўрға олиб бордим. Шунда ундан катта-кичик тошлар туша бошлади. Тошлар жуда кўп эди, ҳайратда қолдим. Тўққизинчи малҳамдан кейин яна кўплаб тош тушди. Уларни олиб доктор ҳузурига бордик. У «Синглим, офарин, тезда бола билан бирга тошларнинг суратини олиб қўйинглар китоб учун», деди. Кўзимга ёш қуйилиб келарди... Роса дуо қилдим шифокоримизни! Вақтимизни чўздириб яна даволаняпмиз — умид учқунлари алақачон пайдо бўлган эди!

### **«БУТУН ОИЛАМИЗ БИЛАН КЕЛГАНМИЗ»**

**Азиза Иманова (Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидан, 1987 йилда туғилган):**

- 2017 йил 10 мартда гижжа хасталигидан халос бўлиш учун бутун оиламиз билан келганмиз.

Қизим Солиҳа 2012 йилда туғилган. Бор йўғи беш ёшда бўлса-да, бошининг 4-5 жойидан сочлари тўкилган, баданининг у ер, бу ерида оқроқ доғчалар пайдо бўлганди. Тошкентдаги Дерматология институтидаги врачларнинг маслаҳату тавсияларига кўра ҳар хил даво чораларини кўрдик, аммо қизалоғимда ўзгариш бўлмади. Ҳатто, унинг ўт қопида, жигарларида тош борлигини «Эргаш ота»га келиб, муолажа олгандан кейин билдим. У бирор марта ўт қопи ёки жигаридан шикоят қилганини эслай олмайман. Ўт қопи ҳамда жигаридан яшил ва қўнғир рангдаги тухумчадек 7-8та тош, қора қурумлар тушганини кўриб ҳайратда қолдим. Шифокорларнинг айтишича гижжаси ҳам анча тозаланибди.

Мен бир она сифатида ҳар бир бемор дардини ўз

дардидек ҳис қилиб, даволаётган врачимиз Бердиқул Жўрақуловичга оиламиз номидан миннатдорлик билдираман.

### **«ОЛТИ МЕТРЛИ АСКАРИДА ГИЖЖАСИДАН ҚУТУЛДИМ»**

**Маҳлиё Чўтбоева (Самарқанд вилояти Пойнариқ туманидан):**

— Мен «Эргаш ота» сиҳатгоҳига гижжадан даволаниш учун келдим. Танишларимдан бу ерда турли хасталиклар, гижжалардан ҳам даволаниш мумкинлигини эшитгандим. Доктор Бердиқул ака бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Еттинчи малҳамни ичганимдан сўнг мендан 6 метрли аскарда тушди. 10та малҳамни ичганимдан сўнг ўт қопимдан билирубин тошлари тушди. Ўзим билган ва билмаган касалликлардан даволаниб кетяпман. Мен илгари очлик билан даволаш мумкинлигига ишонмасдим. Бу ерда оғир касаллар ҳам даво топиб кетаётганига гувоҳ бўлдим. Бежизга ҳалқимиз «юз мартаба эшитгандан бир бора кўрган афзал», деб айтмас экан.

Мен оила аъзоларим номидан Бердиқул акага, бу ердаги гўзал ҳамшира қизларга миннатдорчилик билдираман.

### **«ҚЎЛ-ОЁҒИМДА ОҚ ДОҒЛАР ПАЙДО БЎЛА БОШЛАГАНДИ»**

**Дилноза Ҳалимова (Тошкент шаҳри Олмазор туманидан):**

- 102-сонли заиф эшитувчи болалар мактаб интернатида ишлайман. 2005 йилда ўртанча ўғлим Илҳомжон туғилгандан сўнг қўлларимда, оёқларимда оқ доғлар пайдо бўла бошлади. УЗИ соғлом кўрсатар, пе-

шоб таҳлилидан эса кучли шамоллаш чиқар эди. Бундан ташқари кўзларим ҳам тортишар эди.

2017 йил 25 август куни «Эргаш ота»га келиб 25 кун малҳам ичдим. Иккинчи гал шу йили 5 ноябрь куни келиб 35 кун малҳам ичдим. Бора-бора жуда ҳам яхши ўзгаришлар юз бера бошлади. Учинчи бора 2018 йил 13 март куни келдим. Энди ўзимни яхши ҳис қилаяпман.

Танамдаги дардларимга «Эргаш ота» хусусий тиббий марказида, аниқроғи, унинг бош шифокори Бердиқул ака малҳамлари сабаб дардимга шифо топилди.

Шунингдек, бу ердаги чет элдан келтирилган турли муолажа аппаратларининг, масалан, Нугабест, Сераген ва бошқа ускуналарнинг ҳам ёрдами бўлди деб ўйлайман.

Бу орада, яъни 2017 йили дадам ва онам ҳам келиб даволаниб кетишди. Мен билган барча шифо топганларнинг қувончи чексиз. Бу маскан мўъжизали жой экан.



25 йиллик тадқиқотларим натижаларига кўра ҳар бир шифокор билиши керакки, муаммоли ичаклар кўплаб касалликлар сабабидир.

*Энтони Баджер,  
Нью-Йорклик доктор*

Ўнинчи бўлим

**ОШИҚЧА ВАЗНДАН  
ХАЛОС БЎЛИШНИ  
ИСТАЙСИЗМИ?**

## СЕМИЗЛИК НИМА?

**ёхуд таблетка билан озишнинг танадаги  
чиқиндилардан халос бўлишдан фарқи ҳақида**

“Семизлик — оддий хасталик эмас, дейди шифокор Б.Эр-гашев. — Семизлик жиддий касаллик. Унинг замирида қанчадан-қанча мудҳиш хасталиклар яширин. Асосан, юрак-қон томир касалликлари, ишемия, инфаркт миокард ёки қон босими(гипертония), эндокринологик хасталикларидан қандли диабетнинг ҳам семизлик билан боғлиқ жиҳатлари бор. Бундан ташқари модда алмашинуви бузилиши ҳисобига гармонал ўзгаришлар, ҳатто, импотенция — жинсий заифлик хасталиги кузатилади”.

Жуда кўп кишилар, айниқса, хотин-қизлар ошиқча вазндан қутилишнинг пайида бўладилар. Эскичаю янгича ёғ куйдирувчи, эритувчи таблеткалар ва бошқа воситаларни қўлайдилар. Танадаги ошиқча ёғлардан ҳатто Германия давлатига бориб жарроҳлик йўли билан қутилишга ҳаракат қилган ва бу ишнинг фойда кўрмаган юртдошларимиз ҳақида аввалги китобларда таъкидлаганмиз.

“Кўпчилик организмдаги ошиқча ёғларни йўқотаман дея махсус дориларни ичадилар, лекин аксинча натижа беришини билмайдилар. Улар ёғларга қарши курашарканлар ичак фаолияти бузилиши натижасида келиб чиққан сушлашган метаболизм сабабларини бартараф эта олмайдилар”, дейди америкалик олим Жозел Робинсон.

Метаболизм мавзусини қуйида кўриб чиқишни ният қилган ҳолда юқоридаги иқтибосдан хулоса қилсак, демак, танадаги ошиқча ёғларни йўқотишга мўлжалланган махсус дориларнинг салбий таъсири жуда юқоридир. «Озаман» деб шундай дориларни истеъмол қилган ва қаттиқ касаланган бе-

морларнинг докторлар устидан судларга мурожаат қилганлари ҳақидаги мисолларни ижтимоий тармоқлардан қўлаб топишингиз мумкин.

Семизликдан энг кўп азият чекаётганлар америкаликлар эканлигини номи тилга олинган олимнинг фикрларидан маълум бўлади:

«АҚШ Соғлиқни сақлаш департаменти раҳбарининг маълумот беришича ёши катта аҳолининг 61 фоизи ошиқча вазн(семизлик)дан азият чекади. Бу даҳшат, ҳақиқий фожиа ҳисобланади».

Семизликнинг сабаби нимада? Китоб муқаддимасида ичакнинг ифлосланиши, чиқиндиларга тўлиб қолиши ҳақида гаплашгандик. Булар ошиқча вазнга тўғридан-тўғри боғлиқдир.

АҚШнинг Калифорния штатида фаолият юритадиган доктор Кэрол Портер «Организмни тозалаш ва ошиқча вазндан фориғ бўлиш бир-бири билан боғлиқдир, негаки бунда касалликнинг белгилари билан эмас, сабаблари билан қурашамиз», деган фикрни билдиради.

Жоэл Робинсон бу фикрни кенгроқ шарҳлайди:

«Ошиқча вазннинг **биринчи сабаби** чиқиндиларнинг ичакда тўпланиб қолишидир.

Ичак ўзининг меъёрадаги ҳажмидан беш баробар ҳажмда каттариши мумкин. У чиқитларидан ўз вақтида халос бўлмаслиги оқибатида вужудга келган за-



АҚШ Соғлиқни сақлаш департаменти раҳбарининг маълумот беришича ёши катта аҳолининг 61 фоизи ошиқча вазн(семизлик)дан азият чекади. Бу даҳшат, ҳақиқий фожиа ҳисобланади.

*Жоэл Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

ҳарли моддалар ҳисобига шишади. Инсон организмида 2 килодан 30 килогача ана шундай чиқитлар тўпланиб қолиши мумкин. Албатта, бу ўз-ўзидан ошиқча вазнга сабаб бўлади».

Робинсоннинг бу фикрлари исботини «Эргаш ота»-да даволанган Сирдарё вилояти Ховос кўрғонида яшовчи Шавкат Фафуров мисолида кўришимиз мумкин: «Касалликларидан халос бўлиш жараёнида вазним 130 дан 102 килога тушди», дейди у. Яъни бемор 28 кг ошиқча чиқиндилардан халос бўлган.

Метаболизм масаласига қайтамыз. Унинг нима эканлигини Жозел Робинсон шундай тушунтиради:

«Ошиқча вазннинг **иккинчи сабаби** сустлашган метаболизмдир. Метаболизм бу тирик организмда модда ва қувват алмашинуви ҳисобланади. Ичакларимизда тўпланган чиқитлар организмимиздан кўп қувватимизни олиб қўяди ва бу ҳол жисмимизда содир бўлиши керак бўлган жараёнларни секинлаштиради, аъзоларимизга ошиқча юк бўлади, метаболизмни ҳужайра даражасида сустлаштиради. Бунинг натижасида организмимиз керакли миқдорда калорияни сарфлай олмайди ва бу ўз-ўзидан семизликка олиб келади. Доктор Лармернинг фикрича «агар ичаклар тозалаб турилса метаболизм меъёрида кечишининг эҳтимоли кучаяди ва келажакда у тўғри ишлайди». Демак, ошиқча заҳарларни организмдан чиқариб туришимиз керак экан. Бу ҳолат жисмимизни кераксиз юкдан, яъни семизликдан ҳам халос этади.



Аксарият беморлар йўғон ичакларида камида 7 фунт (тахм. 3 кг) чиқиндиларни олиб юрадilar. Ичак касалини даволаган кўпчилик кишиларнинг озгани ва қоринларининг кичрайганига гувоҳ бўлганман.

***Жэк Лармер, калифорниялик доктор.***



Организмни тозалаш ва ошиқча вазндан фориф бўлиш бир-бири билан боғлиқдир, негаки бунда касалликнинг белгилари билан эмас, сабаблари билан курашамиз.

***Кэрол Портер, калифорниялик доктор.***

Яна бир фикр. Ичакларда йиғилиб қолган чиқитлар оғирлик сабаб ичакларни қориннинг паст қисмига босади. Натижада у ерда жойлашган сийдик қопи, аёлларда бачадон, эркакларда простата бези қисилади ва бу ҳолат мазкур органларда турли касалликларни келтириб чиқаради. Масалан, аёллар бачадонининг сиқилиши оқибатида инфекциялар тушиши, кисталар пайдо бўлиши, бепуштлик келиб чиқиши мумкин. Эркакларда эса простатит, бепуштлик касаллигини келтириб чиқаради, жинсий фаолиятни сустлаштиради».

Энди китобимиз аввалида шифокор Бердиқул Эргашевнинг даволаш фалсафаси хусусидаги фикрларини яна бир бор эсга оламиз.

«Даволаниш даврида бемор ўзини вақтинча овқатдан тияди. Бемор овқат истеъмол қилмаса ҳам оч қолмайди. Чунки у ички жамғармаси ва албатта, бериладиган табиий гиёҳлар ҳисобига яшашга ўтади. Одамлардаги бундай туғма ирсий имконият барча тирик жониворларда ҳам мавжуд. Шунинг учун уч-тўрт кундан кейин муолажа жараёнида мижоз ҳеч қандай очлик сезмайди. Табиийки, даволаниш давомида одам ўзининг 20-25 фоиз вазнини ҳаётига зарарсиз равишда йўқотади, яъни бемор табиий гиёҳлар, олма шарбати ва ўзининг ички имкониятлари ҳисобига яшайди. Шу билан касаллик сабаблари ҳам таг томири билан йўқо-

Тоза ва тўғри ишлайдиган ичак соғлом метаболизм гаровидир.

*Линдсей Дункан, АҚШлик диетолог.*

либ, бемор вужуди покланади. Бунда инсон касаллик белгиларидан эмас, балки уни келтириб чиқарган асосий сабаблардан ҳам халос бўлади.

«Очлик» деган сўз етишмовчиликлар сабабли қадимдан одамлар онгида ёмон таассурот қолдиргани учун ҳам қулоққа хунук эшитилади. Даволаниш жараёнида йўқотилган инсон вазнининг асосий қисми эса танасида йиғилиб қолган ортиқча ёғ, ўлик ҳужайра, тузлар, модда алмашинувида ҳосил бўлган чиқиндилар, ифлос ҳаво, сув, истемол қилинган дори-дармон ва овқатлардан ҳосил бўлган заҳарли чўкмалардир.

Муолажа пайтида нотўғри овқатланишимиз ва кам ҳаракатлилик натижасида танамизда пайдо бўлган касалликлар уларни келтириб чиқарган сабаблари билан бирга йўқолади. Ташқи экологик муҳитнинг ифлосланиши, кўплаб дори-дармонлар қабул қилиш сабабли танамизнинг ҳар хил кимёвий моддалар билан ифлосланиши, одамларнинг зарарли одатлари, яъни спиртли ичимликлар истеъмол қилиши, чекиши ва шуларга ўхшаш таъсирлар оқибатида тўпланиб қолган заҳарли моддалар муолажа пайтида ҳуқна(клизма) ёрдамида, танамизнинг чиқарув аъзолари орқали чиқариб ташланади. Тана кераксиз чиқиндилардан халос бўлгач, тери яшаради, ранги тиниқлашади, ҳужайралар таркиби яхшиланади. Кўзлар ҳам равшанлашиб, қарашлар ифодалироқ бўлиб қолади. Одам яшариб кетади. Ташқи томондан кўриниб турган бу яшариш,

ички аъзоларда ҳам (кўринмаса-да) юз беради, уни ўзингиз ҳам ҳис қиласиз. Буни кўп йиллик иш тажрибамизда минглаб беморларда кузатиб, ўзларининг иқрорларига гувоҳ бўлиб келмоқдамиз».

Бу фикрлар Бердиқул Эргашев томонидан америкалик олимлар шундай хулосага келишгунча айтилган! Нафақат айтилган, балки Б.Эргашев донишманд боболар, хусусан, Ибн Сино таълимоти асосида даволаш усули ишлаб чиққан. Қўйида касаллик тарихи келтирилаётган мижозларнинг сўзлари фикримизни исботлайди.

### **«130 ДАН 102 КИЛОГА ТУШДИМ!»**

**Шавкат Ғафуров (Сирдарё вилояти Ховос кўрғонидан, 1965 йилда туғилган):**

- Ёшлигимда спорт билан шуғулланиб турардим. 1983 йилдан ҳайдовчилик касбини танлаб, меҳнат фаолиятимни бошлагандан кейин спортга эътибор су-сайди, овқатланишимда тартиб бузилди. Оқибатда 35 ёшимдан бошлаб ортиқча вазн йиға бошладим. Ўшанда семиришнинг ёмон оқибатларини билмаган, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман.

2009 йилдан бошлаб қон босимим кўтарила бошлади. Ўшанда вазним 130 килога чиққанди. Оз ҳаракатда чарчаб қолардим. Юрак соҳаси, тушда ва чап қўлимда оғриқ пайдо бўлди. Яёв 300 қадам юрсам, оғриқ хуруж қилар, уни йўқотиш учун ўтириб дам олишим керак бўларди.

Ўзимизнинг шаҳар касалхонасида текширттирдим — «стенокардия напряжение» ташхисини қўйиб даволашди. Юрак, қон томирлари деворлари қалинлашиб, торайиб қон ўтишини қийинлаштирган экан. 10 кун ётиб, сал ўзимга келгандек бўлдим. Лекин бу енгиллик

узоққа бормади. Энди ўтириб дам олганимда ҳам оғриқ тўхтамайдиган бўлди. Бир кунда камида 3та нитроглицерин таблеткасини тил тагига ташлаб олардим.

Яна шифохонага бордим. Улар менга Тошкентга йўлланма беришди. Улар томирнинг торайган, букилган жойларини кўрсатадиган аппаратга тушириб, стэнд қўйдириш ҳақида тавсия беришди. Парҳез буюришди.

Ўша пайтлари «Эргаш ота»даги мўъжизаларни эшитиб турардим. Лекин юракка ёрдам берармикан?

Таваккал ва ихлос билан Бердиқул Эргашев қабул-лига келдим. У «Худо хоҳласа тузаласиз, шу билан бирга бошқа касалликлардан ҳам халос бўласиз», дея кўнглимга умид уруғини қадади.

Беш-олтита малҳам ичгач жуда беҳол бўлиб, чарчаб қолдим. Иккинчи қаватга чиққунча уч марта тўхтаб, укамнинг етовида чиқан пайтларим бўлди. Қабулга кирганимда «Доктор, менга узр, жавоб берсангиз», деганимда менга ишонч билан «Сабр қилинг, сабрлига тоғлар эгар бошини, сабрсизлар дардга эгар бошини», деб далда берди.

Яратганнинг хоҳиши билан доктор айтгандек бўлди. Ўнинчи малҳамдан кейин ўзимда енгиллик сеза бошладим. Зинага кўтарилишда юракда пайдо бўладиган оғриқ, чарчоқ камая борди. Аввал оз-оздан, кейин узоқроқ масофада юра бошладим. Қон босимим 120/80га тушди, бош оғриғи, тиззадаги оғриқлар йўқолди, кайфиятсизлик, тушкунлик, ишончсизлик мени тарк этди. Қолаверса нафсни тийишни ўргандим, инсон егани билан эмас, ҳазми, юққани билан тирик юришига амин бўлдим.

Шифокорга ихлосим ортиб, яна бир марта келиб даволанишга аҳд қилдим. Шунни аниқладимки, менга ҳар йили бир марта даволаниш янги куч-қувват бағишлар экан. 9-10 ойгача ҳеч қандай дори-дармон ичмайман, кейинги ойларда — баҳор кириши билан бироз оғриқ сезилади. Бу қишда ёғли овқат еганимдан эканлиғни ҳам биламан. Ишхонадан тезроқ таътил келишини, яна «Эргаш ота»ни қўмсаб қоламан.

Шу касаллик билан Бердиқул Эргашевга учраш-тиргани учун Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин. Шу инсоннинг шарофати билан оғир, қимматбаҳо дардимдан халос бўлаяпман.

Бешинчи маротаба келишим. Ўзгаришлар жуда ҳам яхши. Вазним 130 дан 102 килога тушди.

Оллоҳимдан шифокоримга сиҳат-саломатлик, меҳнати роҳатини кўришни сўрайман!

### **«10 КУНДА 10 КИЛОГА ОЗДИМ»**

**Сеуле Оразбаева (Қозоғистон Республикасининг Астана шаҳридан):**

- «Эргаш ота»га қон босимининг юқорилиги, холецистит, сурункали панкреатит, цистит ва бошқа касалликларга даво излаб келдим.

Жами 14та малҳам ичганимдан сўнг аҳволим яхшиланди. Аввало иммунитетим ошганини сездим. 10 кунда 10 килога озиб, ҳаракатим енгиллашди. Ўзимни аъло даражада ҳис қилаяпман!

Халқлар соғлиғига қўшаётган ҳиссаси учун бош шифокор Бердиқул Эргашевга миннатдорлик билдириб, ишига ривож тилайман!



## «150 КИЛОДАН 65 КИЛОГА ТУШДИМ»

**Хосият Юлдашева (Хоразм вилояти Хонқа туманидан):**

— Мен «Эргаш ота» сиҳатгоҳига келгунча гормонал препаратлар ичиш оқибатида пайдо бўлган ортиқча вазндан азият чекардим. Нафас қисиши, сурункали холецистит, панкреатит, оёқ оғриғи билан қийналиб юрардим. Биринчи марта келганимда 16 кг ёғлардан қутулиб, енгил тортдим. Докторнинг китобини ўқиб, билим даражаси, даволаш фалсафаси нақадар кучли эканини англадим. Ўзини иш жараёнида кўриб матонатига қойил қолдим. Эрталабдан кечгача, баъзан суткалаб ухламасдан минг-минглаб беморларга хизмат қиларкан.

Иккинчи марта буйрак-тош касаллигидан безовта бўлиб келдим. 10 кун даволандим. Уйга қайтгач тош тушди. 2015 йили ишлаш учун Россия давлатига кетдим. 2017 йили яна мазам қочди. Докторлар «жигарингиз заҳарланган», дейишди. «Эргаш ота»га келиб, малҳам ичишни бошладим. Тўртинчи малҳамдан кейин ичимдан қон қуйқасига ўхшаган нарса тушди. Бу сафар ҳам дарддан халос бўлиб кетишга ишонаман. Мен дарддан азоб чекаётган ҳамюртларимга шу даргоҳга келиб, ихлос билан даволанишни тавсия қиламан.

Ҳозир кўпчилик ортиқча вазндан азият чекади. Мен 150 килодан 65 килога тушдим. Бу натижага шу даргоҳга келиб эришдим. Бу йил бешинчи марта келишим. Ҳар гал кўплаб мўъжизаларга гувоҳ бўламан. Медицина ривожланган давлатлардан ҳам беморлар келиб даволаниб, докторнинг шифо усулига тан бериб кетаётганига кўп бор гувоҳ бўлдим. Россиядан келган дугоналарим ҳам даволаниб, организмни бу каби тозалаш усули дунёда йўқлигини тан олишди.

## «ОШИҚЧА ВАЗНДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»

**Дилафрўз Турдиматова (Фарғона вилояти Қўқон шаҳридан):**

- «Эргаш ота» шифохонасига икки йилдан буён келаман. Илк бор келишимда аҳволим жуда оғир эди. Жигаримдаги муаммолар, умуртқа грижаси ва оёқ оғриқлари мени қийнаб келарди. Оғирлигим 100 кило эди. Биринчи йили аҳволим анча яхшиланди. Енгиллашдим, етти кило ошиқча вазндан халос бўлдим. Кейинги йил яна келиб қолган муолажаларни олдим. Шу ерда шифо топдим, дея оламан. Вазним 88 килога тушиб, енгил ҳаракат қиладиган бўлдим.

Шифокорим Бердиқул Эргашевга миннатдорлик билдираман!

## «СОҒЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ»

**Ҳамза Сайфиев (Қарши шаҳридан):**

— Мен «Эргаш ота» шифохонасига биринчи марта 2010 йилда келганман. Сабаби тиббиёт кўригидан ўтганимда жигаримда, қонда холестерин ёғларининг кўплиги ва ўт пуфагининг қайрилиб қолганини айтишган эди. Яна туз миқдорининг кўплиги, 3-даражали семизлик, яъни 130 кг оғирлигим бор эди. Бошим ва юрагимда тез-тез оғриқ турарди, кўпроқ ҳаракатлансам, нафасим қисиб, ҳолсизланар эдим.

Биринчи келишимда 16та малҳам ичиб, ўзим кутмаган даражада шифо топганман, яна қайта текширтирганимда қонимда ҳам, жигаримда ҳам холестерин миқдори нормал ҳолга келган эди. Туздан халос бўлган танам енгил ҳаракатланар эди. Шундан бери узлуксиз 10 марта келиб, ҳар сафар 15-20 та малҳам ичиб, ички аъзоларим ва бутун жисмимни тозалаб кетаман.

Айни пайтда оғирлигим 90 кг га тушди. Мен бу ерга ҳар хил дард билан келиб соғайиб кетаётган инсонларни кўриб, соғлик энг бебаҳо неъмат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Бош шифокор Бердиқул акага, у кишининг жонқуяр жамоасига ўзим ҳамда яқинларим номидан ташаккур билдираман.

### **«ОЗИШ УЧУН КЕЛГАНДИМ»**

**Дилафрўз Мамарасулова (Самарқанд вилояти Булунғур туманидан):**

- «Эргаш ота» тиббий марказига биринчи марта 2008 йилда фақат озиш учун келганман. Қурт, тош йўқ менда деб ўйлаганман. Озгина сув ичсам ҳам ичимда қаттиқ оғриқ туришини шу ерда даволаш мумкинлиги хаёлимга ҳам келмаган.

Лекин бешинчи малҳамни ичганимдан кейин бир гаршок тош тушганида ҳайратдан ёқа ушладим. Энг асосийси, уйга борганимдан кейин ўзимни шунчалар яхши ҳим қилдимки, бирор жойим оғриси текширтириб ўтирмасдан тўғри шу ерга келадиган бўлдим. Ҳар галги натижа — қушдай енгил бўлиб кетаман.

Катта акамнинг қон босими жуда баланд юрарди. У ҳам 22 кун даволанди. Ҳозир соғлиги яхши, қон босими меъёрга тушди.

Бундай натижалар атрофимиздаги яқинларимизга ҳам ишонч уйғотиб шу ерда даволанишга интилишади. Жиянимнинг сочлари тўкилибди. Келиб, қуртларидан халос бўлгач, уйига борганда сочлари ўса бошлади, бўйи бирдан чўзилди.

Шунинг учун оила аъзоларимиз ва қариндошларимиз номидан Бердиқул акага миннатдорлик билдираман.

Ўн биринчи бўлим

**ҚОН БОСИМИНГИЗ  
НЕГА ЮҚОРИ?**

## «ҚОН БОСИМИМ ОШГАН ЭДИ»

**Маъмура Алимова (Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан):**

- Анча йилдан буён буйрагимда, ўт қопимда сурункали шамоллаш, туз борлигидан азият чекардим. Бора-бора қон босимим ошишига олиб келди. Шифохонада тез-тез ётиб даволанар эдим. Укол-дори олардиму лекин ҳеч қанча вақт ўтмасдан касаллик бошланарди.

Жуда кўп ҳамюртларим Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида «Эргаш ота» хусусий тиббий марказ борлигини, ўша ерда шифо топганини айтишди. Кейин эса Хурсаной опани қизи оқ қон касалига чалиниб, ўша ерда яхши бўлганини эшитиб ёнига бордим. У аёл кўзларида ёш билан қизини офир аҳволда олиб бориб, яхши бўлганини айтди. Кейин ўша шифокорга ихлосим ошди.

2014 йил май ойида келдим. У ерда шифокор Бердиқул Жўрақуловични самимий муомаласию малҳамни ҳар бир беморга ўз қўллари билан Оллоҳдан шифо сўраб беришини кўриб ҳайратда қолдим. Чунки беморлар жуда кўп, ахир бу киши ҳам инсонку! У ҳам оиласи, фарзандлари даврасида ўтиргиси келар. Лекин шифокор деярли ҳамма вақтини беморларга ажратади. Жуда кўп беморларнинг соғайиб, уйларига хурсанд бўлиб қайтишганини кўриб бу шифокорга ихлосим янада ошди.

Уйга бориб УЗИ аппаратига тушсам касалликдан асорат қолмабди. Қон босимим ошмай қолди. Шифо топганим учун Оллоҳга беҳисоб шукур, шифокорга минг

раҳмат. Умрлари зиёда бўлсин. Доим беморлар дардига малҳам бўлиб юрсин.

## **«ҚОН БОСИМИ ХАСТАЛИГИДАН, ОШИҚЧА ВАЗНДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Рустам Ҳожирахматов (Фарғона вилояти  
Марғилон шаҳридан, 1967 йилда туғилган):**

- Қирқ олти ёшимдан қон босими хасталигидан қийнала бошладим. Қон босимим 230/160 гача юқориларди. Бу касалликка чалинганлар ҳаловатидан ажралишини жуда яхши биладилар. Уйқумни уйқу деб бўлмасди, мутгасил бошим оғрирди. Йигирма метрга-ча юрардим холос, нафасим қисилиб, оёқларимда оғриқ кучайиб, ўтириб қолардим. Марғилон касалхоналарида ётиб даволанардимۇ натижасини кўнгилдагидек деб бўлмасди. Врачлар «касалинг семизликдан» дейишарди. Ҳақиқатдан ҳам вазним 209 кило эди. Маслаҳатларига кўра 1,5 йил уй шароитида парҳез қилиб, 6 килога оздим холос. Тўрт йилни шундай ўтказдим.

Фарғона тез тиббий ёрдамида ишлайдиган бир врач «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида айтиб қолди.



Ичак ўзининг меъёрадаги ҳажмидан беш баробар ҳажмда каттариши мумкин. У чиқитларидан ўз вақтида халос бўлмаслиги оқибатида вужудга келган захарли моддалар ҳисобига шишади. Инсон организмида 2 килодан 30 килогача ана шундай чиқитлар тўпланиб қолиши мумкин. Албатта, бу ўз-ўзидан ошиқча вазнга сабаб бўлади.

**Жоэл Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ**

Икки нафар яқинларим суяшиб олиб келишди. Ишониб-ишонмай келдим. 2017 йилнинг сентябридан бошлаб, 76 кун даволандим. Бу фурсатда 62та малҳам ичдим. 31 кило ошиқча вазнимдан қутулдим, яъни 172 кило қолдим. Қон босимим 160/110 га тушди. Дам олмасдан 3 километр юрадиган бўлдим.

Бердиқул ака орадан 4 ой ўтиб, яна келасиз, деганди, 2018 йилнинг март ойида мана яна келдим. Бугун 21 кун, 17-чи малҳамни ичдим. 11 килога оздим. Айни вақтда 163 киломан. Қон босимим 150/100 га тушди. Уйқум яхшиланди. Оёғим оғриғи йўқолди. Бошим оғриғидан қутулдим. Кўзим тинарди, бу хасталик ҳам буткул йўқолиб кетди. Иккинчи қаватга чиқа олмасдим. Ҳозир ҳансирамай 4-қаватга бемалол чиқа оламан. Шу ерда бутунлай шифо топишимга ишондим.

Мен каби хасталарни ҳам даволаган учун раҳмат айтаман. Умрлари узоқ, мартабалари улуғ бўлсин, дунёнинг қанча яхшиликлари бўлса, Оллоҳ таоло инъом этсин!

## **«ЭРГАШ ОТА»ГА ШОШИЛИНГ!**

**Феруза Жалолова (Андижон вилояти Избоскан туманидан):**

— Мен бир неча йиллардан бери қон босими ошиши, ўт қопи димланиши, буйрак шамоллашидан азият чекар эдим. Андижон вилояти марказий клиникасида бир неча бор даволаниб чиқдим. Вақтинча яхши бўлар эдим, лекин яна касалим кучаяр эди. Қон босимим 200/160 га чиқадиган бўлди. Умуртқа поғонам, бўғимларимдаги тузлардан азоб чекардим. 120 кг вазнга эга эдим. Юришга қийналиб қолдим.

2017 йили «Эргаш ота»га даволаниш учун кел-



Аксарият беморлар йўғон ичакларида камида 7 фунт (тахм. 3 кг) чиқиндиларни олиб юрадилар. Ичак касалини даволаган кўпчилик кишиларнинг озгани ва қоринларининг кичрайганига гувоҳ бўлганман.

***Жэк Лармер, калифорниялик доктор.***

дим. Мен Бердиқул аканинг ишлаш усулига, матонатига тан бердим. Бир кунда минглаб беморларни тик оёқда туриб, малҳам ичкизиб, кўриқдан ўтказади, қабулга келган беморларнинг дардини тинглаб, текшириб ташхис қўяди. Бунинг учун метин ирода, сабр-бардош, мустаҳкам асаб керак. Менга «гепатоз, буйракда майда тошлар, остеохондроз ташхиси»ни қўйди.

Ихлос билан муолажани бошладим. Иккита малҳам ичганимдан кейин безовталиқ бошланди. Бошим оғриб, кўнглим айниб, ўтимда оғриқ кучайди. Қон босими ошиб, аъзойи баданим зирқирарди. Шифокорга айтганимда малҳам таъсир қилаётганини, сабр қилишим кераклигини айтди. Еттинчи малҳамдан кейин буйрагимдан тузлар кетиб, қон босимим 120/80га тушиб қолди. 11 та малҳам ичиб янги туғилгандек уйга кетдим.

Тўрт ой давомида Бердиқул аканинг айтганларини қилиб, парҳез сақладим. Оёқларимдаги шиш бутунлай йўқолди. Бешинчи ой деганда соғлигимни мустаҳкамлаш учун яна келдим. Мен касалликлар билан бирга 10 кг вазндан халос бўлдим. Мен ўз олдимга ҳар йили келиб даволаниб кетишни мақсад қилиб қўйганман. Агар беморда ихлос, хоҳиш бўлса, шифокорнинг айтганларига амал қилса, албатта, соғайиб кетади.

## «ҲАМКАСБ УКАЖОНИМНИНГ ДАВОЛАШ УСЛУБИГА ТАН БЕРДИМ»

Гулшара Алимаганбетова (Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридан, 1944 йилда туғилган):

- Ўзим шифокорман. Самарқанд медицина институтини 1972 йили тамомлаб Қорақалпоғистонга терапевт шифокор бўлиб иш бошлаганман.

1990 йили қон босими, юрак етишмовчилиги, юрак оғриғи касалига дучор бўлдим. Бир неча маротаба шифохоналарда даволаниб чиқдим. 1995 йили эса ошқозоним оғриб бошлади. Иштаҳам йўқ, ўзимни зўрлаб овқат есам ошқозонимда оғриқ кучаярди. Гастроэнтерологга борганимда «ФГЭС» аппаратида, УЗИда эса жигар ва ўт қопимни текширтди. Шифокорларнинг ташхиси: «сурункали эзофагит, сурункали эрозив гастродуоденит, жировой гепатоз, сурункали холецистит». Шундан кейин бир неча йил даволаниб юрдим. Оғриқлар вақтинча қоларди, кўп ўтмай янада кучлироқ тарзда давом этарди.

Оғриққа чидолмай Тошкентга Воҳидов номидаги Кўкрак қафаси жарроҳлиги клиникасига бориб текширтдим. Шу ерда юрагимни операция — «стендирование» қилишди. Юрак санчиши қолди, аммо аҳволим унча яхшиланмади.

2013 йили «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб, ўзим шифокор бўлганим учун унчалик ишонмадим. Шундай бўлса-да, «чиқмаган жондан умид» дейишганига амал қилиб тиббий марказга даволанишга келдим.

Олтинчи малҳамдан кейин кучли оғриқлар бошланди. Шундан кейин рақ пардалари тушди. Яна 14

кунда 12та малҳам ичганимдан кейин шифокор яна келиш шарти билан уйга рухсат берди. Ичимдаги оғриқлар йўқолди, овқат есам аввалги азоблар бўлмас эди.

Айтилганидек 2014 йили март ойида даволанишни давом эттиргани келдим. 5-малҳамдан кейин кучли оғриқлар билан яна рак пардалари тушди. Кейин ўт қопимдан, жигаримдан билирубин ҳамда холестерин тошлари тушди. Аҳволим жуда яхшиланди.

Соғлигимдан ҳеч қандай шикоятим йўқ бўлса-да, 2015 йил июнь ойида профилактика учун келдим. Мунтазам келиб туришга ҳаракат қиламан. 27 йиллик иш тажрибасига эга шифокорман, дедим юқорида, ҳозирда нафақадаман. Шу ҳамкасб укажонимнинг даволаш услубига тан бердим! Ҳеч қандай дори-дармонларсиз ўз малҳами, табиий гиёҳлари билан беморларни даволамоқда. Ер юзида бирор мамлакатда бўлмаса керак бундай жой, бундай шифокор. Эрта тонгдан ярим кечгача тик оёқда туриб минглаб беморларга ўз қўли билан малҳам ичиради. Янги келган юзлаб беморларни қабул қилиб ҳеч қандай текшириш асбобларисиз, қўл



Кўпчилик организмдаги ошиқча ёғларни йўқотаман дея махсус дориларни ичадилар, лекин аксинча натижа беришини билмайдилар. Улар ёғларга қарши курашарканлар ичак фаолияти бузилиши натижасида келиб чиққан сустлашган метаболизм сабабларини бартараф эта олмайдилар.

*Жозл Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

томирларини ушлаб, тили, кўзини кўриб, қандай касалликлари борлигини айтиб бермоқда. Бу масканга даволаниш учун ўз халқимиз эмас, балки хорижий мамлакатлардан беморлар келиб, дардларига шифо топиб кетишмоқда.

Бердикул укажонимга Оллоҳим куч-қувват ато қилсин, ўзидан ўзгага муҳтож қилмасин, халқимиз бахтига соф-омон бўлсин!



Бошимиз оғриси докторга мурожаат қиламиз. У бизга аспирин таблеткаси ичишимизни тайинлайди. Дорини ичгач бош оғримиз тузалади. Шундан хулоса қиламиз: бош оғриғи сабаби аспириннинг етишмаслигидир. Лекин бундай бўлиши мумкин эмас. Ацетилсалицил кислотаси бош оғриқ сабаби бўла олмайди. Унда бошоғриқнинг сабаби нимада? Биз сабабини эмас, оқибатларни даволашга ҳаракат қиламиз. Унинг сабабларини аниқламасдан даволар эканмиз организмимиз қувватсизланишда давом этаверади. Менинг фикримча, касалликларнинг асосий сабаби организмнинг токсинли моддалар билан ўзини-ўзи заҳарлашидир.

*Жоэл Робинсон,*

*АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

Ўн иккинчи бўлим

**БОШҚА  
КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲАМ  
ШИФО ТОПИШ МУМКИН**

## «ЗАМОНАМИЗ ИБН СИНОСИ»

**Шавкат Замонов (Қашқадарё вилояти Яққабоб туманидан):**

- Ўзим олий тоифали стоматологман. 2004 йилда фарзандимнинг тўсатдан биқини оғрийдиган бўлиб қолди. Туманимиздаги мутахассисларга учраб, анализлар топширганимизда гижжаси борлигини айтишди. Бир нечта таблетка ва уколлар ёзиб беришди. Дориларни қабул қилиб бўлгач оғриқ пасайди, лекин маълум муддат ўтгач яна кучайди. Тиббиёт ходими бўлганлигим учун дориларни мунтазам қабул қилиш танада йиғилиб ҳар хил касалликларни келтириб чиқаришини билардим. Чунки улар кимёвий усулда ишлаб чиқариладида.

Ўзим ҳам овқатланганимдан кейин қорним дам бўлиб, безовта бўлардим. Тошкентдаги малакали тиббиёт ходимларига учраганимда ўт қопи қийшайганлигини айтишди-да, улар ҳам бир қанча таблетка ва уколлар ёзиб беришди. Даволаниш курсини тўлиқ бажардим, лекин ҳеч қанақа фойдаси бўлмади. Бошимда тошмалар пайдо бўлиб, қаттиқ қичишар эди. Тошкентда очилган Дерматология ва венерология илмий текшириш институтига мурожаат қилдим. Биринчи кун бошимдан анализ олиб 3 кундан кейин жавобини олишга келишимни айтишди. Жавобни олиб мутахассис кабинетига кирганимда у ҳам ҳар хил таблетка, укол ва сургиларни ёзиб берди. Бир ой давомида қабул қилганимдан кейин эса тошмалар аввалгидан ҳам баттар

безовта қила бошлади. Бу даволаниш курсидан кет-  
кизган маблағларим, танамда йиғилган захарларгина  
қолди.

Ота-боланинг ана шу ҳолга тушган пайтида бир  
танишимиз Каттақўрғонда инсон жисмини табиий ги-  
ёҳлар ва малҳам билан тозалайдиган “Эргаш ота”  
клиникаси борлигини, ўзи даволаниб ажойиб натижага  
эришганини айтиб қолди. Фарзандимни олиб шу мас-  
канга келдим.

Бердиқул ака самимий табассум билан қарши олиб,  
ноанъанавий ташхис қўйди. Ҳақиқатан ҳам гиёҳлар  
билан даволанишни бошладик. Бу ердаги даволаш  
услуги менга жуда ёқди. Касалхоналарга борсангиз  
кабинетма-кабинет сарсон бўлиб, анализлар топшира-  
сиз. Ҳаммасини топшириб бўлгачгина ташхис қўйи-  
шади. Бунинг учун камида 4-5 кунингиз кетади, асаб-  
ларингиз таранглашади. Катта маблағ тўлаб дорилар  
оласиз. Бу дорилар вақтинча фойда бериб, бўғинла-  
рингизда, танангизда йиғилади ва йиллар давомида  
безовта қила бошлайди.

Шу ўринда бир фикр. Президентимиз Шавкат Мир-  
зиёев 2016 йили Тошкент вилояти сайловчилари би-  
лан учрашганда Ибн Сино бобомизнинг давомчила-  
ри қани, дея куйиниб гапирган эди. Бердиқул Жўра-  
қулович бир пайтнинг ўзида ноанъанавий услубда  
беморларга ташхис қўяди, шу куннинг ўзидаёқ гиёҳлар,  
дамламалар ва малҳам ёрдамида даволашни бошлаб  
юборади. Аслида бу тиббий марказда шифокор бе-  
морлар жисмида йиғилган чиқиндиларни тозалаб, мудроқ  
ҳолдаги органларни тўлиқ уйғотиб, иш фаолиятини  
тиклайди. Шундан кейин организм ҳар қандай касал-  
ликларга қарши курашади.

Кўпчилик бу ердаги усулини очлик билан даволаш дея нотўғри тушунадилар. Очлик деганда фақат дистилланган сув ичиб, овқат емаслик тушунилади. Бу ерда сиз таркибида 32 турдаги компоненти мавжуд бўлган малҳам, гиёҳли дамламалар ва махсус тайёрланган олма шарбатини истаган вақтингизда истеъмол қилишингиз мумкин.

Шифо натижасини бир ҳафтадаёқ сеза бошладим. Аввало бошимдаги тошмалар учун Бердиқул ака малҳам суртмасини берди. Иккинчи ҳафтада бошимдаги ана шу ёқимсиз дарддан халос бўлдим. Фарзандим ҳам гижжаларидан, оғриқларидан қутулди.

Уч-тўрт йил аввал шамоллаш туфайли бошимда оғриқ пайдо бўлди. Ҳеч нарса ёқмасди. Одамлар билан гаплашишдан қочардим. Бу касаллик бўйича ҳам Тошкентнинг профессорларига учрашиб, текширтириб, қанчадан-қанча уколлару таблеткалар қабул қилганимни айтмай қўя қолай.

Яна ихлос билан шифо излаб 2019 йилнинг май ойида “Эргаш ота”га келдим. Шифокор мен билан кўришиш чоғидаёқ “Ака, ўзингизни қийнаб қўйибсиз, соғлигингиз яхши эмас”, деди. Ҳолбуки, ҳали мендан



518 нафар миждознинг паришонхотирлик, хотиранинг сусайиши, жиззакилик, сабабсиз кўрқувлар, оғир руҳий ҳолат (депрессия), ўз жонига қасд қилиш синдроми каби касалликлардан арз қилишларининг барчаси ичак фаолияти бузилиши натижаси ҳолатлари билан боғлиқлигини кўрсатди.

*Сатгерли Элдриж, АҚШлик доктор.*

“қаерингиз оғрийди”, дея сўрагани ҳам йўқ эди. Кўришишдаёқ ташхис қўйганлигига қойил қолмаслик мумкин эмас. Шунда 19 кун ётиб, баъзи кунлар иккитадан малҳам ичиб, умумий 23та малҳам қабул қилиб, ўт пуфагим, жигаримдаги билирубин, холестерин тошларидан халос бўлдим. Хатто тушган тошларни суратга ҳам олиб қўйдим.

2019 йил июнь ойида икки қизим, келиним, 5 нафар набираларим Тошкент шаҳридан келиб соғликларини тиклаб кетишди. Мана беш ой ўтиб ўзим яна келдим.

Оллоҳ бу инсонга куч-қудрат бергани чин бўлсин, чунки эрталаб соат 8дан тунги 12гача оёқда тик турган ҳолда ҳар бир беморга ўз қўллари билан малҳам ичириб, шу вақтнинг ўзида улардаги ўзгаришларни назорат қилиб боради. Шахсан ўзим 15 йилдан буён оила аъзоларим билан шу маскандан шифо топиб кетамиз. Орада қанчадан-қанча қариндошларим, танишларим даволандилар.

Саъдий Шерозий айтганларидек, “Барча касалликларнинг боши бўкиб овқат ейишдадир”. Бу каби ҳикматлар соғлигимизни асрашга хизмат қилади. Бунга ўзингиз эриша олмасангиз “Эргаш ота” да албатта ниятингизга етасиз. Буни мен, 38 йиллик тажрибага эга олий тоифали шифокор сифатида ишонч билан айта оламан.

“Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”, дейди халқимиз. Минглаб километр масофа босиб юртимизга келаётган хорижликларни кўриб, ёнимиздаги Ибн Сино издошининг қадрига доим ҳам етавермаймиз.

Миллионлаб инсонлар саломатлигини тиклаб, оиласига, жамиятга қайтараётган шифокоримизнинг олижаноб фаолиятига муваффақиятлар тилайман. Оллоҳ мададкор бўлсин!

## «10-15 КУНИ ҚОЛГАН ДЕЙИШГАНДИ»

**Самандар Жўраев (Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидан, 1958 йилда туғилган):**

- Нафақадаман, беш фарзандим, 12 нафар набирам бор. 2005 йил турмуш ўртоғимнинг иштаҳаси бўғилиб, ҳолсизлана бошлади. Қишлоқ врачларига кўрсатиб, ўтиб кетар, дея уларнинг тавсияларини бажариб юрди. Бора-бора уйқуси бузилиб, еган овқатларини қайт қила бошлади. Аввал Термиздаги вилоят касалхонасида 20 кун даволатдик. Сал тузалгандай бўлганда уйга олиб келиб даволанишни давом эттирдик. Натижа — бутунлай ухлай олмайдиган даражага етди. Менинг учун оворагарчилик, энг ёмони таҳликали кунлар бошланди. Ўзбекчилик деб муллаю фолбинларга қанчадан қанча маблағларни совурдик. Юролмайдиган аҳволга тушди. Даволатиш учун Тошкентга олиб бордик. Беш-олти кун жойлаштиролмай оввораю сарсонгарчиликдан сўнг собиқ «ТошМИ»нинг 2-клиникасига жойлаштирдик. Диагнозлар ҳар хил. Кунлар кетидан кунлар ўтди, лекин ўзгариш бўлмади. Кучли дорилар билан бироз ухлайдиган бўлди. Касалхонадаги 52 кунги даволаниш бесамар кетди. Ночор уйга қайтдик. Бир ярим ойдан кейин бир танишимнинг маслаҳати билан Тошкентдаги «МДС-сервис» клиникасига олиб бордик. Врачларини кучли мутахассис деганди у. Ўша пайтда кунига 47 минг сўм тўлаб 63 кун даволатдик. Дориларнинг 80 фоизини, жами 17 миллион сўмлик дориларни сотиб олиб келиб бердим. Ўзим квартирада яшайман. Натижада аёлимни туролмайдиган, ҳатто ўтиролмайдиган ҳолда

уйга олиб келдим. Докторлар менга Оллоҳдан сабр тилашдан бошқа тавсия беришолмади. Америкага олиб борсам ҳам ҳеч қандай иложи йўқлигини тушунтиришди. Нар и борса 8-10 кунлиги қолди, деб айтишди. Дунё кенг, лекин мен учун тор ва қоронғу кунлар бошланди. Энг ёмони қўлингдан ҳеч нарса келмаслигини англаш. Уйда ўн кун олиб ўтирдик, юрагим қўтармади, туман шифохонасига ётқиздик. 2005 йил 5 декабрь куни телевизорда «Эргаш ота» тиббий маркази ҳақида кўрсатувни кўрдим ва шу кеча 21.10да уйдан туман шифохонасига бориб хотинимга рухсат олиб уйга олиб келдим. Докторлар бажонидил рози бўлишди...

Эртаси куни Каттақўрғонга олиб келдим. Кечқурун шифокор ҳузурига икки киши кўтариб кирдик. «Қабул қила олмайман, беморингиз жуда оғир экан», деди Б.Эргашев. Мен эса «Енгил бўлганида сизга олиб келмасдим», деб худонинг зорини қилиб йиғлаб юбордим ва чидолмасдан ташқарига интилдим. Хотиним врачнинг олдида қолди...

Ярим соатлардан кейин бир ҳамшира қиз мени врачга учрашишимни айтди. Шифокор бир-икки кун қараб кўраман, натижасини кейин айтаман, деб ёнидаги хонага жойлаштирди. Беш кун деганда менга «уйга кетаверинг, аёлингизнинг дардини аниқладим. Худо хоҳласа, сизга соғ-саломат етказаман», деди. Сурхондарёга кетдим.

Ўн кундан кейин якшанба куни аёлимни кўргани келдим, қарасам хонасида йўқ экан. Залда концерт бўлаётган экан. Аёлимни ўша ердан топдим, хурсандлигимдан ўзимни тутолмай полга ўтириб қолибман... аёлим қайтадан дунёга келганини, шундай олижаноб шифо-

коримиз борлигига тан бердим. Бошқа врачларга эса саволларим жуда кўп эди...

Назаримда Ибн Сино, Беруний ва Форобийлар ўлмагандек, Бердиқул сиймосида тирик юргандек! Бир инсонга шунча қобилият, сабр-бардош, матонат, олий-жаноблик, инсонпарварлик берганига Оллоҳимга ҳамду санолар, салаотлар бўлсин!

Шу кеча у «мен тuzалдим, уйга олиб кетинг», деди. Врачга учрашиб, унинг илтимосини айтдим. Шифокор ҳали эрталигини, ўзимни ҳам кўриб, даволанишим кераклигини тушунтирди. Ўн кунда ўт халтамдан бир дунё тошлар тушди, мен билмайдиган алламбалолар чиқди. Ўзимни енгилдек сездим. Энг асосийси, аёлим тuzалдику!!!

Лекин сарсонгарчилигу ноаниқликлардан ўзимнинг ҳам толиққанам, квартираларда ейиш-ичишнинг тартибсизлиги, ҳаёт тарзимнинг нотўғри ташкил этилиши, асабийлашишлар ўз ишини қилиб бўлган экан. Дунёнинг синоатини қарангки, энди мен аёлимга суянган ҳолда 2016 йилда яна шу масканга келдим. Қон босимим 240 экан. Касалимни ўтказиб юборганимни сезардим. Яна оғир аҳволда олиб қолмаслигини айтди доктор. Энди аёлим йиғлаб илтимос қилди. Ўзи бу ерда даволанган 2006 йилдан буён бирор марта касал бўлмаганини айтиб яна «Сизга ишониб келдик», дея ёлворди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Мен йиғлайдиган аҳволда эмасдим. Ҳаётнинг қизиғи қолмаган ҳолатда эдим... кенжа қизимнинг худойиси(йил оши)ни ўтказган куни кечаси соат 11 ларда кириб келгандик шифохонага.

Ноиложликдан Бердиқул Эргашев иккаламизни ҳам олиб қолди. 18 кунлик даволанишда яна ўт қопимдан

тошлар тушди. Қизилўнгачимда грижа бор эди, ундан кутулдим. Мени илк марта кўрган хонадошларим кетаётганимдаги ҳолатимни кўриб ҳайратда қолишди. Шундан буён аввалги оғир аҳволга тушиб қолмаслик учун ҳар йили келиб даволаниб кетаман. Ўзимни яхши ҳис қиляпман!

Фикрларим кўп. Агар ёзувчилик қобилиятим бўлганда бу инсон тўғрисида айтар гапларим неча томлик китобларга жой бўларди...

Шифокорнинг ёнида хизмат қилаётган Аҳрорбек, Муродқул, Лайло, Муҳиддинларнинг ширин муомалалари, хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ! Раҳмат ҳаммангизга!

## **«КИСЛОРОД МАСКАСИДА ЯШАР ЭДИМ»**

**Элия Ханштей (Олмония мамлакатидан):**

— Биз Олмониянинг Ўзбекистондаги элчихонасида хизмат қилган пайтимиз. Бу шифо масканида бешинчи мартаба даволанишга келдик. Шунга қарамай ҳамон заҳарли ва зарарли моддалар (холестерин ва ҳоказо қуйқалар) чиқишда давом этмоқда. Илк марта келганимда дардим жуда оғир эди — кислород маскасида яшардим. Мана, неча йилдирки, ундан халос бўлганман. Бунинг учун Бердиқулга, унинг ходимларига раҳмат. Ўз соғлиғи билан шуғулланишга нима етсин. Энг муҳими, касалликнинг олдини олиш (инсон 150 йилгача умр кўриши мумкин, ахир)! Бунинг учун одам ичида тўпланадиган заҳарли моддаларни доимий равишда тозалаб туриши керак. Мен Олмонияда яшаганим ва кўп мамлакатлар тиббиётини билганим учун айта оламанки, бошқа жойда Бердиқул ишлатаётган муолажа усулини кўрмадим. Олмония

дунё тиббиётида энг юқори ўринларда туришини му-  
тахассислар кўп таъкидлашади. Лекин бу ердагидай  
бир жойнинг ўзида барча касалликларни бирийўла (ком-  
плекс) даволаш усули бизда йўқ, яъни биргина аъзо-  
даги дардга, касалликка қарши курашилади. Бизда  
томография, УЗИ ва бошқа энг замонавий ускуналар  
жуда кўп. Лекин улар фақат аъзоларни кўрсатади,  
ҳисоб-китоблар қилиб, рақамларни беради, холос.

Комплекс даволаш бу — асаб системасини даво-  
лаш, қонни тозалаш, юрак, жигар, ўт қопи, ошқозон ости  
бези, сийдик йўллари, буйрак, гинекологик аъзоларни  
даволаш деганидир. Бу аъзолардаги касалликларни  
бирданига аниқлаш учун махсус ускуна яратиш муш-  
кул. Шундай бўлса-да, биз Бердиқулга қимматбаҳо  
«УЗИ» ускунасини совға қилдик. Бироқ у бу ускуна-  
сиз ҳам тирнофингиз, тилингиз, қон томирингизни кўриб,  
тўғри ташхис қўя олади. Энг асосийси, барча хаста-  
ликларни бирийўла даволайди. Биз Олмониядан, ҳатто  
Австриядан ҳам таниш-билишларимизни чақириб да-  
волатяпмиз. Улар ҳам ҳайратда қолишди.

## **«БУ ЕРДА БЕДАВО ДАРДНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ ЭКАН!»**

**Хурсаной Тоҳирова (Андижон вилояти Шаҳ-  
рихон шаҳридан):**

- Суягим тиббиёт муассасасида қотган. 23 йил ҳам-  
шира бўлиб ишлаганман. 2 нафар фарзандим бор.  
Қизим Гулчирой Хусановани 2010 йилда турмушга  
чиқардим. 2011 йилда ўғил фарзанд кўрди. Бола 4 кг  
400 грамм туғилди. Кўзимнинг оқу-қораси, Оллоҳ  
тухфа этган нуридийдам фарзандли бўлганда қувон-  
чим ичимга сифмасди. Чунки уни ёлғизликда катта  
қилгандим. Онаси ҳам, боласи ҳам соғлом эди.

Афсус, қувончим узоққа чўзилмади. Набирам 11 ойлик бўлганда қизим иситмалай бошлади. Тезлик билан анализ топширишга поликлиникага бордик. У ерда буйрак шамоллаган деган ташхис қўйишди. 5 кунлик антибиотиклар ёзишди. Уларни тугатмай яна иситмалади. Қайта анализ топширсак, ревматизм, дейишди. Яна 5 кунлик антибиотиклар олдик. Иситма яна чиқа бошлади. Менга қайнонаси телефон қилди. Қизимни олиб Андижон вилоят клиникасига доцент Нела Убековага учрадик. У зудлик билан умумий қон ва пешоб топширишни ёзиб берди.

Анализ чиқди. Не кўз билан кўрайки қонда шамоллаш СОЭ 49 эди. Ахир менинг қизим болалигида соғлом улғайган. Инфекцион касал бўлмаган. Шифокорнинг ёнига кирдим. Анализ билан мени Гематология бўлимига олиб кирди. У ерда врачлар кизимни оқ қон касал бўлганини айтишди. Кўз олдим қоронғулашди. Наҳотки... Ишонгим келмаяпти. «Адашган бўлманг, нуридийдам нега бунақа касал бўлади?»

Дардим ичимда, лекин қизимга анализ қоғозини кўрсатмадим, чунки у ҳам ҳамшира бўлиб ишлайди. Зудлик билан Тошкент шаҳар Гематологиясига олиб бордим. У ерда иликдан анализ олишди — оқ қон таначалари 83 фоиз экан. Тезлик билан химиятерапия қилиш кераклигини айтишди. Рози бўлмадим. Ёлғиз аёл бошимни қаерга уришни билмасдим. Хоҳламасам ҳам химияга олишига мажбур бўлдим. Яхшиям жигарларим, ака-ука, опа сингилларим, яқинларим ва оиласи бор экан. Катта маблағ кетар экан дори-дармонларга, лекин гўзал қизимнинг соғлиги олдида кетган пул кўзимга кўринмасди. Биринчи химиятерепиядан сўнг

яна икки ярим йил химия олишлигини айтишди. Бизнинг қурбимиз зўрға 10 ойга етди. Қизимни баданида игна санчилмаган жой ҳам қолмади. Охири ўзим чидолмай қолди. Сочлари тўкилиб, гармонлардан шишиб кетган эди. Сарсон бўлиб дорихоналардан гоҳида дори, гоҳида плазма излардим. Ахийри организм химия ва дори-дармонларга тўйиб реакция бера бошлади. Нима қилишни билмасдим. Қизим шўрлик зорларди. «Жон онажон, бу ерлардан кетайлик, ортиқ чидай олмайман», дерди. «Нега унақа дейсан, Яхёбек ўғлинг учун тузалишга, яшашга ҳаракат қил», дея ялибардим. Тунлари Оллоҳдан «Эй Роббим, қизимга ўзинг ёрдам бер, табиий шифо бергин», дея сўрардим. Қардан нажот чиқаркин деб ўзимни ҳар ёққа урардим.

Маҳалламиздаги қўшнилари «Эргаш ота» деган хусусий тиббий марказ борлигини айтиб қолишди. Оллоҳга таваққал қилиб 2013 йил май ойида Самарқандга йўл олдик. Боришга бордигу лекин ичимда ваҳима бор эди — шифокор қизимни қабул қилмасачи? Ахир унинг аҳволи жуда оғир эдида. Оллоҳга беҳисоб шукур, шифокор Бердикул Жўрақулович илиқ кутиб олди. Йиғлаб юбордим. «Илтимос доктор, мен ҳам 23 йил халқ хизматида ишладим. Бор умидим сиздан. Қизимга шифо излаб келдим, ёрдам беринг. Касалхонада даволатгани пулим ҳам, мадорим ҳам қолмади», дедим. «Ноумид булманг, шифо берувчи Оллоҳдан сўраб ҳаракат қиламиз. Биз сабабчилармиз холос», деди.

Малҳам ичишни бошлаган қизим аста-аста қувватга кириб, сочлари ўса бошлади. Кундан кунга ранг кириб, гўзаллашиб борарди. Шу тариқа ҳар 3 ойда 5 марта келдик. Ҳозир 5-келишимиз. Иликдан қайта

анализ топширдик. Натижаси яхши — қони 108, беда-во дарднинг ўзи йўқ экан. Бу ерда ҳар бир дарднинг шифоси бор экан. Фақат изланган, ҳаракат қилган им-кон топаркан.

«Эргаш ота» тиббий маркази шифокори Берди-кул Жўрақуловичдан чексиз миннатдорман, умрбод дуо қилиб ўтаман. У умрим мазмуни — қизимни ҳаётга қайтишига сабабчи бўлди. Шу ерда ишлаётган ходим-ларга, бизга яхшилик қилган барча инсонларга ҳам раҳмат айтиб қоламан.

## **«ШАМОЛЛАШ КАСАЛЛИГИДАН ҚУТУЛДИМ»**

**Олим Сатторов (1956 йилда Навоий вилояти-нинг Кармана туманида туғилган):**

- 2018 йил август ойида чап оёғим шишди. Навоий шаҳридаги касалхоналардан бирида ётдим. У ердаги врачлар кучли шамоллаш ташхисини қўйишди. Ўтимда тош борлигини аниқлашди. Бир-биридан айро касал-ликлар. Бирига укол-дори(наф бермади), иккинчисига жарроҳлик амалиёти(хоҳламадим)...

Шундай кунларнинг бирида яқин оғайниларим «Эргаш ота» шифохонасида ўт қопидаги тошни жар-роҳлик амалиётисиз туширишларини айтиб қолишди. 2018 йилнинг сентябрь ойида шифокор билан учра-шиб, унинг сўзарини тинглаб дилим яшнади, тузали-шимга ишонч пайдо бўлди. Ўшанда жами 20 кун даволандим. Тошлар тушди. 2019 йил сентябрда қайта келиб, яна 20 кун малҳам ичдим, шамоллаш касалли-гидан қутулдим.

Икки йил давомида менга меҳр берган шифокор ва бошқа ходимларга миннатдорлик билдираман.

## «АКАМГА ҲАР ЙИЛИ ТЎҚҚИЗ ЛИТР ҚОН ҚУЙИШАРДИ»

**Баҳодир Мирзаев (Жиззах вилояти Дўстлик туманидан, 1972 йилда туғилган):**

- Мен 26 ёшимда оғир касалликка чалинганман. Туман, вилоят касалхоналарида узоқ муддат даволаниш натижа бермади. Ҳар уч ойда бир марта ётиб, давола-нардим. Касалимни оддий тилда айтадиган бўлсам, чап буйрагим, умуртқа, орқа мия, чап оёқ оғриб, тинимсиз безовта қилар, юрагим сиқилгандай бўларди. 1999 йилда «Эргаш ота» хусусий тиббий маркази ҳақида эшитиб қолдим. Ўша йили май ойида келиб Бердиқул Жўрақуловичга учрадим ҳам. Қисқа қилиб айтадиган бўлсам, 30 кун давомида малҳамни сабр-тоқат билан ичиб, парҳезни маҳкам тутдим. Қарангки, оғриқлар чекинди, барча дардларимдан фориф бўлдим.

Мана орадан 17 йил ўтиб яна келдим. Шу пайтга қадар иш-фаолият сабаб ошиқча вазн йиғибман. Ундан қутулиш учун келдим. 18та малҳам ичиб, енгил тортиб, холестерин, ошиқча «юк»лардан халос бўлдим.

Бу орада, яъни 2002 йилда 1969 йилда туғилган акам — Фулом Мирзаевни шу ерга олиб келиб даволатганимни ҳам айтишни жоиз билдим. Ҳарна бу тажриба кимгадир фойда берса. Акамнинг касали: унинг қони камайиб кетиб, ҳар тўрт ойда 3 литрдан қон қуйиларди. Бу йилига уч марта такрорланиб, жами 9 литр қон қуйиларди. Республикамиздаги тегишли барча касалхоналарда даволаниб чиқса-да, самара бермади. Шунинг учун «Эргаш ота»га олиб келдим. Акам 25 кун даво-

мида даволанди. Малҳам унинг соғлигини тиклади. Қон қуйиш деган амаллар ортда қолди. Ҳозирги кунда у меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда.

Шу боис шифокоримиз Бердиқул Эргашевга оиламиз номидан миннатдорлик билдираман.

## «НЕГА ҲАММА САМАРҚАНДГА ИНТИЛАДИ?»

**Саулет Ерманова (Қозоғистон Республикаси Мақтарал туманидан):**

- Қон босими касаллиги бўйича 30 йиллик стажим бор. Шу билан бирга 10 йил аввал тишимни даволаш вақтида сурункали гепатитнинг «Б» шаклини юқтириб олдим.

Ҳар йили икки мартадан касалхоналарда, санаторийларда даволанардим. Бироқ натижалари мени қониқтирмасди.

Интернетда «Эргаш ота» клиникаси жарроҳлик амалиётисиз, ҳар қандай уколларсиз ва турли туман таҳлилларсиз даволаш усулидан фойдаланиб, яхши натижаларга эришаётгани ҳақида ўқиб қолдим. Бу усул мени қизиқтириб қўйди.

Келиб 11 кун даволандим.

Биринчидан, сочларимнинг тўкилиши тўхтади.

Иккинчидан, 180/110 бўлган қон босимим, 125/90га тушди.

Учинчидан, ҳожатга чиқишим меъёрга тушди.

Тўртинчидан, уйқум яхшиланди.

Бешинчидан, жигардаги кенгайиш кетиб, меъёрда ишлай бошлади.

Олтинчидан, жигарим сабаб бўйнимда пайдо бўлган палиплар тўкилди.

Еттинчидан, 10 килога оздим.

Саккизинчидан, бўйиндаги остеохондроз безовта қилмай қўйди.

Тўққизинчидан, юзимдаги доғлар кетди.

Ўнинчидан, бутун танимда енгиллик сездим, 25 ёшга яшардим.

Буларнинг барчаси Бердикул Жўрақулович ўзи тайёрлайдиган ажойиб малҳам туфайлидир.

Худо қувват берса профилактика учун ҳар йили бир марта келиб даволаниб кетмоқчиман. Албатта, энди ўзим билан барча яқинларимни ҳам олиб келаман.

Нима учун дунёнинг ҳар бурчидан шунча одамлар бу юртга талпинади? Яқшанба кунлари Самарқандни айландим. Қандай гўзал шаҳар. Қанчадан-қанча зиёратбоп қадамжолар, кишини ҳайратга соладиган бинолар бор. Наҳотки уларни инсонлар қурган бўлса!!!

Ҳаммага соғлиқ-саломатлик тилайман! Кўришгунча!

## **«22 НАБИРА, 7 ЧЕВАРАНИНГ БУВИСИМАН»**

**Манзурахон Юлдашева (Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳридан):**

— Мен 4 нафар фарзанднинг онаси, 22 набиранинг ва 7 нафар чеваранинг бувисиман. «Эргаш ота» клиникасига бу йил иккинчи бор келишим. Ўт қопи ва жигарни ёғ босгани, қон босими тинмай кўтарилганидан азият чекиб, Ўш шаҳри касалхоналарида тинимсиз даволанар эдим. Қон босимим нақд 35 йилдан буён шундай кўтарилар эди! Биринчи бор 2019 йилнинг мартада бу ерда даволаниб кетган кўёв болам ва қизим маслаҳати билан 8та малҳам ичиб даволандим. Шундан кейин ўзимдаги ўзгаришларни сеза бошладим: қон босимим ошиши камайди, ўзимни тетик ҳис қила бош-

ладим. Дугоналарим ҳам ёшарганим ҳақида айтишди, улар ҳам қизиқиб қолишди. Бу сафар, мана, дугоналарим билан 10 киши бўлиб келдик. Тўртинчи малҳамдан кейин ўт қопидан холестерин тошлари тушди.

### **«АҚТЎБЕДА БОРМАГАН КЛИНИКАМ ҚОЛМАГАНДИ»**

**Наталья Терентьева (Қозоғистон Республикаси Ақтўбе шаҳридан):**

- «Эргаш ота»га биринчи келишим. Ўн учта малҳам ичдим. Ичакларимдан шлаклар, қум ва билирубин тошлари тушди. Ақтўбеда бормаган клиникам, қидириб топмаган яхши врачлар қолмади, оғриқлар вақтинча тўхтар, бироз вақт ўтиб яна ҳаммаси бошидан бошланар эди. Шунинг учун бу клиника менинг сўнгги умидим эди! Бу ерда кўрган эътиборим, шифокоримиз Б.Эргашевнинг диққати, ҳар бир ишга синчиковлик билан ёндашиши менда чексиз миннатдорлик уйғотди.

### **«45 ЙИЛЛИК БЎҚОҚ, 17 ЙИЛЛИК АЛЛЕРГИЯ»**

**Сауле Шақкебаева (Қозоғистон Республикаси Чимкент шаҳридан, 1949 йилда туғилган):**

- Мен «Эргаш ота» клиникаси ҳақидаги китобни ўқидиму кўнглимда касалларимдан тузалишим учун ишонч пайдо бўлди. Бир ҳафтанинг ичидаёқ йўлга отландим. 10та малҳам ичдим. Менга ҳам йиллар, нотўғри турмуш тарзи касалликлар гулдастасини ҳадя қилган: 17 йиллик аллергия, 45 йиллик бўқоқ ва улар оқибатида пайдо бўлган яна бир қанча хасталиклар. Муолажа давомида ичим қандай қилиб шлаклар, гижжа, холестерин тошларидан тозаланаётганини ўз кўзларим билан кузатдим.

Фахрий профессор Бердикул Эргашевга каттадан-катта раҳмат айтаман. Унинг бу улкан меҳнати ва иродасини «қаҳрамонлик» сўзидан бошқаси билан тавсифлаб бўлмайди. Кунига шунча беморни ҳеч оғринмай қабул қилиш, уларнинг ҳаётига умид, ишонч бағишлаш... Замонамиз қаҳрамонлари шундай бўлади. Насиб қилса, кейинги сафар оила аъзоларим билан келаман ва ҳамма дардларимизни ташлаб кетамиз!

### **«САБР ҚИЛИБ ДАВОЛАНИНГ!»**

**Ойшахон Отахонова (Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридан):**

— Мен 24 йилдан бери шифокор бўлиб ишлаб келаман. Иккинчи фарзандим туғилгандан кейин сурункали бош оғриғи «мигрен» касаллигидан тез-тез даволаниб юрардим. Охирги пайтлар бош оғриғига қилаётган муолажаларим ҳам таъсир қилмай қолди. На ишимда, на юришимда ҳаловат, қизиқиш қолмади. Бир куни ҳамшира қизимиз «Эргаш ота» сиҳатгоҳида шифо топганини айтиб қолди.

2014 йили февралда у билан бирга сиҳатгоҳга келдик. Қабулда бош шифокор Бердикул Жўрақулович: «Келинг, доктор опа, сабр қилсангиз, фақат бош оғриғи эмас, оёқ-қўлларингизни оғритаётган тузларингиздан ҳам халос бўласиз», деди.

Учинчи малҳамни ичганимдан сўнг танамдаги оғриқларга чидолмасдан «кетаман»га тушдим. Шифокор қабулига бордим. «Сабр қилинг, опа», дея чиқариб юборди. Шундан сўнг сабр қилиб ўн кун малҳам ичдим.

Уйга борганимдан сўнг олти ой давомида бош оғриғини билмадим, дори дармон ичмадим. Буни кўриб, оиламдагилар олти ойдан кейин яна даволанишга юбо-

ришди. Мана, тўрт йил давомида дугоналарим билан келиб, малҳам ичиб, шифо топиб кетамиз. Оллоҳ йўлида беминнат хизмат қилиб, бутун дунё халқига шифо тарқатувчи шифокор Бердиқул Жўрақуловичга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

### **«ЎҒЛИМНИНГ КЎЗЛАРИ ҚИЗАРИБ, ҚИЧИШАРДИ»**

**Сожида Саидова (Бухоро вилояти Вобкент туманидан, 27 ёшда):**

—Биринчи марта 2009 йили гепатит хасталиги асоратларини даволаш учун келганман. Бир ой давомида малҳам ичиб, ўзимда яхши ўзгаришлар сезганман. Ўтдаги тошлар, жигардаги холестерин, қуртлар тушганди. Ҳозир учинчи марта келишим. Аёллар хасталигидан мастопатия тугунчалари бор эди. 22 кун давомида малҳам ичдим. Текширттирдим. Тугунчалар йўқолибди. Соғлигимда яхши ўзгаришлар бўлди.

Бу гал 5 ёшли ўғлимни ҳам олиб келдим. Унинг кўзлари қизариб тинимсиз қичишарди, кўп докторларга олиб бордим, фойдаси бўлмади. Бу ерда 15 кун давомида ўғлимдан ҳам қурт пардалари ва тошлар тушди. Кўзларининг қизиллиги кетиб, ранги тиниқлашиб, соғайиб қолди. Бердиқул Жўрақуловичга катта раҳматлар айтаман!

### **«БИР НЕЧА ХАСТАЛИҚДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Раъно Саидова (Бухоро вилояти Бухоро шаҳридан, 1960 йилда туғилган):**

- 2018 йилда қаттиқ қоқилиб йиқилдим. Оёғим оғриб қолди. Касалхоналар, у ердаги аппаратларда текширишлар аниқ жавобни бермадиям, тузалмадим ҳам.

Авлодимизда «шикастабанд»лар, яъни ортопедлар бор. Улардан бири ҳозир эскича усулда даволайди. Унга ҳам мурожаат қилдим. Озроқ фойдаси бўлди, лекин...

Қизим билан маслаҳатлашиб «Эргаш ота» шифохонасига келиб, даволанишни бошладим. Икки йил давомидаги хулосам шуки, бир касаллик билан келиб, бир неча хасталиклардан халос бўлдим. Ўт халтамдан тошлар тушди, буйрак ва сийдик йўлларида кум, тузлар тушди. Қорнимдаги ва юзимдаги шишлар қайтди. Ўзимни яхши ҳим қилмоқдаман.

Набирам иштаҳаси йўқ, озиб, букилиб қолган эди. Биринчи йил даволанганидан сўнг овқат ея бошлади. Ўзига келиб, ёшига яраша семирди. Шундан кейин бошқа набираларимни ҳам олиб келиб, гижжаларидан халос қилдик.

Шу боис бош шифокор Бердиқул Эргашевга оиламиз номидан миннатдорлик билдираман.

### **«ҚЎЛИМ ҚОРАЙИБ ҚОЛАРДИ»**

**Турсуной Сангинова (Сирдарё шаҳридан, 1956 йилда туғилган):**

- Бундан 24 йил аввал қаттиқ касал бўлиб қолдим. Саккиз йил роҳат нималигини билмадим. На кечаси ва на кундузи уйқумда ҳаловат йўқ эди. Ухлай олмасдим. Бормаган шифокорим, шифохоналар қолмади. Яшашдан умид йўқолди, ҳатто, ўлимлигимни ҳам ҳозирлаб қўйгандим.

Шундай бемаъно кунларнинг бирида синглим Каттақўрғонда даволаш маскани борлиги ҳақида айтиб қолди. «Эргаш ота» клиникасига келиб, юзларидан нур ёғилиб турган шифокор йигитга рўпара бўлдим.

Малҳамни икки маҳаллаб ичган кунларим бўлди. Ниҳоят мени 8 йил ухлатмаган қиррали тошим тушди. Сиз ишонмассиз, шундан сўнг мириқиб ухлайдиган бўлдим. Юрак уришларим меъёрга тушди. Қисқаси, янги туғилгандек бўлдим.

2008 йилда йиқилиб, қўлим синди. Табиийки, даволандим. Битгандек бўлдию лекин қўлимни пастга туширсам нима сабабдандир қўлим қорайиб кетадиган бўлди. Кўп-кўп травматологларга кўрсатдим, табиблар ҳам қолмади. Тузалмади-тузалмади-да...

Шунда Бердиқулжон укамга бориб малҳамини ичмасам бўлмайди, шекилли, дея «Эргаш ота»га келдим. Ишонасизми, малҳам ичгандан кейин қўлим тузалиб кетди.

Шундан кейин бутун таниш-билишларимни шу ерга олиб келадиган бўлдим. Қизимда жуда кучли кекириш бор эди. Малҳам ичгач тошлари тушиб, тузалиб кетди. Оллоҳга шукур!

Шу малҳамни 16 йилдан буён ичаман, унинг соясида шу ўтган фурсатда бирор марта ҳам укол ёки таблетка истеъмол қилмаганимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Кундузни кундуз, кечни кеча демай хизмат қилаётган шифокор укамизга ўхшаган иймони пок, халқнинг дарди билан яшайдиган инсонларимиз қўпайсин!

### **«АЛЛЕРГИЯДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»**

**Дилбар Маллаева (Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридан):**

— Мен 2002 йилдан бери аллергия, бронхиал астма, қон босими ошиши, юрак хасталиги, баданимда туз кўпчилиги, 3-даражали семизлик, оёқ-қўлларим бўғинларининг оғриши билан қийналиб келардим. Ҳар йили Тошкент-

даги касалхоналарда даволанардим. Ҳеч натижа чиқмади. 2015 йили март ойида мени опам «Эргаш ота» хусусий касалхонасига оғир аҳволда олиб келди. Бердиқул Жўрақулович мени кўриб: «Опа, ҳар олти ойда тўрт марта келсангиз, зўр бўлиб кетасиз», деди.

Биринчи ичган кунимоқ малҳам ўз кучини кўрсатди. Мазам бўлмай, уйга қайтмоқчи бўлдим. Доктор сабр қилишимни айтди. Оллоҳга шукр, у киши мени яна ҳаётга қайтарди, десам ҳам бўлади.

Яна бу ерда МРТ, УЗИ, рентген текширишларини ўтказиб, даволашни давом эттирмоқдаман. Малҳам билан бир вақтда турли массаж ва муолажа аппаратларида даволандим. Мана, бу сафар 2017 йил 18 октябрда келиб, 20 кун ётиб, 17 та малҳам ичиб, ички аъзоларимни тозалаб кетяпман. Оллоҳга шукр барча хасталиклардан халос бўлдим. Шифокоримизга минг ташаккур!

### **«ТҶРТ ДАРДИМГА КОМПЛЕКС ДАВО ТОПДИМ»**

**Зиёдҷон Умуртоев (Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидан, 1960 йилда туғилган):**



- «Эргаш ота» шифохонасига биринчи бора 2011 йили келганман. Касалим бир эмас, бир нечта эди. Касалликларнинг эса тарихи узун.

1986 йили офтоб уришидан қаттиқ бетоб бўлиб қолдим. Иситмам кўтарилиб, бир томондан қусиш, иккинчи томондан ич кетиш, қаттиқ бош рғриғи билан кечди. Даволандим, касаллик анча

чекинди. Ҳаммаси жойига тушдию бошдаги оғриқ бош-оғригимга айланди. Узоқ йиллар даволаниб юрдим. Охир-оқибат врачлар «мигрен» дея ташхис қўйиб, тузатишга ҳаракат қилдилар. Лекин бу оғриқ гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб «Эргаш ота»ни топиб келгунимча нақ 25 йил давом этди. Бу вақт ичида дардимга бел оғриғи, кейин оёқ оғриғи, қўшилди, аввал ишлолмай, кейин юролмай қолдим. Қўлтиқтаёқда қийналиб юра бошладим. Оқибат МРТ аппарати 11, 8, 5 миллиметрли 3та грижам борлиги аниқлади. Уйқуда ҳаловат йўқолди. 2005 йилда қаердандир гепатитнинг «В» шаклига йўлиқдим. Бу касалликка қарши 2 йил даволандим. Шундай кунларнинг биридаги текширувда чап буйрак устида киста борлиги аниқланди. Яна даволашга тутиндим.

Шу зайлда 2010 йили телевизорда «Эргаш ота» шифохонаси ҳақидаги кўрсатувни кўриб қолдим.

Жорий келишим — еттинчиси! Касалликларнинг бариси йўқолди. Бош оғриғидан қутулганимга, умуртқа грижасининг азобларидан, жигаримнинг жизиллашидан, жиғилдонимнинг ёқимсиз қайнашидан озод бўлганимга Оллоҳга шукрлар қиламан. Бир гап билан айтганда, тўрт дардимга бир йўла комплекс даво топдим. Ҳозирда эл қатори ишлаб юрибман. Шифокоримизга мингдан минг раҳматлар айтаман!

Китобхонларга айтарим, агар сиз хасталаниб юрган бўлсангиз, соғлигингизга бепарво бўлмасангиз «Эргаш ота»га келинг, соғлигингизни тикланг! Шунда ҳаётнинг барча чиройли рангларини кўришга муяссар бўласиз, иншооллоҳ!

## «РЕВМАТИЗМ ВА БОШҚА ХАСТАЛИКЛАРДАН ХАЛОС БЎЛДИМ»

**София Жабборова (Самарқанд тумани Гулобод маҳалласидан, 65 ёшда):**

— Менинг касаллигим 1970 йили томоғим оғришдан бошланганди. Анча йил даволаниб юрдим, кейин ревматизм эканлиги маълум бўлди. Йигирма ёшимда турмушга чиққанимдан кейин икки фарзандим тарбияси билан бўлиб, соғлигимга эътибор қаратолмадим. Натижада хасталаниб қолдим.

Шифокорлар юрагимда катта ўзгариш ва кучли анемия касаллиги борлигини айтишди. Менга «Ревматизм активный фаза, порок сердца I-II- степени с пребретании стеноза» деган ташхис қўйишди. Шу ташхис билан даволаниб юрдим.

1998 йили май ойида Каттакўрғон шаҳридаги «Эргаш ота» хусусий шифохонасини қудамдан эшитиб, бу ерга янгам билан бирга келдим. 17 малҳамдан кейин янгамдан жигар капалаги тушди. Бир ой даволаниш вақтида ўзимни енгил ҳис қила бошладим. Келган вақтимда жигарим шишгандай, қорним дамлаб тургандай эди, ўт пафагимда ҳам муаммо бор эди. Шу касалликларга қарши малҳам билан даволаниб, соғайиб уйга кетдим.

Яна 2002 йилда ўзимда ҳолсизлик сезгач, тўппатўғри шу масканга келиб, даволаниб қайтдим.

2006 — 2014 йиллар давомидаги малҳамлар эса соғлигим бутунлай тиклади. Мана, профилактика учун яна келдим. Организмимни тозалаб, соғайиб кетмоқдаман. Мен шифокор Бердиқул Жўрақуловичга ўз оилам, қўшниларим, қариндошларим номидан чуқур миннатдорлик билдираман. У киши ҳаммамизнинг халоскор-шифокоримизга айланган. Соғ-саломат бўлсинлар!

## «ЎН ҚАДАМ ЮРСАМ ОҒРИҚДАН ТЎХТАБ ҚОЛАРДИМ»

**Шозода Ироқова (Қашқадарё вилояти Косон шаҳридан, 1966 йилда туғилган):**

— Мен беш нафар фарзанднинг онасиман. 2005—2009 йиллари турли дардлар билан курашиб келдим. Юрагим оғриб, приступ берарди. Кўкрагимда без пайдо бўлганди. Бошим кучли оғрирди. Жигар, буйрак, ўтим безовта қиларди. Белимда кучли оғриқ бўлиб, ўн қадам юрсам, оғриқдан тўхтаб дам олардим. Ҳар тўрт-беш ойда даволанардим.

2009 йили Каттақўрғонда бир профессор очлик билан даволар экан, деб эшитдим. Икки фарзандим билан «Эргаш ота» шифохонасига келдим. Дарвозадан кириб, манзарани кўриб баҳри дилим очилди. Арчалар таратаётган кислород, фонтандан отилиб тушаётган сув, атиргуллар, ҳовлининг тозалиги, фонтан атрофидаги скамейкада чақ-чақлашиб ўтирган беморларни кўриб, юрагимда умид пайдо бўлди. Мен ҳам дардимга шифо топармиканман, деб энтикиб кетдим. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсин, Оллоҳнинг назари тушган масканда укамиз Бердиқулжоннинг ширин сўзию шифобахш малҳамидан барча дардларимга даво топдим.

2009 йилдан бери 11-мартга бу ерга даволанишга келишим. Бу фурсатда бирорта укол, таблетка қабул қилганим йўқ. Ҳар сафар келганимда фарзандларимни ҳам олиб келаман. Қариндошларим ҳам бирин-кетин келиб кетишмоқда.

Бу азиз инсонни фақат Ўзбекистондагина эмас, чет мамлакатларда ҳам яхши билишади. Бердиқулжонга узоқ умр тилаймиз. Оллоҳ ҳамиша ёр бўлсин.

## «ОҒЗИМДАН ЯРАЛАР ЧИҚАРДИ»

**Сабоҳат Даминова (Самарқанд вилояти Нарпай туманидан, 1979 йилда туғилган):**

— Мен 2003 йили фарзандим вафотидан кейин кўп касалликларга дучор бўлдим. Оғзимда яралар пайдо бўлди. Қорним очганини ҳам сезмай қолдим. Оғзимга сув солсам ҳам кучли оғриқ бериб, иссиққа ҳам, совуққа ҳам зирқирайдиган бўлиб қолди. Кўп докторларга бордим. Суртмаган дорим қолмади. Самарқандга Жабборов деган профессор қабулида бўлдим. Даволаниш учун 2 миллион сўм кераклиги маълум бўлгач, қурбимиз етмаслиги сабаб уйга қайтишда «Эргаш ота»га кирдик. Бердиқул ака қонимда гемоглобин 40га тушиб қолгани учун қабул қилмади. «Гемоглобинни кўтариб кейин олиб келинглар», деди.

Икки ойдан сўнг 70 гемоглобин билан яна келдим. Оғзимдаги яралар ҳали ҳам тузалгани йўқ эди. Бердиқул аканинг малҳамлари, гиёҳлари таъсирида оғзимдаги яралардан асар ҳам қолмади. Шундан кейин умуман оғзимдан яра чиқмади. Гемоглобиним ҳам 90 дан тушгани йўқ. Бир йил ўтказиб яна келдим.

2010 йилда ўғлимни ҳам олиб келдим. Лямбляси бор эди. Бу ердан бориб текширттирдик, у ҳам гижжалардан халос бўлибди.

Мана, бу сафар иккала қизимни ҳам олиб келдим. Гижжаси бор, кўзининг зренияси тушиб кетяпти. Ҳозирда ҳеч қандай касалим йўқ. Ҳатто қишда грипп ҳам бўлмайман. Шунча беморларни дунёга қайта туғилгандай соғайтириб юбораётган Бердиқул аканинг умри узун бўлсин, фарзандларининг роҳатини кўрсин.

## «ИНФАРКТ ЎТКАЗИБСИЗ, ДЕЙИШГАНДИ»

**Тоғайназар Ғойиров (Самарқанд вилояти  
Иштихон туманидан, 1939 йилда туғилган):**

- Ёмон одатим бор эди —  
ишим кўпайиб, чарчаганимда нос  
ва папирос чекиб турардим.

2013 йилга келиб шу одатла-  
римдан халос бўлишни мақсад  
қилдим. Воз кечишга кечдим, ле-  
кин бу мен учун жуда қийин кеч-  
ди. Ўзимни ёмон ҳис қила бош-  
ладим. Негадир тез-тез турли  
хасталикларга учрай бошладим.



Юрак нотинч, тунни билан уйқу келмайди, ваҳима, кўрқув,  
ҳадиксираш кўнгилга ҳукмрон бўлди, юриб тонг орт-  
тирадиган бўлиб қолдим.

2014 йилги врачлар кўриги «асаб бузилиши, юрак  
уриши яхшимас» сингари гаплар ва даволанишим  
шартлиги билан яқун топди. Самарқанд вилоят касал-  
хоналарида бир неча бор даволандим. Бўлмади. Кей-  
ин фарзандларим Тошкентга олиб бориб, врачларнинг  
мукамал кўригидан ўтказишди. Улар «инфаркт ўтка-  
зибсиз», дейишди. Даволандим ўша касалхонада.  
Муддати тугагач ўзимни бир оз енгил ҳис қилдим,  
лекин бир ойдан сўнг яна шу ҳолга қайтдим. Эскича-  
сини ҳам қилиб кўрдик. Натижа йўқ. Ҳолим қуриб,  
уйимиздаги зинапоядан ҳам чиқиб-тушолмай қолдим.

2015 йил апрелда «Эргаш ота»га келдим. Учинчи малҳамдан сўнг ўзгариш сеза бошладим. Енгиллашиб, бемалол юрадиган бўлдим. Малҳамдан кейин майда тошча ва қум туша бошлади. Тиниқиб ухлай бошладим. «Қовуқ хасталиги» ҳам бор эди, енгиллашди. Хуллас, ўн кунда қайта туғилгандек бўлдим.

2018 йилда тўртинчи бор келишим. Аёлимнинг тиззасини туз қоплаб, неча йиллардан буён юришга қийналарди. Самарқанду Тошкентнинг докторларига кўп бора кўрсатдик. Улар икки оёқни операция қиламиз, аллақандай суюқлик юборамиз дейишди. Рози бўлмадим ва уни ҳам олиб келдим. 2017-18 йиллардаги малҳаму муолажалардан кейин у ҳам бу дарддан фориғ бўлди.

Бердиқулжон шифокоримизни дуо қилиб юрибмиз!

## **«ҚАБУЛГА КИРИШ УЧУН 275-НАВБАТГА ТУРГАНМАН»**

**Ислом Ражабов (Бухоро вилояти Вобкент туманидан, 1957 йили туғилган):**

— Мен 2016 йили соғлигим ёмонлашиб, ётиб қолдим. Бир куни туш кўрдим. Тушимда бир пиёла сут тўкилиб кетди. Бир одам сутни олиб менга ичирди. Ичмайман, десам, «Ич, яхши бўласан», деди. Сутни ичиб роҳат қилдим. Уйғонсам тушим экан. Икки кун ўтгач, ўғлимнинг шогирди келиб, «Эргаш ота» хусусий тиббий марказига боришимни тавсия қилди. «Менинг қорним оғрир эди, 8та малҳам ичиб қочиб келдим, лекин яхши бўлдим. Шундан бери ҳеч қаерим оғримайди», деди у.

Мен Барақаев Назар ҳожи бобо билан бирга «Эргаш ота»га келиб, доктор қабулига кириш учун 275 навбатга турдим. Доктор қабулига кириб, не кўз билан

кўрай, тушимда менга сут ичирган одам ўтирибди. Мен тушимни ҳожи бобога айтиб бердим.

Лекин доктор мени олиб қололмаслигини айтди. Ҳожи бобо ўртага тушиб, докторни кўндирди. Доктор мени ёқтирмади, деб ўйлаб, уйга кетмоқчи бўлдим. Ҳожи бобо: «Бу одам уч марта ҳажга борган, кетмасдан ихлос билан даволан», деди.

Ўн коса малҳам ичганимдан кейин ҳожатга ўзим борадиган бўлдим (ҳожатга боролмай қолгандим). 13 малҳамни ичганимдан кейин 3 км юрадиган бўлдим. 24 малҳамни ичиб 7 км юрадиган бўлдим. 26 кундан кейин уйга кетдим.

2017 йили яна тушимга шифокор кириб: «Келмайсанми», деди. Шу билан февраль ойида келиб 10та малҳам ичиб кетдим. Соғлигим яхшиланди. Илгари Бухорода докторга борганимда «жигарингда туғма тугун бор», деган эди. Кўкрагим ҳам оғрир, юрсам, нафасим сиқиб қоларди. Худога шукр, ҳозир Бердиқулжоннинг шарофати билан соппа-соғ юрибман. Ўзбекистонимиз халқи учун илоҳим узоқ умр кўриб, набира-абираларининг ҳам ҳузурини кўриб юрсин.

## **«ОЁҚ ВА БЕЛ ОҒРИҒИ САБАБ КЕЛГАНМАН»**

**Шоҳиста Бахтиёрова (Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридан):**

- «Эргаш ота» шифохонасига оёқ ва бел оғриғи сабаб келганман. Даволаниш жараёнида оёқ ва белдаги оғриқлардан халос бўлдим. Ортиқча ёғлардан қутулиб, 9 килога оздим. Енгилгина бўлиб уйга қайтаяпман.

Шифокорим Бердиқул Жўрақуловичга миннатдорлик билдираман!

## «ДУНЁДА ЯГОНА ДАВОЛАШ МАСКАНИ»

**Назор Аллоҳ Назор (Голландияда давлатидан,  
1960 йилда туғилган):**

— Мен Ўзбекистонга, хусусан, Самарқанднинг «Эргаш ота»сига келганимдан жуда хурсандман. Организмим тозаланди, руҳан енгил бўлдим. Мен кўп жойларда, кўп даволаш марказларида бўлганман. Европада, жумладан Германияда даволанганман, Туркияда дам олганман. Лекин ҳеч қаерда бундай мукамал тозаланмаганман, наф кўрган эмасман. 18 яшардек чиройли, тоза, соғлом бўлиб уйга кетяпман. Докторнинг ҳаққига дуо қиламан!

## «ГРИЖАМНИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ АЙТИШДИ»

**Марҳабо Каримова (Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан):**

— Мен тўрт фарзанднинг онасиман. Мени машина туртиб юборгандан кейин белимда грижа, оёқ оғриғидан азоб чекадиган бўлдим. Оғриқ бутун танамга кўчди. Ревматизм, бруцелёзга қайта-қайта анализ топширдим. Доим тоза чиқарди. Тошкент, Самарқандда даволандим, ҳар уч ойда блокада олдим. Турмуш ўртоғим мени «Бионур» клиникасига олиб борди. Текширишлардан сўнг грижамни операция қилиш кераклигини айтишди. Юришга қийналиб, қўл-оёқларим ҳаракати ҳам секинлашиб бораётган эди.

2014 йили 6 декабрда отам, хўжайиним билан «Бионур»га кетаётган эдик. Мен «Эргаш ота»га бо-

раман деб туриб олдим. «Эргаш ота»да тузларни эри-  
тиб, туширармиш, деб эшитган эдим. Отам: «Сен яхши  
юролмасанг, очликка қандай чидайсан?»», деди. Қатъий  
туриб олдим. «Эргаш ота»га келиб Бердиқул акани  
қўрганимда «Шу одам мени даволайди», деб қатъий  
ишондим. Бердиқул ака ҳаддан ташқари туз қўплиги-  
ни, гиёҳ ичиб 40 кундан кейин келишимни айтди. Док-  
тордан мени даволаниш учун олиб қолишини илти-  
мос қилдим. Бердиқул ака: «Сабрингиз етадими?» деб  
сўрадилар. Мен ихлос билан даволанишни бошладим.  
2-малҳамни ичганимдан кейин тош тушди. 6-мал-  
ҳамни ичганимдан кейин ҳамма ёғим оғриб, терга бо-  
тиб, безовта бўлдим. Тунги соат 2 да қаттиқ оғриқдан  
залга тушиб ўтирдим. Ўша куни буйрақдан қўп қум, ўт  
қопидан тошлар тушди.

Мен ҳамроҳларим қатори енгил юра бошладим.  
«Яхши юриб қолибсиз», дейишди. 18 кун даволаниб  
қушдек енгил бўлиб уйга кетдим. Уйда ҳам парҳезга  
риоя қилдим.

2016 йили 2 сентябрда Биринчи Президентимиз  
вафотини эшитиб, негадир кўксимда оғриқ турди. Тош-  
кентда «Кардиосервис»да текширишганда юрагим  
соғлом эканини айтишди. Дори-дармонлар ёзиб бе-  
ришди. Оғриқ кетмади. Кейин яна Каттақўрғонга кел-  
дим. Худога шукр, малҳамлар истеъмоли натижасида  
кўксимдаги оғриқлар кетди.

Бердиқул ака кечаю кундуз беморлар билан бирга.  
Худо қувват берсин! Шундай шароитлар яратиб бер-  
гани учун, ширин сўзи учун у кишига раҳмат айтаман.

## **«БОШ ОҒРИҒИ, ЖИГАР, ЎТ ҚОПИ, ОШҚОЗОН КАСАЛЛИКЛАРИДАН АЗИЯТ ЧЕККАНМАН»**

**Гулбаҳор Шамсиддинова (Қашқадарё вилоя-  
тидан):**

— Мен Қашқадарё вилоятининг Туябоши қишло-  
ғида яшайман. Беш нафар фарзандим бор. Олти йил-  
дан буён бош оғриқ, ошқозон, жигар, ўт қопи касалли-  
гидан азият чекардим. Тошкент, Шаҳрисабз, Китоб  
касалхоналарида даволаниб чиқдим. Лекин даво топ-  
мадим.

Қишлоғимиздан бир киши «Эргаш ота» клиника-  
сида даволаниб чиққан экан. Унинг тавсияси билан  
биринчи марта 2009 йили 15 кун даволаниб кетдим.

Турмуш ўртоғим хасталаниб қолгани учун у билан  
овора бўлиб ўзимга қарай олмадим. Турмуш ўртоғим  
ичак онкологик касаллигидан вафот этди.

Иккинчи марта 2017 йили яна «Эргаш ота»га кел-  
дим. УЗИ аппаратида миома борлигини аниқлашди.  
Даволаниш мобайнида 5 кун кучли оғриқ бўлди. Мен  
бу оғриқни табиий, деб қабул қилдим. 7-куни жигар-  
дан рак пардалари тушди. Ўзим билмаган ҳолда катта  
хавфдан қутулдим. Мунтазам даволанишга ҳаракат  
қиламан энди. Мен ҳар намозимда Оллоҳдан ўзим,  
оилам учун сўраганимдек, Бердиқул Жўрақулович учун  
ҳам узоқ умр сўрайман.

## **«ДАВО ИЗЛАБ ЭРОНГА БОРГАНМАН, ЛЕКИН...»**

**Ражабгул Абдуллаева (Туркменистон Респуб-  
ликаси, Тошҳовуз шаҳридан):**

— Мен ўн йилдан буён ўз юртимда ётмаган ка-  
салхонам қолмади. Ҳатто Эрон давлатига бориб,

дардимга даво излаб кўрдим. Барча докторлар тиз-замни операция қилиш кераклигини айтишди. Лекин натижаси қандай бўлишини билмаганимдан бунга рози бўлмадим. Оёқларим қаттиқ оғрир, юрсам тош осиб қўйилгандек бўларди. Худойим бир мўъжиза кўрсатсаю дардимга даво топилса эди, деб юрардим.

Илтижоларим Оллоҳга етиб, мени Бердиқул Жўракуловичга учраштирди. Бу инсонни таърифлашга тилим ожиз. Унинг ҳузурига ҳолсиз, юрагим қаттиқ уриб кирганман. «Сабр қилинг, онажон, Худо хоҳласа, ҳамма дарддан қутуласиз», деди. Ҳар бир беморга ўз қўли билан малҳам ичириши, дуо қилиб Оллоҳдан шифо сўрашининг ўзи катта куч талаб қилади. Не қўз билан кўрдимки, приступ бериб, ўтимдан тошлар туша бошлади. Олти кун давомида ҳар хил тошлар тушди. Қўрқиб кетдим, шунча тош қаеримга сиққан экан, деб. Худога шукр, оёқларимдан оғриқ кетиб, яхши юра бошладим. Йиғлаб келиб, кулиб кетдим. Бу ерга келиб «сабрнинг таги сариқ олтин», деган гапга ишондим. Полиартрит касаллиги билан кўтариб келишган беморнинг ҳам юриб чиқиб кетганини кўрдим. Турмуш ўртоғим, ўғлим Мансурбек ҳам келишди. Улардан ҳам кўп тошлар тушди. Соғликлари тикланди. Шу боис, оилам номидан шифокоримиз Бердиқулжонга катта раҳмат айтаман. Агар менга қўйиб берсалар, у кишига Нобель мукофотини берган бўлардим.

Азизлар, ҳеч иккиланмай шу мўъжизакор масканга келиб, даволанинглар, албатта, дардингизга даво топасиз.

## «ОЁҚЛАРИМ ШИШАР, ТОМИРЛАРИМ ЁРИЛИБ, КЎКАРИБ ҚОЛАРДИ»

**Гулчеҳра Сабирова (Хоразм вилояти Янгиариқ туманидан, 1962 йилда туғилган):**

— Мен ўзим ҳам тиббиёт соҳасида ишлаганман ва эрим ҳам шифокор бўлиб ишлайди. Ўшанда бир неча хил — белимда диск чурраси, остеохондроз, бош шамоллаши, жигарим ва ўт қопимда ҳам касалликларим бор эди. Вилоят шифохонасида узоқ вақт даволанганман. Тошкентдаги «Турон» санаториясига ҳам неча бор шифо излаб борганман. Аммо ҳар гал касалим қайталанаверар эди. Куним фақат укол-дорига қараб қолганди. Оёқларим шишарди, оёқ томирларим ёрилиб, кўкариб қоларди. Шундай пайтларда юришга жуда қийналардим.

«Эргаш ота» масканига 2010 йилнинг апрель ойида келганман. Ҳурматли докторимиз менга самимий, яхши гапириб, «худо хоҳласа ҳамма дардларингиздан халос бўласиз, фақат сабр қиласиз», деди. Оллоҳга шукр, анча енгиллашиб қолдим. Бир гал келганимда бошимда оғриқ кучли эди. Доктор менга 26та малҳам буюрди, 32 кун ётиб 28та малҳам ичдим ва шундан кейин бундай оғриқлар қайталамади. Буйрақларимда пиелонефритим бор эди. Доктор «буйрақларингизга тузлар йиғилиб қолган, 18та малҳам ичасиз», деди, айтганини бажардим, буйрагим ҳам ҳозир безовта қилмайди.

Биринчи келганимда ҳаётга бўлган қизиқишим ҳам сўниб қолган, тушкун аҳволда эдим. Докторнинг далдаси, ширин муомаласи, берган малҳамлари билан ҳаётга қайтгандай бўлганман. Мана ҳозир соппа-соғман, фарзандларим ва турмуш ўртоғим билан бахтли ҳаёт кечиряпман. Мен Бердиқул Эргашевдан умрим охиригача миннатдорман.

## «БЕМАЛОЛ ВЕЛОСИПЕД ҲАЙДАЙДИГАН БЎЛДИМ»

**Зайниддин Тўраев (Бухоро вилояти Бухоро туманидан, 1962 йилда туғилган):**

— 2015 йили оёқларим ўз-ўзидан қотиб, юролмаي қолдим. Ўша йили декабрь ойида Бухорода касалхонага бориб 20 кун даволандим, лекин ҳеч қандай фойда кўрмадим. 2016 йил Россия давлатининг Саратов вилояти касалхонаси врачлари текшириб, операция қилмаиз дейишди, рози бўлмадим.

Ўзбекистонга қайтиб, 2016 йил 22 февраль ойида «Эргаш ота» хусусий тиббий марказга даволанишга келдим. Саккизинчи малҳамдан кейин фойдасини сезилди — юра бошладим. Қисқаси, шифохонадан ўз оёқларим билан юриб чиқиб кетдим. Шу-шу мунтазам келиб даволанадиган бўлдим. 2017 йил январь ойидаги 15 кунлик малҳам истеъмолидан кейин, уйдаги ҳамма ишларни қиладиган, ҳатто, бемалол велосипед ҳайдаб юрадиган бўлдим.

Инсон соғлиги ҳақида касал бўмасдан олдин ўйлаши керак экан, касал одамнинг ҳеч кимга кераги бўлмай қоларкан. Оллоҳга шукрки, «Эргаш ота» тиббий марказидан дардимга шифо топдим.

2017 йил 12 декабрда келиб даволанишим ўзимни янада яхши ҳис қилиб, кайфиятларимни аъло даражада кўтарди.

Мана шу масканда даволанётган барча касаллар ҳам соғайиб чиқиб кетишини тилайман.

## «ОЗГИН ЎГЛИМ, РИВОЖЛАНИБ КЕТДИ»

**Моҳира Баҳриддинова (Тошкент шахридан):**

- Мен «Эргаш ота» масканига 2015 йилда жигар, ўт, буйрак, қон босими хасталиклари сабаб келганман.

Бу касалликлар мени кўп йиллар давомида қийнаб келар эди, еган овқатим ҳазм бўлмасди, бунинг учун мунтазам дори ичиб юардим.

Қисқаси, бу ерга келиб биттамас, бир неча касалликка даво топдим. Бир йил давомида умуман дори-укол олмадим, қон босимим ҳам кўтарилмади. Шундан буён ҳар йили даволаниш учун келиб тураман.

Тўққиз яшар ўғлимни Тошкентнинг манаман деган докторларига олиб борганман. Уларнинг укол-дориси, давосига қарамасдан қорни, ошқозонидаги овриқ кетмасди. Боласи азоб чекканини кўрган қайси она тинч яшай олади. Ўзим тузалгач, уни ҳам бу масканга олиб келдим. Ўғлим ҳам шифо топди. Яна бир жиҳат — у жуда озғин эди, энди эса анча эт тўплаб, ривожланиб кетди. Бир маротаба келиб шифо топганидан мен жуда ҳам хурсандман.

Бу ерда бизга хизмат қилган ҳамма-ҳаммага мингдан минг раҳмат! Бердиқул Жўрақуловичга эса оилам номидан чуқур миннатдорлигимни билдираман. Бу улуг инсонни Оллоҳ қўлласин!

## БИР ЖУФТ ЭЪТИРОФ

**Сиркбай Евенеев ва Татьяна Евенеева (Қозон Республикаси Уралск шаҳридан):**

— Бизда жигарнинг ёғ босиши, қўлларда экзема, ортиқча вазн, семизлик, ошқозон ости безида овриқ бор эди. 12та малҳамда қўлларимиз тоза бўлди! Ортиқча вазн камайди. Саноқсиз тошлар тушди! Танамизда ўзгача енгиллик сезяпмиз!

Бош шифокоримизга, ўта мулоим, масъулиятли шифохона ходимларига доимий эътибор учун, массажчиларга меҳрли қўллари учун каттадан-катта раҳмат айтамыз. Соғ бўлишсин!

Ўн учинчи бўлим  
**ШЕЪРГА КЎЧГАН  
ИЗҲОРЛАР**

Гавҳар Ибодуллаева

## ХАЛОСКОР

Не бахт, юрт бошига ташвиш тушганда,  
Юкнинг оғирини эрлар кўтаргай,  
Дард ҳам Яратганнинг бир синовидир,  
Дилида иймони борлар кўтаргай.

Бир замон Чингиздек бало кўпганда,  
Камарбаста бўлиб элнинг корига.  
Қўлда шамшир ила мард Жалолиддин,  
Айланди башарнинг халоскорига.

Дард-ла олишмоқ ҳам мисли жанг-жадал,  
Сабру матонатинг тиклар қаддингни.  
«Эргаш ота» ҳақда хаёл сурганда,  
Мен ўйлайвераман Жалолиддинни.

Самарқанд, Самарқанд, Илоҳдан инъом,  
Темурлар тиг тутиб тиклаган маъво.  
Олис Ҳиндистонда, доғи-ҳижронда,  
Бобурлар қон ютиб тиланган даво.

Тарих филдираги айланиб яна,  
Муъжиза бахш этмиш бу хуш маконга.  
Кимки хаста жонга малҳам истаса,  
Бугун бош урмоқда Каттақўрғонга.

Гулу гулзор юртим, чаман — боғ юртим,  
Ям-яшил бағриндан чиқди бир ўғлон.

Ҳар бир гиёҳингдан минг ҳикмат уқиб,  
Миллионлар дардига бўлмоқда дармон.

Замондош! Аввало дил губорин юв,  
Кўксингдан чўкинди ҳасадни кўчир!  
То бунда Бердиқул шифокор бордир -  
Жисмингда не дард бор, барини ўчир.

Мудом омон юргин Ернинг устинда,  
Шодликларни симир, нафсни нари сур.  
Ғанимат умрингнинг ҳар бир кунинда,  
Тенгсиз халоскоринг дуо қилиб тур!

## НАЖОТ

Дард вужудим эзганда,  
Халоватим бузганда,  
Дунёлар ҳам тор келди,  
Соғлик қадрин сезганда.

Қайда нажот бор дедим,  
Бир давога зор эдим.  
Умид қилдим, Худодан  
Гар нолисам ор дедим.

Излаганга толе ёр,  
«Эргаш ота» - маскан бор,  
Бунда сабр-матонат,  
Ошнолари бўлмас хор.

Шифои комил бўлди,  
Куним кетмас бесамар,  
Осмон асли ойдинмас  
Билдим бешамс, беқамар.

Замзамга етгунимча,  
Ичиб турай малҳамни,  
Эски бод, иллатлардан,  
Фориғ этсин танамни!

Хайринисо Эргашева

## ЎЗИНГИЗГА РАҲМ ҚИЛИНГ

Эргаш ота тиббий марказ, келинг кўринг.  
Оилангиз бахтига тек, соғлом юринг.  
Бунда табиб Луқмон каби, огоҳ бўлинг.  
Ҳар замон бир, ўзингизга раҳм қилинг.

Малҳам мисли Кавсар каби, қувват берар.  
Танангиздан бор оғриғу, тошни терар.  
Минг мақтамай, ҳақиқатни келган кўрар.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

Ҳамширалар тилларида шаккару бол.  
Кўзларида юлдуз чақнар, лаблари ол.  
Меҳр берар, такрор-такрор сўрайди ҳол.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

Қоматингиз уч ҳафтада чирой очар.  
Тиниқлашган ёноғингиз нурлар сочар.  
Холестерин ёғлар эриб, мутлоқ кўчар.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

Бундай фарзанд ўстирган ул ота бахтли.  
Дунёларга келтирган ул она бахтли.  
Ҳар қанчалик фаҳр қилса арзир, ҳақли.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

Соғлом танда соғлом ақл билинг диндош.  
Ҳар миллатдан сероб бемор, аҳли қондош.  
Мингта дардга малҳам даво, содиқ сирдош.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

Табиб айтар халқим учун яралганман.  
Ибн Сино йўлларига таралганман.  
Гипократдек пок қасамга ўралганман.  
Ҳар замон бир ўзингизга раҳм қилинг.

**Рухсора Оллоёрова**

### **ЙИҒЛАБ КЕЛГАН, КУЛИБ КЕТАР**

Йиғлаб келган, кулиб кетар,  
Шижоатга тўлиб кетар,  
Бош шифокор малҳамидан,  
Дардга даво олиб кетар.

Ҳамширалар мисли баҳор,  
Қўллаб юрсин Парвардигор,  
То бор шундай шифохона,  
Ер юзида қолмас бемор!

## ОҶАР ДАРЁНИ ҚАДРЛАНГ!

Оллоҳни қалбига жойлаган инсон  
Сизга ашғор битдим, ёзаман дoston.  
Кимки ният қилиб ичса малҳамдан,  
Танида қолмайди заррача нуқсон.  
Қадрини билайлик оқар дарёни,  
Дарёлар гуллатган чўлу саҳрони.  
Муолажа ҳузур — дардларни йиқар,  
Қушлар чуғурлайди — дилга хуш ёқар,  
Турфа миллат турли шаҳардан,  
Бири-бирига қуёш бўлиб боқар.  
Қадрини билайлик оқар дарёни,  
Дарёлар гуллатган чўлу саҳрони.

Бу бир мўъжизадир, бу бир каромат,  
Одамзотга хизмат қилар тоабad,  
Юрасан оёғинг тегмайди ерган  
Қалбингда жўш урар бахту саодат.  
Қадрини билайлик оқар дарёни,  
Дарёлар гуллатган чўлу саҳрони.

Элдан олиб элга сочар экан мард,  
Мард ҳаким олдида эгилади дард.  
Мен Самад бахшиман ниятим холис  
Оппоқ халатингиз ҳеч кўрмасин гард.  
Қадрини билайлик оқар дарёни,  
Дарёлар гуллатган чўлу саҳрони.



Овқат ҳазми оғизда бошланади. Таомни чайнаш жараёнида сўлак ажралади ва унинг таркибидаги энзим овқат ҳазмини бошлайди. Овқат ютилгач у ошқозонга тушади, ҳазм жараёни давом этади. У ердан эса ингичка ичакка ўтади, ҳазм жараёни ниҳоясига етиб, ингичка ичак толалари озиқ моддани сўради. Қолгани йўғон ичакка ўтиб, нажасга айланади. Агар истеъмол қилган таомимиз тоза-табiiй бўлмаса ичакларимиздаги қилчалар (ворсинкалар) уст қисми шлаклар билан қопланади ва бу ҳолат зарур озиқларнинг сингмаслигига олиб келади. Буни бартараф этиш учун қанча қиммат таблетка ютсангиз ҳам пулингизни ҳавога совурган бўласиз.

*Жозл Робинсон,  
АҚШлик амалиётчи врач ва жарроҳ*

Ўн тўртинчи бўлим

**ШИФОХОНАДАГИ  
ҚЎШИМЧА  
МУОЛАЖАЛАР ВА ЯНА  
БОШҚА МУЛОҲАЗАЛАР  
ХУСУСИДА**

## МАЛҲАМДАН ЎЗГА МУОЛАЖАЛАР ҲАМ БОР

Шифохонада физиотерапия хизматлари, мануал терапия, уқалаш муолажалари ҳам қўлланилади. Гастроэнтеролог, гинеколог, стоматолог шифокорларнинг маслаҳати ва хизматидан ҳам фойдалинишингиз мумкин. Хорижнинг замонавий ускуналари келтирилган. Масалан, **велотренажёр** бўғинларда йиғилган тузлардан халос бўлишга, оёқ қон томирларида қон айланишини яхшилашга хизмат қилади. **Электромассаж** — белдаги тузларни, бел ва думғозада ортиқча ёғ қатламларини йўқотишга ёрдам беради. Қорин бўшлиғини массаж қилади. Суякларни тортувчи, тўғрилашга хизмат қиладиган ускуна умуртқа диски, грижа, бел оғриғи, курак ости тузларини бартараф қилишда қўл келади. Амплипульс шамоллашга, тузларга қарши яхши





фойда беради.

Корея давлатидан «**Nuga best**» деб аталадиган замонавий даволаш мосламасини бу ерда «**Зўр ҳаким**» дея таржима қилишибди. Бир аппаратда уч хил даволаш ускунаси мавжуд. Улардан бири массаж кравати бўлиб, у умуртқа поғонасини чўзиш, нуқтали уқалаш, қиздириш, инфрақизил нурлар ёрдамида физиотерапия, паст частотали миостимуляция, ионотерапия орқали умуртқа поғонасидаги касалликларни, хусусан, диск чурраси, остеохондроз хасталиклари, шу билан бирга асаб чарчаши, периферик нерв системаси (радикулитлар), сурункали жисмоний толиқишлар, гинекологик-урологик касалликларни даволашда жуда яхши натижалар беради. Айниқса, малҳам натижасида тозаланаётган тузларнинг умуртқа бўғинларидан тезроқ тозаланишига кўмак беради.

Аппаратга тегишли яна бир мослама — нефритли кўл проектор (биз уни «телефон» деб атадик) мавжудки, унинг шамоллаган барча тана аъзоларига фой-



даси каттадир. Қўл проекторининг ички қисмига ёритиб ва иситиб турувчи 5 нефритли плафон ўрнатилган. Температураси 40-70° гача бўлган қўл проектори танадаги оғриқли, шишган ва қон йиғилиб қолган жойларни сўрдириб, яранинг битишига ёрдам беради. Айниқса, уни жигар ва қорин қисмига қўйиш тавсия қилинади, юз ва бўйин қисмидаги оғриқларни ҳам уқалаш йўли билан бартараф этиш мумкин.



«Nuga best»нинг учинчи даволаш мосламаси паст частотали камар-миостимулятор — массаж краватига ўрнатилган бўлиб, ундаги тоқлар суяк мушакларини ҳаракатга келтириб, ёғ қатламларини йўқотади, ичак ва мимфа тизимини яхшилайдди, ичаклар ва ўт ажратувчи йўлларни яхшилаш учун қорин қисмида фойдаланиш лозим.

**Сераген** деб аталувчи муолажа мосламаси ҳам кўпчилик шифолатабларга жуда ёқади.



Умуртқа поғонасини чўзишга мўлжалланган замонавий ускуналар эса бир дақиқа ҳам бўш турмайди.

Бундан ташқари, марказда **камар шолча ёки югурадиган шолча, қорин бўшлиғини ҳаракатга келтирувчи аппарат, куч талаб қилувчи аппарат, электр сувли ванна, магнитли терапия, ультратовуш аппарати** каби ускуналар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос даволаш хусусиятларига эга.

## ХАЛҚ УЧУН ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунда аниқ ташхис қўйиш бўйича дунё тиббиётида катта янгиланишлар содир бўлмоқда, янги-янги техникалар яратилмоқда. Масалан, МРТ (магнитно-резонансная томография) деб аталадиган қимматбаҳо техникани олайлик. У орқали бош миядаги ўзгаришлар, касалликлар, умуртқа поғонасидаги кўплаб хасталикларни ва бундан ташқари бошқа аъзолардаги қатор хасталикларни аниқлаш, ташхисни жуда аниқ қўйиш мумкин. Бундай ускуналарнинг аксарияти пойтахтда, айрим вилоят марказларида мавжуд бўлиб, бу аҳолига бироз ноқулайлик туғдиради. Шу боис «Эргаш ота» тиббий марказида Самарқанд шаҳар Микрокредитбанкдан кредит олиниб, Жанубий Кореядан мазкур ускуна келтирилиб ўрнатилди. Каттақўрғон тумани Самарқанд ва Навоий вилоятлари оралиғида истиқомат қилувчи аҳоли учун яқин тумандир. Шу би-





лан бирга нафақат юртимиздан, балки хориж давлатларидан даволанишга келаётган миждозлар учун ҳам яна бир қулайликдир.

Марказга келтирилган Япониянинг «Тошиба» фирмаси томонидан ишлаб чиқилган «Арлио 500» УТТ



рангли аппарати ёрдамида эса қўшимча диагностика тариқасида жигар, буйрак, юрак, ошқозон ости бези ва бошқа барча ички аъзолардаги жараёнлар аниқланиб, касалликларга ташхис қўйилади.

## **ЯКШАНБАНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАМИЗ?**

Бу савол ҳар бир кишида туғилиши табиий. Якшанба куни ҳамма дам олишни хоҳлайди, албатта. Айниқса, узоқ жойлардан келган миждозлар даволаниш баҳонасида бирор қадамжого бориб келишни истайдилар. Шифохона маъмурияти даволанувчилар талабларига биноан қадамжоларга сафарлар уюштиради. Дардингизга шифо топиш баҳонасида зиёрат қилишга ҳам имконият мавжуд.

— Беморларимиз даволаниш баҳонасида Самарқанддаги Имом ал-Бухорий, Регистон, Гўри Амир мажмуаларини, Дониёр пайғамбар мақбарасини, Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини, Навоийдаги



**Қадамжоларга янги сафар олдидан**

Нурота қадамжосини зиёрат қилишни қўп сўрайдилар, — дейди бу савобли ишда бош-қош бўладиган Мирза Эргашев.

Қолаверса, барча хоналар телевизорлар билан таъминланган. «Эргаш ота»да турли йилларда ўтказилган конференциялар учун алоҳида канал ишлайди. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодиса ёки кино, концертларга мўлжалланган каналлар ҳам мавжуд.

Ёшлар Wi Fi (вай-фай) қидириб қолишмайди. Бундан ташқари эсдалик учун фотосессия ҳам ташкил этилиши мумкин. Бунинг учун масъул бўлган Бекзод Аннақулов сизнинг хизматингизда.



## **ТИББИЙ ТУРИЗМГА САЛМОҚЛИ ҲИССА**

«Эргаш ота»нинг яна бир жиҳатини айтмасак адолатни бузган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан юртимиз дунёга очилди. Шу боис хорижликларнинг келишидаги расмийчиликлар камайди, Европа ва қўшни давлатлардан туризм баҳонасида даволанишга келатган фуқаролар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўтган 2019 йили рекорд даражага эришилди — 5 минг нафар хорижлик мижоз қабул қилинди. Б.Эргашев бу хизмати билан Ўзбекистон ҳаво йўллари, темир йўллари, автопарклар ва бошқа муассасаларнинг ҳам даромад олишига сабаб бўлмоқда. Туристлар марказ-

2019 йили рекорд даражага эришилди — 5 минг нафар хорижлик мижоз қабул қилинди.

***Бердиқул Эргашев,  
«Эргаш ота» тиббий марказ бош шифокори.***

да нафақат шифо топишмоқда, балки дардлари енгиллашгач, якшанба кунлари Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидаги қадамжоларга саёҳатга чиқишмоқда. АҚШдан келган Людмила Зинченко фикрига эътибор қаратинг:

- Қримга санаторийсига бориб, унинг тоза ҳавосидан, сувидан муолажа олишни режалаштириб қўйгандим. Лекин Москвалик дугонам Ўзбекистонга, «Эргаш ота» муассасасига бирга боришга таклиф этди. Ёшим 59да. УЗИ ўт қопимда тош борлигини аниқлади. Бўғимларим оғриб турар, бўйним бурилиши қийин эди. Бу ерда уч кундан кейин тошлар тушганини ўз





кўзим билан кўра бошладим. Ўн кундан кейин УЗИ ўт қопимдан тошларни топа олмади, бўғинлардаги оғриқ йўқолиб, бўйним ҳам бемалол буриладиган бўлиб қолди. Шунда Ўзбекистонни танлаб тўғри қилганимни англадим. Имкон топсам яқинларимга бу жой ҳақида айтиб, улар билан яна албатта келаман.

Эътибор берган бўлсангиз америкалик мижоз барча интиладиган Қримни эмас, Самарқандни танламоқда.

Тадбиркор шифокор янги имкониятлардан руҳланиб беш қаватли замонавий меҳмонхона қуришни бошлади. Вилоят ва туман ҳокимлари яқиндан ёрдам кўрсатиб, бу иншоот учун жой ажратиб берди. Бу чет эллик мижозларга шароит ва ёшларимиз учун қўшимча иш ўрни деганидир.

Б.Эргашев томонидан мазкур муассаса ташкил этилгач, 70 нафардан зиёд ёш мутахассис иш билан таъминланди. Шу билан бирга, ҳар бир вилоятдан «Эргаш ота»га одам ташиб, бола-чақасини боқаяётган «такси»чилар, ҳатто автобус ҳайдовчилари бор. Хаста ин-



сон ўзини кўрсатишга ёлғиз келмайди кўп ҳолларда. Улар шифокор ҳузурига киргунларича шу атрофда дам оладилар, бошқа ишбилармонлар қурган ошхонаю ресторанларда овқатланадилар. Улар ҳам якшанба кунлари юқорида номлари тилга олинган вилоятларга саёҳатга чиқишмоқда. Демак бу

маскан ички туризмни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.



Ўн бешинчи бўлим

# ШИФОКОР ТАВСИЯЛАРИ

Парҳез сақлаш ва соғлом овқатланиш ҳақида

## АБУ АЛИ ИБН СИНО: «ҚАНЧА КЎП ЕСАНГ, ОЧЛИК ҲИССИ ШУНЧА ОШИБ БОРАВЕРАДИ»

Ҳовлини айланиб сайр этиб юрган беморлар шифохона деворларидаги ёзувларни бирма-бир ўқиб, мағзини чақишади. Шундай ёзувлардан бирида: «Ҳамма нарса-нинг меъёри яхши», дейилган. Албатта, жисмонан кўп ишлаб ёки машқ қилиб толиққанингизда, кўп ўқиб, асабларингиз чарчаганида дам оласиз. Лекин овқатнинг меъёридан ортиқ истеъмол қилингани кейинроқ билинади, яъни безовта бўлганида киши «ошиб кетибди», деб қўяди.

Таом ҳақида алоҳида тўхталганимизнинг сабаби бор, албатта. Муолажа тутагандан кейин 21 кун парҳез қилишга тўғри келади. Буни сиз билан хайрлашаётганда бош шифокорнинг ўзи батафсил тушунтиради. Бироқ бу, парҳез-





Агарда истеъмол қилаётган таомларнинг таркибидаги масаллиқлар ўлик бўлса, пишириш жараёнида ундаги муҳим озиқавий элементлар камайган ёки умуман йўқолган бўлса ошқозонингиз тўла ҳолида ҳам очдан ўлишингиз мумкин.

**Бердикул Эргашев,**  
**фахрий профессор**

дан кейин овқатни меъёрига қарамай ейиш мумкин, деган фикрни англамайди. Қисқаси бу ҳақда Б.Эргашевнинг куйидаги тавсиясига амал қилган маъқул:

— Инсон доимо ҳаракатда бўлади. Шунинг учун маълум миқдорда овқатланиб туриши керак. Аксарият ҳолларда одамлар тескари ўйлайди, яъни масалан, «кўрдингми ош, кўтарма бош», деган гапни олайлик. Нималарни истеъмол қиламиз, қанча еймиз — гап шунда. Шу боис, сиз таъкидлаган ёзувларимизнинг орасида «Рухни, онгни даволамасдан туриб, танани даволаб бўлмайди», деган нақл ҳам битилган. Буюк ҳаким Ибн Сино ошқозон—бу қозон, қанча кўп есанг, очлик ҳисси шунча ошиб бораверади, деганлар. Шу маънода, ҳар бир кишининг қалби, юраги, виждонига ҳавола — қанча кам овқат ейилса шунча яхши. Бу ўринда Ибн Синонинг яна бир фикрларини келтириш жоиз, деб ўйлайман. У зот: «Тўқ инсон очликдан ўлиши мумкин», деганлар. Ичакларимиз 9 метрдан 12 метргача бўлса-да, асосий сўрувчи («форсункалар») қисми тўлиб қолса, овқат организмга мутлақо сингмайди, ҳазм бўлмайди. Демак, организм овқатдан озиқ ололмайди. Оқибатда одам хасталикка учраб, ҳаётини хавф остига қўйиши мумкин.

## БЕРДИҚУЛ ЭРГАШЕВ ТАВСИЯЛАРИ

### Қабулдан сўнг...

Қабул, одатда, куннинг иккинчи ярмида ўтказилади. Юқорида таъкидланганидек, қабул ва тиббий маслаҳатлар бепул. Агар сиз бизнинг беморимиз бўлсангиз, албатта, келадиган кунингизни белгилаб, йўлланма берамиз ва унга қадар уй шароитида даволаниб турасиз. Бунинг учун касалингизга мос равишда сизга шифобахш гиёҳлар берилади. Улардан фойдаланиш ва даволаниш жараёнида парҳез сақлаш тартиблари ҳам сизга тақдим этилади. Барча тавсияларни белгиланганидек бажарсангиз, аввало, дардларингиз енгиллашади, шунингдек, шифохонамизга келиб тезроқ соғайишингизга кафолат бор.

### Шифохонамизда даволаняпсиз...

Шифохонамизда даволаниш муддатингиз етиб келди, жойлашдингиз. Даволаниш жараёни беморнинг қон томирларига асосан (*Aa Radialis*), тирноқ ости қон томирларига, беморнинг ташқи кўринишига, шунингдек беморнинг шикоятларига қараб ташхис қўйилгандан сўнг, беморларни шарқона услубда гиёҳлар, ноёб малҳамлар, шарбатлар, мануал терапия ва беозор омилар билан даволаш бошланади. Шундан сўнг сургувчи гиёҳлар ва ҳуқна(клизма) орқали ичаклар тозаланади. Ҳар бир беморни ҳар куни шахсан ўзим қабул қилишимни ва бу жараёнда кетадиган вақтни ҳисобга олсангиз ўрнатилган ва кўп йиллардан буён синовдан ўтган тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилишингиз даркор.

### Малҳам ичдингиз...

Таъкидланганидек, малҳамни ўз қўлимдан олиб, ўз назоратимда истеъмол қиласиз. Қабулдан чиқишингиз би-

ланоқ ҳамшира қизлар қўлингизга «грелка» тутқазишадди. Уни олиб тезда хонангизга бориб, «грелка»ни суратдагидек ўнг қовурғангиз остига қўйиб, тинч ва хотиржам, қимирламасдан бир ярим соат ётишингиз талаб этилади. Ҳозир ривожланган даврда яшайпмиз. Кимдир шу фурсатдан фойдаланиб, ором ўрнига ётган ҳолича бутун қариндош-уруғ, дўсту ёрларига тинимсиз қўнғироқ қилиб ҳол сўраб чиқмоқчи бўлса, адашади.

### **Лирик чекиниш**

#### **ёхуд қозон тозалашни биласизми?**

Қозонни тозалаш жараёнидан бохабарсиз, деб ўйлаймиз. Қозон ифлосланиб қорайганлиги сабабли ўтда куйдирилади, қизий бошлагач, кейин тутаб ёна бошлайди. Натижада қозондаги барча доғлар кулга айланиб тушиб кетади, қозон эса аввалги ҳолига қайтади. Шу каби шифохонамизда даволаниш даврида бемор танасида мавжуд бўлган ҳамма заҳарли модда ва улар сабабли пайдо бўлган касалликлар бу муолажа туфайли эриб ҳазм бўлади. Қолдиқлари - «кули», яъни газлар ўпкадан, қонда эриган моддалари сийдик билан, ичакда қонда сўрилмай қолганлари ҳуқна орқали чиқиб кетади. Натижада бемор танаси покланади.

### **Ҳуқна...**

Бир ярим соат ўтгач, албатта, шифохона ҳуқнахонасига боришингиз керак бўлади. Ундан холос бўлиш учун битта тувак олиб қўйишни унутманг. Малҳам таъсирини қандай ўтказаетганини ўз қўзингиз билан кўришингиз ва сиз умуман кутмаган-кўрмаган нарсалар тушганда ҳуқначилар назоратидан ўтказишни унутманг. Дарвоқе, даволанишни бошлаганингизга уч кун бўлганда эрталаб шифобахш гиёҳлардан тайёрланган микроклизма қабул қилишингиз мумкин бўлади.

## **Фақат олма шарбати, бошқаси эмас!**

Муолажа вақтида кунига 2—3 литр ёки бундан ҳам кўпроқ миқдорда олма шарбати ичиш тавсия этилади. Чунки олма шарбати таркибида хлорогинат кислота, қанд моддалари, пиктен моддалар, ошловчи ва бўёқ моддалар, аскарбинат кислота, витамин В<sub>1</sub>, органик фосфор бирикмалари, эфир мойи, калий, темир, марганец ва мис мавжуд бўлиб, юрак фаолиятини яхшилаш билан биргаликда қонни ҳам кўпайтиради.

Тажрибадан маълум бўлдики, юқоридаги талаб айtilса-да, тез кунда айримларнинг меъдасига тегади чоғи, «ўрик ва ҳоказо шарбатларни ҳам ичсак бўлмайдами», дея савол беришдан тинмайдилар. Олма шарбати темир моддаси ва бошқа танамиз учун зарур юқорида таъкидланган витаминларга бойдир. Бошқа шарбатнинг истеъмол қилиниши шифо топишингизга тўсқинлик қилиши амалда исботланган.

## **УЙДАГИ ПАРҲЕЗ...**

Малҳам дардингизни олиб, сизни даволагач, иштаҳангиз очилиши табиий. Қолаверса, тансиқ таомларни кўнглингиз тусаши ҳам аниқ. Лекин уйигизга кетишингизга рухсат берилгач, овқатга бўлган «соғинч»ингизни дарҳол қондиришга киришманг. Акс ҳолда, аввало, ўзингизга зарар бўлади, қолаверса, шифокорнинг шунча тоат-ибодатини йўққа чиқаришингиз мумкин. Даволаниш жараёнида, аввало, нафсингиз сабаб кўп касалликларга чалинганингизни англайсиз, шунда нафс тарбияси билан қанчалар кўпроқ шуғуллансангиз келажагингиз учун шунча фойдадир. Кетар чоғингиз сизга 21 кундан 24 кунгача парҳез тутиш тавсия қилинади. Кўпчилик оила бекалари парҳез таом деганда товук шўрваю маставани тушунадилар, холос. Ҳар кун икки таом истеъмол қилинавергач, улар ҳам меъда-

га тегади. Шу боис, қуйида тавсия этилаётган таомнома-лар овқатингизни ранг-баранг қилади.

**Парҳез давомида ёғли, хамирли, шўр, аччиқ, нўхатли ва мошли таомлар истеъмол қилиш, спиртли ичимликлар, нос, сигареталар чекиш мутлақо ман этилади. Оғир ишлар ва оғир юк кўтариш мумкин эмас.** Шунингдек, қайнатма овқатларингизда ҳам қўй, от, чўчқа, ўрдак гўштларидан фойдаланманг. Парҳезнинг иккинчи ҳафтасида қайнатиб, димлаб пиширилган гуруч, гречка, перловка сингари овқатларни истеъмол қилишга рухсат берилади.

**Унутманг! Дастлабки уч кун фақат суюқ парҳез таом НОНСИЗ ичилади.** Уч кундан кейин ҳам кўп миқдорда нонни суюқ овқатингизга бўктириб ейишдан чекланинг. Ҳар нарсанинг ози ширин бўлади, дейди доно халқимиз.

## ПАРҲЕЗЛИ СУЮҚ ТАОМЛАР

### Чопма (қийма) шўрва

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзига ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва оз туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади. Қулинг ўргилсин чопма шўрва тайёр, ёқимли иштаҳа!

### Товуқ шўрва

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм товуқ гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган товуқ гўшти кичик бўлақларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

### **Балиқ шўрва**

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм балиқ гўшти, бир дона лавлаги, бир боғдан кўкатлари - петрушка, укроп, кўк пиёз, шунингдек бир чой қошиқ ўсимлик ёғи, туз.

**Тайёрлаш усули:** лавлагини пўчоғи билан 40 дақиқа қайнатинг, сўнг совутинг. Балиқни бўлақларга бўлинг ва сабзавотлар билан бирга қайнатинг. Лавлагининг пўстини тозалаб, кубик шаклида тўғранг ва шўрвага солинг. Петрушка ва кўк пиёзни тозалаб, майда тўғраб шўрвага қўшинг. Шўрва пишгач, туз ва ўсимлик ёғи қўшиб дастурхонга тортиш мумкин.

### **Қайнатма шўрва**

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм суякли(қовурғага ўхшаш иликсиз суяк бўлсин) мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти пичоқда кичик бўлақларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишгунича паст оловда қайнатилади.

## Карам шўрва

**Керакли масаллиқлар:** 500 грамм карам, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, икки дона шолғом, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг карам билан бирга пиёз, сабзи ва шолғом майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишғунича паст оловда қайнатилади.

## Шолғом шўрва

**Керакли масаллиқлар:** 300 грамм шолғом, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг шолғом билан бирга пиёз, сабзи майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, пишғунича паст оловда қайнатилади.

## Лавлаги шўрва

**Керакли масаллиқлар:** 500 грамм димлаб ёки қайнатиб пиширилган лавлаги, 200 грамм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган мол гўшти гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопила-

ди. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасида ажралиб чиққан кўпиклар, албатта, олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом майдалаб тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, паст оловда қайнатилади. Гўшт, сабзи ва шолғом пишай деганда майдалаб, тайёрлаб қўйилган лавлаги овқат пишгунича паст оловда қайнатилади.

### Мастава

**Керакли масаллиқлар:** бир пиёла гуруч, 200 грамм лахм мол гўшти, бир бош пиёз, икки дона сабзи, бир қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган 200 грамм мол гўшти пичоқда кичик бўлакчаларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи тўғраб солинади. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет равишда солиниб, гўшт пишгунича паст оловда қайнатилади. Ниҳоят бир пиёла гуруч ювиб солингач, паст оловда қайнатиш овқат пишгунича давом эттирилади.

### Оқ мастава

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм мол гўшти, бир пиёла гуруч, бир бош пиёз, бир қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, укроп(шивит), туз, бир пиёла сузма(чакки).

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган гўшт гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз ва ўсимлик мойи солинади. Укроп, зира ва туз кетма-кет солиниб, бир оз

қайнагач, гуруч ювиб солинади, сўнг пишгунича паст оловда қайнатилади. Пишган оқ мастава оловдан олиниб бироз совигунча ёгсиз сузма(чакки) эзиб суюлтирилади ва маставага қўшиб яхшилаб аралаштириб, сузилади.

### **Шолғомли мастава**

**Керакли масаллиқлар:** икки дона шолғом, икки дона сабзи, 200 грамм мол гўшти, бир пиёла гуруч, бир бош пиёз, бир қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, укроп(шивит), туз.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган гўшт гўштмайдалагичдан ўтказилади ёки гўшттахтада чопилади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи ва шолғом нўхатдек қилиб тўғраб солинади. Бир ош қошиқ ўсимлик мойи солиш мумкин. Укроп, зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет солиниб, гўшт пишгунча қайнагач, гуруч ювиб солинади, сўнг пишгунича паст оловда қайнатилади.

**Парҳезнинг иккинчи ҳафтасидан тушлик даврида қуюқ таомларга рухсат берилади.**

## **ҚУЮҚ ТАОМЛАР**

### **Димланган гуруч**

**Керакли масаллиқлар:** ярим кило гуруч, туз, зира, ярим литр сув.

**Тайёрлаш усули:** гуруч ювилиб, қозонга солинади. Устидан сув қуйилади. Қайнаб чиққач, икки-уч қошиқ ўсимлик ёғи солинади. Кейин туз, зира сепилиб, паст оловда димлаб қуйилади.

### **Парҳез палов**

**Керакли масаллиқлар:** 200 грамм мол гўшти, тўрт-беш дона сабзи, икки пиёла гуруч, бир бош пиёз, икки-уч ош қошиқ ўсимлик ёғи, ярим қошиқча зира, туз, аччиқ қалампир қўшилмаган бир қошиқ томат.

**Тайёрлаш усули:** совуқ сувда ювилган мол гўшти пичоқда кичик бўлакчаларга бўлинади. Қозонга керагича сув қуйиб, гўшт солинади ва паст оловда қайнаб чиққунча кутилади ва сув юзасига ажралиб чиққан кўпиклар олиб ташланади. Шундан сўнг пиёз, сабзи, паловга тўғралгани каби тўғраб, солинади. Ўсимлик ёғи ва тоmat солиш мумкин. Зира ва туз ҳам улар билан кетма-кет солиниб, гўшт ва сабзи пишгунича қайнатилади. Сўнг гуруч ювиб солинади ва паловга солинадиган миқдордан кўпроқ сув қуйиб, ўртача оловда суви тортилгунича қайнатилади. Суви тортилгач, бироз зирани эзиб, гуручлар устига барабар сочасиз-да, гуручларни аралаштириб, қозон қоққоғини ёпиб, жуда паст оловда 30 дақиқа димлайсиз. Агар сувини оби-тобида солган бўлсангиз, қулинг ўргилсин, мулойимгина, ошқозонга қаттиқ ботмайдиган парҳез палов тайёр бўлди деяверинг. Ош бўлсин!

### **Димланган қовоқ**

**Керакли масаллиқлар:** ошқовоқ, зира.

**Тайёрлаш усули:** ошқовоқ кесилиб, уруғидан тозалангач, бўлакраниб, манти қозон қасқонларига пўстлоғи билан териб чиқилади, устидан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

### **Димланган лавлаги**

**Керакли масаллиқлар:** лавлаги, зира.

**Тайёрлаш усули:** лавлаги тозалангач, паррак-паррак кесилиб, манти қозон қасқонларига териб чиқилади, устидан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

### **Димланган шолғом**

**Керакли масаллиқлар:** шолғом, зира.

**Тайёрлаш усули:** шолғом тозалангач, паррак-паррак кесилиб, манти қозон қасқонларига териб чиқилади, усти-

дан таъбга яраша зира сепилади ва пишгунича димланади.

## ШАРБАТЛАР

**Парҳез давомида ичишга рухсат берилган шарбатлар:** олма, сабзи, бодринг, тарвуз ва ўрик шарбатлари бир кунда 250 дан 400 граммгача.

### ПАРҲЕЗ ДАВРИ ТУГАГАЧ...

Соғайиш учун сиз босиб ўтган йўл сизга ҳаётнинг, ундаги лаззатларнинг қадрига, моҳиятига етишга ўргатди, десак муболаға бўлмайди. Шу боис парҳездан кейин ҳам тановул қиладиган овқатларингиз ҳақида ўйлаб кўрсангиз фақат соғлигингиз учун фойдали бўлади. Қуйида уларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

**1. Рафинация қилинган шакар организмга ҳеч нарса бермайди.** Уни кўп истеъмол қилиш турли касалликларни келтириб чиқаради. Табиий озуқага нисбатан иштаҳани йўқотади. Унинг ўрнига табиий асал истеъмол қилинг.

**Асал — ҳаёт шарбати.** Ширинликлар султони ҳисобланувчи асални одамзод ўзининг илк давридан бошлаб истеъмол қилиб келади. Қадим замонларда ўтган олим ва фозил кишиларнинг асарларида асалнинг шифобахш хосиятлари баён этилган эди. Машҳур юнонистонлик олим Пифагор: анча узоқ умр кўрганимнинг боиси мутасил асал истеъмол қилиб турганимдандир, деб таъкидлаган эди. Қадимий юнон файласуф донишманди Демокрит юз йилдан ошиқ яшаб, «узоқ умр кўриш учун ични асал билан таъминлаш, сиртдан мойли муолажа қилиш зарур», деган хулосага келган. Таниқли румо табиби Жолинус ҳаким эса асални жуда кўп хасталиклар даво-си сифатида тавсия этган эди.

Тиббиёт илмининг султони Абу Али Ибн Сино (980-1037) асалнинг хосиятларини санаб ўтган: асал мижозни тозалайди, томир йўлини равон қилади, ҳўллик ва газак шимдирувчи қуввати бор. У ҳўлликни ва газакни баданнинг чуқур ерларидан тортади, гўштни сасиш ва бузилишдан сақлайди, чиркли чуқур яраларни тозалайди. Асал кўз хиралигини кетказади. Асални танглай билан эзиб суриш ва фарғара қилиш буғмадан халос этишга ёрдам беради, бодомча безларининг озорланишига қаршилик қилади. Асал суви меъдани кучайтиради, ишгаҳага баракка бериб, ҳазмни яхшилайди. Асал аччиқтош билан муштаракликда темиратки азиятидан халос этади. Ибн Синонинг кўрсатишига қараганда ёш навқиронликни сақлаш учун асал истеъмол қилиш лозим. Унинг тавсиясига қараганда, айниқса ёши 45 дан улўф бўлган кишилар асалдан тез-тез истеъмол қилиб туришлари керак.

Сихат саломатликни яхши сақлаш учун ҳар куни наҳорга асални сув билан аралаштириб ичиш лозим. Бунда ёмғир сувидан фойдаланиш янада яхши. Асал кўкрак ва плеврани яхши тозалайди, ундан талоқ хасталикларини даволашда фойдаланилади. Асал ел ҳосил бўлишини тўхтатади, буйрак ва қовуқда мавжуд бўладиган тошларни эритишга ёрдам беради, зўриқиб сийишда енгиллик беради, аъзоларда пайдо бўлувчи зарарли нарсаларни тозалайди.

Асал сув билан ичилса, жинсий қувватни оширади, сийдик ажралишини яхшилайди, ичак ва қовуқда мавжуд бўлувчи яраларнинг тузалиши ва тозаланишига ёрдам беради. Асални сув билан ичиш чанқоқни қондирувчи амал ҳисобланади. Булардан ташқари, асал бедармонликда, силла қуришида ва сил касалликларида қувват бағишлайдиган табиий даводир. Бунинг учун асални сабзи

шарбати ёки сут билан кунига 60 - 100 граммдан истеъ-  
мол қилиш лозим кўрилади. Асал тановул этилганда ўн  
икки бармоқли ичак ярасига малҳамлик қилади, ошқо-  
зон-ичак йўли фаолиятини яхшилайдди.

Асал юракка қувват бағишловчи омил сифатида ҳам  
қадрланади. Аниқ маълумотларга қараганда, муттасил оз-  
оздан асал истеъмол қилиб туриш юрак фаолиятини  
яхшилайдди, одамнинг умумий ҳолатига ижобий таъсир  
кўрсатади, гемоглабин салмоғини оширади, юрак-қон то-  
мир тонусини кўтариб туради.

Асал буйрак касалликларини даволашда ҳам беозор  
омил ҳисобланади. Чунки, асал таркибида жуда оз миқ-  
дорда оқсил бўлиши билан бирга, унда ортиқча тузлар  
бўлмайди.

Қадимги табиблар асалнинг серхосиятлигидан ўрин-  
ли фойдаланганлар. Жумладан, асал ёнғоқ мағзи, майизни  
чирбанд қилган ҳолда қувватбахш омил сифатида истеъ-  
мол қилишни тавсия этар эдилар.

Асал қон ҳосил қилувчи аъзоларнинг фаолиятини  
кучайтиради, жигар касалликларига малҳамлик қилади.

Маълумотларга қараганда, 1-2 ой мобайнида суткаси-  
га ўртача 70 граммдан асл асал истеъмол қилиб турила-  
диган бўлса, у оғир юрак хасталикларига даво бўлиб, бе-  
мор аҳволини бирмунча яхшилайдди, қон таркибини меъ-  
ёрга келтиради.

Асл асал уйқу бағишловчи беозор неъмат ҳисобланади,  
1 ош қошиқ асл асални 1 стакан илиқ сувда эритиб, уйқу  
олдидан ичиладиган бўлса, уни тинимли чуқур уйқу қучо-  
фига олади.

Асал хафақон хасталигининг давоси ҳамдир. Чунки,  
унинг таркибида ацетилхолин моддаси мавжуд бўлиб, у  
қон босимини тушириш хусусиятига эга.

Асал гўдак болалар учун тўйимли неъмат ҳисобланади, айниқса, она сути камчилигида фойдали эканлиги билан ажралиб туради.

Асал изтиробли йўтал балосидан фориф бўлишга ёрдам беради.

Кўхна замонларда юнонлар асални «ёшликнинг шарбати» ҳисоблаб, ўша даврларда Олимпия ўйинлари иштирокчиларига ичиришни одат қилган эдилар.

Табобат илмининг улуғлари юқоридаги хусусиятларнинг барчасини бирлаштириб, асални ҳаёт шарбати дея эътироф этишган.

**2. Оқ ундан тайёрланган нон маҳсулотларини камроқ истеъмол қилинг.** Унда буғдойдаги фойдали элементлар йўқ. Нон, кондитер маҳсулотлари, музқаймоқ, пишлоқ, гўштгли газаклар еманг, уларга кимёвий қўшимчалар қўшилади. Бўйни ўстирадиган, вазни оширадиган гармон стимуляторлар билан боқилган ҳайвон ва парранда гўштини истеъмол қилманг. Сув ёрдамида қайта ишланган ёғ, ишлов берилган сут, қайта ишланган пишлоқ, эритилган пишлоқ ва шоколад маҳсулотларини истеъмол қилмасликни маслаҳат берамиз.

**3. Тўғри овқатланиш орқали соғлиқни сақлаш мумкин:**

- янги узилган мевалар, сабзавотлар, ёнғоқлар, писталар табиий озуқалардир;
- оқсил, бу асосан гўшт (уни меъёрида қайнатинг, кўп қайнаса оқсил бузилади);
- сутли маҳсулотлар ҳам фойдалидир;
- сабзавотни кам сув билан паст ҳароратли оловда пиширинг;
- овқат тайёрлаш учун ўсимлик ёғидан фойдаланинг.

## Шифокор маслаҳатлари

### КАСАЛЛИККА ЧАЛИНМАСЛИК УЧУН...

Доно халқимиз айтганидек, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган яхшидир. Шундай экан ушбу қоидаларга амал қилган инсон йиллар давомида касалликка чалинмаслиги табиий ҳолат:

\* Сиз ўз танангизни ҳаётнинг буюк кўриниши сифатида ҳурмат қилишингиз керак.

\* Сиз ҳар қандай нотабиий ва жонсиз озуқалардан, кўзғатувчи ичимликлардан воз кечишингиз керак.

\* Сиз ўз танангизни табиий, қайта ишланмаган, тирик озуқалар билан озиқлантиришингиз керак.

\* Сиз ўз соғлигингиз учун йиллар давомида содиқ ва беғараз хизмат қилишингиз керак.

\* Сиз ўз фаолият ва ҳордифингизнинг тўғри мувозанати йўли билан танангизни тиклаб олишингиз керак.

\* Сиз ўз ҳужайра, тўқима ва қонингизни тоза соф ҳаво ва қуёш нури билан тозалашингиз керак.

\* Сиз танангиз ёки ақлингиз ўзини ёмон сезганда ҳар қандай овқатдан тийилишингиз керак.

\* Сиз ўз ўй, сўз ва туйғуларингизни тоза, осойишта ва юксак сақлашингиз керак.

\* Сиз табиат қонунлари бўйича билимингни доимо ошириб боришингиз, уни ҳаётингиз шиорига айлантиришингиз ва меҳнатингиздан роҳатланишингиз керак.

\* Сиз табиат қонунларига буйсунишингиз керак.

\* Саломатлик - сизнинг ҳуқуқингиз, бу ҳуқуқдан фойдаланинг!

## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Ўқиб чиқдингизми китобни? Сабрингизга, шижоатингизга балли! Унутманг, Сиз дунёда ягонасиз! Инсон бетакрордир! Шундан бўлса керак касалликларнинг жараёни ҳар хил кечади. Лекин хасталик аломатларида ўхшаш жойлари ҳам йўқ эмас. Шу боис ҳар бир шифо топган миждонинг сўзларини тиббий атамаларга айтантирмасдан АЙНАН келтирдик.

Ушбу китобга тартиб берган камина ҳам сиз қатори биргина касаллик — буйрак ва қовуқдаги тошларни туширишга мажбур бўлиб келган. Айтилган тошлар қувилгунча ўт қопидаги тош балосидан қутилганман — 28 та турли катталиқдаги тошлар тушган.

Буйракдаги тош қандай пайдо бўлишини пешоб орқали чиққан бир литрлик банканинг ярмини тўлдирган қум, туз ва яна алланималар бўтқасидан иборат аралашма мисолида ўз кўзим билан кўрганман. Демак буйракда тош йиллар давомида йиғилади, бир-бирига ёпишиб, УЗИчилар тили билан айтганда «конкремент» пайдо бўлган.

Албатта, «Эргаш ота»ни топгунча буйрагим ва қовуғимда тош борлигини «приступ»нинг чидаб бўлмас даражадаги оғриқларидан кейин «MDS-Service» тиббий марказининг ўша пайтдаги энг ноёб ускуналари орқали текширишлар натижасида билдим. Тошни операция йўли билан олиб ташлаш кераклиги тўғрисидаги клиника врач хулосасидан (09.07.2004. соат 10.49) сўнг Тошкентнинг яна бир қанча таниқли нефрологу урологларига учрадим. Уларнинг хулосалари бир хил — жарроҳлик амалиёти! Қасалхоналардаги такрор муолажалардан ва бир томони Қибрай, бошқа томони Омонхона каби сувлари машҳур

санаторийлардаги «тош қувиш» жараёнларидан сўнг ҳам аҳволим яхшиланмади.

Буйракдаги хасталик, жигар гепатози — меъёрдан юқори қон босимини келтириб чиқарганди. Энг юқориси 170/120, дорилар ёрдамида ишчи қон босими 140/90 эди. Машҳур кардиологларнинг маслаҳати билан «Энам», «Энап» ва ҳоказо қиммат-қирон дориларнинг мунтазам «мухлиси» бўлганман. «Мухлислик» шундаки, айтилган дориларни узлуксиз (эргалаб битта, кечқурун битта таблетка) истеъмол қилишни тўхтатсам аҳволим ёмонлашарди. Уйимда каттагина «дорихона» пайдо бўлди, кейин билсам жигарим ҳам «аптека»га айланган экан. Қон босимидан қутулиш учун, нафақат, кардиология ва нефрология марказларида даволанганман, ҳатто, Тошкентдаги яшаш жойимни ҳам ўзгартирганман...

Бу бетакрор масканда қон босими меъёрга келди — 120/80! Шунингдек «гепатит В» асоратлари, ошқозон ости бези ўзгариши, бавосил ва яна қатор касалликлар «гулдас-таси»дан халос бўлдим.

Шифо ҳар кимда ҳар хил кечади. Масалан, икки марта даволанганимдан сўнг буйрак ва қовуқдаги тошлар йўқолган. Парҳезлардан сўнг юқорида менга ташхис қўйган тиббий марказнинг малакали врачига ва мутахассисларига қайта мурожаат қилдим. Ўзлари имзо чеккан ташхис қоғозларини кўрсатдим. «Яхшилаб текшириб кўринглар, қаерим-дадир тош бўлиши керак», дедим. Роса текширишди, буйракда озроқ туз топишди, лекин қовуқда тош йўқ эди (09.04.2006. соат 14.15). «Нега операциядан бошқа чораси йўқ», дея ҳукм чиқарасизлар», дея қаттиқ баҳслашдим. Улар «шукр қилсангизчи, қутулибсизку ахир, расмий медицина китобларида операциядан бошқа чораси ёзилмаган», деб туриб олишди.

Жонкуяр шифокор Бердикул Эргашев фикрлари ва шифо топганлар иқрорларидан англагандирсизки, камина касалликнинг асосларини эмас, ўша аъзоларни вақтинча асраш учун кимёвий дориларни мунтазам қабул қилиб, вужудимни азобда, асабларимни қўрқувда сақлаган эканман. Бу гаплардан сиз ҳам хулоса чиқаринг, азиз китобхон!

Энг асосийси, бу фурсатда китобда келтирилган кўплаб мўъжизаларни ўз кўзларим билан кўрган, қулоғим билан эшитган ва ёзган журналистман. Даволанишим чоғида куну туннинг исталган пайтида шифокор мени чақирдим, биламанки, қайсидир бахтли инсон танасидаги иллатдан халос бўлган. Шу боис докторга шогирдман десам ҳам бўлаверди.

Илгари туғилиб ўсган қишлоғимдаги ва бошқа жойларда яшовчи қариндош-уруғлар Тошкентга даволанишга тез-тез келиб туришарди. Худога шукр, таниш докторлар ҳам йўқ эмас, албатта, ёрдам берардим. Дейлик бир яқинимнинг ўт қопидаги тошларни собиқ ТошМИнинг машҳур профессори операция қилиб олиб ташлади. (Ҳозир бу ишимдан пушаймонман, албатта). «Эргаш ота»ни топганимдан сўнгги 15 йил ичида уйимизга касал келиши кескин қисқарди. Қўнғироқ қилиб дардларини айтишади, батафсил сўрайман ва уларнинг 90 фоизини «Эргаш ота»га йўллайман. Аввалига бироз хафа ҳам бўлишди, лекин натижадан қувониб раҳмат айтганлар ҳам кўп.

Жорий 2020 йил, яъни мазкур китоб ёзилган пайтда камина, адашмасам, мазкур шифо марказига ўн бешинчи бора келди. Баъзи пайтларда буни эшитган илк маротаба келган беморлар ҳафсалалари пир бўлиб «Хали ҳам тузалмадингизми», дея савол беришади. Уларга жавобим ўзгармасдир: **МЕН СОҒЛОММАН, ЛЕКИН АВВАЛГИДЕК КАСАЛ БЎЛИШНИ ИСТАМАЙМАН!!!**

## Мундарижа

<b>Сўзбоши</b> .....	3
«Аптека»си йўқ, аммо... дунёга машҳур шифохона.....	4
Америкалик Жозел Робинсон нима дейди?.....	5
«Нью-Йорк шаҳри врачлари қабулида бўлганман».....	10
Бердикул Эргашев: Касалликлар қандай	
Пайдо бўлади ва улар қандай даволанади?.....	11
Миядаги «Оч қолиш» ваҳимаси ҳақида.....	24
Марказда қандай касалликлар даволанади?.....	26
Малҳамнинг сири нимада?.....	27
Дарё бўйида жойлашган шифохона.....	28
Даволаниш муддати .....	31
«Жозелда бор алашим маним...».....	33
Яна «аптека» хусусида.....	35
Ибн Сино издоши .....	35
<b>Биринчи бўлим. Жигар хасталиклари</b> .....	41
«Лаборатория»нгиз яхши ишлайдими?.....	42
«Қоринда шиш пайдо бўлганди».....	43
«Оппоқ томирга ўхшаган нарсалар тушди».....	44
«Сабр қилсанг, тоғлар эгар бошини!..».....	45
«Ташхис — жигар циррози эди».....	47
«Тўққиз йиллик даҳшатли бош оқриги ва мўъжиза!».....	50
«Соғаяётганимни ҳис қиляпман!».....	52
«Жигарим қуриб циррозга айланганди».....	54
«Жигардаги парда — ҳолсизлигим сабаби экан».....	55
«Оқ пардачага ўхшаш нарса тушди».....	56
«Жигар циррози деб қайтаришди».....	57
«Моғорлаган чарвига ўхшаган нарса тушди».....	57
<b>Иккинчи бўлим. Ўт қолидаги чўкмас «тош»</b> .....	59
«11 сантиметрлик тош тушди».....	60
«Тушган тошларни жарроҳларга кўрсатмоқчиман».....	62
«Ўт қоли фойдага қолди».....	63
«Ўт халтаси қийшайган, дейишди».....	64
«Сабр-чидам билан даволаниш керак экан».....	65

«Ҳаётинг хавф остида, дейишди».....	66
«Халқимиз бахтига соғ бўлсин!».....	67
«Тўрт боришда 322 дона тош тушди».....	68
«Яшариб кетдим!».....	71
Тошкентлик тиббиёт ходимининг ҳайратлари.....	71
«Ҳамма томони игнасимон ўртаси тешик тош тушди».....	72
«Шифокорнинг айтганини бажаринг, кам бўлмайсиз!»....	73
«Яқинларим билан бирга тошу ўсимталардан халос бўлдик!».....	74
«Умр дафтаримга ёзиб қўйдим» .....	76
<b>Учинчи бўлим. Ошқозон ва ичаклардаги</b>	
<b>хасталиклар</b> .....	77
«Нега ичакларни чўмилтирмаймиз?».....	78
«Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай,	
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлағай».....	80
«Эргашевнинг даволаш усули дунёда тенгсиз».....	82
«Укажон, мени операция қилишмоқчи...».....	84
«Тушган тошларни жарроҳларга кўрсатмоқчиман».....	85
«Ошиқча ваздан, қон босими хасталигидан халос бўлдим».....	88
«Қабзият ва бавосил хасталигига учрагандим».....	89
«Ошқозоним оғриди».....	90
«Онам кўз ўнгимда ҳаётни севадиган қувноқ одамга айланди».....	90
«Натижа — аъло!».....	92
«Дардлардан узоқлаштирадиган маскан».....	93
«Ошқозон оғриши тўхтади».....	94
Опа-сингиллар ташаккури.....	94
«Кўз олдим қоронғилашиб кетарди».....	95
«Ошқозонимдан иккита зулукдек нарса тушди».....	95
«Қабзият дардидан озод бўлдим!».....	96
«Кўп жойларда даволангандим, аммо...».....	97
«Ўғил-қиз ва набираларимга шарт қўйдим».....	99
«Ақтўбеда бормаган клиникам қолмаганди».....	100

<b>Тўртинчи бўлим. Буйракдаги тош ва бошқа буйрак хасталиklarини операциясиз даволаш ҳақида</b> .....	101
Буйраклар нега касалланади?.....	102
«Буйрагингиз қуриб қолган дейишганди».....	105
«Буйракдан тош кўчганда...».....	106
«84 ёшдаман, 10та малҳам ичдим».....	109
«Эргаш ота»га олиб бор, тузалмасам операцияга розиман».....	109
«Ишонмасдим — фақат кўз ёшим оқарди».....	111
«Буйракларим ишлаб кетди».....	113
«Буйрагимда киста бор эди».....	114
«Бир жойим оғриси-оғримаса ҳар йили келаман».....	114
«Олти кун дегандан буйракдаги тошлар тушди».....	116
<b>Бешинчи бўлим. Жарроҳлик амалиётидан кейин ҳам «Эргаш ота»да даволаниш мумкин</b> .....	117
«Операциядан сўнг... нега тузалиб кетмадим?».....	118
«Битта буйрагимни операция жилиб олиб ташлашган эди».....	124
«13 минг евролик Европа дорилари наф бермади».....	126
«Операциядан кейин ҳам оғриқларим кетмади».....	128
Шифо истаб «ҳинд сори юзландим...».....	130
«Иккинчи буйрагимни операция қилдирмадим».....	132
«Ҳомиламни олдирганимдан афсусдаман».....	133
«Беш марта операция бўлганман».....	134
«Оғриқлардан кўп азият чеккандим».....	136
«Муъжизалар маскани».....	137
«Илгарироқ келмаганимдан пушаймонман».....	138
«Нега уч марта операция бўлдим?».....	139
«Уч марта наркоз олдим».....	141
«Операция қилишди, лекин яна без пайдо бўлди».....	144
«Уч марта операция бўлганман».....	146
<b>Олтинчи бўлим. Тирноққа зорлар қувончи ёхуд гинекологик касалликларнинг ҳам даволаниши хусусида</b> .....	149
«Ниятимга етаман, деган умиддаман».....	150
«Икки ўғил, бир қизнинг отасиман».....	153

«Ўғилли бўлдим!!!».....	154
«Аввал Шохжаҳон, кейин Аврангзеб туғилди».....	155
«Қизим операциядан, қариндошим фарзандсизликдан халос бўлди».....	156
«Бефарзанд эдик, ҳозир фарзандларимиз уч нафар!!!».....	157
«Ҳайз кўрмасдим».....	158
«Миома балосидан халос бўлдим».....	159
«Сийдик қопада ўсимта бор эди».....	160
Туркиялик мутахасислар: «Миомани бачадон билан бирга олиб ташлаймиз».....	161
«Сурункали цистит» хасталигидан халос бўлдим».....	162
«Миомадан қутулдим».....	163
«Иккинчи бор оналик бахтига муяссар бўлдим».....	164
«Қоп-қора пардалар ва лахта-лахта нарсалар тушди».....	165
«Ҳамма Тошкентга келиб даволанса, нега сен Самарқанд қишлоғига бориб, оч қолиб юрибсан?!».....	167
<b>Еттинчи бўлим. Қанд касали(диабет)ни даволаш мумкинми?</b> .....	171
Қанд касалининг иккинчи типи даво топади.....	172
«Қанд касалим йўқолди».....	175
«Илида икки маротаба келаман».....	175
«Қанд касалидан тузалдим, деб айта оламан».....	177
«Инсулин қабул қилишни тўхтатди».....	178
«Энг асосийси, «сахарим» меъёрга тушди».....	178
«Диабет касалига йўлиққандим».....	180
«Энди қанд касалиги ва қон босимига қарши даволаняпман».....	182
«Сехрли малҳам — обиҳаёт».....	183
«Ташхис: қандли диабет, гепатит В,С, ўт ишламайди».....	184
<b>Саккизинчи бўлим. Саратоннинг олдини олиш, ҳатто даволаш мумкин</b> .....	187
«Беморга имкон бериш керак».....	188
«Жигаримдан рақ пардалари тушди».....	188
«Менда саратон борлигини билмаган эдим».....	190
«Кистозная мастопатия»дан тузалдим.....	191
«Ҳайратомуз мўжизаларни ўз кўзим билан кўрдим».....	192

«Олмадек без парчаланди».....	193
«Онкология маркази: операция».....	195
«Қирқ кунга бораманми, йўқми, дегандим».....	197
«Беш марта химия олганман».....	198
«Оғзимдан бир литр қон билан рак тўқималари тушди».....	199
«Ўзим тошлардан, келинларим рак балосидан қутилди».....	200
«Саратонни тушириб кетганман».....	202
«Бундай касалим борлигини ўйламаган эдим».....	204
«Қаттиқ тушқунликка тушгандим».....	205
<b>Тўққизинчи бўлим. Оқ доғлар, соч тўкилишини даволаш, гижжадан халос бўлиш мумкинми?</b> .....	207
«Витилиго тарқалиши тўхтади».....	208
«Қизим соғ-саломат, икки ўғлини тарбияляпти».....	208
«Оқ доғлар дастидан паноҳ истаб».....	210
«Умидли дунё».....	211
«Бутун оиламиз билан келганмиз».....	214
«Олти метрли аскарида гижжасидан қутулдим».....	215
«Қўл-оёғимда оқ доғлар пайдо бўла бошлаганди».....	215
<b>Ўнинчи бўлим. Ошиқча вазндан халос бўлишни истайсизми?</b> .....	217
Семизлик нима?.....	218
«130 дан 102 килога тушдим!».....	223
«10 кунда 10 килога оздим».....	225
«150 килодан 65 килога тушдим».....	226
«Ошиқча вазндан халос бўлдим».....	227
«Соғлик — бебаҳо неъмат».....	227
«Озиш учун келгандим».....	228
<b>Ўн биринчи бўлим. Қон босимингиз нега юқори?</b> .....	229
«Қон босимим ошган эди».....	230
«Қон босими хасталигидан, ошиқча вазндан халос бўлдим».....	231
«Эргаш ота»га шошилинг!.....	232
«Ҳамкасб укажонимнинг даволаш услубига тан бердим».....	234

<b>Ўн иккинчи бўлим. Бошқа касалликлардан ҳам шифо топиш мумкин.....</b>	<b>237</b>
Замонамиз Ибн Синоси.....	238
«10-15 куни қолган дейишганди».....	242
«Кислород маскасида яшар эдим».....	245
«Бу ерда бедаво дарднинг ўзи йўқ экан!».....	246
«Шамоллаш касаллигидан қутулдим».....	249
«Акамга ҳар йили тўққиз литр қон қуйишарди».....	250
«Нега ҳамма Самарқандга интилади?».....	251
«22 набира, 7 чеваранинг бувисиман».....	252
«Ақтўбеда бормаган клиникам қолмаганди».....	253
«45 йиллик бўқоқ, 17 йиллик аллергия».....	253
«Сабр қилиб даволанинг!».....	254
«Ўғлимнинг кўзлари қизариб, қичишарди».....	255
«Бир неча хасталиқдан халос бўлдим».....	255
«Қўлим қорайиб қоларди».....	256
«Аллергиядан халос бўлдим».....	258
«Тўрт дардимга комплекс даво топдим».....	258
«Ревматизм ва бошқа хасталиклардан халос бўлдим»....	260
«Ўн қадам юрсам оғриқдан тўхтаб қолардим».....	261
«Оғзимдан яралар чиқарди».....	262
«Инфаркт ўтказибсиз, дейишганди».....	263
«Қабулга кириш учун 275-навбатга турганман».....	264
«Оёқ ва бел оғриғи сабаб келганман».....	265
«Дунёда ягона даволаш маскани».....	266
«Грижамни операция қилиш кераклигини айтишди».....	266
«Бош оғриғи, жигар, ўт қопи, ошқозон касалликларидан азият чекканман».....	268
«Даво излаб Эронга борганман, лекин...».....	268
«Оёқларим шишар, томирларим ёрилиб, кўкариб қоларди».....	270
«Бемалол велосипед ҳайдайдиган бўлдим».....	271
«Озғин ўғлим, ривожланиб кетди».....	271
Бир жуфт эътироф.....	272

<b>Ўн учинчи бўлим. Шеърга кўчган изҳорлар.....</b>	<b>273</b>
Халоскор.....	274
Нажот.....	276
Ўзингизга раҳм қилинг.....	277
Йиғлаб келган, кулиб кетар.....	278
Оқар дарёни қадрланг! .....	279
<b>Ўн тўртинчи бўлим. Шифохонадаги қўшимча</b>	
<b>муолажалар ва яна бошқа мулоҳазалар хусусида....</b>	<b>281</b>
Малҳамдан ўзга муолажалар ҳам бор.....	282
Халқ учун яна бир қулайлик.....	286
Якшанбани қандай ўтказамиз?.....	288
Тиббий туризмга салмоқли ҳисса.....	289
<b>Ўн бешинчи бўлим. Шифокор тавсиялари.....</b>	<b>293</b>
Абу Али Ибн Сино: «Қанча кўп есанг, очлик ҳисси шунча ошиб бораверади».....	294
Бердиқул Эргашев тавсиялари.....	296
Қабулдан сўнг.....	296
Шифохонамизда даволанаяписиз.....	296
Малҳам ичдингиз.....	296
Лирик чекиниш ёхуд қозон тозалашни биласизми?....	297
Хукна.....	297
Фақат олма шарбати, бошқаси эмас!.....	298
Уйдаги парҳез.....	298
Парҳез даври тугагач.....	305
Шифокор маслаҳатлари. Касалликка чалинмаслик учун.....	309
Сўнгсўз ўрнида.....	310

**Ҳалим САИД,**  
*«Меҳнат шухрати» ордени,*  
*«Олтин қалам» Миллий мукофоти совриндори*

**Бердикул Эргашев:**

# **ЭНГ ШИРИН ЛАЗЗАТ САЛОМАТЛИҚДИР**

**Б.Аннақулов олган суратлардан  
фойдаланилди.**

**Муҳаррир: Н.Намозова**  
**Саҳифаловчи-дизайнер: Б.Жонтемиров**  
**Мусаҳҳиҳ: П.Омонова**

Нашриёт лицензия рақами АІ№ 322. 26.01.2018  
2020 йил 12 мартда босишга рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 84x108 1/32. “BodoniUz” гарнитураси.  
Офсет босма. Офсет қоғоз. 17 шартли босма тобоқ.  
20 нашр тобови. Адади 20000 нусхада. рақамли буюртма.  
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Матбаа ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100128 Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

*Тел.: (371) 241-25-24, 241-83-29, 241-48-62*  
*Факс: (371) 241-82-69*

**www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz**